ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛМКАТЛАРИ Энг ЯНГИ ТАРИХИ

(5-СЕМЕСТР УЧУН)

Билим соҳаси: 100000 Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 Гуманитар фанлар

Таълим йўналишлари: 5120300 Тарих (Жаҳон мамлакатлари бўйича)

БУХОРО – 2019

Фаннинг ишчи ўқув дастури Олий ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2016 йил “9” 01 даги “1” – сон мажлис баёни билан маъқулланган “Жаҳон тарихи” фани ўқув дастури асосида тайёрланган.

Тузувчи:

Орзиев Маҳмуд Зайниевич

Бухоро давлат университети “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Қориёғдиё Зуфар Охунжонович

Тошкент ирригация ва миллиорация институти Бухоро филиали Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

Шукруллаев Юнус Асрорович

Бухоро муҳандислик-технология институти доценти, т.ф.н.

Кафедра мудири _____ Ҳайитов Ш.А.

Мазкур ЎУМ БухДУ “Тарих” кафедрасининг 2019 йил, августда ўтказилган йиғилишида муҳокама қилиниб, йиғилишнинг 1-сон баённомаси қарорига асосан тасдиқланган

Факультет кенгаши раиси: _____ Ж.Жўраев

Мазкур ЎУМ Тарих факультетининг 2019 йил августда ўтказилган илмий кенгашида муҳокама қилиниб, Илмий Кенгашнинг 1-сон баённомаси қарорига асосан тасдиқланган

МУНДАРИЖА

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР	
Маъруза мавзулари ва уларнинг матни	
Кўргазмали маърузалар матни	
Амалий машғулот мавзулари, уларнинг матни ва топшириқлар	
Назорат саволлари	
Хорижий ва маҳаллий адабиётлар	
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ	
ГЛОССАРИЙ	
ИЛОВАЛАР	
Фан дастури	
Ишчи фан дастури	
Тарқатма материаллар	
Тестлар	
Баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар	
Таълим тизими билан боғлиқ Қарорлар	

ЎҚУВ МАТЕРИАЛ ЛАРИ

МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАТНИ

1-мавзу: 1 ва 2 Жаҳон урушидан кейинги йилларда Европадаги мамлакатлар ва АҚШ

1. Биринчи жаҳон урушининг ниҳояси ва инсоният тарихида энг янги даврнинг бошланиши. Версал-вашингтон сул системаси

2. 1917 йилги инқилоблар. Германия, Астрия-Венгриядаги инқилоблар ва уларнинг оқибатиининг

3. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши оралиғида халқаро муносабатлар.

Таянч тушунча ва иборалар: Халқаро муносабатларда янги даврнинг бошланиши. Париж сулҳ конференцияси. Версаль системаси. Капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар. Репарация масаласи. Вашингтон системаси. Капитализмнинг қисман стабиллашувининг халқаро муносабатларга таъсири. Жаҳон иқтисодий инқирознинг халқаро муносабатларга таъсири. Фашистик давлатлар томонидан агрессиянинг бошланиши. Англия, Франция ва СССР давлатларининг Москва музокоралари. Ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида Совет-Герман шартномаси.

Дарснинг мақсади: Икки жаҳон уруши ўртасидаги йилларда Европа ва Америка мамлакатларининг ўзаро муносабатларини,зиддиятли тугунларини, ғолиб мамлакатлар билан мағлуб мамлакатлар ўртасидаги, ғолиб мамлакатларнинг ўзлари ўртасидаги ва ниҳоят капиталистик давлатлар билан ССЖИ ўртасидаги муносабатларни кенг ёритиш. Уруш икки ўчоғининг вужудга келиши сабабларини ва бунинг оқибатида халқаро майдондаги муносабатларнинг чигаллашиб кетиши сабабларини тушунтиришдан иборатдир.

1. Биринчи жаҳон руши сўнггида Росиядаги инқилоблардан сўнг босиб олинган жойларни тақсимлаб олиш масаласида капиталистик давлатлар ўртасида зиддият кескинлашди. Улар бир-бирларининг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига жиддий қаршилик кўрсатдилар. Жаҳон уруши мобайнида жуда ҳам бойиб, қарздор мамлакатдан қарз берувчи мамлакатга айланган АҚШ халқаро муносабатларда асосий роль ўйнашга зўр бериб интилди. Англия ўз мустамлака ерларини босиб олинган территориялар ҳисобига кенгайтиришга, Франция Европадп гегемон бўлиб олишга ва ўз мустамлакаларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Италия ўз территориясини Болқонда, асосий жанубий славян ерлари ҳисобига кенгайтириб олишга, Япония эса Хитой ери Шаньдунни ва Германиянинг Тинч океандаги мустамлакаларини ўзиники қилиб олишга зўр бериб уринди. Шу негизда АҚШ билан Англия, Франция билан Англия, Франция билан АҚШ, АҚШ билан Япония ўртасида зиддиятлар кескинлашди.

Россия урушдан чиққандан сўнг, Германия қўмондонлиги жангни ғолибона таъсирчан зарба билан якунлашга қарор қилади. 1918 йил апрель ойида немис қўшинлари Антанта мавқеларига кучли ҳужум бошлади. Дастлаб улар муваффақиятли ҳамла қилиб, Антанта қўшинлари мудофаасини ёриб ўтдилар ва Марна дарёси соҳилларига чиқдилар. Узоққа отадиган тўплар (Берта тўплари 120 км узоқликка отган) билан Парижни ўққа тутдилар. Аммо муваффақиятини мустаҳкамлаш учун Германия етарли захира топа олмади. Мамлакат ҳолдан тойган, армиянинг ҳарбий руҳи чўккан, халқ урушдан чарчаган эди. Айни пайтда Антанта АҚШдан тўхтовсиз ёрдам олиб турарди. АҚШ “шартномага қўшилган мамлакат” сифатида 1917 йил апрелда урушга кирган эди.

1918 йил ёзида герман қўшинлари Брест сулҳ шартномасини бузиб, Украинани, Белоруссияни, Дон-Кубань туманларини, Грузияни, Болтиқ бўйини, Қримни ишғол қилдилар. 1918 йил ноябрида совет элчилари Германиядан чиқариб юборилди. Интервентлар ички аксилинқилобчиларни қўллаб-қувватладилар ва рағбатлантирдилар. 1918 йил кузида Антанта қўшинларининг умумий ҳужуми натижасида тинкаси қуриган немис армияси кўп талафот кўриб чекинди. Германиянинг иттифоқчилари эса тор-мор қилинди. 1918 йил 29 сентябрда Болгария, 30 октябрда Австрия-Венгрия Антанта олдида таслим бўлди. Мағлубият ва бошланган инқилоблар натижасида Австрия-Венгрия империяси емирилди. Германия ёлғиз қолди ҳамда жиддий иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга дучор бўлди. Инқилобий вазият етилмоқда эди. Германия ҳукумати 1918 йил 5 октябрда АҚШ президенти Вильсонга мурожаат қилиб, яраш битими тузишни сўради. 1918 йил 9 ноябрда Германияда буржуа-демократик инқилоб бошланиб, монархия режими тугатилди. Республика эълон қилинди.

1918 йил 11 ноябрда Франциянинг шимоли-шарқидаги Компьен ўрмонида Антанта қўшинлари бош қўмондони маршал Фошнинг вагонида Германиянинг Эрцбергер бошчилигидаги делегацияси Антанта қўмондонлиги таклиф этган таслим бўлиш актига йўл қўйди. Бу актда Германияга ўз қўшинларини Франция, Бельгия, Люксембург, Эльзас-Лотарингиядан ва Рейннинг чап қирғоғидан тезда, аммо Австрия ва Венгриядан, Руминия ва Туркиядан, Россиянинг ишғол қилинган жойларидан Антанта кўрсатган муддатда олиб чиқиб кетиш мажбурияти юкланди. Германия ғолиб давлатларга жуда кўп миқдорда яроғ-аслаҳа, самолёт, ҳарбий кемалар, транспорт, чорва моллари ва бошқаларни топширадиган бўлди.

Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатларнинг таслим бўлган Германия, Австрия, Венгрия, Туркия ва Болгария билан сулҳ шартномаларини ишлаб чиқиш учун 1919 йил 18 январда Парижда сулҳ конференцияси очилди. Бу конференция 1920 йил 21 январгача давом этди. Конференцияда Антанта томонидан туриб урушда қатнашган 27 давлат вакиллари иштирок этди. Германия ва мағлубиятга учраган бошқа давлатлар фақат конференциянинг сўнгги босқичида, тайёрланган сулҳ шартномасини топшириш вақтида

қатнаштирилди. Конференцияда кичик давлатларнинг фикрлари эътиборга олинмади. Конференцияда АҚШ (президент Вильсон), Англия (бош министр Ллойд Жорж), Франция (Клемансо, конференция раиси) ва Италия (Орландо) асосий роль ўйнадилар. Ғолиб мамлакатларнинг манфаатлари ҳам бир-бирига тамомила зид эди. Франция Германиядан ўзининг кучсизлигини англаган ҳолда бу мамлакатни батамом кучсизлантирадиган ва Европада Франциянинг устунлигини таъминлайдиган тинчлик ўрнатилишини истар эди. Италия Адриатика денгизи соҳиллари ва ороллари қўлга киритишдан умидвор эди. Англия ўзининг империяси ҳудудларини кенгайтиришни ўйларди. Япония Осиёда устун мавқега эришишни орзу қиларди. АҚШ денгизларда сузиш эркинлигини таъминлашни талаб этар, шу йўл билан ўзининг океан флоти устунлигидан фойдаланишни мўлжалларди.

Конференция қатнашчиларининг доимо диққат марказида турган муаммо "Рус масаласи" эди. Большевизм ғояларининг ёйилиши қаршисидаги қўрқув Версаль конференциясининг қарорларига ҳам ўз муҳрини босди. ғарб мамлакатлари раҳбарлари конференция бошланган кунданоқ Россияга қарши интервенцияни ташкил қилиш билан шуғулландилар. Улар Россиядаги большевиклар ҳукуматини йўқотиш ўз мамлакатларидаги инқилобий ҳаракатни ва шарқдаги миллий-озодлик ҳаракатини бостиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблардилар.

Конференцияда Франция давлати Германияни заифлаштириш ва бўлиб юбориш учун, Баварияни Германия таркибидан чиқариш ҳамда Рейннинг сўл қирғоғидаги ерларда Рейн республикасини тузиш учун курашдилар ва уни ўз протекторатига олиш ниятида бўлдилар. Лекин Англия ва АҚШ бунга йўл қўймади. Улар Францияга, айниқса Совет Россиясига қарши тура оладиган кучли Германиянинг бўлишини истар эдилар. Франция Совет Россиясига ва Германияга қарши ўз иттифоқчиси Польшанинг ҳудудини анча кенгайтириш тарафдори бўлди. Англия билан АҚШ эса, Германияни жуда ҳам заифлаштирмаслик мақсадида Польшани анча кенгайтиришга қарши чиқди.

1919 йил 28 июнда Германия билан Версаль сулҳ шартномаси, 1919 йил 10 сентябрда Австрия билан Сен-Жермен, 1919 йил 27 ноябрда Болгария билан Нейй, 1920 йил 4 июлда Венгрия билан Трианон, 1920 йил 10 августда Туркия билан Севр сулҳ шартномалари тузилди. Бу шартномаларнинг ҳаммаси "Версаль системаси" деб аталди.

Версаль сулҳ шартномасига мувофиқ, Германия ва унинг иттифоқчилари урушнинг айбдорлари, деб ҳисобланди. Германиянинг ҳамма мустамлакалари тортиб олиниб, Англия, Франция, Бельгия ва Япония ўртасида тақсимланди, Франция ва Англия Африкадаги Того ва Камерунни тақсимлаб олдилар. Германия жануби-ғарбий Африкаси Жанубий Африка Иттифоқига, Германия шарқий Африкаси Англияга, Янги Гвениянинг Германияга қарашли қисми Австралия иттифоқига берилди. Германиянинг Тинч океандаги Каролина, Мариана ва Маршалл ороллари ҳамда Германиянинг Шаньдун ярим оролидаги (Хитой) ижарага олган

территорияси ва имтиёзлари Японияга ўтди. Германия Европада ҳам анчагина территориядан маҳрум бўлди.

Франция илгари қўлдан кетган Эльзас ва Лотарингияни қайтариб олди; у 15 йил давомида Саар области кўмирига эгалик қиладиган бўлди; бу даврда шу область Миллатлар иттифоқи томонидан идора қилинадиган бўлди. Рейн вилояти зонаси эса демилитаризация қилинди.

Эйпен ва Мальмеди округлари ҳамда Морене ҳудуди Бельгияга, Шимолий Шлезвиг плебисцит натижасида Данияга ўтди. Илгари босиб олинган Польша ерларининг жуда оз қисми, яъни Познаннинг шарқий қисми, ғарбий ва Шарқий Пруссиянинг бир қисми (Польша коридори), Юқори Силезиянинг бир қисми янги ташкил топган Польшага қайтарилди. Германияни Гданьск (Данциг)дан воз кечишга мажбур қилинди. Гданьск Миллатлар Иттифоқи ҳузуридаги "Эркин шаҳар"га айлантирилди. Клайпеда (Мемель) ҳам Германиядан ажратиб олиниб, кейинчалик Литвага топширилди.

Лекин Германия-Польша чегараси Польша зарарига ҳал қилинди. Польшанинг 100 000 кв.км. ер ва анча поляк аҳолиси Германия таркибида қолди. Польша Болтиқ денгизи билан Польша коридори орқали туташди, холос.

Германия Польша, Чехословакия, Австрия ва Финляндиянинг мустақиллигини таниди. Эльба, Одер, Неман ва Дунай (Германия доирасида) халқаро сув йўли, деб эълон қилинди. Бу йўлларни назорат қилиш учун халқаро комиссиялар тузиладиган бўлди.

Германия ҳарбий томондан чеклаб қўйилди Германияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. герман армиясининг сонини 100 минг кишидан оширмаслик шарт қилиб қўйилди. Германиянинг ҳарбий денгиз флоти ҳам қисқартирилди. Унда оғир артиллерия ва ҳарбий авиация бўлишига рухсат қилинмади. Армия бош штаби тугатилди. Бироқ Рейхсвер министрлиги доирасида умум қўшинлар бошқармаси тузилишига рухсат берилди.

Германия ўзининг уруш айбдори эканлигини тан олди ва ғолиб давлатлар фойдасига репарация тўлаб туриш мажбуриятини олди. Репарация тўловлари миқдорини махсус комиссия 1921 йил 1 майгача аниқлайдиган бўлди. шунга қадар Германиянинг репарация тўловлари ҳисобидан ғолиб давлатларга 20 миллиард марка миқдорида олтин ва турли моллар тўлаш мажбурияти юкланди. Германия мажбурият юзасидан ғолиб давлатларга деярли бутун савдо флотини, 8 минг паравоз, 230 минг вагон, 40 минг от, 140 минг бош қорамол ва ҳоказоларни топширди.

Юклатилган мажбуриятларнинг Германия томонидан бажарилишини таъминлаш учун Рейннинг сўл қирғоғи (Рейн зонаси) 1935 йилгача Антанта қўшинлари томонидан ишғол қилиб туриладиган бўлди. Бу қўшинлар учун бўладиган харажатлар Германия зиммасига юкланди. Немислар ўз ҳудудларининг 10 фоизини йўқотдилар, бу ҳудудда миллионлаб одам яшар, уларнинг бир неча юз минги уй-жойсиз қолган, ўнлаб шаҳарлар вайрон қилинган, миллионлаб одамлар ногирон бўлиб қолган эди.

Австрия Сен-Жермен сулҳ шартномасига мувофиқ, ўзининг деярли ҳамма жанубий славян территорияларидан воз кечди: Крайна, Триест билан бирга Истрия, Каринтиянинг бир қисми, Трентино области ва Жанубий Тирол Италияга берилди. Австрия, Югославия ва Чехословакиянинг мустақиллигини таниди, Чехословакия составига кирган Богемия ва Моравиядан воз кечди. Галиция Польшага, Буковина Руминияга қайтарилди. Сулҳ шартномаси Австриянинг мустақил давлат бўлиб яшаш халқаро ҳуқуқига асос солди; Австрияни Германияга қўшиш (аншлюя)ни тақиқлади. Лекин бу шартнома бир қанча халқларнинг ҳуқуқларини поймол қилди.

Австрияда ҳам умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. Лекин унинг 30 минг кишидан иборат ёлланма қўшин сақлашига рухсат берилди. Австрия репарация тўлайдиган бўлди. Австрия репарация ҳисобига ғолиб давлатларга ўзининг бутун савдо ва балиқ овлаш флотини топшириш мажбуриятини олди. Сен-Жермен сулҳида жанубий славян халқлари яшайдиган ҳудудларнинг бир қисмини Италияга, украинлар яшайдиган Буковинани Руминияга топшириш кўрсатилди.

Трианон сулҳ шартномасига мувофиқ, Венгрия ҳудуднинг деярли 70% дан ажралди. Трансильвания ва Банат Руминияга, Закарпат Украинаси ва Словакия Чехияга, Хорватия ва Словения Югославияга, Бургенланд Австрияга берилди. Венгрия Чехословакия ва Югославия мустақиллигини таниди. Венгрияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. Венгр армиясининг сони35 минг кишидан иборат қилиб белгиланди. Венгрия ҳам репарация ҳисобига тошкўмир, паровоз, вагон ва шу кабиларни берадиган бўлди.

Нейн сулҳ шартномасига мувофиқ, ғарбий Фракия Грециягa берилди. Болгария Эгей денгизига чиқиш йўлларидан маҳрум қилинди. Болгариядан 1913 йилда тортиб олинган Жанубий Добруджа Руминияда қола берди. Бир неча шаҳарлар (Цариброд, Боссилеград ва бошқалар) Югославияга ўтказилди. Болгария флоти ғолиб давлатларга берилди. Болгарияга фақат 20 минг кишидан иборат армия сақлашга рухсат берилди. Болгария ҳам репарация (2,2 миллиард олтин франк) тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари Болгария минглаб паровоз ва вагонлар, тошкўмир, чорва моллари ва ҳоказоларни топшириш мажбуриятини олди.

Севр сулҳ шартномасига мувофиқ, Туркия ўзига қарашли ҳудудининг 75% идан маҳрум бўлди. Туркия ҳудуди Кичик Осиё, Константинополь ва унинг атрофи билан чеклаб қўйилди. туркияга қарашли Фаластин ва Ироқ (Месопотамия) Англия назоратига, Сурия ва Ливан Франция назоратига топширилди. Туркия Арабистон ярим оролидаги ерларидан воз кечди ва у ерда ташкил топган Ҳижоз короллигини таниди; Мисрдаги ҳуқуқларидан Англия фойдасига воз кечди. Туркия Арманистоннинг мустақиллигини тан олиб, ўз таркибидаги арман ерларидан Арманистон фойдасига воз кечди. Курдистон Туркиядан ажралиб чиқди. Измир (Смирна), Адрианополь билан Шарқий Фракия, Дарданеллнинг Европа қирғоғи ва Галлиполийск ярим ороли Грециягa топширилди. Бўғозлар зонасини бошқариш махсус халқаро комиссияга юкланадиган бўлди. Туркия армиясининг миқдори 50 минг

кишилик қилиб чекланди. Туркия ҳарбий-денгиз флотининг деярли ҳаммаси иттифоқчиларга топшириладиган бўлди. Лекин Туркияда кўтарилган антиимпериалистик, миллий-озодлик кураши натижасида 1922-1923 йилларда султон монархия режими ағдарилди ва Севр сулҳ шартномаси бекор бўлди.

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Европада халқаро кучларнинг янги мувозанатини қайд этган Версаль шартномалар тартиби шу тариқа шаклланди. Бу тартибнинг ичида чуқур зиддиятлар мавжуд бўлиб, кейинчалик улар жаҳон иқтисодий инқирозларида, ғолиб ва мағлуб давлатлар ўртасидаги низоларда намоён бўлди.

1919 йили Париж конференциясида, Германия билан Версаль сулҳ шартномаси тузилган вақтда Миллатлар иттифоқи ташкил топди. Бу халқаро ташкилот биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида иш олиб борди.

1919 йил 14 февралда Миллатлар иттифоқининг низоми Париж сулҳ конференциясининг ялпи мажлисида қабул қилинди ҳамда Версаль ва бошқа сулҳ шартномалари текстига киритилди. Бу иттифоққа АҚШдан ташқари 43 давлат аъзо бўлиб кирди. Дастлаб АҚШ ҳам бу ташкилотнинг “аъзоси” бўлиб ҳисобланган эди. Аммо конференцияда кучлар нисбати Англия ва Франция фойдасига ўзгарганлиги ва Версаль системасида улар устун бўлиб қолганлиги сабабли АҚШ конгресси Версаль шартномасини ва унинг таркибий қисми бўлган низомни тасдиқламади, 1920 йилда Қўшма Штатлар бу иттифоққа киришдан бош тортди. Миллатлар иттифоқи ўз ишини Ассамблея, бешта доимий ва тўртта доимий бўлмаган аъзолардан иборат Совет орқали ва Бош секретарь бошчилигидаги доимий секретариат орқали олиб борди. Миллатлар иттифоқининг асосий органлари Женевада бўлиб, унга Англия ва Франция давлатлари раҳбарлик қилди.

Ғолиб мамлакатлар ўртасида ҳам зиддиятлар кучайди. Италия Версаль системасидан норози эди, чунки унинг ҳудуд ҳақидаги талаблари тўла қондирилмаган эди. Франция Туркиянинг Севр сулҳ шартномасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлади. 1920-1921 йилларда Франциянинг ёрдами билан ва унинг таъсири остида Кичик Антанта (Чехословакия-Руминия-Югославия сиёсий ва ҳарбий иттифоқи) тузилди. Франция Польша билан сиёсий-иқтисодий алоқа ўрнатди.

АҚШ 1921 йил августида Германия билан сепарат шартнома имзолади ва Германия иқтисодиётига фаол суқилиб кира борди. АҚШ ҳукумати немис монополияларини қўллаб-қувватлади.

Ўзаро зиддиятлар орасида айниқса АҚШ билан Англия ўртасидаги, шунингдек АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятлар энг асосий зиддиятлар бўлиб қолди. Англия ва Япония жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун курашда АҚШнинг энг хавфли рақиби бўлиб чиқдилар. Узоқ Шарқда АҚШ билан Япония ўртасида жиддий низо вужудга келди. Японияниг Тинч океанда, айниқса Хитой (Шаньдунда) ўз позициясини кучайтириб олганлиги Американинг агрессив муддаоларига зид эди. Германиядан олинадиган репарация масаласи ҳам ғолиб давлатлар ўртасида, айниқса

Франция билан Англия ўртасида низоларни кескинлаштирган сабаблардан бири эди. Франция репарациянинг кўп қисмини талаб қилди.

Репарация масаласида 1920-1921 йилларда бир неча марта конференция бўлиб ўтди. 1920 йил июнида Булонда чақирилган конференция репарация суммасини 269 миллиард олтин марка қилиб белгилади. Конференция репарациянинг 52%ини Францияга, 22%ини Англия, 10%ини Италияга ва қолган қисмини бошқа давлатларга маълум фоиз миқдорида тақсимлади. 1921 йил январидаги Париж конференциясида эса репарация суммаси 226 миллиард олтин марка миқдорида қилиб ва тўлаш муддати 42 йил қилиб белгиланди.

Германиянинг репарация тўловлари миқдори 1921 йил апрель-май ойларидаги Лондон конференциясида 132 миллиард олтин марка миқдорида қилиб белгиланди. Антанта Германияга дастлабки мўлжалларга нисбатан анча камайтирилган репарация шартларини мажбуран қабул қилдирди ва ўша йилнинг май ойидаёқ репарация ҳисобига 1 миллиард олтин марка ундириб олди. Германия 1919-1922 йиллар мобайнида ҳаммаси бўлиб 8 миллиард олтин марка тўлади. 1922 йил январида Германиянинг илтимоси билан репарация тўлаш муддати бир йилга кечиктирилди. 1923 йил январида Германия тўлов муддатининг яна кечиктирилишини сўради. Франция бунга унамади. Шу асосда янги низолар бошланди. Уруш қарзлари муаммоси урушдан кейинги йиллардаги чигал ва мураккаб масалалардан бири бўлди. Бу масала ҳам бир қанча халқаро кенгаш ва конференцияларда муҳокама қилинди.

АҚШ иттифоқчиларининг АҚШ дан қарзи 11 миллиард долларни ташкил қилар эди. АҚШ ҳукумати ўз иттифоқчиларига таъсир кўрсатиш учун ана шу қарзларни ўзига катта дастак қилишга уринди. Шу мақсадда АҚШ конгресси 1922 йил февралида бу қарзларни тегишли фоиз билан иттифоқчилардан сўзсиз ундириб олиш тўғрисида махсус қонун қабул қилди. Бу қонунни амалга ошириш юзасидан алоҳида комиссия тузилди. АҚШ қарзларни қисташ йўлига ўтди. Иттифоқчиларнинг қарзларни бекор қилиш ёки тўлаш муддатини кечиктириш умидлари чиппакка чиқди. Кейинчалик АҚШ айрим иттифоқчи давлатлар билан (масалан, 1923 йил февралида Англия билан) қарзлар масаласида битимлар имзолади, Англия қарзлари 30% камайтирилиб, тўлаш муддати 62 йил қилиб белгиланди.

АҚШ давлати Тинч океан ва Узоқ Шарқда ўз позицияларини мустаҳкамлашга, Англия ва Японияннинг ҳарбий-денгиз флотидаги вақтинча устунлигини йўқотиш ва зўр бериб қуролланиш учун вақтдан ютиш мақсадида денгиз қуролларини “чеклаш”га, Париж сулҳ конференциясининг Узоқ Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқишга, Париж конференциясидаги мағлубият учун қасос олишга киришдилар.

1921 йил мартида ҳокимият тепасига келган президент Гардинг бошчилигидаги республикачилар ҳукумати Париж конференциясининг қарорларини қайта кўриб чиқишни ўзининг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйди.

АҚШнинг ташаббуси билан янги халқаро конференция - Вашингтон конференцияси чақирилди. Бу конференция 1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача давом этди. Конференцияда 9 давлат: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Португалия, Япония ва Хитой қатнашди. Бу конференцияда АҚШ асосий роль ўйнади.

Конференциянинг асосий хужжатларидан бири - АҚШ, Англия, Франция ва Японияниинг 1921 йил 13 декабрда қабул қилинган "Тўрт давлат шартномаси"дир. Бу шартномада мазкур давлатларнинг Тинч океандаги ороллариниинг дахлсизлиги кўрсатилди. Улар бу ороллларга бошқа биронта давлат хавф солган тақдирда ўзаро маслаҳатлашиш тўғрисида келишиб олдилар. Бу шартномада 1902 йилда тузилган Англия-Япония иттифоқи тугатилди, у ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди. Натижада АҚШ Англияни Японияндан ажратиб, катта дипломатик ютуққа эришди.

Конференциянинг асосий ютуқларидан яна бири-АҚШ, Англия, Япония, Франция ва Италиянинг 1922 йил 6 февралда қабул қилган "денгиз қуролларини чеклаш тўғрисида шартнома"деган "Беш давлат шартномаси"дир. Бу шартномага мувофиқ, АҚШ Англия флотининг ўз флоти билан тенг даражада бўлишига, Япония флотининг АҚШникидан ортиқ бўлмаслигига, Англия билан Японияниинг ўзларининг Тинч океандаги оролларида ҳарбий-денгиз базалари қурмаслик мажбуриятини олишига эришди.

Конференциянинг хужжатларидан яна бири 1922 йил 6 февралда қабул қилинган Хитойга нисбатан сиёсат тўғрисидаги "Тўққиз давлат шартномаси"дир. Бу шартномага мувофиқ, мазкур давлатлар Хитойнинг суверенитетини, мустақиллиги ва территориал дахлсизлигини таниш "мажбурияти"ни олдилар. Улар Хитойда "тенг имкониятлар" принципига риоя қилиб, Хитойда алоҳида имтиёзлар ва ҳуқуқларга эришиш учун уринмаслик ва таъсир доиралари вужудга келтирмаслик "мажбурияти"ни олдилар. Япония Шаньдундан, англия Вэй Хайвейдан воз кечди. Бу шартнома Хитойда АҚШ ҳукмрон доираларининг "очиқ эшиклар" ва "тенг имкониятлар" деб аталган доктринасини мустаҳкамлади. Америка империалистларининг Хитойга суқилиб киришлари учун қўшимча имкониятлар вужудга келди.

Вашингтон конференциясида қабул қилинган шартномалар "Вашингтон системаси" деб аталди. Вашингтон системаси Версаль системасининг давоми бўлди.

Версаль-Вашингтон системаси мамлакатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик муносабатлари ўрнатмади. Тинч океанда кучлар нисбатини тенглаштириш тартиби мутлақо беқарор эди.

2. **Россия империяси биринчи жаҳон урууши даврида ўзининг ҳарбий-техникавий, иқтисодий қолоқлигини кўрсатиб қўйди**. Мамлакатдаги порахўрлик, миллионлар аскарларнинг ўлдирилиши ки асирга олиниши, очлик, қашшоқлик, халқ хўжалигининг вайрон бўлиши россияда инқилобий вазиятни вужудга келтирди. Ушбу инқилобий вазиятни назорат

қилиш учун буржуазия подшо ҳукуматини ағдариш деб билди. Рақиб давлатлар Россиянинг энг саноатлашган қисмларини босиб олганди. Бу ҳудудлар саноатнинг салкам 20%, айрим соҳалар бўйича 28 % ни берарди. Уруш йилларида салкам мингта саноат корхонаси ёпилди. Ишчиларнинг турмуш даражаси пасайгани, тўйиб овқат емаслиги меҳнат унумдорлигига ҳам таъсир кўрсатди. Масалан, урушгача бир ишчи ойига 12,5 тонна кўмир қазиган бўлса, 1916 йилда 8,8 тонна кўмир қазирди. Подшо ҳукумати яқинлашиб келаётган ички ғалаёнлардан албатта хабардор эди. Халқнинг талаби тинчлик эканлиги сабабли, ҳукумат 1916 йил охирида Швециядаги вакили Протопопов орқали Германия билан сепарат сулҳ борасида музокаралар бошлайди. Худди шундай хабарни Чернин (Австрия) Швецариядаги Россия вакилидан Австро-Венгрия билан сулҳ тузиш таклифини олганлигини қайд этган. 1917 йилда княз Голицин ҳукумат раҳбари бўлиб, у олиб борган қатъий чоралар халқ чиқишларини янада кучайтиришга сабаб бўлди. Халқнинг оммавий чиқишларидан чўчиган буржуазия, мамлакатда ўзлари “инқилоб” қилишга ва Николай II тахтдан “Ағдариш”га, унинг ўғли Алексейни подшо қилишга ва шаҳзода ёш бўлганлиги сабаб, регент сифатида унинг амакиси Михаил Романовни регент қилиш режасини тузадилар. Бу борада Антанта элчилари билан маслаҳатлашиб оладилар. Аммо, халқнинг “йўқолсин уруш”, “Нон”, “йўқолсин самодержавье” шиорлари остида чиқишлари тўхтамади. 1917 йил Февралида буржуа-демократик инқилоб бўлиб, 28 февралда Петербург қўзғолончилар қўлига ўтди.

27-28 февралда вақтли ҳукумат тузилиб, барча ҳокимият унинг қўлига ўта бошлади ва 2 мартда ҳукумт тузилди. Унинг таркибига асосан эсерлар, меншевиклар, социал-демократлар партиялари вакиллари киритилган. ҳукуматда княз Г.Е. Львов ҳукумат бошлиғи, октябристларда А.И Гучков-ҳарбий ва денгиз вазири, кадетлардан Д.Н. Милюков ташқи ишлар, шунингдек, В.Львов, Шингарев, Некрасов, Коновалов, Терешченко, Мануйлов кабилар кирган.адлия вазирлиги эса, майда буржуазия вакили А.Ф. Керенскийга берилади. мамлакатдаги сиёсий вазияни юмшатиш мақсадида янги ҳукумат бир қатор сиёсий ён беришлар, миллий вакиллик органлари (Финландия ва болтиқбўйида сеймлар, украинада рада) тузиш, сўз ва матбуот эркинликларини берди. Аммо, 8 соатлик иш куни, тинчлик, ер масаласи каби қатор долзарб мавзуларга эътибор қаратмади. Бунинг устига ташқи ишлар вазири Милюков вазифасига киришиши билан Антанта элчиларига Россия ўз иттифоқчиларига содиқ бўлиб қолади ва ғалабагача урушни давом эттириши тўғрисида баёнот беради.

Россия империясининг турли минтақаларида курашлар авж олиб бориб, 1917 йилнинг 25 октябрида (8 ноябрь) В.И. Ленин бошчилигида октябрь тўнтариши бўлиб ўтди. Совет Россиясининг урушдан чиқиши ва 1917 йил 3 декабрда Брест-Литовск шаҳрида Германия ва унинг иттифоқчилари билан музокаралар бошлаши тўртлар иттифоқини мағлубиятини бироз кечиктирди.

Бу шартномага биноан Совет республикасидан собиқ Россия империяси таркибидаги Финляндия, Литва, Латвия, Эстония ва Польша Германияга ўтди, Украина Германияга қарам давлатда айланди; Совет давлатига Германия фойдасига 6 миллард олтин марка миқдорида контрибуция тўлаш ҳамда армия ва флотни демобилизация қилиш мажбурияти юкланди. Батуми, Карс ва Ардаган Туркияга топширилди. Энг аввало мамлакатда большевиклар ҳокимиятини ўрнатиш мақсадида Ленин демагогик ваъдалардан фойдаланди. “Ер деҳқонларга”, “Шарқ халқларига озодлик”, “Йўқолсин уруш”, “йўқолсин самодержавье” ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ленин бошқаруви даврида Совет давлат ҳудудида миллионлаб инсонлар уруш ва очликдан вафот этдилар. Оммавий репрессиялар халқни оғир аҳволини янада қийинлаштирди. НЭП сиёсати (1919-1921 йиллар) мамлакатдаги вазиятни бир қадар юмшатди.

Германияда жаҳон уруши даврида мамлакат аҳолисининг турмуш шароити пасайиб, солиқлар 5 баробар тушиб кетди, иш вақти 12-14 соатга етди. озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги оддий аҳолини ярим оч қолишига сабаб бўлди. Мамлакатда инқилобий вазият вужудга келди. Империалистлар 1918 йил 5 октябрда шаҳзода Макс Баденский бошчилигида янги ҳукумат тузиб, социал-демократлардан Шайдеман, Бауэр, Эрцбергер, Граберни ҳукумат таркибига киритадилар. Ҳукумат Германия учун қулайроқ шартлар асосида тинчлик сулҳини имзолашга уриниб кўради. Аммо, Антанта давлатлари бу таклифга рози бўлмайди. 3 ноябрь 1918 йилда Килл портида матрослар томонидан кўтарилган қўзғолон бутун мамлакатда акс садо беради ва 9 ноябрда Кайзер тахтни ташлаб чет элга қочади. ўнг социал-демократлар раҳбарлари янги ҳукуматни шакллантирадилар. Янги ҳукумат раҳбари Эберт бўлиб, у халқни тинчланишга ва кўчаларни тартибга келтиришга чақиради. Ҳукумат 11 ноябрь куни Франциянинг Компьен ўрмонида таслим бўлиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекади. Янги ҳукумат инқилобий ҳаракатлар авж олиб кетишини олдини олишга интилади. ўнг социал-демократ Носке Киллда “Темир бригада” тузади. Генерал фон Сект Рейхсверни контревольюцион кайфиятдаги солдат ва офицерлар билан тўлдиради. 1918 йил 30-декабрь-1919 йил 1 январда Германия коммунистик партиясининг таъсис мажлиси бўлиб ўтади. Коммунистлар инқилобни ўз қўлларига олишга уринадилар. 5-12 март кунлари Берлинда коммунистларнинг чиқишлари генерал Лютвиц томонидан бостирилади.

Баварияда Ноябрь инқилоблари даврида К.Эйснер бошчилигидаги Республика тузилган эди. Аҳолининг талаблари, биринчи галдаги зарурий маҳсулотларнинг нархи қимматлиги, очлик ва қашшоқлик 7 апрелда совет Республикасининг ташкил топишига олиб келади. Ҳокимият тепасига коммунист Евгений Леви келади. Бавария республикаси 1 майга қадар мавжуд бўлиб туради. Бавария республикасида помешчиклар ерлари тортиб олинмади ва деҳқонларга тарқатмади. Ишчилар ҳаракатига таянмади деган жумлалар собиқ совет адабиётларида учрайди.

Бременда 1919 йил 10 январдан 4 февралгача совет республикаси мавжуд бўлиб турди. февраль ойида қисқа вақт бўлсада Брауншвейгда ҳам совет ҳукумати тузилган.

1919 йил 31 июлда Германиянинг Веймар Республикаси тузилади. конституцияга кўра, буржуазия парламентар республикаси бўлиб, қонун чиқариш рейстаг қўлида эди. сайловлар ҳар тўрт йилда, умумий сайлов ҳуқуқи асосида, 20 ёшга тўлган эркак ва аёллар ўртасида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Венгрия 1918 йилгача Австро-Венгрия империяси таркибида эди. Аҳолининг 5% фуқаро ҳуқуқларидан фойдаланар эди. Уруш Венгрия хўжалигини хонавайрон қилди. 1918 йил 16 ноябрь куни халқ чиқишларини қўллаб-қувватлаган Буддапешт гарнизони қўзғолони оқибатида Венгрия мустақил деб эълон қилинади ва ҳукумат тепасига социал-демократлар Эрнст Грам ва Сигузмунд Кунфи келади. Бу вақтда Венгрияда ҳам коммунистик ғоялар илдиз отган бўлиб, унинг кенг тарқалишида Россиядаги венгр асирлари орасида тузилган ВКП (Бела Кун) катта рол ўйнади. 1918 йил 24 ноябрь куни Буддапештда коммунистик партия тузилганлиги эълон қилинади. буржуа партиялари мамлакатдаги аҳволни яхшилай олмайдилар. Халқ норозилиги тўхтамайди. 20 март (Викс нотаси) қилингач (Венгрия ҳудудига Антанта қўшинларини жойлаштириш) ҳокимият коммунистлар қўлига ўтади. Венгрия совет республикаси 133 кун яшайди. Венгрия совет ҳукумати банкларни, шахталарни, йирик ишлаб чиқаришни, савдо транспортини миллийлаштирди. ташқи савдо устидан назорат ўрнатди. Йирик ре эгалигини тугатиб, уни деҳқонларга бўлиб бермади аксинча йирик давлат кооперативларини ташкил этди.

1919 йил апрелида Француз, румин, чех армиялари Венгрияга ҳарбий юриш қилади. Венгрия армияси осқинчиларни мамлакатдан қувиб чиқариб, 16 апрель куни Словакиянинг катта ҳудудини ишғол қилади ва Словакия совет республикаси тузилади. Бу республика 5 июлгача яшайди. 8 июнь куни Ж.Клемансо Венгрия ҳукуматидан ҳужумни тўхтатишни талаб қилади. Социал-демократлар талаби билан 30 июндан Венгрия қўшинлариСловакиядан чиқиб кета бошлайди. Аммо, Антанта қўшинлари сафларини тўлдириб, янги ҳужум бошлайди. 1 август куни Венгрия совет республикаси тугатилади.

Янги ҳукуматни Дьюла Пейдл (ўнг социал-демократ) шакллантиради. Аммо, 6 август куни Румин қўшинлари Буддапештни эгаллаб, Эрцгерцог Габсбургскийни Венгрия ҳукумдори деб эълон қиладилар. Антанта давлатлари уни тан олмайди, улар асосан Югославия ҳудудида шаклланган адмирал Хортининг қўшинларига таянадилар. Хорти 16 ноябрь куни Буддапештга кириб, ўз диктатурасини ўрнатади. Мамлакатда террор режими ўрнатилади. 5 минг киши қатл қилиниб, 70 минг киши концентарцион лагерларга ташланади.

1920 йилда Венгрияда парламент сайловлари ўтказилади. Хорти Регент деб эълон қилинади. 4 июнда Венгрия Трианон сулҳини имзолайди. Унга кўра, ҳудуди 2 баробарга, аҳолиси 18 млндан 8 млнга камаяди.

халқаро муносабатлар

1921 йил мартида Совет Россияси билан Англия Ўша йилнинг май ойида Совет республикаси билан Германия ўртасида вақтинча савдо битими имзоланди. Норвегия, Италия ва Австрия билан ҳам шундай битимлар тузилди. 1921 йил февралида Совет Россияси билан Эрон ва Афғонистон ўртасида шартномалар, март ойида Совет республикаси билан Туркия ўртасида дўстлик шартномаси тузилди. 1921 йилда тузилган Мўғулистон халқ ҳукумати билан Совет ҳукумати ўртасида ўша йилнинг ноябрида дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Лекин АҚШ, Англия, Франция каби бир қанча йирик давлатлар Совет Россияси билан ҳали дипломатик алоқалар ўрнатмаган эдилар.

1921 йилги иқтисодий инқироз капиталистик мамлакатларни анча қийин аҳволга солган эди. 1921 йил декабрида Лондонда Англия ва Франция бош министрларининг, Парижда, Англия, Франция, Италия ва Бельгия экспертларининг кенгашлари бўлиб ўтди. 1922 йил январида Антанта олий советининг кенгаши Марказий ва Шарқий Европани иқтисодий “тиклаш” программасини ишлаб чиқиш учун Генуяда халқаро иқтисодий конференция чақиришга қарор қилди ва бунга Совет Россиясини, шунингдек Германия, Австрия, Венгрия ва Болгарияни таклиф этди.

Генуя конференцияси 1922 йил 10 апрелдан 19 майгача давом этди, унда 34 мамлакат, шу жумладан Совет Россияси делегацияси иштирок этди. Конференцияда Англия ва Франция асосий роль ўйнади. АҚШнинг вакили кузатувчи сифатида қатнашди ва конференция ишига катта таъсир кўрсатди.

Конференциядаги асосий масала “рус масаласи” деган масала эди. Конференцияда Совет Россиясини собиқ чор ҳукумати ва Муваққат ҳукуматнинг чет эл мамлакатларидан олган ҳамма қарзларини (фоизлари билан бирга 18 миллиард сўм) тўлашга, инқилобга қадар чет эл капиталистларга қарши бўлиб, кейин Совет ҳукумати томонидан миллийлаштирилган завод, фабрика, кон ва бошқа корхоналарни ўша мулкдорларга қайтариб беришга ёки компенсация тўлашга, совет ташқи савдо монополиясини бекор қилишга, Совет мамлакатидаги чет элликлар учун экстерриториаллик (алоҳида имтиёзлилик) ҳуқуқи тартибини ўрнатишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Улар ана шу шартлар асосидагина Совет Россиясига заём ва кредит берилишини билдирдилар. Антантадан жуда катта зарар кўрган Германия қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини излар эди. Рус нефтьи масаласида Англия-Голландия нефть компанияси билан Америка нефть монополиялари ўртасида зиддият кескинлашди.

Совет делегацияси бу зиддиятларидан фойдаланди; 1922 йил 16 апрелда Рапаллода (Генуя ёнида), совет делегациясининг резиденциясида РСФСР билан Германия ўртасида шартнома тузилиб, дипломатик алоқалар ўрнатилди. Икки томон бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай иқтисодий талабларни қўймайдиган бўлдилар. Натижада капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва Совет-Германия шартномасининг тузилиши бирлашган антисовет фронтни бузиб ташлади; Германиянинг ҳам халқаро позициясини анча мустаҳкамлади.

Антанта давлатлари Генуя конференциясида ўз мақсадларига эриша олмадилар. Конференция боши берк кўчага кириб қолди. Музокаралар Гаага (Голландия) конференциясида (1922 йил, 15 июнь-19 июоль) давом эттирилди. ғолиб давлатлар бу конференцияда ҳам ўзларининг ўйлаган режаларини амалга ошира олмадилар. Туркияда кўтарилган миллий озодлик ҳаракати натижасида биринчи галда Англиянинг позициясига жиддий зарба берилган эди. Антанта давлатлари Яқин Шарқда қийин аҳволга тушиб қолдилар. Туркиянинг Мустафо Камол бошчилигидаги янги ҳукумати Севр сулҳ шартномасини тан олмади. Антантанинг Туркияга қарши уюштирган ҳарбий интервенцияси хусусан Англия-Греция интервенцияси 1922 йил август-сентябрь ойларида тор-мор қилинди. 1922 йил 11 октябрда Антанта билан Туркия ўртасида яраш битими имзоланди. Антантанинг, аввало Англиянинг Яқин Шарқдаги сиёсати барбод бўлди.

Ҳукмрон давлатлар Туркия билан янги сулҳ шартномаси ишлаб чиқиш ва Янги Шарқ инқирозини бартараф қилиш мақсадида Лозаннада (Швейцария) халқаро конференция чақирдилар. Конференция 1922 йил 20 ноябрдан-1923 йил 24 июлгача танаффуслар билан давом этди. Конференцияда Англия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Совет Россияси, Югославия ва туркия вакиллари қатнашди. Конференциянинг асосий масалаларидан бири Босфор ва Дарданел бўғозлари режими тўғрисидаги масала эди. Бу битимга кўра бўғозлар демилитаризация қилинди, тинчлик даврида ва уруш вақтида барча мамлакатларнинг савдо ва ҳарбий кемалари бўғозлардан бемалол ўта оладиган бўлди. Конференция охирида Лозанна сулҳ шартномаси тузилди; капитуляциялар режими, Туркия молиясининг буюк давлатлар томонидан назорат қилиниши ва унинг қуролли кучларини чеклаш бекор қилинди. Туркиянинг янги чегаралари тан олинди. Шарқий Фракия (Адрионополь билан бирга), Арманистоннинг турклар яшайдиган қисми, Курдистон ва бошқа ўлкалар Туркияга қайтарилди. Конференция натижасида Туркия ўз суверенитетининг халқаро миқёсда танилишига эришди.

Версаль-Вашингтон тартибининг яратилиши Европа мамлакатларининг асосий муаммоларини ҳал этмади. Аксинча, эски муаммолар ёнига янгилари қўшилди ва улар Биринчи жаҳон урушидан кейинги дунёнинг тарихий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Айрим мамлакатларда улар кўп жиҳатдан янги сиёсий вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди, янги ғоялар, янги сиёсат ва давлат арбобларининг, ҳокимиятни қўлга киритишга интилаётган янги сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлишига туртки берди. Урушдан кейинги дунё дуч келган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат эди.

Иқтисодий муаммолар Биринчи жаҳон урушида Англия 750 минг, Франция 1,3 млн., Германия 2 млн., Россия 16 млн. киши йўқотди. 20 млндан ортиқ киши яраланди. Кўпгина саноат корхоналари вайрон бўлди, транспорт тармоқлари, конлар йўқ қилинди, кўплаб кемалар чўктирилди. Уларни тиклаш кўп маблағ ва вақт талаб этар эди.

АҚШда 1922 йилдан, Германия, Франция ва бошқа капиталистик мамлакатларда 1924 йилдан қисман стабиллашув бошланди. Стабиллашув давридаги халқаро муносабатларнинг энг асосий хусусиятлари шуки, бир томондан, СССРнинг халқаро позициялари мустаҳкамланиб борди, иккинчи томондан Версаль-Вашингтон системаси аста-секин заифлашди. Франция 1924 йилдаёқ, Германия 1927 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда урушдан олдинги даражага етди. Ташқи бозорлар ва таъсир доиралари масаласида капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди.

Турли мамлакатлар халқ оммасининг СССР билан иқтисодий алоқа қилишдан манфаатдор бўлганлиги натижасида 1924 йил февраль-октябрь ойларида Англия, италия, Норвегия, Австрия, Греция, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Ҳижоз ва Франция, 1925 йили Япония, Канада СССРни танидилар ва у билан дипломатик алоқа ўрнатдилар. Антанта давлатларининг қаршилик кўрсатишларига қарамай, 1924 йил 31 майда СССР билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди ва Совет-Хитой шартномаси тузилди.

1923 йил Англия Германиянинг репарация тўловларини 4 йилга кечиктириш ва репарациянинг умумий суммасини камайтириб 50 миллиард марка миқдорида белгилашни (“Бонар Лоу плани”ни) таклиф қилди. Франция бу таклифларни рад қилди ва ҳеч қандай битимга келинмади. Репарация масаласида 1923 йил 11 январда Францияда ва Бельгия қўшинлари Германиянинг Рур областини ишғол қилдилар.

1923 йил ноябрида Америка монополистларининг вакили-банкир Чарлз Дауэс бошчилигида репарация масаласида Экспертлар тузилди. Комитет 1924 йил январидан-апрелгача ишлади. Янги репарацион режа - “Дауэс режа” ишлаб чиқилди. Бу режа 1924 йил июль-августда Лондон конференциясида маъқулланди ва Германия ҳукумати томонидан ҳам қабул қилинди. Франция ва Бельгия қўшинлари 1925 йил ёзида Рурдан олиб чиқиб кетилди. Дауэс режасига мувофиқ, Германияга 1925 йилдан 1929 йилгача ҳар йили репарация тўловини 1 миллиард маркадан 2,5 миллиард маркагача ошира бориб, 1929 йилдан кейин ҳар йили 2,5 миллиард маркадан тўлаш мажбурияти юкланди. Америка монополияларининг вакили Жильберт Паркер репарация иши бўйича бош агент қилиб тайинланди. У амалда Германиянинг иқтисодий диктатори бўлиб қолди.

1928 йилга келиб Германия иқтисодий жиҳатдан анча тикланиб, Версаль шартномаси ва Дауэс режаси томонидан чекланганлигига эътироз билдирди. АҚШнинг ташаббуси билан америкалик банкир Оуэн Юнг бошчилигида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония, Германия ва Бельгия молия экспертлари комитети 1929 йилда янги “Юнг режаси”ни ишлаб чиқди. Бу режа 1929 йил августида Гаагадаги халқаро конференцияда маъқулланди ва 1930 йил январида иккинчи Гаага конференциясида тасдиқланди. Юнг режасига мувофиқ, Германиянинг репарация тўлаш муддати 59 йил (1988 йилгача) узайтирилди, бу даврда 113,9 миллиард марка репарация тўлаш кераклиги кўрсатилди. Яқин 37 йил мобайнида репарация тўловининг

йиллик миқдори 2 миллиард марка қилиб белгиланди. Энди Германия темир йўлларидан келадиган фойдалар ва давлат бюджетининг даромад қисми репарация тўловларининг бирдан-бир манбаи деб ҳисобланди. Герман саноати репарация тўловларидан озод қилинди. Германия экономикаси устидан бўлган назорат АҚШнинг ташаббуси билан бутунлай бекор қилинди.

1925 йил 5 октябрдан 16 октябргача Локарнода (Швейцария) Англия, Франция, Германия, Италия ва Бельгия вакиллари иштирокида халқаро конференция ўтказилди. Конференция охирида Чехословакия ва Польша вакиллари чақирилди. Локарно конференцияси Рейн гарантия аҳдномасини қабул қилиш билан тугалланди. Аҳдномада Германиянинг Версаль сулҳ шартномасида белгиланган ғарбий чегараларининг бузилмаслиги, Рейндаги демилитаризация зонаси режимини бундан кейин ҳам бузмаслик кўрсатилди. Гарантия аҳдномасига мувофиқ, Англия билан Италия Франция ва Бельгияни Германия ҳужумидан, Германияни эса Франция ва Бельгия армияси ҳужумидан қўриқлайдиган бўлдилар. 1925 йил 12 октябрда Германия билан СССР ўртасида савдо шартномаси имзоланди.

1926 йилда беш йил муддатга тузилган битим совет-герман муносабатларининг янада ривожланишига йўл очди. Унга кўра иккала давлат учинчи давлат билан низолашган тақдирда бетараф бўлишга келишди. 1927 йилда СССР ва Германия ўртасидаги савдо муомалалари 1925 йилдагига нисбатан салкам уч бараварга ўсди. СССРга Германиядан асосан техника ва ускуналар импорт қилинарди. Совет давлати барпо этган корхоналарнинг кўпчилиги Германияда ишлаб чиқарилган техника билан жиҳозланган эди. Мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари мунтаззам ўсиб борди ва 1931 йилда у энг чўққига кўтарилди. Жаҳонда инқироз авж олгандада совет корхоналари Германияга юз минглаб ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва ўнлаб корхоналарни банкрот бўлишдан асрашга кўмаклашди.

1925 йил 12 декабрда Миллатлар иттифоқи Советининг сессиясида қуросизланиш бўйича тайёргарлик комиссияси туздилар. Комиссия ишига Миллатлар иттифоқининг аъзоси бўлмаган давлатлардан АҚШ, сўнгра СССР таклиф қилинди. СССР химия ва бактериология урушини тақиқловчи Женева аҳдномасига қўшилганлигини билдирди. Женева аҳдномаси-1925 йил 17 июнда 37 давлат томонидан имзоланди. СССР 1927 йилда аҳдномага қўшилди. 1927 йил апрелида Франция ташқи ишлар министри Бриан Франциянинг позициясини мустаҳкамлаш ва АҚШни ўзига мойил қилиш учун АҚШ давлат секретари Келлогга мурожаат қилиб, ўзаро уруш қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф этди. Келлог Брианнинг ташаббусидан фойдаланиб, бундай шартномага Англия ва бошқа капиталистик давлатларни ҳам жалб этишни таклиф қилди. 1928 йил 27 августда Парижда “Бриан-Келлог аҳдномаси” имзоланди. Аҳдномада миллий сиёсатнинг қуроли сифатида урушдан воз кечиш, жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш айтилган. Совет ҳукумати бу аҳдномани тезда кучга киритиш учун 1929 йил 9 февралда бир қанча қўшни давлатлар билан протокол тузди. 1929 йил ёзида “Бриан-Келлог аҳдномаси”

кучга кирди. Капиталистик давлатларни борган сари кучли ларзага келтираётган Хитой инқилоби авж олиб бормоқда эди.

1926 йил сентябрида Англия ҳарбий кемалари Ваньсянь шаҳрини ўққа тутиб, 6 мингга яқин кишини ҳалок қилди. 1927 йил 3 январда Англия қўшинлари Ухандаги оммавий митингга ҳужум қилди. Бунда қарийб 30 киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. 1927 йил баҳорида инқилобий кураш кескинлашган бир вақтда АҚШ, Англия, Япония ва Франция Хитойга қарши очиқдан-очиқ интервенцияга ўтдилар;

1927 йил 12 майда Лондонда Англия-Совет акцияли жамияти "Аркос" биносига хужум қилинди. Полиция пўлат сандиқларни бузиб, Совет савдо ваколатхонасининг хужжатларини босиб олди. Англия ҳукумати СССРни Англиянинг ички ишларига "аралашиш"да айблашга уринди ва сохта хужжатни пеш қилиб, 1927 йил 26 майда СССР билан дипломатик алоқани узди. 1929 йили лейбористлар ҳокимият тепасига келгач, дипломатик муносабатлар тикланди. 1927 йил октябрида, ғарбда Советларга қарши асабийлик авжига чиққан бир вақтда СССР билан Эрон ўртасида гарантия ва бетарафлик тўғрисида шартнома тузилди.

1929 йил июль-август ойларида гоминданчи қўшинлар ва рус оқ гвардиячилари Харбиндаги Совет элчихонасини тор-мор қилиб, СССРга қарашли ва Совет Иттифоқи билан Хитой томонидан тенг ҳуқуқлилик асосида бошқарилаётган Шимоли-Шарқий Хитой (Дунбэй)даги Шарқий Хитой темир йўлига (КВЖДга) ва Совет чегара районларига ҳужум бошладилар. СССР ва Гоминдан Хитойи ўртасида дипломатик алоқа узилди. Бироқ, Гоминдан илтимосига кўра, 1929 йил декабрида КВЖДда олдинги ҳолатни тиклаш юзасидан Совет-Хитой протоколи имзоланди.

Капиталистик мамлакатларда 1929 йилнинг охирига келиб вақтинча, қисман стабиллашув даври тугади ва жаҳон иқтисодий инқирози бошланиб кетди. Бу инқироз биринчи жаҳон урушидан кейинги халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини чулғаб олган биринчи энг чуқур инқироз бўлиб, 1933 йилгача давом этди. Бу инқироз ўзининг келтирган зарарлари ва оқибатлари жиҳатидан биринчи жаҳон уруши етказган зарарларга тенглашди. Ўзининг кучи ва узоқ давом этиши жиҳатидан ғоят зўр бўлган бу иқтисодий инқироз бутун дунёни ларзага келтирди. Капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулоти 36%, пўлат ва чўян эритиш 60-65% камайиб кетди. Ташқи савдонинг ҳажми 60-65 % қисқарди. Молиявий аҳвол ёмонлашди. 1933 йилда бутун капиталистик лагерда ишсизлар сони 30 миллион кишидан ошди.

Жаҳон иқтисодий инқироз капиталистик системанинг барча зиддиятларини кескинлаштириб юборди. 1930 йил майида Франция ташқи ишлар министри Бриан инқироздан қутулиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш баҳонаси билан Европа қитъасидаги давлатларнинг "федератив иттифоқи"ни, яъни "пан-Европа" тузишни таклиф қилди. Бу режа аслида Европада яна Франция гегемонлигини ўрнатишга қаратилган эди. Иқтисодий инқироз йилларида дунёни қайта тақсимлаш учун кураш кескин тус олди. Япония ўз мустамлакаси бўлган Кореянинг шимолий туманларини ҳарбий плацдармга айлантирди. 1931 йил сентябри 1932 февралида Япония Хитойнинг шимоли-

шарқий районларини-Маьчжурияни босиб олди ва қўғирчоқ Маньчжоу-Го давлатини тузди. Натижада Узоқ Шарқда урушнинг ўчоғи вужудга келди.

1931-1932 йилларда ва 1933 йил бошида Япония агрессияни анча кенгайтирди. АҚШ-Япония, Англия-Япония зиддиятлари кучайди. 1933 йил февралида Миллатлар иттифоқи Японияга бутун Хитойда "очиқ эшиклар" ва "тенг имкониятлар" принципига амал қилиш, Маньчжурияни Хитой қўл остидаги автономия деб таниш, япон қўшинларини олиб чиқиб кетиш таклиф қилинди. Япония бу қарорни қабул қилмади. 1933 йил мартида Япония Миллатлар иттифоқидан чиқди. Шундай қилиб, Версаль-Вашингтон системаси барбод бўла бошлади. Германиядак 1933 йил январида Гитлер бошчилигида фашистик диктатура ўрнатилди. Шундай қилиб, Европа марказида урушнинг иккинчи ва асосий ўчоғи вужудга келди.

1933 йил июлида Римда тўрт давлат; Англия, Франция, Германия ва Италиянинг "якдиллик ва ҳамкорлик" аҳдномаси тузилди. Бундан кузатилган асосий мақсад Германияни урушдан кейин тузилган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятлардан қутқариш, унинг агрессиясига бемалол йўл бериб қўйиш, Германия билан Италияни СССРга қарши йўналтиришдан иборат эди. 1934 йил январида Германия билан Польша ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Гитлерчилар ўзмақсадларини амалга оширишда Польша реакционерларидан фойдаланиб, кейин Польшанинг ўзини ҳам босиб олмоқчи эдилар.

1935 йил январида Версаль шартномасига мувофиқ, Саар областида плебисцит ўтказилди. Гитлерчилар ўз фойдаларига кўпроқ овоз олишга эришдилар. Саар области Германияга қўшилди. 1935 йилдан бошлаб Германия ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини ҳамда қуруқликдаги қуролли кучларини кўпайтиришга астойдил киришди. Умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди. Германия бош штаби тикланди.

1935 йил 18 июнда Англия билан Германия ўртасида денгиз битими тузилди. Битимда Германия ҳарбий денгиз флотини Англия сув усти ҳарбий-денгиз флотининг 35%и ҳажмида ва сув ости ҳарбий-денгиз флотининг 45%и ҳажмида қуриш, кейинчалик Германиянинг сув ости флотини Англия сув ости флотига тўла тенглаштириш ҳуқуқи кўзда тутилди. Бу битим амалда Версаль сулҳ шартномасига қарам-қарши ўлароқ Германиянинг ҳарбий-денгиз қуролланишига тўла имкон берди. Шу тариқа, бир томондан, Германия, иккинчи томондан, Англия, Франция ва АҚШ ўртасида денгиз ва мустамлака масалаларида, Япония, АҚШ ва Англия ўртасида Узоқ Шарқ ва Тинч океанда зиддиятлар кучайиб кетди. 1932 йил июлида узоқ музокаралардан кейин СССР билан Польша ўртасида, 1932 йил ноябрида эса СССР билан Франция ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик шартномалари тузилди. СССР билан Латвия, Эстония ва Финлядия ўртасида ҳам шундай шартномалар имзоланди.

Европада Германия ва Осиёда Япония жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқаётганлигини ҳамда СССРнинг куч-қуввати ва халқаро роли ошиб бораётганлиги туфайли 1934 йил 15 сентябрда Миллатлар иттифоқининг 34 та аъзоси Совет Иттифоқига Миллатлар иттифоқига аъзо

бўлиб киришни таклиф қилди ва СССР 1934 йил 18 сентябрда Миллатлар иттифоқига аъзо бўлиб кирди. 1933 йил 16 ноябрда СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида битим тузилди.

1933 йили СССР билан Испания ўртасида, 1934 йили СССР билан Чехословакия, Руминия, Венгрия, Болгария, Албания ўртасида, 1935 йили СССР билан Бельгия, Люксембург ва Колумбия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Франция 1935 йил 2 майда Парижа Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузди. 16 майда СССР билан Чехословакия ўртасида ҳам шундай шартнома имзоланди. Айни маҳалда Франция билан Чехословакия ўртасида ҳам шу каби шартнома тузилди. Агрессив давлатлар - Германия, Япония ва Италияда иқтисодиёт ҳарбий мақсадларда қайта қурилганлиги натижасида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўйилмади. 1938 йил Германия саноат маҳсулоти Англия ва Франциянинг саноат маҳсулотидан ошиб кетди. 1938 йил Японияда саноат маҳсулоти 1929 йилдагига нисбатан 185%ни, Германияда эса 121%ни ташкил этди. Япония, Италия, айниқса Германия бозор ва хом ашё манбаларини, мустамлакаларни қайта тақсимлашни талаб қила бошладилар.

1935 йил октябридаёқ Италия қўшинлари уруш эълон қилмай, Хабашистонга (Эфиопияга) ҳужум бошладилар. АҚШ ҳукумати 1935 йилда “бетарафлик” сиёсатини эълон қилиб, шу ниқоб остида агрессорларни рағбатлантирди. Италия бундан фойдаланиб, 1936 йил майида деярли бутун Хабашистонни босиб олди ва ўз мустамлакасига айлантирди.

1936 йил мартида Германия Версаль ва Локарно шартномаларини бузиб, Рейндаги демилитаризация қилинган зонага ўз қўшинини киритди. Йирик давлатлар бунга нисбатан юзаки норозилик билдириш билан чекланиб қолдилар.

1936 йил июлида генерал Франко бошчилигидаги испан фашистлари Германия ва Италия ёрдами билан Испания инқилобий республикага қарши исён кўтардилар. Тез орада Германия билан Италия Испания республикасига қарши очиқдан-очиқ ҳарбий интервенция бошлади. 1936-1939 йиллар мобайнида Испанияга Италия 150 минг, Германия 50 минг солдат ва офицер, ҳарбий мутахассислар, техник ва авиация юборди. 1936 йил 9 сентябрда Лондонда Англия дипломати лорд Плимут бошчилигидаги 27 давлат вакилларидан иборат “Аралашмаслик комитети” тузилди. 1936 йил октябрида Германия-Италия протоколи имзоланди. “Берлин-Рим ўқи” вужудга келди. Германия Италиянинг Эфиопияни босиб олганини тан олди ҳамда унинг Далмация, Албания ва Грецияни босиб олиш йўлидаги интилишларини қувватлади. Италия Германиянинг Австрияни қўшиб олиш мақсадларини маъқуллади. Италия ва Германия Испания масаласида биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида ҳам тил бириктирдилар.

Узоқ Шарқда эса Япония иғвогарлик билан Шарқий Хитой темир йўлига ва ундаги совет ходимларига кетма-кет ҳужумлар уюштирди. Япония 1935-1936 йилларда Мўғулистон Халқ Республикаси чегараларига бир неча марта ҳужум уюштириб. СССР Мўғулистонни қўллаб-қувватлади

ва 1936 йил мартида ўзаро ёрдам тўғрисида Совет-Мўғулистон шартномаси имзоланди. Бу шартнома Япония урушқоқ ҳарбийларини бирмунча тийиб қўйди.

1936 йил ноябрида Германия билан Япония ўртасида "Коминтернга қарши аҳднома" тузилди, 1937 йил ноябрида Италия ҳам бу аҳдномага қўшилди. "Берлин-Рим-Токио ўқи" ташкил топди. 1939 йил февралида Венгрия ва Маньчжау-Го, мартда Франко Испанияси "Коминтернга қарши аҳднома"га қўшилди.

1937 йил июлида Япония милитаризми хитой халқига қарши очиқдан-очиқ кенг миқёсда уруш бошлаб юборди. Бу уруш Японияниинг Хитойдаги агрессиясининг янги босқичи эди. Япония қўшинлари Шимолий, Марказий, сўнгра Жанубий Хитойга бостириб кирдилар. Японлар Хитойнинг Пекин, Тяньцзинь, Шанхай, Нанкин Ханькоу каби катта шаҳарларини, деярли ҳамма портларини ишғол қилдилар. Бироқ япон ҳарбийларининг Хитойда "яшин тезлигида уруш" қилиш плани барбод бўлди.

Европада ғарбий давлатларнинг Гитлер Германияси ва фашистик Италия билан Мюнхенда тузган битимидан (1938 йил сентябрь) руҳланган Япония реакцияси 1938 йил ноябридаёқ "Шарқий Осиёда янги тартиб" эълон қилди, бу "янги тартиб" Шарқий Осиёда фақат Японияниинг мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

1939 йил 24 июлда Токиода Англия билан Япония ўртасида "Крэйги-Арита битими", яъни "Узоқ Шарқ Мюнхени битими" тузилди. Англия ва Япония бир-бирларининг Хитойдаги манфаатларига қарши ҳаракат қилмаслик тўғрисида, Хитойдаги озодлик курашини бостириш учун Англиянинг Японияга халақит бермаслиги тўғрисида келишиб олдилар. Япон милитаристлари Маньчжуриядан туриб 1938 йил 29 июлда Владивосток яқинидаги Ҳасан кўли районида Совет Иттифоқи чегарасига қўққисдан ҳужум қилдилар. Улар Совет Узоқ Шарқи ҳудудига бостириб киришни мўлжаллаган эдилар. Совет Армияси япон босқинчиларини тор-мор келтириб чегарадан улоқтириб ташлади. Ўша йили 11 августда бу районда уруш ҳаракатлари тўхтади.

1939 йил май-август ойларида японлар Совет Иттифоқига бостириб кириш ва Сибирь темир йўлини ишғол қилиб, Совет Узоқ Шарқини СССРдан ажратиб қўйиш мақсадида Халхин-Гол дарёси районида Мўғулистон Халқ Республикасига ҳужум қилдилар. Совет Армияси мўғул Армиясига ёрдам кўрсатиб, япон босқинчиларига қақшатқич зарба берди.

Япония билан Германия ўртасида ҳам (гарчи бўлар "Коминтернга қарши аҳднома"нинг иштирокчилари бўлсалар-да) зиддиятлар мавжуд эди. Германия 1938 йил февралига қадар Маньжоу-Гони танимаган эди. Германия Хитойда бир қанча имтиёзларга эга бўлишни, Биринчи жаҳон урушидан кейин ўзининг Японияга ўтиб кетган Тинч океандаги собиқ мустамлакалари масаласининг қайта кўриб чиқилишини истарди. Германия яширин йўллар билан чан-кай-шичиларга қурол-яроғ ва маслаҳатчилар юбориб турди. Япония Германиянинг талабларига рози бўлмади. Шу тариқа, Япония Германия муносабатларида ихтилофлар бўлиб турди. Гитлерчилар

Германияси бир қатор тадбирлардан сўнг, 1938 йил 11 мартда зўрлик билан Австрияни босиб олди. Бу Версаль ва Сен-Жермен сулҳ шартномаларининг тўғридан-тўғри бузилиши эди.

Герман фашистлари бутун диққатни Чехословакияга, аввало унинг Судет областига қаратдилар. Германияда Чехословакияга қарши ташвиқот авж олдирилди. Англия ҳукумати томонидан 1938 йил ёзида Чехословакияга юборилган Рансимен ўтакетган юзсизлик ва мунофиқлик ролини ўйнади. У, Чехословакия ҳукуматидан Судет областини Германияга беришни, Совет-Чехословакия ўзаро ёрдам шартномасини бекор қилишни талаб этди.

1938 йил 13 сентябрда Чехословакияда фашистик исён кўтарилди. Исён бостирилгач, Гитлер ғазабланиб, чегарадаги қўшинларни жанговар ҳолатга келтирди. Лекин Гитлер бу кучларни ишга солмасданоқ ғарб давлатлари унга жуда эпчиллик билан ёрдам қилдилар. 1938 йил 15 сентябрда Англия бош министри Чемберлен Германияда Гитлер ҳузурида бўлиб, унинг Чехословакиядаги Судет области ва бошқа территориялар ҳақидаги талабини маъқуллади. 21 сентябрда Англия ва Франциянинг Прагадаги элчилари Бенеш ҳузурида бўлиб, агар Чехословакия Англия-Франция талабларини қабул қилмаса ва натижада Германия-Чехословакия уруши бошланиб қолса, Англия ва Франциянинг Чехословакияга ҳес қандай ёрдам бермаслиги тўғрисида, агар Чехословакия СССР дан ёрдам олса ва натижада Германия Чехословакияга ва СССРга қарши уруш очса, Англия ва Франциянинг Германия томонида бўлиши тўғрисида огоҳлантирдилар.

22 сентябрда Чемберлен яна Гитлер ҳузурига келиб, Германиянинг Судет тўғрисидаги “ҳуқуқлари”ни таниди. Шунингдек Чемберлен Гитлернинг Польша ва Венгриянинг ҳудуди талабларини қондириш тўғрисидаги таклифини ҳам қабул қилди. 1938 йил 29-30 сентябрда Мюнхенда халқаро фашист бандитлари-Германия ва Италия диктаторлари Гитлер ва Муссолини Англия ва Франция бош министрлари Чемберлен ва Даладье билан учрашдилар. Бу халқаро муносабатлар тарихида ўтакетган хиёнаткорона ва шармандали кенгаш Мюнхен конференцияси эди. Унда Чехословакия вакилларининг иштирокидан ташқари чехословак халқининг тақдири ҳал қилинди.

1938 йил октябрида Гитлер Германияси Судет областини ва Чехословакиянинг бошқа чегара районларини босиб олди. 1939 йилнинг мартида эса Германия қўшинлари бутун Чехословакияни ишғол қилди. Чехословакия парчалаб ташланди; Чехия ва Моравия Германиянинг “протекторати” деб, Словакия “мустақил” давлат деб эълон қилинди. Амалда бу “мустақил” давлат Гитлер Германиясининг мустамлакасига айланди. Закарпат Украинаси венгр хортистлари томонидан, Тешин Польша томонидан забт этилди. Германия Австрия ва Чехословакияни босиб олганидан кейин, Европадаги сиёсий ва стратегик аҳвол Гитлер фойдасига ўзгариб кетди. 1939 йил мартида Испанияда фашистик тартиб ўрнатилди. Ўша йилнинг мартида Мемель областини (Клайпедани) Германияга топшириш тўғрисида Литва-Германия битими имзоланди. Руминия

иқтисодиёти фашистик Германияга бўйсундирилди. Руминия, сўнгра Венгрия гитлерчилар блокига кирди. 1939 йил апрелида фашистик Италия Албанияга ҳужум қилиб, уни босиб олди. Германия фашизми эса Польшага нисбатан ҳудудий ва бошқа талабларни қўйди. 1939 йилда Гитлер Данцигнинг Германияга топширилишини, Польша коридори орқали Шарқий Пруссияга қадар тор изли темир йўл ва автострада қуришга рухсат берилишини қатъий талаб қилди. Германия ва Польша муносабатлари кескинлашди. Германия 1934 йилги шартномани бекор қилди. 1939 йил 22 майда Германия ва Италия ўртасида ҳарбий-сиёсий шартнома (“Пўлат аҳд”) имзоланди.

1939 йил апрелида Англия билан Польша ўртасида Лондонда ўзаро ёрдам тўғрисида декларация имзоланди. Франция Польша билан илгари тузилган шартномага амал қилажагини билдирди. 1939 йил мартида СССР Европада фашизм ва уруш хавфининг ғоятда кучайиб кетганлиги туфайли, агрессияга қарши биргаликда ҳаракат қилиш масалаларини муҳокама қилиш учун манфаатдор давлатларнинг конференциясини чақириб, музокаралар бошлашни таклиф этди. Англия ва Франциянинг СССР билан музокаралари 1939 йил март ойидан августгача давом этди. Музокаралар дипломатик йўл билан, сўнгра ҳарбий вакиллар орқали олиб борилди. СССРнинг талаби билан 1939 йил 12-21 августда Москвада бўлган ҳарбий музокараларда ҳам Англия ва Франция СССРнинг конкрет таклифларига эътибор бермадилар.

1939 йил августидаги Москва музокаралари Англия-Франция томонининг айби билан боши берк кўчага кириб қолган ва империалистик давлатлар СССРни яккалантириб, фашистик Германияни унга қарши қўйиш учун зўр бериб уринаётган бир вақтда, СССР сиёсий жиҳатдан батамом яккалаб қўйилган уруш хавфи кучайиб кетган бир пайтда Совет ҳукумати Гитлернинг СССР билан Германия ўртасида ўзаро хужум қилмаслик аҳдномаси тузиш таклифини қабул қилади. 1939 йил 23 августда Москвада ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик аҳдномаси тузилди.

Битимнинг эълон қилинмаган махфий бандлари Польшанинг икки давлат ўртасида бўлиб олинишини, Совет Иттифоқига Болтиқбўйи мамлакатлари ҳамда Бессарабияни қўшиб олишга рухсат берарди. Бу ҳудудлар олдин Россия империяси таркибига кирган бўлиб, Брест-Литовск битимига кўра, ундан зўрлик билан ажратиб олинган эди. Улар совет давлатининг стратегик хавфсизлиги нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эди, чунки ғарбий чегараларни 400-500 км.га нари силжитарди. Улар совет-герман урушида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Гитлерчилар бу ҳудудларни босиб ўтиш учун 2-3 ой вақт ичида Қизил армия Сибирдаги заҳираларини ғарбга ташлаб улгурди.

Ғарб давлатлари Мюнхен сиёсатининг барбод бўлиши Германия, Япония ва Италия блоки билан Англия-Америка Франция блоки ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди. Бу зиддиятлар натижасида 1939 йил сентябрь бошларида ғарб давлатлари ўртасида иккинчи жаҳон уруши бошланди.

Назорат топшириқлари:

1. Версаль системасини тушунтириб беринг?
2. Миллатлар иттифоқи қачон тузилди?
3. Урушдан кейинги йилларда ғолиб давлатлар ўртасида юзага келган зиддиятларнинг сабабларини тушунтиринг?
4. Вашингтон системаси қайси давлат манфаатини ифодаларди?
5. Уруш қарзлари масаласида қандай конференциялар бўлиб ўтди?
6. Яқин Шарқ инқирози қандай келиб чиқди?
7. Локарно конференцияси қандай масалаларни муҳокама қилди?
8. Жаҳон иқтисодий инқирози халқаро муносабатларга қандай таъсир кўрсатди?
9. Узоқ Шарқда уруш ўчоғи қачон вужудга келди?
10. Европада урушнинг ўчоғи қандай вужудга келди?
11. "Аралашмаслик" ва "бетарафлик" сиёсатларининг моҳиятини тушунтиринг?
12. Мюнхендаги тил бириктириш қандай юз берди?
13. Мюнхен сиёсати қандай барбод бўлди?
14. Совет-Герман шартномасининг яширин протоколларида нималар кўзда тутилганди?

Мустақил иш топшириқлари:

1.Версаль-Вашингтон тизимининг моҳиятини тушунтиринг.
2.1939 йил 23 август Совет-Герман шартномаси халқаро муносабатларга қандай таъсир кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европў и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европў и США после второй мировой войнў (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европў и судьбў освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европў и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10. Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

2-мавзу. Буюк Британия 1918-1945 йилларда

1.1 918-1924 йилларда Англиянинг ички ва ташқи сиёсати. Англия “Версаль-Вашингтон тизимида”. Доминион ва мандат тизими.

2.1919-1924 йилларда Англия мустамлакаларида миллий-озодлик ҳаракатлари. Жаҳон инқирози йилларида Англия.

3. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Англиянинг ташқи сиёсати.

Таянч тушунча ва иборалар: Ллойд-Жорж бошчилигидаги либераллар, консерваторлар ва ўнг либераллардан иборат коалицион ҳукуматнинг фаолияти. 1913 йил бошида парламент томонидан ўтказилган янги сайловлар қонуни ва унинг аҳамияти. Маориф тўғрисидаги қонун. Англия мустамлакаларида миллий -озодлик ҳаракатлари. Доминион ва мандат системалари. Р.Макдональд бошчилигидаги либералларнинг биринчи ва иккинчи ҳукуматлари. 1932 йил ёз фаслидаги Англия ва унинг доминионлари ўртасида Оттова шаҳрида бўлиб ўтган иқтисодий-молиявий конференция ва унинг қарорлари.

Дарснинг мақсади: Икки жаҳон уруши орлиғидаги даврда Англиянинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишини ёритиш, халқаро майдондаги ролининг тушиб кетишини сабабларини кўрсатиш, мустамлакачилик сиёсатининг барбод бўлиши моҳиятини очиб бериш ва ниҳоят унинг иккинчи жаҳон урушини тайёрланишидаги иштирокини кўрсатишдир.

1. 1-чи жаҳон уруши йилларида ишлаб чиқариш ва капитал концентацияси ўсди. Саноатнинг нотекис ривожланиши кучайди. Тошкўмир ва кемасозлик саноатларида махсулот ишлаб чиқариш камайсада, саноатнинг автомобиль, кимё, авиация ва қуролсозлик тармоқлари тез ўсди, натижада уруш даврида Англия монополияларининг фойдаси 4 миллиард фунт стерлинг ҳажмида кўпайди. Уруш инглиз монополиялари учун улкан фойда манбаига айланди. Айни шу жараёнда йирик Лондон банклари - “Ллойд”, “Барклай”, “Мидлэнд”, “Вестминистер” ва инглиз банкидан иборат “катта бешлик” вужудга келди. Уларнинг тасарруфида Англия пул ресурсларининг 85 фоизи жамланган эди. Саноатда олтита йирик монополия пайдо бўлди. Булар “Ройял Датч шелл” (нефть), “Инглиз-Эрон нефть компанияси” (нефть), “Юнилевер” (кенг истеъмол маҳсулотлари), “Империал кемикл индастриз” (кимё саноати), “Данлоп рабберс” (каучек, резина) ва “Виккерс” (қурол-яроғ) эди. Мазкур олти йирик монополия амалда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳукмрон эди. Бешта энг йирик банк билан биргаликда улар Англия ички ва ташқи сиёсатининг йўналишларини ҳам белгилардилар.

Уруш йилларида Англия меҳнаткашлари ва мустамлака халқлари янада кўпроқ таланди. Ишчилар синфининг аҳволи жиддий равишда ёмонлашди. Айни пайтда уруш инглиз меҳнаткашлари ижтимоий онгининг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1916 йилда Ирландия миллий озодлик ҳаракати кўтарилди. Бу қўзғолон ҳукумат томонидан шафқатсизлик билан бостирилди. Сиёсий вазият кескинлашган вақтда, 1916 йил охирида либераллар партиясининг раҳбари Ллойд Жорж (1863-1945 йй) бошчилигида либераллар, консерваторлар ва ўнг лебористлардан иборат 1-чи коалицион ҳукумат тузилди. Урушдан сўнг Германия мустамлакалари (Африкада-Танганьика: Франция билан бўлишиб олиш асосида Того ва Камерун) ва Туркия империяси территорияси (Фаластин, Трансиордания ва Ироқ) ҳисобига Англиянинг мустамлака ерлари кенгайди.

Бироқ, Англия жаҳонда молия устунлигидан маҳрум бўлди. Уруш харажатлари 11 миллиард фунт стерлингни ташкил этди. Давлат қарзи 1913 йилда 645 миллион фунт стерлинг бўлса, 1919 йилда қарийиб 7 миллиард 800 миллион фунт стерлингга етди. Урушдан олдин кўпгина мамлакатларга ҳатто АҚШга ҳам қарз бериб келган Англиянинг ўзи АҚШдан(1919 йилда 850 миллион фунт стерлингдан ортиқ) қарздор бўлиб қолди. Урушда Англия томонидан 747,7 минг киши ҳалок бўлди, 1 миллион 693 минг киши ярадор бўлди. У савдо флотининг 70% идан ажралди.

Урушдан сўнг Англиянинг эканомикаси анча заифлашиб, кейинчалик узоқ вақтгача деярли турғунлик ҳолатида бўлди. Саноат маҳсулотининг хажми 1913 йилдагига нисбатан 1920 йилда 61%, 1921 йилда 62%, 1924 йилда 88%, 1929 йилда 99,1% ни ташкил қилди.

1918 йил декабрида Либерал партия етакчиси Ллойд Жорж бошчилигида тезкор сайловлар ўтказди. У халққа тинчлик, ижтимоий ислоҳотлар, уруш айбдорларини жазолаш ваъдаларини берди. Сайлов халққа берилган ҳарбийларнинг овози эвазига Ллойд Жорж ғалаба қозонди. 1919 йил январида Л.Жорж бошчилигида консерваторлар ва либераллардан иборат иккинчи коалицион ҳукумат тузилди. Англия мустамлака ва доминионларида миллий озодлик ҳаракатлари кўтарилди ва ривожланди. 1918 йилги сайловларда “Шинн фейн” инглиз парламентининг ирландияликлар учун ажратилган барча ўринларини эгаллаб олдилар ва Англия парламентида қатнашишдан бош тортдилар. 1919 йил 21 январда Англия парламентининг Ирландия депутатлари Дублинда мустақил Ирландия парламентини туздилар: Муваққат ҳукумат, армия тузилди. Эдмон де Варле Ирландия республикаси президенти қилиб сайланди.

Ирландия ва Англия қўшинлари ўртасида жиддий ҳарбий тўқнашувлар бўлди ва жанглар бошланиб кетди. Миллий озодлик курашига раҳбарлик миллий буржуа кучлари шинфейнерлар (“ёлғиз ўзимиз”) қўлида бўлди. 1921 йил декабрида инглиз ҳукумати ўнг шинфейнерлар, яъни миллий буржуазия кучлари билан Англия-Ирландия битимини имзолади. Битимга кўра, Ирландия иккига бўлиб юборилди: Шимолий Ирландия Англия составида қолаверди ва Англия шундан бошлаб “Буюк Британия ва

Шимолий Ирландия қўшма қироллиги” номини олди. Жанубий Ирландия “Озод Ирландия давлати” деб эълон қилинди ва доминион ҳуқуқини олди.

Ллойд Жорж ҳукумати (1918-1922 йй) Англиянинг халқаро мавқеини сақлаб қолишга интилди. Инглиз қўшинлари Мурманск ва архангельск шаҳарларига киритилди, маҳаллий ҳокимият ағдарилди. 1918 йил ёзида инглиз қўшинлари Ашхобод ва Боку шаҳарларини эгалладилар Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда мустақил ҳукуматлар тузилишига кўмаклашдилар. Англиянинг ўзида Россияга қарши ҳарбий юриш халқнинг кескин норозилиги ва намойишларига сабаб бўлди. Инглиз ҳукумати қуролли йўл билан Россия ҳукуматини йўқ қилишга уринишдан воз кечишга мажбур бўлди.

Ҳиндистонда революцион ҳаракат юксалди. Амритсар шаҳрида қонли воқеа (1919 йил 13 апрель) Панжоб вилоятида қўзғолон (1919 йил апрель-май) ва Ҳиндистоннинг бошқа жойларида кучли оммавий чиқишлар юз берди. Инглиз ҳукумати ўз мустамлакачилик режимини сақлаб қолиш мақсадида ён беришларга, конституцион реформа ўтказишга мажбур бўлди. Ҳиндистон миллий буржуазиясининг юқори табақаси ва помешчиклар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида қатнашадиган бўлдилар.

1919 йилда Афғонистон халқи ўз мамлакатига бостириб кирган инглиз босқинчиларига қарши қуролли курашга отланди ва учинчи Англия-Афғонистон урушида ўз мустақиллиги учун мардонавор курашиб ғалаба қилди. Англия Афғонистоннинг мустақиллигини танишга мажбур бўлди.

1919 ва 1921 йилларда Мисрда инглиз мустамлакачиларига қарши катта намойишлар, иш ташлашлар, полиция билан тўқнашувлар ва қуролли қўзғолонлар бўлди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари бу кураш ва қўзғолонларнинг асосий кучлари эди. 1922 йил февралида Англия ён беришга мажбур бўлиб, Миср устидан бўлган ўз протекторатини бекор қилажагини билдирди. Миср расман мустақил давлат деб эълон қилинди.

Англия стратегик жиҳатдан муҳим Ўрта Ер денгизи ҳудудида таянч нуқтасига эга бўлишни истар эди. Кипр Англия тасарруфида бўлиб, Грецияни ҳам ўз таъсир доирасига олиш Ўрта Ер денгизи минтақаси тақдирида Англиянинг ролини ошириб юборар эди. Англиянинг режаларини Туркия бузиб юборди. 1920 йилда Измирнинг греклар томонидан босиб олиниши билан бошланган грек-турк уруши 1922 йилгача давом этди. Англия Эгей денгизининг ҳар икки томонида Буюк Греция давлатини яратиш ниятида бўлган грекларнинг даъвосини қўллаб-қувватлади. Инглиз сиёсатининг моҳиятини яхши тушунган Франция ва Италия эса Грециянинг кучайишига қарши чиқдилар. Англия биринчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта яккаланиб қолди.

1922 йил 9 сентябрда Муддания яқинидаги жангда грек қўшинлари тор-мор этилди ва турк қўшинлари Измирга кирди. Англиянинг Туркияга қарши урушда ёрдам сўраб Югославия ва Руминияга қилган мурожаатларидан натижа чиқмади.

1919 йилда Англиянинг Эрон билан имзолаган оғир шартли шартномаси ҳам 1921 йил февралида бекор қилинди. Англия Афғонистондан

ташқари, Туркия билан Эроннинг мустақиллигини ҳам эътироф қилишга мажбур бўлди.

Ллойд Жорж ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати хусусан Ирландиядаги воқеалар мамлакатда норозиликни кучайтирди. ташқи сиёсатнинг муваффақиятсизликлари ва мустамлака масалаларида бошқа давлатларга ён бериш 1922 йил октябрида консерваторларни Л.Жорж бошчилигидаги либераллар билан алоқани узишга мажбур этди, ҳамда 1922 йил октябрида Бонар Лоу бошчилигида ва 1923 йил майида Стенли Болдуин бошчилигида консерваторлар ҳукуматларининг тузилишига олиб келди.

Англия 1919-1920 йилларда вужудга келган империалистик Версаль системасининг асосий ташкилотларидан бири бўлди. 1919 йилги париж конференциясида ташкил топган Миллатлар Иттифоқининг бошлиқларидан бири бўлиб қолди.

1924 йилдан бошлаб кўпгина капиталистик мамлакатларда, шу жумладан Англия халқ хўжалигида қисман стабиллашув даври бошланди. Турғунлик ҳолати кўпроқ металлургия, кўмир, тўқимачилик ва кемасозлик саноатларида рўй берди. Ҳатто 1929 йилга келганда ҳам Англиянинг саноат маҳсулоти 1913 йилдаги даражасининг 99,1% ини ташкил этди. Ишсизлар 1 млн. кишидан ортиқ эди. жаҳон бозори учун курашда АҚШ ва Японияда ташқари, тикланиб келаётган Германия ҳам Англияга рақобатчи бўлиб қолмоқда эди. Болдуин Буюк Британия саноатини тўла қувват билан ишламаслигидан холос этмоқчи бўлди. Шу мақсадда эркин тижоратни бекор қилди ва миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор бож солиқлари жорий этди. Консерваторларнинг бож сиёсати кўпчилик сиёсий арбоблар томонидан рад этилди Британия сайловчилари ҳам бу сиёсатни рад этдилар. 1923 йил декабрида бўлиб ўтган сайловларда консерваторлар парламентдаги нисбатан кўпчилик мавқеини бой бердилар. Либерал партия эндиликда мухолиф партия ролини бажара олмас эди. Қирол Георг Бешинчи 1923 йил 23 декабрда Лейборист партияси раҳбари **Р.Макдональдга** Англия тарихида биринчи марта лейбористлар ҳукуматини тузишни топширди.

1924 йил январида лейбористлар раҳбари Рамсей макдональд бошчилигида лейбористлар ҳукумати тузилди. Бу ҳукумат “ишчилар ҳукумати” аталган бўлсада, буржуазия манфаатини кўзлаб сиёсат юритди. Ўзига-ўзи иснод келтирган “ишчилар ҳукумати” 1924 йил ноябрь бошидаёқ истеъфо беришга мажбур бўлди. 1924 йил 29 октябрда янги парламент сайловларини ўтказди. Консерваторлар парламентда 413 та лейбористлар 151 та ва либераллар 40 та депутатлик мандатига эга бўлдилар. 1924 йил ноябрь бошида Болдуин бошчилигида консерваторлар ҳукумати тузилди ва мамлакатни 1929 йилгача бошқарди.

Стэнли Болдуин ҳукуматига иқтисодиётдаги турғунлик ҳамон бош муаммо бўлиб қолмоқда эди. Инглиз саноатчилари кўпгина салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган энг сўнгги чорага қўл урдилар - ишчиларнинг усиз ҳам паст даражада бўлган иш ҳақини қисқартиришга қарор қилдилар. Бунга жавобан ***Тред-юнионлар Бош кенгаши*** (инглиз

касаба уюшмаларининг раҳбар органи) барча ишчиларни ялпи иш ташлашга чақирди. 1926 йил 4 майда Англияда ишчиларнинг ялпи иш ташлаши бошланди. Саноатнинг иш ташлаган соҳаларида фаолият тамомила тўхтади.

Болдуин ҳукумати томонидан 1925 йилда молия реформаси ўтказилиб қадрсизланиб кетган пул (фунт стерлинг)нинг олтин стандарти (банкнотни олтинга тенглаштириш ва олтинга алмаштира олиш) тикланди.

Консерваторлар ҳукумати 1925 йил октябрида Локарно битимларини тузишда, Германия агрессиясини Шарққа қаратиш учун замин ҳозирлашда актив қатнашди. Англия "Дауэс плани"га кўра, Германия ҳарбий саноатининг тикланишига катта ёрдам қилиб турди ва янги "Юнг плани"ни қабул қилишда қатнашди.

1931 йилда парламент акти (Вестминистр статути) билан кучга киритилди ва Британия мустамлака империяси "Британия миллатлар ҳамкорлиги" деган ном олди.

Кризис Англия иқтисодиётини янада орқага суриб юборди. 1930 йилдаги саноат маҳсулоти 1929 йилдаги кўрсаткичнинг 92,4% га, 1931 йилда эса 83,8% га 1932 йилда эса 82% га тушиб қолди. Кўмир, машинасозлик, кемасозлик ва бошқа баъзи саноат тармоқларининг маҳсулоти 40% га камайиб, 1897 йилдаги даражага тушиб қолди. Англия иқтисодиётининг энг заиф жойи ишсизлик бўлди. 1929-1932 йиллардаги инқироз ишсизликнинг Англия тарихида бўлмаган даражада ўсишига олиб келди. Расмий маълумотларга кўра, 1930 йилда барча ишчиларнинг 17% и узоқ вақт давомида ишсиз эдилар, 1931 йилда ишсизлик даражаси 23% га, 1932 йилда эса 25% га ўсди. 1932 йилда ҳар тўртинчи ишчи ишсиз эди. Иқтисодий кризиснинг бошланиши лейбористлар партиясининг яна ҳукумат тепасига келиш вақтига тўғри келди. 1929 йил майидаги парламент сайловларида консерваторлар ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатидан норози бўлган ишчилар лейбористларга кўп овоз бердилар. 1929 йил июнида Р.макдональд (1866-1937 йй) бошчилигидаги лейбористлар иккинчи ҳукумати тузилди.

Лейбористлар ўз мажбуриятларини қисман бажардилар. Кўмир конларида 7 соатлик иш куни жорий этилди. 1930 йилда ишсизлик бўйича суғурта тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди, ишсизлик бўйича нафақалар олиш муддати 3 ойдан 12 ойгача узайтирилди. Ишсизликка қарши кураш бўйича махсус вазирлик ҳамда ишсизлар учун иш қидириш бўйича махсус қўмита ташкил қилинди. Бироқ, умуман олганда, иккинчи лейбористлар ҳукумати инқироз оғирлигининг катта қисмини мамлакат меҳнаткашлари елкасига юклашга уринди. 1930 йил баҳорида Англияни яна синфий кураш тўфони ларзага солди. Бутун мамлакат ишсизларнинг ҳаракатида иштирок этди. 1930 йил мартдан апрелгача ишсизлар ва очларнинг оммавий юриши бўлиб ўтди ва у Лондонга Гайд-паркдаги улкан намойиш билан якунланди.

Лейбористлар ҳукумати молиявий кризисдан қутулиш учун 1931 йилдан ижтимоий эхтиёжларга оид харажатларни янада қисқартириш ва эгри солиқларни оширишни мўлжаллади. Бу эса лейбористлар партиясининг ўзида ҳам норозилик туғдирди, натижада партия кризиси,

ихтилоф ва ажралиш рўй берди. Лейбористларнинг иккинчи ҳукумати 1931 йил августида истеъфо берди. Англия ҳукмрон доиралари йирик сиёсий найрангларни амалга оширишга аҳд қилдилар. 1931 йил августида Р.Макдональд ҳукумати истеъфога чиқди, бироқ эртаси куниёқ қирол Георг У (1865-1936, 1910-1936) унга ҳамкорлик асосида консерваторлар иштирокида янги ҳукумат ташкил қилиш вазифасини топширди. Ҳукуматдаги кўпчилик ўрин консерваторларга тегишли эди, бироқ Бош вазир курсисида Макдональд қолдирилди. Ўнг лейбористлар, консерваторлар ва либераллар билан бирлашиб, макдональд бошчилигидаги Реакцион "миллий ҳукумат" 1935 йил ёзигача ҳокимият тепасида турди.

Миллий коалиция ҳукумати Британия иқтисодиётини оёққа турғизиш бўйича қизғин ишга киришди. 1931-1932 йилларда парламент Англияга олиб кирилувчи барча турдаги маҳсулотларга нархининг камида 10%и миқдорида божхона солиғи белгилади. Англия тарихда биринчи миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш (протекционизм) йўлини тутди.

Англия "Миллий ҳукумати" ташқи сиёсатида АҚШ ва Франция ҳукуматлари билан биргаликда Японияниинг маньчжурияни босиб олишига, Германияда ҳокимиятнинг гитлерчилар қўлига ўтишига, уруш ўчоқлари ва тугунларининг пайдо бўлишига, уруш оловининг кучайиб боришига йўл бериб қўйди ва фашист агрессорларни рағбатлантирди. 1933 йилда Англия, Франция, Германия ва Италия ўртасида "Тўртлар аҳдномаси" тузилди ва фашист агрессорлар билан тил бириктирилди.

Германия билан тузилган денгиз битими (1935 й 18 июнь)га кўра, Германияга Англия ҳарбий-денгиз флотининг 1/3 га тенг ҳарбий-денгиз флоти тузишга рухсат этилди. Бундай флотни тузиб Германия бутун Болтиқ денгизида хўжайинга айланарди. Фашистлар томонидан Рейн ҳудудининг босиб олинишини Англия жим туриб кузатди. Бу Германияга қилинган тажовузни давом эттириш ҳақида қилинган таклифдан бошқа нарса эмасди. Англия Испания республикаси тақдирида ҳам салбий роль ўйнади. 1936 йил августида Лондонда Англия ҳукуматининг ташаббуси билан Европа мамлакатлари Испанияга қурол-яроғ (шу жумладан самолётлар)ни экспорт ва транзит қилишни тақиқловчи Испания ишларига аралашмасликтўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу тақиқнинг бажарилишини кузатиш ва назорат қилиш учун инглиз лорд Плимут раҳбарлигида Аралашмаслик қўмитаси тузилди. Англия ҳукмрон доиралари доминионлардаги аҳолига нисбатан бир қанча ён беришларга боришга мажбур бўлди. 1931 йилда Англия парламенти унинг бирор-бир қонуни доминионларга уларнинг расмий розилигисиз тадбиқ этилмаслигини кўзда тутувчи хужжатни қабул қилди. Доминионлар қабул қилган қарорлар энди. Англия парламенти томонидан тасдиқланмасди. Англия парламентининг бу хужжати ***Вестминистр низоми*** номини олди.

Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қурилган тадбирлар ҳамда саноатнинг ривожлантирилиши натижасида 1934 йилдан бошлаб умуман Англия саноат ишлаб чиқариши бир мунча ўсди ва 1929 йилдаги даражага етиб ундан бир оз ошди. Бу эса авиация химия ва бошқа бир қатор саноат тармоқларининг

юксалиши ҳисобига бўлди. Ташқи савдо абороти кўпайди. Лекин мамлакат илгариги вақтлардагидек, янги иқтисодий юксалиш даврига киролмади.

“Миллий ҳукумат”нинг бош министри Макдональд 1935 йил июнида истеъфо берди ва консерваторлар лидери Болдуин бош министр қилиб тайинланди. 1935 йил ноябрида навбатдаги парламент сайловида Болдуин бошлиқ консерваторлар халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, коллектив хавфсизлик сиёсатини юритиш каби ваъдалар бериш йўли билан ғалаба қилдилар. Консерваторлар кенг жамоатчилик олдида ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун 1937 йилга қадар миллий лейбористлар ва миллий либераллар билан бир блокда бўлдилар ва Болдуин бошчилигида иккинчи консерватив “Миллий ҳукумат” туздилар. 1937-1940 йилларда Невил Чемберлен ушбу консерватив ҳукумат тепасида турдилар.

Уч йил давомида Н.Чемберлен Гитлерни кўп сонли ён беришлар йўли билан “тинчлантириш” сиёсатининг ташаббускори ва ижрочиси бўлди. Н.Чемберленнинг сиёсий мақсади тўрт давлат Англия, Германия, Италия ва Франция ўртасида битим тузишдан иборат эди. Унинг фикрича, бундай битим Европанинг қолган қисмига ҳукмини ўтказувчи иттифоқнинг тузилишига олиб келарди. Шу сабабли Н.Чемберлен ҳукуматининг ташқи сиёсати Германия билан муроса йўлларини излашдан иборат бўлди. Англия ҳукумати, Чехословакия ҳукумати билан немис фашистлари ўртасида воситачилик қилиш учун махсус миссияни Ренсименни Прагага юборди. Чемберленнинг ўзи эса икки марта (1938 йил 15 ва 22 сентябрда) Германияда Гитлер ҳузурида бўлди. 1938 йил 29-30 сентябрда Германиянинг Мюнхен шаҳрида АҚШнинг қўллаб-қувватланиши билан шармандали битим тузилди.

1939 йил мартида Н.Чемберлен Польшага ҳарбий кфолатлар берилишини маълум қилди. Худди шундай кафолатни Польшага Франция ҳам берди. Бу Германия Польшага хужум қилган тақдирда Англия ва Франция унга барча, шу жумладан, ҳарбий воситалар билан ҳам ёрдам кўрсатишини англатарди. Шундай кафолатлар Греция ва Руминияга ҳам берилди. 1939 йил баҳорида Совет ҳукумати коллектив хавфсизлик системаси тузишни ҳамда бу ҳақда музокаралар бошлашни Англия ва Франция ҳукуматларига таклиф қилди. Айни бир вақтда Англия ва Франциянинг иғвоси натижасида Польшанинг ўша пайтдаги реакцион ҳукумати СССР билан ҳеч қандай битим тузмаслигини ва фашист агрессиясига қарши курашда совет қўшинларининг бошқа мамлакатларга ёрдам қилиши учун уларни Польша территориясидан ўтказмаслигини билдирди. Музокаралар натижасиз тугади. Шундан сўнг 1939 йил августида Германиянинг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқи Германия билан хужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузди.

1939 йил 1 сентябрда Фашистлар Германияси Польшага хужум қилди. Шундан кейин Англия ва Франция ҳукуматлари халқ оммаси олдида узил-кесил шарманда бўлмаслик учун йил 3 сентябрда Германияга уруш эълон қилдилар.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон урушининг Англия иқтисодиётига таъсири қандай бўлди?
2. Англияда 1-чи лейбористик ҳукумат қачон тузилди?
3. Англияда 1931 йилги ҳукумат инқирозининг келиб чиқиш сабабини айтинг?
4. Болдуин ва Чемберлин консерватив ҳукуматлари ташқи сиёсатда қандай йўл тутди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.Вестминстер низомини изоҳлаб беринг.
2.Англиянинг Мюнхен битимида иштирок этишидан мақсади нима эди?
3.Англия Польшага нега амалий ёрдам кўрсатмади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Аврики XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

3-мавзу. Германия 1918-1945 йилларда

1. Веймар Республикаси. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Германия. Репарация масаласи
2. Жаҳон инқирози йилларида Германия. Фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши
3. Германиянинг тоталитар давлатга айланиши. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия

Таянч тушунча ва иборалар: Урушнинг охирида Германиядаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Германиянинг Антанта олдида таслим бўлиши. Уруш келтирган зарарлар. Версаль сулҳ шартномаси. Фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши. Фашизмнинг ички ва ташқи сиёсати. Германиянинг Миллатлар Иттифоқидан чиқиши ва Версаль системасининг емирилиши. Австриянинг босиб олиниши. Чехословакия парчалаб юборилиши. 1939 йил 23 август Совет Герман шартномаси ва унинг яшин протоколлари.

Дарснинг мақсади:Икки жаҳон уруши оралиғидаги даврда Германиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Биринчи жаҳон урушининг бошланишида бош айбдорлардан эканлиги, фашизмнинг ҳокимият тепасига келишини ва унинг иккинчи жаҳон урушини тайёрлашдаги ҳиссасини, уруш арафасидаги ташқи сиёсати ҳамда Польшага ҳужум қилиб иккинчи жаҳон урушини бошлаб берганлигини тушунтириб бериш.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Германия энг кучли империалистик мамлакатлардан бири эди. Германия империализми ўтакетган реакцион, йиртқич ва босқинчи империализм бўлиб, биринчи жаҳон урушининг энг асосий айбдорлардан бири ҳисобланади. Биринчи жаҳон уруши йилларида ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг концентрациялашуви ва монополияларнинг ўсди. Уруш пайтида йирик немис концернлари, олий рутбали ҳарбийлар ва Кайзернинг яқинлари бойиб кетдилар. Фақатгина Крупп концернининг даромади 15 марта ошди. Давлат тузуми эса ярим абсалют монархиядан иборат эди. Капиталистик эксплуатация зулмининг ярим феодал формалари (ерни ижарага олганлик эвазига ишлаб бериш-рентаси, “Хизматкорлар ҳақида ярим крепостнойлик қонуни) билан қўшилиб кетган эди. 1920 йилда Германияда ёлланган ишчи кучлари сони 19,5 миллион киши бўлиб, шундай 13 миллион киши саноат, савдо ва транспортда 3,8 миллион киши қишлоқ хўжалигида ишлар эди. Биринчи жаҳон уруши мамлакатда катта зарар, халқ оммасига оғир кулфатлар келтирди. Очлик ва эпидемия натижасида 900 мингдан ортиқ киши ўлди. Урушда 1 миллион 800 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди, 1 миллион 500 минг киши майиб мажрух бўлиб қолди.

1918 йил августида Антанта ғарбий фронтда ҳужумга ўтди. Германия ва унинг иттифоқчилари жиддий мағлубиятга учради. 1918 йил кузида Туркия, Болгария, Австрия-Венгрия бирин-кетин Антантага таслим бўлди. Фронтлардаги ҳарбий ҳолат сиёсий кризисни чуқурлаштириб юборди. Германия империализмини қутқариб қолишга интилган АҚШ президенти Вильсоннинг маслаҳати билан 1918 йил 3 октябрда социал партия ўнг қанотининг вакиллари (Шейдеман ва Бауэр) иштирокида шахзода Макс Баденский бошчилигида янги, каолицион ҳукумат тузилди. Лекин ҳукумат ўзгариши ички сиёсий аҳволни енгиллаштира олмади. Меҳнаткашлар оммасини инқилобий чиқишлари кучайиб, Вильгелм 11 нинг монархия ҳокимиятини йўқотиш қатъий талаб қилинмоқда эди.

1918 йил 3 ноябрда Килда ҳарбий флот матросларининг қўзғолони бўлиб, Германияда инқилоб бошланиб кетди. Инқилоб бир ҳафта ичидаёқ мамлакатнинг шимолий, марказий ва жанубий томонларига ёйилди. Айниқса, пойтахт Берлинда инқилоб авж олди. Бу ерда спартакчиларнинг чақириғи билан 9 ноябрда умумий иш ташлаш бошланди ва қуролли қўзғолон кўтарилди. Солдатларнинг бир қисми қўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Стратегик пунктлар ишғол қилинди. Монархия ҳокимияти ағдарилиб ташланди. император Вильгелм II Голландияга қочди. 10 ноябрда Берлин Советининг биринчи пленуми янги ҳукуматни “Халқ вакиллари Совети”ни тузди.

Эберт ва Шейдеманлар ҳукумат бошлиқлари бўлиб олдилар ва ҳукуматни “Соф социалистик ҳукумат” деб атадилар. “Топилмас мутахассислар” баҳонаси билан ҳукуматга буржуа амалдорлари бир қанча собиқ министрлар ҳам киритилди. 1918 йил 11 ноябрда Германия билан Антанта ўртасида Германиянинг батамом таслим бўлиши тўғрисида яраш битим имзоланди. 1918 йилнинг 16-21-декабрида Советларнинг биринчи умумий Германия съезди бўлиб ўтди. Съездда ўнг социал-демократлар ва “Мустақил” социал-демократлар кўпчиликни (485 кишидан 375 киши) ташкил этди. Съезд бутун ҳокимиятни Эберт ҳукумати қўлида қолдириш ва Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш тўғрисида қабул қилди.

1919 йил 19 январда Миллий таъсис мажлисига сайловлар ўтказилди. Кўпчилик ўринни буржуа партиялари “Христиан демократик партия”, “католик” “Марказ” савдо-саноат буржуазия партияси бўлган “Демократик партия” саноат ва молия магнатлари партияси “Халқ партияси” ва бошқа партиялар эгаллади. 1919 йил 6 февралда кичик Веймар шаҳрида Таъсис Мажлиси очилди шу куни ишчи демократлари советлари батамом тугатилди. Шейдеман бошчилигида социал демократлардан, демократик ва католик партиялари вакилларидан иборат янги ҳукумат тузилди. Эберт президент қилиб сайланди. 1919 йил 31 июлда қабул қилинган конституцияга (Веймар конституцияси) мувофиқ Буржуа парламенти формасидаги буржуа республикаси қарор топди. Конституцияга мувофиқ, федератив тузум сақланганлиги ҳолда, марказий ҳокимият кучайтирилди. марказий ҳокимият - рейхстаг (қонун чиқарувчи орган - қуйи палата), рейхсрат (Ўлкалар

вакиллари Совети-юқори палата) ва президентдан иборат бўлиб, президентга катта ҳуқуқлар берилди ва унинг ваколати етти йил қилиб белгиланди.

Икки палатадан иборат бўлган қонун чиқарувчи ҳокимият таъсис этилди. Қуйи палата Рейхстаг ялпи овоз бериш йўли билан сайланар, юқори палата Рейхстрат ўлка ва вилоятлар вакилларидан иборат бўлар эди. Рейхстрат вето ҳуқуқига эга бўлган назорат органи эди. Ижроия ҳокимияти раҳбари президентга фавқулодда кенг ваколатлар берилганди. Конституциянинг 48-моддаси президентга фавқулодда декретлар чиқариш, яъни мамлакатни декретлар воситасида бошқариш, мажбурлаш чораларини қўллаш, конституциянинг муҳим моддалари амалиётини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини берар эди. Амалда ижроия ҳокимияти диктатура ўрнатиш учун конституциявий асосларни қўлга киритганди. Президент ваколатлари уни қонун чиқарувчи ҳокимиятдан юксакка қўйган, у рейхстагга ҳам боғлиқ эмас эди, чунки ялпи овоз бериш йўли билан 7 йилга сайланарди.

Республика қурилиш муҳокамаси давом этаётган бир пайтда социал-демократлар бошчилигидаги ҳукумат икки муҳим қадам қўйди. Дастлаб Бавария совет республикаси тор-мор қилинди. Бу воқеа 1919 йил 1 майда рўй берди. Сўнгра янги ҳукумат вакиллари Парижда Версаль тинчлик шартномасини имзоладилар. 1919 йил 28 июнда Версалда Германия билан Антанта ўртасида тузилган сулҳ шартномаси мамлакатнинг иқтисодий аҳволини янада ёмонлаштириб юборди.

Версаль сулҳига кўра, Германия ўз мустамлакаларидан ва европадаги ерларининг 8 дан бир қисмидан масалан (Познань, Силезиянинг бир қисми, Эльзас, Лотаренгия ва бошқалардан) маҳрум бўлди. Данциг (Гданск) ўша вақтда таъсис этилган Миллатлар иттифоқи ихтиёрида (эркин шаҳар) деб аталди. Польша каридори туфайли шарқий Пруссия Германиянинг марказий районларидан ажратиб қўйилган, Польшанинг бир қанча ерлари эса Германия таркибида қолдирилган эди. Рейн бўйи қирғоқлари демилитризация зонаси (қўшин киритиш ва истеҳком қуриш ман этилган зона) деб эълон қилинди. Шарқий чегаралар ва Болтиқ бўйида эса Германия қўшин сақлаш ҳақли дейилган эди. Рейн дарёси сўл томони, Кёльн ва Майнц шаҳарлари билан бирга 15 йил муддат билан Антанта қўшинлари томонидан назорат қилиб туриладиган бўлди. Саар вилояти 15 йил муддат билан Миллатлар иттифоқи ихтиёрига топширилди.

Версаль сулҳи халқ хўжалигига катта зарар етказди, Германия темир руданинг 75% дан, кўмирининг 33,9% дан, чўян ишлаб чиқаришнинг 33% дан, ғалла ва картошка маҳсулотларининг 25%дан маҳрум бўлди. Сулҳ шартномасига кўра, Германия урушда Антанта мамлакатларига етказилган барча зарарларни қоплайдиган бўлди. Умуман тўланадиган репарация суммаси кейинроқ (1921 йил майида) олтин билан 132 млрд олтин марка қилиб белгиланди.

1919 йилда собиқ жиноятчи офицер ва солдатларидан, энг реакцион ва шовинистик энг элементлардан иборат фашистик партия тузилди. Бу партия “қора рехсвер” билан яқин алоқада бўлди ва ниқобланиш мақсадида ўзини “Миллий социалистик ишчи партияси” деб аталди. Фашистик партиянинг

25 банддан иборат бўлган дастурида ишчиларнинг иш кунини қисқартириш ва иш ҳақини ошириш, деҳқонларга ер бериш ва судхўрлик процентини бекор қилиш майда савдогарларга арзон кредит бериш, универсал магазинларни йўқотиш, трестларни давлат ихтиёрига олиш, Версаль шартномасини бекор қилиш, Австрия ва Германияни бирлаштириш, яҳудийларни немис фуқаролигидан маҳрум этиш ваъда қилинди.

Нацистлар дастури барча немисларни бир давлатда - Буюк Германияда бирлаштиришни талаб этарди. Адольф Гитлер 1920 йилдан бошлаб фашистлар партиясининг лидери бўлиб қолди. Мамлакатда аҳвол кескинлашиб бормоқда эди. 1921 йил августидан эътиборан Германия репарация тўлай бошлади. Йирик буржуазия ва ҳарбий-монархист доиралар репарация тўламасликни талаб қилиб чиқдилар. Германия ҳукумати репарация тўловини тўхтатишга мажбур бўлди. Франция билан Бельгия Германиянинг репарация тўлашдан бош тортганлигидан фойдаланиб, 1923 йил 12 январда Рур саноат вилоятини оккупация қилди. Рур ҳавзасида Германия аҳолисининг 10 фоизи яшар эди, мамлакатда ишлаб чиқариладиган пўлатнинг 40%и, чўяннинг 70%, кўмирнинг 88%, Рур вилоятида ишлаб чиқарилар эди. Оккупация қилиш натижасида саноат ишлаб чиқариш қисқарди, ишсизлик кўпайди, ишчиларнинг иш ҳақи камайиб кетди. Кўпгина саноат корхоналари ёпилди. Ишсизлар сони кўпайиб, қарийиб 5 миллион кишига етди. Қоғоз пул янада қадрсизланди, бинобарин, инфляция ғоят кучайди. 1923 йил маркага Американинг бир доллари 10 минг маркага, октябрда 8 миллиард маркага тенглашди. Меҳнаткашлар амалда иш ҳақидан маҳрум бўлдилар. 1923 йилнинг сентябрида малакали ишчи бир ҳафтада 126 миллион марка оларди, бу пул ҳисобига эса фақат икки кун тирикчилик қилиши мумкин эди. Мамлакат очлик ва қашшоқлик гирдобида қолди.

Рейн вилоятида Германиядан ажралиб чиқиш ва мустақил Рейн Республикаси тузиш учун айирмачилик ҳаракати авж олиб борарди. Унга Кёльн шаҳри бургомистри, Гфрнинг бўлажак канцлери Конрад фон Аденауэр бошчилик қилди. 1923 йил 8 ноябрда Гитлер бошчилигидаги қуролли нацистлар гуруҳи Бавариянинг амалдаги диктатори томонидан ташкил этилган мажлис залига бостириб кирди. Адольф Гитлер “халқ инқилоби” амалга оширилганлигини эълон қилди. Эртаси куни полиция намойишга чиққан нацистларни тарқатиб юборди. Исён шу тариқа якун топди. 11 ноябрь куни Гитлер ва Людендорф қамоққа олинди.

Немис буржуазияси ҳукуматга қарши юз берган ҳаракатларни бостириб ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеини вақтинча мустаҳкамлаб олди. 1923 йил охирида ўтказилган пул ислоҳоти инфляцияни бир мунча бартараф қилди. 8 соатлик иш куни ногиронлар ва кексаларга бериладиган нафақалар бекор қилинди. 1924 йил бошида ҳарбий ҳолат йўқотилиб, яна парламент методларига ўтилди.

Германия иқтисодиётини тиклашда АҚШ катта рол ўйнади. АҚШнинг таклифи билан америкалик банкир, генерал Дауэс бошчилигида экспертлар комиссияси ташкил этилди. Комиссия Германиянинг товон тўловларини

тартибга солиш режасини ишлаб чиқди. Унинг таклифлари 1924 йил 16 июлда Лондонда бўлиб ўтган мамлакатлар конференциясида қабул қилинди.

Дауэс режасига кўра, Германия саноатини чет эл заёмлари ва кредитлари ёрдамида, шунингдек, Германия ва Россия ўртасидаги савдони ривожлантириш йўли билан тиклаш кўзда тутилганди. Режа бўйича Германия 1924-1925 бюджет йўлида ғолиб давлатларга олтин билан 1 миллиард марка товон тўлаши керак эди. Кейинги йилларда тўлов миқдори йилига 2,5 миллиардгача кўпайиши кўзда тутилганди. Аста-секин тўловлар камайтирилиб, Германия иқтисодиётининг аҳволига кўра амалга оширилиши мўлжалланган эди. Бу шарт қабул қилинган тақдирда АҚШ Франциянинг қарзларидан воз кечишини билдирди. Французлар бу режани қабул қилдилар ва 1925 йилда сўнгги француз аскари Рурдан чиқиб кетди. “Дауэс режаси”га мувофиқ, АҚШ Германиянинг молия ишларини ўз назоратига олди, ҳамда Германиянинг оғир саноати ва ҳарбий саноатини тиклаш учун мўлжалланган узоқ муддатли заём ва кредитларнинг 70% ини берди. 1924-1929 йилларда чет элдан Германияга берилган узоқ муддатли қарз 10-15 миллиард маркани ва қисқа муддатли қарз 6 миллиард маркани ташкил қилди. Бу эса Германиянинг шу йиллардаги репарация тўловларидан икки ҳисса кўп эди.

Дауэс режаси қабул қилингач, Германияга Америка сармояси тўхтовсиз оқиб кела бошлади. АҚШда Германия саноатини зарурий хом ашё билан таъминловчи қўшма корхона ташкил этилди. Германиянинг ўзида ҳам Америка компаниялари ўз шўъбаларини очиб, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлади. 1925 йилдан 1930 йилгача АҚШ Германия иқтисодиётига 10 миллиард доллар сармоя киритди. Бу эса Германия иқтисодиётининг тез суръатлар билан юксалишига замин яратди.

1928 йилда Германияда 1913 йилга нисбатан 5 баробар кўп электр энергияси, 7 баробар кўп автомобиль, 32 баробар кўп алюминий ишлаб чиқарилди. Шу йили Германия кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 1929 йилда Германия 16 млн. тонна пўлат ишлаб чиқарди (Англия - 10 млн., Франция-10 млн.), машиналар экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринни олди. Капитализмнинг стабиллашуви йилларида Англиядан, айниқса, АҚШдан олинган қарзлар ҳисобига Германия саноатига рационализация кенг авж олди.

Ташқи сиёсатда Германия ғарб давлатлари билан ярашиш йўлини қидирарди, Шарқда эса, ўзининг азалий ҳудудларини қайтариб олиш ниятида эди. Шу мақсадда, Германия 1925 йил октябрда Англия, Франция, Италия, Белгия, Польша ва Чехословакия билан бирга Локарно (Швецария) конференциясида қатнашди. Конференцияда бир қанча битимлар, жумладан Рейн аҳдномаси имзоланди. Собиқ душманлар музокаралар столи атрофида Европада янги тартиблар ўрнатиш ҳақида келишиб олдилар. Франция ва Германия Версалда белгиланган ўзаро чегараларнинг қонунийлиги ва бузилмаслигини тасдиқладилар. Англия ва Италия бу битимнинг кафолатчиси бўлди. Локарно конференциясида қатнашган давлатлар Германиянинг ғарбий чегараларини бузмаслик тўғрисида ўзаро келишиб

олдилар, лекин унинг шарқий чегаралари ҳақида ҳеч қандай мажбурият олишмади.

Германия Локарно битимларига биноан, 1926 йил 10 сентябрда Миллатлар Иттифоқига кирди. Айни пайтда Германия Версаль тартибини йўқотиш ва иттифоқчилар назорати остидан холос бўлишга интилмоқда эди. Германия Америка-Англия молия капиталининг ёрдами ва АҚШ вакили Юнгнинг актив иштироки билан 1929 йил февраль-августида репарация плани ўрнига янги "Юнг плани" қабул қилинди ва у 1930 йил январидан кучга кирди. Бу планга мувофиқ, репарация тўловлари 20% камайтирилди, репарациянинг умумий суммаси 113,9 миллиард маркага келтирилиб, йиллик тўлаш суммаси 2 миллиард маркагача қилиб белгиланди, тўлаш 59 йилга (1988 йилгача) узайтирилди. Антантанинг Германия иқтисоди устидан назорати батамом тугатилди.

Стабиллашув йилларида немис буржуазиясининг сиёсий мавқеи ҳам бирмунча мустаҳкамланди. Буржуазия билан юнкерлар блоки тузилди. 1923 йил охиридан 1928 йил июнигача мамлакатни "Кичик коалиция"- ўнг буржуа республикаси партиялари (католик "Марказ", "Халқ партияси") коалицияси бошқарди. Вильгелм Маркс ва Лютер шу даврда тузилган ҳукуматлар тепасида турдилар. 1925 йил Эберт вафотидан Гинденбург президент қилиб сайланди. Гинденбург реакция кучларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1928 йил мартида рейхстагни тарқатиб, май ойида янги сайловлар ўтказилди. Гинденбургнинг топшириғига муфовиқ, 1928 йил июнида рейхстагдаги Социал-демократик фракциясининг лидери Герман Мюллер социал-демократлардан ва ўнг буржуа партиялари вакилларидан иборат "Катта каолиция" ҳукуматини тузди ва 1930 йил мартигача мамлакатни бошқарди.

1928 йилдаёқ мамлакатда иқтисодий кризиснинг яқинлашаётганлиги сезила бошлаган эди: ишлаб чиқариш суръати пасаймоқда, ишсизлар сони ортмоқда, аҳолининг харид қуввати тобора камаймоқда эди. Беқарор негиздаги стабиллашув 1929 йилга келиб барбод бўлди. Бошқа капиталистик мамлакатлар қаторида Германияда ҳам иқтисодий инқироз бошланди.

Саноат инқирози аграр инқироз билан қўшилиб кетди ва узоқ давом этди. 1932 йилда саноат маҳсулоти 1929 йилдагига қараганда 40,6% ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса 53% камайди. Саноат ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 23% пасайиб кетди. 1929 йилда 16,1 миллион тонна пўлат эритилган бўлса, 1932 йилда 5,6 миллион тонна эритилди. Германия саноатининг барқарорлик йилларидаги (1924-1929) ўсишига хорижий давлатлардан олинган қарзлар ва кредитлар сабаб бўлган эди. Инқирознинг илк аломатлари кўзга ташланиши билан барча хорижий сармоялар Германия иқтисодиётидан қайтиб олина бошланди. Бу инқирозни янада чуқурлаштирди.

Иқтисодий инқироз ва репарация тўловлари меҳнаткашларнинг аҳволини жуда ҳам ёмонлаштириб юборди. Ишсизлар сони 1932 йилда 7 миллион кишига етди. Буржуазия Германияни фашистлаштира бошлади. Немис монополиялари гитлерчиларни молиявий жиҳатдан тобора кўпроқ

қўллаб-қувватладилар. 1931 йил октябрида Ганцбургдаги фашистлар партияси ва ташкилотлари бошлиқларининг ўнг буржуа партиялари ва йирик монополиялар вакилларининг, 1932 йил январида Дюссельдорфда Гитлер иштирокида саноатчиларнинг кенгашлари ўтказилди ва мамлакатда фашистлар диктатурасини ўрнатиш тадбирлари муҳокама қилинди.

1930 йил 1 апрелда президент Гинденбург Мюллер ўрнига рейхканцлер қилиб католик "Марказ" партиясининг лидери Генрих Брюни тайинлади. Янги ҳукумат фавқулодда декретлар чиқарди. Меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражасини янада пасайтириб юборди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, ишсизларга бериладиган нафақалар анча камайтирилди. Тўғри ва эгри солиқлар оширилди. Жазо чоралари кучайтирилди. АҚШ ҳукумати 1931 йилда репарация тўловлари муддатини кечиктирди. 1932 йилда эса, бу тўловларни бутунлай бекор қилди. Америка монополистлари фашистлар партиясини қўллаб-қувватладилар. 1929-1931 йилларда улар Гитлерга 25 миллион доллар бердилар.

Мамлакатда фашистлар ва миллитаристлар активлашди, террор сиёсати кучайди. Улар Германияда Версаль сулҳ шартномасини бекор қилишга чақирдилар. Фашистлар партияси қолоқ ишчилар ва ишсизларни, деҳқонлар ва майда буржуазияни ўз томонига кўпроқ жалб этиш учун инқироз қийинчиликларидан фойдаланиб, ишсизликни тугатиш, аграр ислоҳат ўтказиш, трестлар устидан давлат назоратини ўрнатиш каби шиор ва ёлғон ваъдалар билан, миллатчилик ва шовинизм, тажовузкор ирқий "назария"ни тобора кенг ташвиқот қилиш йўли билан, "Буюк германия" барпо қилиш шиори билан ўз ижтимоий таянчини кенгайтирди. Улар "СС" (соқчи қўриқчи отрядлари) ва "СА" (штурм отрядлари) туздилар. Улар Тюрингияда, Брауншвейг ва Олденбургда ҳокимиятни қўлга олдилар. 1930 йил сентябрида, айниқса, 1932 йил июлидаги рейхстагга бўлган сайловларда фашистлар ҳам анча кўп (6,4 ва 13,7 миллион) овозга эга бўлди. (1928 йилги сайловларда эса 800 минг овоз олган эдилар). Уларнинг депутатлик мандатларининг сони 230 га етди. 1932 йилда президентликка Гитлер номзоди кўрсатилди. Гитлер сайловнинг биринчи даврасида 11,3 миллион (30%), иккинчи даврасида 13,4 миллион (37%) овозга эга бўлди. Сайлов компанияларида Гитлерчиларнинг муваффақият қозониши ўнг буржуазия лагерида уларнинг мавқеини кучайтирди. Буржуа ҳукумати эса фашизмга кенг йўл очиб бермоқда эди. Социал-демократия хоинлари 1932 йил март-апрель ойларида халқ оммасига мурожаат қилиб президент сайловларида Гинденбург учун овоз беришга чақирдилар. Гинденбург 19 миллион овозга эга бўлиб, 83 ёшда бўлишига қарамай президентликка қайта сайланди.

1932 йил 30 майда Брюнинг вазифасидан четлаштирилди ва унинг ўрнига Франц фон Папен (1879-1969) тайинланди. "Баронлар кабинети" деган ном олган ҳукумат таркибига президент ўғли ва Биринчи жаҳон урушида ном чиқарган бир нечта ҳарбий арбоблар киритилди. Рейхстаг фаолияти тўхтамади, янги кабинет бир неча ой давомида назоратсиз ҳукмронлик қилди.

Гитлернинг ҳокимиятга бундай тез кўтарилишига Германия йирик сармояси кўмаклашди. Гитлернинг ўз ҳомийлари билан биринчи учрашуви 1932 йил 27 январда бўлиб ўтди. “Пўлат трести”нинг директори Тиссен уни Германия саноатчиларига таништирди. Гитлернинг 4 соатга чўзилган нутқи шундай иборалардан тузилган эди: “Демократия - ахмоқлар иши”, “Биз Германияда марксизмнинг илдизини қуритишга қарор қилдик”, “Оқ ирқ Ер куррасида яшовчи бошқа барча халқларни ўзига бўйсундириши лозим”. Стиннеснинг “Бунинг учун нима керак?”- деган саволига, Гитлер қисқа қилиб: “8 млн. кишилик армия”, деб жавоб берди.

Америка тижоратчилари Гитлерга Германия саноатчиларидан ҳам олдинроқ эътибор бергандилар. Американинг автомобиль қироли Генри Форд Гитлерни 1922 йилдаёқ маблағ билан таъминлай бошлади. 1938 йилда, ҳокимият чўққисида бўлган пайтда Гитлер Г.Фордни Германиянинг олий ордени - Катта Хоч билан мукофотлади. Гитлернинг ҳокимиятни эгаллашига кўмаклашган яна бир Америка компанияси “Женерал Электрик” эди. Шу икки комапния кўмагининг ўзи Гитлерни бутун Америка йирик тижорати қўллаб-қувватлаши учун етарли бўлди.

1932 йил сентябрда Фон Папен Рейхстагни тарқатди. генерал Шлейхер ҳокимият тепасида турган вақтда (1932 йил декабрь - 1933 йил январь) Йирик монополиялар, банкларнинг вакиллари ва генераллар узил-кесил фашистлар томонга ўта бошладилар. Генденбургга Германиянинг 20 дан ортиқ молия магнатлари имзолаган нома юборилиб, унда Гитлерни дарҳол рейхсканцлер этиб тайинлаш талаби қўйилди. 1933 йил 30 январда президент Генденбург фашистлар партиясининг бошлиғи Гитлерни рейхсканцлер қилиб тайинлади. Фон Папен вицеканцлер лавозимини эгаллади.

Нацистлар партиясининг қатъий низомга бўйсундирилган тизими ва оммавий сиёсий тарғибот тоталитар тузум аппаратини вужудга келтирди. У буюк ва қудратли Германияни тиклашга, Германия халқининг барча мусибатлари сабабчиси бўлган Версаль битимини бекор қилишга сўз берди. Нацистлар раҳбариятининг бош мақсади Европа қитъасида ҳукмронлик ўрнатиш эди; бунга олдин барча немисзабон халқларни бирлаштириш, сўнг эса ҳаётий кенглик (“лебенстраум”) учун кураш шиори остида ҳудудларни босиб олиш йўли билан эришиш кўзда тутиларди. Гитлер асосий эътиборини шу мақсадни амалга оширишга қаратди.

Гитлерчилар коммунистларни ва прогрессив кишиларни кўплаб қириш мақсадида қабиҳ иғвогарлик билан 1933 йил 27 февралда рейхстаг биносига ўт қўйиб, бу воқеада коммунистларни айбладилар. Социалистлар партиясидан бошқа барча сиёсий партияларни тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Вахшиёна миллатчилик, яхудийларга қарши погром (ур-йиқит)лар, кучайтирилди. Дунё маданиятига қарши кураш авж олдирилди. Кўчаларда китоблар гулхан қилиб ёқилди. 5 мингдан ортиқ олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар мамлакатдан ҳайдалди ва канцлагерларга юборилди.

1933 йил март ойи бошларида Германияда яна сайловлар бўлиб ўтди. Нацистлар унда 44% овоз олдилар. Гитлер ўзининг нацистлар ҳукуматини

тузди ва 23 мартда рейхстаг Гитлерга ўз декретлари билан мамлакатни бошқариш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилди. Гитлер чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлди. Рейхстаг сақлаб қолинсада, унинг аҳамияти қолмади. Немис ўлкаларининг автономияси бекор қилинди: ўлкалар Гитлер тайинлаган махсус кишилар томонидан бошқарила бошлади. 1934 йил августида Гинденбург вафотидан сўнг президентлик лавозими битирилди.

Ҳокимиятни эгаллагач, Гитлер нацистлар партиясидан бошқа барча сиёсий партия ва ташкилотларни таъқиқловчи фармон чиқарди. Қуролли кучларда барча офицерлар нацистлар партиясига аъзо бўлишлари ва Гитлер мафкурасига сўзсиз итоат этишлари шарт эди. 1933 йил охирига келиб мухолиф марраларда турган барча ташкилотлар йўқ қилинди. Нацистлар тузумининг бош жазо идораси хавфсизлик отрядлари (СС) бўлиб, уни Генрих Гиммлер (1900-1945) бошқарарди. ССнинг таркибий қисмини махфий полиция (гестапо) ва СС қўмондони (рейхсфюрери)нинг хавфсизлик хизмати СД ташкил қилди. Улар халқи ва босиб олинган ҳудудларнинг аҳолиси устидан ялпи назорат ўрнатдилар.

“Рейх душманлари”, яъни ўзгача фикрловчилар, демократик ташкилотларнинг вакиллари, ҳарбий асирларни оммавий равишда қирғин қилиш учун махсус концентрацион лагерлар барпо этилиб, уларда одамлар оммавий қирғин қилинди. Бундай лагерлар жами 15 та бўлиб уларда 10 млн.га яқин одам йўқ қилинди. Нацизм яҳудий аҳолини тўлиқ қириб ташлашнинг махсус дастурини ишлаб чиқди. Яҳудийлар махсус ажратилган жойлар (гетто)да яшашлари лозим эди. Махсус дастур (“холокаст” - якуний қарор)нинг амалга оширилиши натижасида Европада 6 млн.дан ортиқ яҳудий қириб ташланди.

Германия иқтисодиётида мамлакат саноатининг асосини ташкил қилувчи 30 та энг йирик саноат концернлари - “Фарбениндустри” (кимё маҳсулотлари, дори-дармон, порох, синтетик бензин ва каучук ишлаб чиқариш), “Ферайнигте Штальверке” (пўлат ишлаб чиқариш), “Крупп”, “Флик”, “Маннесман”, “Сименс”, АЭГ ва бошқалар етакчи ўрин эгаллаб турарди. Бутун нацистлар сиёсий тизими уларнинг имкон қадар кўп фойда қилишлари асосига қурилди ва бутун немис халқи уларнинг хизматига жалб қилинди. Гитлер уларнинг бойиши учун энг қулай шароитларни яратиб берди. “Крупп”нинг даромади 1934-1940 йилларда 4 баравар , “ИГ Фарбениндустри”нинг даромади 17 баравар, “Флик”ники - 65 баравар ошди.

1936 йилда милитаристик “4 йиллик план” қабул қилинди. **Автаркация** сиёсати (босқинчилик урушига тайёрланиш учун мамлакат мустақил иқтисод эга бўлишга қаратилган иқтисодий сиёсат) **“ёғ ўрнига замбарак”** сиёсати юргизилди. 1937 йилгача қайта қуролланиш учун 46 млярд марка сарфланди. Қисқа вақт ичида саноатчилар энг замонавий қурол-аслаҳаларни яратдилар. Танклар, самолётлар ва артиллерия бошқа мамлакатларнинг қуролларидан сифат жиҳатидан анча устун эди. Барча имкониятлар қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга сафарбар этилди. Германиянинг урушга тайёргарлик кўриш борасидаги харажатлари беш йил ичида 10 баравар ошди, бу даврда 90 млярд. марка сарф қилинди. 1939 йилда

қуролланишга мутаносиб нархларда Англия - 5 млрд., Франция - 2,3 млрд. марка пул сарфлагани ҳолда, Германиянинг бу борадаги харажатлари 18 млрд. маркани ташкил қилди.

1938 йилда Германия саноат маҳсулотининг ялпи хажми жиҳатидан Англия ва Франциядан яна ўзиб кетди ва капиталистик дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. 1933 йил Октябрида Германия Миллатлар иттифоқидан чиққан. У Версаль сулҳ шартномасини ва Локарно шартномасини қўпол равишда бузди. 1935 йил майда эса Версаль битимининг қуролланишга тегишли бандларини бекор қилганини эълон қилди. Капиталистик давлатлар ўртасида кучлар нисбати Германия фойдасига ўзгара бошлагач, 1936 йилдан эътиборан Герман фашистлари мустамлакалар ва таъсир доираларини қайта тақсимлашни қатъий талаб қилдилар. 1936 йилда империя мустамлака союзи тузилди. 1938 йилда унинг аъзолари 1 млн. кишига етди. Шовинистик мустамлакачилик ташвиқоти авж олди. АҚШ,Англия ва Франция ҳукмрон доиралари Германия империализмини раҳбарлантириб, унинг қайта қуролланишига ёрдам бердилар. 1933 йил июлида Англия ва Франция ҳукуматларининг ташаббуси билан Римда Англия, Франция, Германия ва Италия ҳукуматлари ўртасида “бирдамлик ва ҳамкорлик аҳдномаси” (“Тўртлар аҳдномаси”) имзоланди. 1934 йил январида Германия билан Польша ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартнома СССРга қарши агрессия тайёрлашда муҳим бир қадам бўлиши билан бирга, Франциянинг Шарқий Европадаги позициясига ҳам зарба берар эди. 1935 йил январида фашистлар Саарда “плебисцит” ўтказиб, уни Германияга қайта қўшдилар ва Германия Европада Саардан бошқа жойларга нисбатан ҳудуди масаласида бирор талаб билан чиқмайди, деб найранг ишлатдилар. 1935 йил мартида Гитлер ҳукумати умумий ҳарбий мажбурият жорий қилди, доимий армия тузилишини расмий эълон қилди. Юз минглаб немис ёшлари армияга олинди немис бош штаби қайта тикланди. 1934 йил майида бош штаб монополияларининг вакиллари билан биргаликда қуролланишнинг махфий планини ишлаб чиқиб, 1935 йил июнида Англия-Германия денгиз битими асосида ҳарбий денгиз флоти қурила бошлади. 1936 йил 7 мартда эса, Версаль ва Локарно шартномаларига мувофиқ демилитаризация-лаштирилган Рейн зонасига қўшин киритди ва босиб олди. 1936 йил июлида Германия Австрия билан битим ва яширин протоколини имзолаб, амалда Австрияни ички ва ташқи сиёсатини ўз назорати остига олди, бу эса герман фашистларининг Австрияни Германияга қўшиб олиш (“аншлюс”) режаларларини амалга ошириш учун қулайлик туғдирди. Гитлер Германияси 1936-1939 йилларда Испания республикасига қарши фашистик Италия билан биргаликда интервенция уюштирди. 1936 йил октябрида Германия билан Италия ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди. 1936 йил ноябрида Германия билан Япония “Антикоминтерин пакти” туздилар. 1937 йил ноябрида “Коммунизмга қарши кураш” шиори остида тузилган бу ҳарбий сиёсий блокка Италия ҳам қўшилди ва “Берлин-Рим-Токио учбурчаги” вужудга келди. Гитлерга айниқса, икки мамлакат- Австрия ва

Чехословакия зарур эди. Иккала мамлакат ҳам ривожланган оғир саноатга эга бўлиб, Марказий Европада муҳим мавқени эгалларди. Чехословакия Руминия, Венгрия, Польша, Австрия ва СССР билан умумий чегараларга эга эди, Австрия эса Германияга Югославияга бостириб кириш имконини берарди. 1938 йил 13-14 март кунлари Гитлерчилар Австрияни босиб олдилар.

1938 йил 21 апрелда Гитлер Бош штаб бошлиғи генерал Кейтел (1882-1946)га Чехословакияга бостириб кириш ва уни ишғол қилиш режасини ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берди. Бундан ҳам олдин Судет немислари нацистлари раҳбари Конрад Генлейн (1898-1945) Гитлердан Чехословакия ҳукуматига бажариб бўлмайдиган талаблар қўйиш, ҳукумат уларни қабул қилса, янада оғирроқ талаблар билан мурожаат қилиш тўғрисида кўрсатма олди. 1938 йил 29 сентябрда Мюнхенда Германия, Италия, Англия ва Франция ҳукумат бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди, шармандали ва жиноий битим имзоланди. 10 октябрда конференция қарорига кўра Чехословакия Тешен вилоятини Польшага берди, 2 ноябрда эса Германия ташқи ишлар вазири Риббентроп ва Италия ташқи ишлар вазири граф Чиано Венгрияга Словакиянинг бир қисмини бериш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шу тахлит Чехословакияни бўлиб ташлаш амалга оширилди. Мюнхен битимига мувофиқ 1938 йил кузида Гитлер қўшинлари Чехословакиянинг Судет вилоятини, 1939 йил мартида Чехословакияни бутунлай босиб олди.

Гитлерчилар 1939 йил мартида Литванинг Клайпеда вилоятини ишғол қилдилар. Фашистлар Европанинг шарқи ва шарқий жанубида ўз позицияларини тобора кучайтирди. 1939 йил бошларида Венгрия ва Испания “Антикомминтерин пакти”га жалб қилинди. 1938 йил октябр ва 1939 йил мартида Гитлер Германия Данцигни Германияга қўшиш, Германиянинг асосий туманлар ҳудудини шарқий Пруссия билан боғлаш учун Польша ҳудудида автомашиналар қатнайдиган махсус йўл ва тор изли темир йўл қуриш тўғрисида Польшага талаблар топширилди. Германия билан Польша ўртасида жиддий низо бошланди. Гитлернинг топшириғи билан 1938 йил ноябрида Польшани босиб олиш “Вейс” режаси ишлаб чиқилди.

Германия ҳаддан ташқари тезкор усулда ҳарбийлаштирилди. 1933 йилдан 1939 йилгача қуролланишга жуда катта пул 90 миллиард рейх марка сарфланди. Урушга тайёрланишга ҳар йили давлат бюджетини 2/3 қисми ажратилди. 1938 йилга келиб Германия хўжалиги ва армиясининг “катта уруш”га тайёрлиги асосан тугалланди. Дивизиялар сони 1939 йилда 51 тага етди. Ҳарбий ҳаво флоти тез ривожланди. 1939 йилда чегара истеҳкомлари қурилиши тамомланди.

Англия 1938 йил сентябрида, Франция 1938 йил декабрида Германия билан ҳужум қилмаслик тўғрисида битимлар туздилар. Гитлер Германияси олдин ғарбий давлатларга ҳужум қилишни, шу билан бутун Европани куч қудратини ўзига бўйсундиришни режалаштирди. Бироқ, Чехословакия босиб олинганидан сўнг ғарб мамлакатлари ташвишга тушиб қолдилар. 1939 йил 31 мартда Англия ҳукумати Польшани четдан унга қарши агрессия

уюштирилган тақдирда, “ҳар томонлама ёрдам” беришига ишонтирди. Франция ҳукумати ҳам худди шу гапни такрорлади. Бироқ, Гитлер Англия ҳам, Франция ҳам Польша учун урушмасликлари, бунинг устига улар урушга тайёр эмасликлари, бунинг устига улар урушга тайёр эмасликларини яхши тушунарди. 1939 йил 11 апрелда “Вайс режаси”нинг узил-кесил варианти тузилиб, унда Гитлер “Польшани ниҳоят бир ёқли қилиш”, ва Польшани давлат сифатида тугатиш зарурлигини уқтирди. Польшага ҳужум 1939 йил 1 сентябрга белгиланди.

1939 йилнинг ёзида СССРга мурожаат қилиб хужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф қилди. 1939 йил 23 августда Германия билан СССР ўртасида ҳужум қилмаслик аҳдномаси имзоланди. Энди Польшага ҳужум қилиш учун йўл очиқ эди. 1939 йил 1-сентябрда Гитлер Германияси Польшага ҳужум қилди ва иккинчи жаҳон урушини бошлаб берди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон урушининг Германия учун натижалари қандай бўлди?
2. Версаль сулҳ шартномасининг Германия иқтисодиётига таъсирини айтинг?
3. Рур инқирози қачон юз берди?
4. Дауэс режасининг моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Юнг режаси нега қабул қилинди?
6. Германияда фашизм ҳокимият тепасига қандай келди?
7. Герман фашизми томонидан Версаль сулҳ шартномаси шартларининг бузилишини нималарда кўрамиз?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.Биринчи жаҳон уруши туфайли Германия қайси ҳудуд ва мустамлакаларидан ажралди?

2.Анилюс қачон амалга оширилди?

3.Босқинчилик «Ост» режасининг моҳиятини тушунтириб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

2. Новейшая история стран Азии и Аврики XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

4-мавзу. Франция 1918-1945 йилларда

1. Биринчи жаҳон урушидан кейин Франция.

2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Франция.

3.Буюк депрессия йиллари. Халқ фронти ва унинг тарқаб кетиши.

4.2-жаҳон уруши арафасида Франциянинг ташқи сиёсати. Виши ҳуумати.

.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг Франция учун иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. Франциянинг Париж конференциясида ўтказган мавқеи. Францияда стабиллашувнинг ўзига хос хусусиятлари.

Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Франция мамлакат ичкарисида синфий зиддиятларнинг кескинлашуви. Халқ фронтининг юзага келиши. Парламентга сайловга Халқ Фронтининг ғалабаси. Халқ Фронтининг инқирози. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франциянинг ташқи сиёсати. Даладье ҳукуматининг мюнхенчасига сиёсат юритиши ва унинг оқибатлари.

Дарснинг мақсади:Икки жаҳон уруши оралиғидаги йилларда Франциянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, унинг сиёсий тузумини, ташқи сиёсатдаги мувафақиятсизликларини ёритиб беришдир.

1. Уруш 10 та саноат депортаментини ва кўпгина қишлоқ районларни бутунлай вайрон қилди. Урушда 1 миллион 400 минг киши ҳалок бўлди. Уруш харажатлари натижасида кўрилган зарарнинг умумий суммаси 200

миллиард франкка етди. Уруш сутхўр империализм мамлакати бўлган Франциянинг молиявий қувватига катта зарба берди. Франция АҚШ дан 4 миллиард доллар ва Англиядан 650 миллион фунт стерлинг қарздор бўлиб қолди. Франция Германиядан Эльзас-Лотарингияни қайтариб олди: Туркия мустамлакалари бўлган Сурия ва Ливанни идора қилиш мандатини олди. Германиянинг Африкадаги мустамлакалари Того ва Камерунни Англия билан бўлишиб олди. Франция 1919 йилги Париж конференциясида Саар областининг ўзига берилишини, Франция "ҳимоясида" Рейн автоном давлатини тузишни, Баварияга мустақиллик беришни, Польша территориясини кенгайтиришни талаб қилди. Бироқ, бунга Англия ва АҚШ давлатлари рози бўлишмади. Конференция қарорига биноан, урушда кўп зарар кўрган Францияга Саар области тошкўмирини олиб туришга ижозат берилди, лекин унинг Германиядан оладиган репарация ҳиссаси тезда аниқланмади, кўп тортишувлардан кейин, 1920 йилга келиб у репарациянинг 52%ини (8 млярд олтин марка) олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу сумма унинг АҚШдан олган қарзларидан оз эди. Шунга қарамасдан, урушдан кейинги йилларда Франциянинг жанубий ва ғарбий-жанубий томонларда янги саноат районлари пайдо бўлди. Вайрон бўлган жойлар тиклана бошлади. Ички бозор кенгайди. Эльзас-Лотарингиянинг Францияга қайтарилиши ва Саар кўмирини Францияга берилиши билан унда муҳим хом ашё манбалари вужудга келди. Металлургия, автомобиль, авиация, тўқимачилик ва химия саноатлари ривожланди. Эльзас ва Лотарингиянинг қўшиб олиниши натижасида француз металлургия саноатининг қуввати 1,5 марта ошди. Темир рудаси қазиб олиш бўйича Франция Европада биринчи ўринга чиқди. Саар кўмир ҳавзасидан фойдаланиш ҳуқуқи уни 15 йил давомида кўмир билан таъминлар эди. Ниҳоят, Германиядан олинган 8 миллиард марка товон пули саноатни технология жиҳатидан тўла қайта қуриш имконини берди. Айниқса, оғир саноат, ҳарбий саноат тараққий қилди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси кучайди. Банк ва давлат аппарати билан боғлиқ бўлган гигант монополистик бирлашмалар ("200 оила") кучайиб кетди. Қудратли банклар пайдо бўлди, "Мирабо", Ротшильдлар оиласи, ака-ука Лазарлар, Вормс, Малле ва бошқалар. натижада уларнинг мамлакат ҳаётига таъсири кучайди. Саноатнинг етакчи тармоқларида "Рено", "Ситроен", "Пежо", "Симка" каби улкан компаниялар ташкил топди.

Лекин бошқа саноат тармоқлари, айниқса, енгил саноат орқада қолди ва 1939 йилгача урушдан олдинги даражага етолмади, майда саноат корхоналари эса аввалгидек кўп эди. Жаҳон миқёсида Франция саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам бошқа бир қатор йирик капиталистик мамлакатлардан орқада қолди. Барча капиталистик мамлакатларнинг биргаликда олинган умумий саноат маҳсулотида Франциянинг ҳиссаси 1913 йилда 7,2% бўлса, 1937 йилда 5,1% ни ташкил қилди, холос. Уруш Франция қишлоқ хўжалигига оғир таъсир қилди. Аҳолининг анчагина қисми (1936 йилги маълумотига кўра 47,6%и) қишлоқ аҳолиси эди. Уруш деҳқонлар ўртасида табақаланишни кучайтирди, вайрон

бўлган майда хўжаликлар ҳисобига катта ер эгалиги ўсди, ер майдонинг кўп қисми ер эгалари қўлида тўпланди.

1917 йил ноябридан бери мамлакатни Клемансо бошлиқ радикаллар ҳукумати бошқариб келди. Радикаллар партияси майда ва ўрта буржуазияга таянувчи партия бўлиб, Клемансо монополияларнинг одами эди. У мамлакатда ярим ҳарбий-диктаторлик режимини ўрнатди. 1919 йил ноябрида навбатдаги парламент сайловларида ўта реакционер Пуанкара ва Мильеран бошчилигида "Миллий блок" ҳукумати тузилди. "Миллий блок"нинг мақсади Германиянинг урушда мағлубиятга учраганлиги фактидан кўпроқ фойдаланиб, Европада Франция гегемонлигини ўрнатиш, мустамлакаларни янада кенгайтириш ва уларни талаш эди. Германия билан тузилган Версаль сулҳи Француз аҳолиси учун жуда манфаатли бўлади деб авради. "Миллий блок" сайловларда кўп овозга ва депутатлар палатаси мандатларининг 2/3 қисмига эга бўлиб, катта ғалабага эришди. 1920 йил январидан 1924 йил майигача мамлакатни "Миллий блок" ҳукумати (Мильеран, Лйег, Бриан, Пуанкара ҳукуматлари) бошқарди. Кўп ўтмай Мильеран президентлик лавозимини эгаллади. Антанта билан Германия ва унинг собиқ иттифоқчилари бўлган Австрия, Болгария, Венгрия ва Туркия ўртасидаги сулҳ шартномаларининг ҳаммаси 1919-1920 йилларда Францияда Париж ёнидаги (Версаль, Сен-Жермен, Нейи, Трианон, Севрда) имзолаганди. Франция Англия билан биргаликда 1919 йилги париж конференциясида ташкил топган халқаро ташкилот Миллатлар иттифоқида етакчи роль уйнади. 1921 йилда Франция Польша билан, 1921-1922 йилларда Чехословакия, Югославия ва Руминия билан иттифоқчилик битимларини ва Франция таъсири остида кейинги уч давлатдан иборат бўлган иттифоқ тузди. Бу битимлар ва уч давлат иттифоқидан иборат бўлган Кичик Антантанинг тузилиши аввало Совет Россиясига, сўнгра Германияга қарши қаратилган ва Франциянинг Европада гегемонлик мақсадларига қаратилган эди. Бу Болқонда гегемонлик қилиш учун уринаётган АҚШ, Англия ва Италия давлатлари билан Франция ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб борди.

1922 йил ёзида Буюк Британия ва АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда Рапалло шартномасидан руҳланган Германия ҳар йилги товонни тўлашдан бош тортди. Бунга жавобан Франция, Бельгия ва Италиянинг қўллаб-қувватлаши билан 1923 йил январида ўз қўшинларини Германиянинг оғир саноат маркази бўлган Рур областига ва Рейн вилоятининг бир қисмига киритиб, бу ерларни босиб олди. Аммо Франция ҳукмрон доираларининг режаси амалга ошмади. Германия ҳукумати даъвати билан Рур аҳолиси ишдан бош тортди. Францияга Рур кўмири бутунлай бормай қолди. Натижада чўян ва пўлат қуйиш кескин қисқарди. Француз франки курси тушиб кетди. Рурнинг босиб олиниши ички сиёсий инқироз ва халқаро муносабатлардаги чигалликлар билан якунланди. Молия қийинчиликлари натижасида Франция АҚШдан қарз сўрашга мажбур бўлди. АҚШ қарз беришдан олдин Рурни бўшатишни талаб қилди. Франциянинг

империалистик агрессияси сиёсати ва Рур авантюраси шу тариқа мағлубият билан тугади.

2. 1924 йилдан бошлаб бошқа капиталистик мамлакатлардаги сингари Францияда ҳам стабиллашув бошланди. 1924-1925 йилларда Франция саноат маҳсулоти урушдан олдинги даражадан узиб кета бошлади. 1925 йилда кўмир қазиб чиқариш урушдан илгариги даражага нисбатан 107 % га, пўлат эритиш бўйича 102 % га етди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг консетрациялашуви кучайди. 1924 йил майида навбатдаги парламент сайлови арафасида радикал ва радикал-социалистлар партияси бошқа майда ва ўрта буржуа партияларидан (республикачи социалистлар, мўътадил антиклерикаллардан), социалистик партиядан иборат, "Сўл блок" тузди. Сўл иттифоқ ўз дастурида ижтимоий соҳада ижобий ўзгаришлар қилиш, Миллий иттифоқнинг халққа қарши қаратилган тадбирларини бекор қилиш, Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, Германиядан қўшинларни олиб чиқиш ва у билан ярашиш, Англия ва АҚШ билан мустаҳкам алоқаларни тиклашни ваъда қилган эди. Мамлакатда "сўл блок"нинг Эдуард Эррио бошлиқ ҳукумати тузилди. "Сўл блок" мамлакатни 1924 йил июнидан 1925 йил апрелигача бошқарди. Аввал бошда қисман сиёсий амнистия эълон қилинди, 1920 йилда иш ташлашда қатнашганлиги учун ишдан бўшатилган темир йўлчилар ишга олинди, уй-жой қурилишига маблағ ажратилди. Рурдан француз қўшинлари олиб чиқилди, франкнинг қадрини ошириш мақсадида мажбурий заёмлар чиқариш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламентга киритилди. 1924 йил октябрида ўнг партияларнинг қаршилигига қарамай Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Лекин Эррио ҳукуматининг меҳнаткашларга баъзи ён беришлик сиёсати монополистик буржуазиянинг молия олигархиясига мутлақо ёқмади. Сенат мажбурий заёмлар ҳақидаги лойиҳани рад этди. Бундай оммавий норозилик ва кураш шароитида социалистик партия "сўл блок"дан чиқишга мажбур бўлди. "Сўл блок" тарқалиб кетди. 1925 йил апрелида Пуанкаре бошчилигида йирик буржуазиянинг "Миллий бирлик" ҳукумати тузилди. Ҳукуматда радикаллар иштирок этди. "Миллий бирлик" ҳукумати мамлакатни уч йил идора қилди.

Пуанкаре ҳукумати давлат харажатларини қисқартирди, янги солиқлар жорий этди ва саноат корхоналарига имтиёзлар берди. АҚШ ва Англиядан олинган йирик кредитлар ҳисобига франк курси барқарорлаштирилди. 1926 йилга келиб давлат даромадлари урушдан кейин биринчи марта харажатлардан ортиқ бўлди. Валюта-молия муносабатларининг барқарорлашуви француз иқтисодиётининг умумий юксалиши бошланганидан далолат эди. 1925 йилда Франция саноати маҳсулоти ҳажми биринчи марта урушдан олдинги даражадан ортиқ бўлди. Орадан беш йил ўтгач, 1930 йилда Францияда урушлар оралиғидаги энг юксак саноат ишлаб чиқариши ва савдо ҳажми қайд этилди. Франция саноат тараққиёти суръатлари бўйича (йилига ўртача 5%) Англия ва Германияни ортда қолдириб, АҚШга яқинлашди. 1924 йилдан 1929 йилгача

мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш даври бўлди. 1926 йилда ишсизлик нафақаси жорий этилди, кексалик нафақаси, касаллик, ногиронлик ва ҳомиладорликда ёрдам пули бериладиган бўлди.

Ташқи сиёсатда Р.Пуанкаре ҳукумати мустамлакачилик тадбирларини кучайтирди. 1926-1927 йиллар Марокаш ва Суриядаги миллий озодлик ҳаракати ёвузларча бостирилди. Шовинистик ва фашистик ташкилотлар активлашди ва полковник Де Ля Рок бошчилигида 1927 йилда "жангавор крестлар" номли янги ҳарбий-фашистик ташкилот тузилди. (Петен ва Де Голл фашистик ташкилотнинг яширин аъзолари бўлганлар). Буржуа парламентаризмининг кризиси кучайди. Ўнг буржуа партиялари 1928 йил апрелида бўлган навбатдаги парламент сайловларида кўпчилик ўринни эгаллади. Сайловда кам ўринни эгаллаган радикаллар ҳукуматдан четлашиб борди ва оппозицияга ўтишга мажбур бўлдилар.

3. Франция 1929 йилда бошланган жаҳон иқтисодий кризисига кечроқ, 1930 йилдан кирди. Кризис Францияда бир неча йилларга чўзилиб кетди ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқлари эса иккинчи жаҳон урушигача кризисдан қутила олмади, саноат маҳсулотининг учдан бири, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва ташқи савдонинг бешдан иккиси, Миллий даромаднинг учдан бири қисқарди. Ишчиларнинг иш ҳақи 40%га камайтирилди. Штрафлар олиш авжига чиқиб кетди. Ишлаб чиқариш тобора ихчамлаштирилиб, меҳнат жараёни жадаллаштирилди ва иш куни 10-12 соатга узайтирилди. Нарх-наво кўтарилди. Эгри солиқлар ошди. Ишсизлар кўпайиб уларнинг сони 1,5 млн кишидан ошди, ишчиларнинг 50% бутунлай ва қисман ишсиз қолди.

4. Инқироз мамлакатдаги сиёсий беқарорликни кучайтирди ва ҳукуматдаги гуруҳлар ўртасидаги курашнинг авж олишига олиб келди. Фақат 1937 йилдагина Франция саноати ва ташқи савдоси инқироздан олдинги даражага қайтди, бироқ 1938 йилда янги таназзул бошланди ва у деярли иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар давом этди. Франция иқтисодий ривожланишнинг нормал ўзанига қайтиб туша олмади. Франциядаги сиёсий вазият кескин ўзгарди, кенг омманинг норозилиги кучайди. 1926 йилда келган эдилар. 1929 йил ноябридан 1932 йил майгача мамлакатда 8 ҳукумат алмашди. 1932 йил майидаги сайловлар Франция инқирозининг икки йили давомида сўлга қараб бурилганини кўрсатди. Сайловлар социалистлар ва радикал-социалистлар блокига ғалаба келтирди. Янги ҳукуматни яна Эдуард Эррио бошқарди. Э.Эррио ҳукумати бор-йўғи 6 ой ишлаб, истеъфо беришга мажбур бўлди. 1932 йил декабридан 1934 йил январига қадар Францияда сўлларнинг 5 ҳукумати алмашди ва уларнинг ҳар бири уч ойдан оз ҳукмронлик қилди. Уларнинг энг сўнггиси Эдуард Даладье (1884-1970) ҳукумати бўлди.

1932-1933 йилларда "Француз бирдамлиги", "францистлар" деган янги фашистик партия ва союз тузилди. Илгари тузилган "Жанговар крестлар", "француз ҳаракати" каби фашист ташкилотлари активлашди. Бу ташкилотлар бир неча 10 минг (кейинроқ эса бир неча юз минг) аъзога эга бўлди, ҳамда тўп ва пулемётлар билан қуролланиб олдилар. Уларнинг ихтиёрида юздан

ошиқ самолёт ҳам бор эди. Фашистик ташкилотларнинг бошлиқлари (Де Ля Рок) ва бошқалар Гитлер ва Муссолини билан алоқада бўлдилар.

Гитлернинг ҳокимиятга келганидан руҳланган Франция йирик молия ва саноат Реакцион доиралар ҳокимиятни фашистлар эгаллашига руҳан тайёрлаш мақсадида оммавий тарғиботни авж олдирдилар. 1933 йил охирида фашистларнинг ташкилотлари ҳукуматда юзага келган инқирозни баҳона қилиб ҳокимиятни эгаллашга очиқ-ойдин тайёрлана бошладилар. 1934 йил 6 февралда, ҳукумат инқирози сиёсий инқироза ўсиб ўтганидан сўнг, Парижда фашистлар исёни бошланди. Бир неча ўн минг қуролланган фашистлар кўчаларга чиқдилар ва Бурбонлар саройи, парламент биносига ёриб ўтишга уриндилар. Ҳукуматнинг бепарволигидан фойдаланиб, фашистлар почта, телеграф, вокзаллар ва Елисей даласидаги Муроса майдонига ҳужум қила бошладилар. Ҳукуматнинг фаолиятсизлигини кўриб, Франция пойтахтида юз минглаб ишчилар кўчаларга чиқдилар. Германия фожиасининг Францияда такрорланишини истамаган одамларнинг барчаси қўзғолди. Бундай оммавий намойишлар мамлакатнинг Марсел, Лион, Руан, Нант, Нанси ва бошқа шаҳарларида бўлиб ўтди.

Фашистлар миллат демократик кучлари фронти олдида чекинишга мажбур бўлдилар. Реакцион ва консерватив кучлар ҳокимиятни худди Германиядаги сингари сиёсий найранглар йўли билан эгаллашга қарор қилдилар. 1934 йил 7 февралда Э.Даладье ўзига ишонч билдирганига қарамай истеъфо берди. Бош вазир қилиб фашизмнинг очиқ тарафдори бўлган Гастон Думерг (1863-1937) тайинланди.

Франция меҳнаткашлари фашистлар тўнтариши муаллифлари режасини барбод қилдилар. Ҳокимият тепасига Думерг келгани тўғрисидаги хабар тарқалгани ҳамон яна исёнчи ва ишчилар ўртасида ашаддий жанглар бошланди. Бутун Парижда, Франциянинг ҳамма ерида ишчилар фашистларни ҳокимиятга қўймаслик шашти билан ёндилар. мамлакатда демократия ва Франция озодлиги учун курашувчиларнинг умумий фронти вужудга кела бошлади. Намойишлар тақиқланганига қарамай, 9 февраль кечқурун 50 минг парижлик фашистларга қарши намойишга чиқди. Шаҳарда полиция ва ишчилар ўртасида ҳақиқий кўча жанглари авж олди. Париж касалхоналари ярадорлар билан тўлиб-тошди. 1934 йил 12 февралда бутун Францияда умумий иш ташлаш бошланди. Унда 4,5 млн. киши қатнашди. Шу куни Францияда фашистларга тарафдор реакцион кучлар томонидан тайёрланган давлат тўнтариши барбод бўлгани ойдинлашди. Фашизм Францияда ғалабага эришолмади.

Фашизм енгилган бўлсада, лекин унинг хавфи батамом йўқолмаган эди. Ҳукуматнинг айрим аъзолари масалан, ташқи ишлар министри Луи Бартунинг эҳтиёткорлик чораларини кўриш ҳақидаги таклифлари маъқулланмади. Барту 1934 йил баҳорида марказий ва Жанубий Шарқий Европа мамлакатларини айланиб чиқди, ҳамда фашизм агрессияси хавфига қарши бир қанча давлатлар иттифоқини тузиш ғояларини илгари сурди. Лекин ўша йили октябрь ойида Барту Харват фашист террорчилари томонидан ўлдирилди. 1934 йил 27 июлда коммунистик партия билан

социалистик партия ўртасида фашизм хавфига қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида аҳднома тузилди. Шундай қилиб, 1934-1936 йилларда кенг халқ оммаси - ишчилар, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазия, меҳнаткаш зиёлиларнинг антифашистик халқ фронти вужудга келди.

1936 йил январида Халқ Фронтининг дастури эълон қилинди. Уни ишлаб чиқишда мамлакат демократик кучларининг вакиллари иштирок этдилар. Дастур барча фашистларнинг ташкилотларини қуролсизлантириш ва тарқатиш, кенг халқ оммасининг аҳволини яхшилаш - иш ҳафтасини қисқартириш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш миллий жамғармасини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қатъий нархларни белгилашни кўзда тутарди.

1936 йил баҳорида Францияда депутатлар палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Халқ фронти партиялари биргаликда, умумий дастур асосида иштирок этдилар. Сайловларда Халқ фронти умумий ҳисобда 57% овоз тўплаб, ғолиб чиқди.

Халқ фронти ҳукумати Социалистик партия етакчиси Леон Блюм (1872-1950) раҳбарлигида Францияда инқирознинг янги босқичи бошланаётган бир пайтда иш бошлади. Шунга қарамай, ўз дастурини амалга ошириш ва берган ваъдаларини бажариш борасида катта ишларни амалга оширди. 1936 йил ёзи давомида парламент Халқ фронти дастурига мос келувчи 100 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Ўз ваъдаларига мувофиқ, ҳукумат парламент 40 соатлик иш ҳафтаси ва жамоавий шартномалар тўғрисидаги қонун. Хизматчиларнинг маошлари ва нафақалар ошириш. Ишсизлик бўйича нафақага солиқ солинишига барҳам берилди. Ишсизлар учун жамоат ишлари ташкил қилина бошланди.

Аҳолининг ўрта табақалари аҳволи ҳам яхшиланди. Ҳукумат саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг қарз тўлаш муҳлатларини кечиктирди. Бу билан минглаб майда ишлаб чиқарувчиларни касодга учрашдан асраб қолди. Майда корхоналардан олинувчи солиқлар миқдори камайтирилди, йирик корхоналардан олинувчи солиқлар эса оширилди. Франция банки ва қатор ҳарбий заводлар давлат тасарруфига ўтди. 1937 йилда Темир йўллар миллий жамияти тузилиб, унинг қўл остига мамлакатдаги барча темир йўллар ўтказилди. Францияда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жорий қилина бошланди.

1937 йил февралида Л.Блюм мамлакатнинг оғир моддий аҳволини баҳона қилиб, Халқ фронти дастурини бажаришда танаффус эълон қилиш таклифини киритди. У куч тўплаб, сўнг ютуқларни мустаҳкамлаш учун “нафас ростлаш” лозимлигини уқтирди. Бу аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. 1937 йил июнида Блюм истеъфо берди.

Реакцион кучлар Халқ фронти ҳукуматига қарши очиқ хужум бошладилар, унинг фаолиятини халққа қарши йўналтиришга уриндилар. Улар давлатнинг ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларини қисқартиришга эришдилар, ҳукуматнинг моддий аҳволини оғирлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ҳукумат тамаки маҳсулотлари, гугурт, спиртли ичимликлар, почта-телеграф ва темир йўл ташувларига

янги солиқлар белгилашга мажбур бўлди. Халқ фронтининг янги ҳукумати Шотан ҳукумати янги девалвацияни амалга оширди. Икки девалвация натижасида Францияда яшашнинг қиймати 1936 йил майдан 1937 йил декабргача 40% қимматлашди.

1938 йил октбярида Францияда халқ фронти парчаланди. Халқ фронтининг парчаланиши реакцион кучларга йўл очди. 1938 йил 10 апрелдан 1940 йил 18 майгача ҳокимиятни бошқарган Э.Даладье ҳукумати давридаёқ барча маҳсулот ва хизмат турларига солиқлар оширилди. Иш ҳафтаси 5 кундан 6 кунга узайтирилди. Ижтимоий ҳимоя солиқлар миқдори 13 баравар оширилди, йирик корхоналарга солиқлар эса камайтирилди.

Э.Даладье ҳукумати "миллий хиёнат" ҳукуматига айланди. Франциянинг Европада гегемонлиги қарор топишига ишончи йўқолган давлат ва сиёсат арбоблари Германия ва Италия фашистлари билан тил бириктириш йўлига тушдилар, шу тахлит улар билан тўқнашишдан қутулиб қолишга умид қилдилар. Германияни Шарққа йўналтириш сиёстини тутдилар. 1940 йилда Франция бу сиёсати учун ҳарбий мағлубият ва миллий мустақилликни бой бериш билан ҳақ тўлади.

1933 йил 7 июнда Англия, Франция Италия ва Германия ўртасида "Тўртлар битими" имзоланди. У кучга кирмади, бироқ Франция ташқи сиёсатининг моҳиятини очиқ кўрсатди. 1934 йил октябрида Франция бош вазирлигига П.Лавал тайинланди. У 1935 йил 2 майда ўзаро ёрдам тўғрисидаги совет-француз битими имзоланди. Унга қадар Франция дипломатлари "Франциянинг Германия билан тўла ва узил-кесил келишиши учун зарур бўлса" совет-француз битимидан воз кечишга тайёргарликларини айтиб, Германия билан тил топишга роса уриндилар. 1936 йил мартида Гитлер қўшинлари ҳарбийсизлаштирилган Рейн ҳудудига кирди. Бу билан Гитлер Францияни очиқ-ойдин майдонга чақирди. Версаль битимининг 42- ва 43-моддалари бузилганига қарамай, Франция чекинди. 1936 йил июлида Гитлер Австрияни босиб олди. Франция ўзининг сўнгги иттифоқчисидан айрилди. 1936 йил 27 апрелда Белгия ўзини бетараф деб эълон қилди, яъни Франциянинг шарқий чегараларини қўриқловчи Рейн битимининг кафолатчиси бўлишдан бош тортди.

1936 йил июлида, Испанияда фуқаролар уруши бошланиб, Германия ва Италия фашистлари исёнчиларга очиқ-ойдин ёрдам бера бошлаганларидан сўнг, Франция Испания ишларига ўзининг аралашмаслигини эълон қилди. 1938 йилда Гитлер Чехословакияни талаб қилди. Франция Бош вазири Э.Даладье Чехословакия ҳукуматининг фикрини суриштирмай Судетни Германияга беришга розилик билдирди. 1938 йил 4 октябрда Франция Миллий Мажлиси шармандали Мюнхен битимини ратификация қилди ва бу мамлакатнинг фашистлар Германияси билан тил бириктириш йўлига очиқ-ойдин тушганини тасдиқлади.

Мюнхен битимидан икки ой ўтиб, 1938 йил 6 декабрда Парижда Франция ташқи ишлар вазири Ж.Боне ва Германия ташқи ишлар вазири И.Риббентроп ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги битимдан умуман фарқ қилмаган қўшма декларацияни имзоладилар .

1938 йил 16 ноябрда Даладье Франциянинг мустамлака масаласи асло ён бермаслигини очиқдан-очиқ айтди. Даладье ҳукумати Германиясининг агрессиясини шарққа қаратишга уринди. 1938 йил 6 декабрда ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида Франция-Германия деклорацияси имзоланди. 1939 йил март-август ойларида олиб борилган музокоралар Франция ва Англия ҳукуматларининг айби билан натижа бермади. Франция ҳукмрон доираларининг сиёсати ҳам иккинчи жаҳон урушининг бошланишини тезлаштирди.

Назорат топшириқлари:

1. Биринчи жаҳон уруши Франция иқтисодиётига қандай таъсир қилди?
2. “Миллий блок” ҳукуматининг ўз олдига қўйган дастури нималардан иборат эди?
3. “Сўл блок” ҳукумати қачон ҳокимият тепасига келди?
4. Францияда 1934 йилги февраль воқеаларининг сабабини айтинг?
5. Францияда антифашистик Халқ фронти ҳукумати қачон ҳокимият тепасига келди?
6. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франция ҳукумати ташқи сиёсатининг моҳиятини айтинг?

Мустақил иш топшириқлари.

1.»Миллий блок» ва «сўл блок» ҳукуматларининг моҳиятини тушунтиринг?
2.Франциянинг Мюнхен битимида иштирокнинг мақсади нима эди?
3.Франция иттифоқчи сифатида нега Польшага амалий ёрдам кўрсатмади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европў и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Аврики XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европў и США после второй мировой войнў (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европў и судьбў освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европў и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10. Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
11. Смирнов В.П. Новейшая история Франции. М., 1979.
12. История Франции. Под.рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973.

5-мавзу. АҚШ 1918-1945 йилларда

1. АҚШ 1-жаҳон урушидан сўнг. Париж конференциясида АҚШнинг иштироки. Вашингтон тизимининг яратилиши.

2. 1924-1929 йилларда АҚШ иқтисодиёти. Буюк депрессия йилларида АҚШ.

3. Рузвельтнинг “Янгича сиёсати” моҳияти. Иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШ.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг АҚШ учун иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. АҚШнинг дунё кредиторига айланиши. АҚШ ва Версаль системаси. АҚШнинг доллар дипломатияси. Вашингтон системаси. АҚШда стабиллашув даври. АҚШда жаҳон иқтисодий инқирозининг бошланиши. АҚШнинг иккинчи жаҳон уруши арафасидаги йилларда ташқи сиёсати.

Дарснинг мақсади:Икки жаҳон уруш оралиғидаги АҚШнинг иқтисодий тараққиёти сабабларини, сиёсий тузуми ва халқаро майдонда гегемонлик қилишга уриниши омилларини. Иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШнинг иккиюзламачилик сиёсат олиб бориш сабабларини ёритиб беришдан иборатдир.

1. Биринчи жаҳон уруши йилларида АҚШ қирғинчилик урушини чўзиш, янада кўпроқ фойдани қўлга киритиш бошқа мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб қўйиш мақсадларини кўзда тутдилар. АҚШ урушнинг дастлабки йилларида “бетарафлик” йўлини тутди, 1917 йил апрелидан жаҳон урушига иштирок этди. АҚшдан урушда ҳалок бўлган ва ярадор бўлганларнинг сони 300 минг кишидан сал ошди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг консентрациялашуви янада кучайиб кетди. монополистларнинг фойдаси икки баробардан ортиқ кўпайди. Уларнинг олган фойдаси 1914 йил 3 млрд. 940 млн. Доллар бўлса, 1919 йилда 9 млрд.411 млн. долларга етди. 1920 йилда чет элга чиқарилган маҳсулот суммаси 8 млрд. долларга, капитал чиқариш 6,4 млрд.долларга етди. Экспорт импортдан анча ошиб кетди. АҚШ бошқа давлатлардан қарз олувчи мамлакатдан қарз берувчи мамлакатга айланди. 1914-1919 йилларда ташқи мамлакатларнинг АҚШдан қарзи 3,5 млрд.доллардан 6,5 млрд. долларга етди. Америка компаниялари уруш даврида жами 35 млрд.доллардан ортиқ соф даромад олдилар. Бундан ташқари, Европадаги 20 мамлакат АҚШДан 10 млрд. доллар қарздор бўлиб қолди. Улар ҳар йили АҚШга камида 1 млрд.доллардан тўлаб туришлари лозим эди. АҚШ 1914-1919 йилларда дунёдаги олтин заҳирасининг 50%дан кўпроғига эга бўлди. Олти йил ичида - 1914 йилдан 1920 йилгача мамлакат миллий бойлиги 2,5 баравар ошди. 1920 йилда АҚШда бутун дунёда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг

47%и яратилди. Бошқа айрим кўрсаткичлар бўйича АҚШнинг ютуқлари янада салмоқлироқ эди. Мамлакатда дунёдаги жами автомобилларнинг 80%и, нефтнинг 67%и ишлаб чиқариларди. Америка флоти уруш давомида 10 бараварга ўсди. АҚШ дунёдаги етакчи денгиз давлатига айланди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ АҚШда мамлакат тарихидаги энг шафқатсиз ва кенг миқёсли қатағон авж олдирилди. 1918 йил майида АҚШ ҳукумати "Даъваткорлик тўғрисидаги ҳужжат"ни эълон қилди. Унга кўра мамлакатдаги мавжуд тузум тўғрисида билдирилган барча салбий фикрлар жиноий деб эълон қилинди. Бундай айб билан қамоққа олинган ҳар қандай одамга 10 минг доллар жарима солиш ёки 20 йил муддатга қамоқ жазоси кўзда тутилди. 1920 йил январида АҚШ полицияси 70 шаҳарда тараққийпарвар ташкилотларнинг аъзоларига қарши тадбир уюштирдилар. 10 минг кишидан ортиқ киши қамоққа олинди. Худди шу йили касаба уюшмалари ҳаракати фаоллари саналган италиялик муҳожирлар - Сакко ва Ванцетти қамоққа олиндилар. Улар банкни ўғирлаш ва полицияни ўлдиришда айбландилар. 1927 йилда улар электр курсида қатл қилиндилар. Фақат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг уларга соҳта гувоҳликлар асосида айб қўйилгани маълум бўлди.

АҚШ-Париж сулҳ конференциясида империалистик Версал системасини тузушда катта роль уйнади. У Германияни заифлаштириб юбормасликка, ҳатто Чехословакиянинг бир қисмини Германия фойдасига ажратиб олишга, кучли немис армиясини сақлаб қолишга, бинобарин, Германиянинг Антанта давлатларига, аввало Совет Россиясига, шунингдек, Англия ва Францияга қарши кучли бир давлат бўлиб қолишига интилди. АҚШ урушдан кейинги халқаро муносабатларга етакчи роль уйнашга, Англия Франция Японияни Хитой ҳамда бошқа мамлакатлардан сиқиб чиқаришга урунди. Версаль сулҳ шартномаси Англия ва Франция давлатларининг манфаатларига мувофиқ бўлиб чиқди. 1921 йилда АҚШ Германия ва унинг собиқ иттифоқчилари билан сепарат сулҳ шартномаларини тузди. Европа ишларидан четда туриш, "изоляционизм" (ажралиб ва яккаланиб туриш) ниқоби остида АҚШ Европа ишларида активлашиб борди.

АҚШ Германия ва бир қанча мамлакатларнинг савдо саноат корхоналари ва муассасаларини ўзига қаратиб олди. 1919 йил апрелидаёқ АҚШ федерал заҳира бюроси Германияга заём беришга қарор қилди. 1923 йилда "Монро Доктринаси"ни янгидан юзага чиқариб уни амалга оширишга ҳаракат қилдилар. АҚШ бир неча йиллар давомида бу мамлакатларга бошқа капиталистик мамлакатларга нисбатан олти бараваридан кўпроқ капитал чиқариб, Латин Америкаси мамлакатларини бирин-кетин ўзига бўйсундирди. АҚШ тинч океанига, Узоқ Шарққа, Хитойга ҳам катта эътибор берди. 1919 йил париж конференцияси натижаларидан норози бўлиб қолган АҚШ ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватидан фойдаланиб, Узоқ Шарққа (хусусан Хитойда) ва тинч океандаги ўз рақибларига (Япония ва Англияга) жиддий шикаст етказишга бир қанча империалистик давлатларнинг Узоқ Шарқ ҳудудларидаги зиддиятларидан

фойдаланиб бу ерда (айниқса Хитойда) ва тинч океанда ўз позициясини кучайтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда АҚШ 1921 йил ноябридан 1922 йил февралига қадар Вашингтонда халқаро конференция чақирди. Конференциянинг энг асосий қарорлари қуйидаги учта шартномада ўз ифодасини топди:

1) Тўрт давлатнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Японияниинг) "Тинч океандаги бир-бирларининг мустамлака ерларининг даҳлсизлиги тўғрисидаги шартномаси":

2) Тўққиз давлатнинг (конференцияда иштирок этган ҳамма давлатларнинг) "Хитойнинг территориал ва маъмурий мустақиллиги принципини таниш тўғрисидаги шартномаси";

3) Беш давлатнинг (АҚШ, Англия, Франция, Япония ва италиянинг) "Денгиз қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномаси";

АҚШ иттифоқчилари бўлган мамлакатларнинг Қўшма Штатлардан олган қарзларини тўлашларини вақти-вақти билан қистаб турди ва бу масалада АҚШ билан қарздорлар мамлакатлар ўртасидаги, айниқса, АҚШ билан Англия ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. АҚШ Англиянинг қарзларини анча оғир шартлар асосида тўлашини талаб қилди ва ниҳоят, 1923 йил февралида Вашингтонда имзоланган АҚШ-Англия битимига биноан, Англия ўз қарзларини 30% камайтирилган ҳолда, 67 йил муддат ичида АҚШга тўлаш мажбуриятини олди.

2. 1922-1929 йилларда АҚШда вақтинча қисман стабиллашув йиллари бўлди. АҚШдаги стабиллашув Европа мамлакатларидаги стабиллашувидан илгарироқ (1922 йил охирида) бошланди. 1923-1929 йилларда АҚШдаги саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 20% ошди, ёлланма ишчилар сони эса 7,6% камайди. 1926-1929 йилларда АҚШ саноат маҳсулоти юқоридаги 5 та мамлакат маҳсулотини 9% ортиқ бўлди. 1928-1929 йилларда АҚШ иқтисодиётининг жуда юксалган йиллари бўлди. Ишлаб чиқаришда янги фан ва техника кашфиётлари, серияли ишлаб чиқариш усули кенг қўлланила бошланди. Ишлаб чиқаришда ақл бовар қилмас ўсиш рўй берди. 1927 йилга келиб АҚШда йилига 7 млн. автомобиль ишлаб чиқариларди. Автомобилсозликнинг ўсиши кенг шоссе йўлларининг барпо этилишига туртки бўлди, шаҳар ва қишлоқ қурилишининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётдаги жадал ўсиш ўз қўлларида катта иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни жамлаган улкан ишлаб чиқариш ва молия бирлашмаларининг ташкил топишига олиб келди. Автомобилсозликда уч йирик компания - "Форд", "Женерал Моторс" ва "Крайслер" бутун автомобиль саноатини ўзига буйсундирди. Кимё саноатида "Дюпон" фирмаси, пўлат қўйиш саноатида "Пўлат трести" ҳукмронлик қилди. Банкларнинг ҳукмронлиги айниқса беқиёс бўлди. Морган ва Рокфеллер назорати остидаги олти йирик банк мамлакатдаги жами сармоянинг ярмидан ортиғини назорат қилди.

20-йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида янги шароитга мослашишга эришган Республикачилар партияси муҳим роль уйнади. 1920 йилдаги президентликка сайловларда Демократлар партияси мағлубиятга учради ва

Оқ уйни республикачилар эгалладилар. Улар Оқ уй ва Конгрессда 1932 йилгача ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда президентлик курсида У.Гардинг (1921-1923), К.Кулиж (1923-1924 ва 1925-1929) ва Г.Гувер (1929-1932) ўтирди. Бу давр Америка иқтисодиётининг гуллаб-яшнаш (просперити) даври бўлди..

Гардинг ишини давом эттирган К.Кулиж 1925 йилда: "Американинг иши-тижорат", деб эълон қилди. Кулиж ҳукумати жаҳон миқёсида агрессив сиёсатини кучайтириб юборди. Америка буржуазияси жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун курашнинг ниқобланган изоляционистик методидан фойдаланишини давом эттирди. 1924 йилда Америкалик банкир Чарлиз Дауэс ташаббуси билан Германиядан олинадиган репарация баҳонаси билан "Дауэс режаси" режаси тузилди. Бундан мақсад Германия иқтисодиётни АҚШнинг молиявий позициясини кучайтириш, катта фойда олиш, Германия оғир саноатини ривожлантириш эди. 1924-1929 йилларда АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларнинг Германияга берган қарзлари 23 млрд. марка миқдорида бўлса, шундан 70% АҚШ берган эди.

Марказий Америка мамлакатларига (масалан, Гайити, Гондурас, Куба ва бошқаларга) қарши қуролл интрвенсия уюштирилди. панамадаги аскарлар сони оширилди Панама АҚШнинг ҳарбий стратегик плацдормига айлантирилди. Мексика нефть бойлигининг 73% АҚШ монополистлари қўлига ўтди. 1928 йилга келиб лотин Америкасидаги 20 та мамлакатдан 14 таси АҚШга қарам бўлиб қолди. АҚШ 1929 йилда Филиппиндаги миллий озодлик ҳаракатини қурол кучи билан ёвузларча бостирди.

Дауэс режаси (1924) кўмагида молия сармояси ғарбий Европага киритилди ва Германия ҳарбий-ишлаб чиқариш қудрати ҳамда Германия милитаризмининг тикланишига кўмаклашди. Америка компанияларида айниқса Польша катта қизиқиш уйғотди, Америка сармояси бу ерда Польша қазилма ва металлургия саноатининг 50%и устидан назорат ўрнатишга эришди. 1928 йилги президент сайловларида республикачилар партияси президентликка Герберт Гувер номзодини кўрсатди. Гувер демократлар партиясининг номзоди Смитга нисбатан кўпроқ овоз олди ва президентликка сайланди.

3. Мамлакат иқтисодини ўрганиш учун Г.гувер бошчилигида тузилган махсус ҳукумат комитети 1929 йил февралида ўзининг текшириш ишини тамомлаб, "юқори иқтисодий активлик", "барқарорлик" ва "мустаҳкам иқтисод", "ажойиб тараққиёт" ҳақида ҳисобот ёзди. Аммо орадан кўп ўтмасдан, 1929 йил октябридаёқ зўр иқтисодий инқироз бошланиб кетди. АҚШ 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий иқтисодининг асосий ўчоғи бўлиб қолди. 1929-1933 йилларда АҚШ саноат маҳсулотини 56% камайтириб, 1905-1906 йиллардаги ишлаб чиқариш даражасига тушириб қўйди. Пўлат қуйиш ва 76% қисқарди, яъни 1901 йилги даражага тушиб қолди. Саноат ишлаб чиқариши деярли ярмига қисқарди. автомобиллар чиқариш 80%га, экспорт, импорт, чакана савдо айланмаси икки баробарга камайди. Ушбу инқироз "Буюк депрессия" деб номланди, зеро, 1929-1932 йилларда 130 мингга яқин фирмалар банкротликка учради.

Қишлоқ хўжалигидаги вазият ҳам кескин ёмонлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари тушиб кетганлиги фермер хўжаликларининг бор-буди сотиб юборилди. Уларнинг эгалари эса ишсизлар сафига қўшилишди. Ишсизлик америкаликлар учун ҳақиқий офатга айланди. 1933 йили мамлакатда 17 млн. ишсиз эди.

Буюк депрессия оммавий иш ташлашчилик ҳаракатига туртки берди, ишчилар ва фермерларнинг чиқишлари бошланди. 1931 йил декабрида ва 1932 йили ишсизларнинг Вашингтонга юришлари ташкил этилди. Улар "очарчилик юришлари" деб номланди. ғалаёнлар қишлоқ хўжалик ҳудудларига ҳам тарқалди. 22 штатни фермерларнинг чиқишлари қамраб олди. Давлат бешафқат қатағон йўли билан чиқишларни бостирди. 130 мингга яқин савдо ва саноат фирмаси, 58 та темир йўл компанияси, 10 минг банк (ҳамма банкларнинг 40%) синди. Инқироз ва синфий кураш энг кучайган, 1932 йили навбатдаги президент салови ўтказилди. Республикачи Гувер бу сайловда мағлубиятга учради. Демократлар партияси тажрибали сиёсатчи бўлган Франклин Рузвельтни ғалаба қозонди. У 1932 йилдан 1944 йилгача президентликка тўрт марта сайланган ягона президент эди. Рузвельт президент бўлгач, Америка иқтисодиётида "янги йўналиш" сифатида шуҳрат қозонган кенг миқёсли ислоҳотларни бошлади. Бу йўлнинг моҳияти ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик тўлиқ сақланган ҳолда давлат бошқарувини иқтисодиётга ва ижтимоий муносабатларга кенг жорий этишдан иборат эди. Рузвельт меҳнат ҳуқуқини жиддий қайта кўриш, ишсизликка қарши курашга катта маблағлар ажратиш ва ижтимоий суғурта асосларини яратиш (пенсиялар, касаллик бўйича нафақалар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимини такомиллаштириш) режалаштирилганди. 1933 йил 16 июнда кучга кирган саноатни қайта тиклаш ҳақидаги қонун "янги йўналиш" доирасидаги яна бир муҳим тадбир бўлди. Бу қонун саноатнинг давлат томонидан бошқарилиши тизимини жорий қилди. Саноатнинг ҳар бир соҳаси учун давлат қонуни сифатида тадбиқ қилинган "ҳалол рақобат кодекслари" ишлаб чиқилди. Мазкур кодекслар ҳар бир корхона учун муайян ишлаб чиқариш хажмини, маҳсулот нархини, савдо бозорини белгилаб берарди.

Қонун ишбилармонларга иш ҳақининг энг кам даражасини ва иш ҳафтасининг максимал вақтини кодексларда қатъий қайд этишни ҳам белгиларди. Шунингдек, ишчиларнинг касаба уюшмалар вужудга келтириш ва жамоавий шартномалар тузиш ҳуқуқи эълон қилинганди. Саноатни қайта тиклаш ҳақидаги қонун бўйича ишсизларга ёрдам чоралари кўзда тутилганди. Ижтимоий ишлар махсус қўмитаси тузилиб, унинг ихтиёрига йўллар қуриш, мактабларни таъмирлаш, спорт мажмуалари ва бошқа иншоотлар барпо этиш учун катта миқдорда маблағ берилди. мазкур тадбирлар 8 млн. америкаликларни иш билан таъминлади. Ажратилган маблағларга 10.000 км. катта йўллар қурилди. 77 минг кўприк ва 800 та аэродром барпо этилди, ўнлаб ҳарбий кемалар яратилди. Қашшоқ оилалардаги 18 дан 25 ёшгача бўлган ишсизлар учун махсус лагерлар барпо

этилди. Бу ерда давлат ҳисобидан таълим олиб, саноатнинг янги тармоқлари учун зарур ихтисосликларни эгаллашарди.

Рузвельт америкалик фермерларни қутқаришга алоҳида эътибор қаратди. 1933 йил 12 майда фермерларга ёрдам ҳақидаги қонун қабул қилинди. Уларнинг маҳсулотларига бўлган нархларни ошириш зарур эди. Фермерларга экинзор майдонини ва чорва сонини қисқартириш ҳақида давлат билан контракт тузиш таклиф этилди. Бунинг учун уларга мукофотлар берилди. Фермерларнинг қарзлари давлат ҳисобига қабул қилинди ва номаълум муддатга тўхтатиб қўйилди. Давлат юзминглаб фермерларга кредитлар берди.

“Янги йўналиш” АҚШдаги ижтимоий муносабатларни либераллаштириш учун ижтимоий қонунчилик соҳасида муҳим силжишни амалга оширди. 1935 йили АҚШ Конгресси “Вагнер қонуни”ни қабул қилди. мазкур қонун бўйича ишчилар жамоавий шартномалар тузиш ҳуқуқига ва иш ташлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Бундан буён иш ташлашда қатнашганлиги учун таъқиб қилиш ман қилинди. Худди шу йили АҚШ тарихида биринчи марта ижтимоий суғурталаш ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунда кексаларни таъминлаш ва ишсизлик бўйича компенсация тўлаш, кўзи ожизларга, мажруҳларга, ёлғиз оналарга ва етимларга ёрдам бериш кўзда тутилди.

АҚШ конгресси 1933 йилда 3,5 ой ичида 70 та қонун қабул қилди. Булар орасида айниқса “Миллий саноатни тиклаш тўғрисида акт”, “Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисида акт” (“Фермерларга ёрдам бериш тўғрисида қонун”) мухим қонунлар эди. “Янги йўл” сиёсати АҚШда давлат-монополистик капитализмини кучайтириш ва мустаҳкамланишида, буржуазиянинг заифлашиб қолган позициясини кучайтиришда уларнинг инқироздан чиқиб олишда маълум роль уйнади. 1934-1935 йилларда АҚШда инқироз алоҳида шаклдаги қатоғонга ўтди, сўнгра 1936 йилда ишлаб чиқариш жамлана бошлади. Агар 1932 йилда саноат компаниялари 3,42 млрд. доллар дефицит билан якунланган бўлса, 1936 йилда компанияларнинг соф фойдаси 4,27 млрд.долларни ташкил этди.

4. Рузвельт президентлиги даврида ички сиёсатнинг либераллаштирилганлиги ташқи сиёсатда ҳам акс этди. АҚшнинг ташқи сиёсати янада мослашувчан ва ҳаққонийроқ бўлиб қолди. Янги маъмуриятнинг ташқи сиёсатдаги биринчи йирик иши - 1933 йил ноябрида Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигидир. Икки мамлакат ўртасида муносабатлар меъёрлашганлиги уларнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштирди. 1935 ва 1937 йилларда АҚШ билан СССР ўртасида икки мамлакатнинг ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлари ривожланишига имкон берувчи савдо битимлари тузилди.

1933 йили АҚШ ҳукумати Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан “яхши қўшничилик” сиёсатини эълон қилди. Ф.Рузвельт Гаитидан Америка қўшинларини чақириб олди. Куба билан шартнома тузилиб, АҚШнинг интервенция ҳуқуқи бекор қилинди. Лотин Америкаси давлатлари билан улар учун қулай савдо битимлари тузилди. Сиёсатининг янги усуллари

туфайли АҚШ Жанубий Америкадаги асосий рақиблар - Англия Германияни тезда қисиб қўйишга эришди.

30-йиллар ўрталаида АҚШдаги ҳукмрон доираларнинг диққат марказини Европа ва Узоқ Шарқ сиёсати муаммолариэгаллади. Бу масалалар бўйича ўткир сиёсий кураш авж олди. 1935 йил августида бетарафлик ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун Европа қитъасидаги урушаётган мамлакатларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий материаллар етказилишини тақиқларди. Ўша йилларда Хитой ва Узоқ Шарқ районларида АҚШ билан Япония Европа ва Лотин Америкасида АҚШ билан Англия, АҚШ билан Германия ўртасидаги зиддиятлар кучайиб бормоқда эди. Ташқи савдо, капитал чиқариш ва нефть маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида АҚШ Англиядан ўзиб кетди, лекин жаҳон нефть бойлигининг 75%и Англия назоратида эди.

Рузвельт 1937 йил 5 октябрь куни Чикагода сўзлаган нутқида агрессорлар атрофида “карантин” ўрнатишга чақирди. У фашистик давлатларнинг босқинчилик ҳаракатларини ҳам кескин қоралади. Шундай бўлсада, АҚШ давлат департаменти раҳбарлари Мюнхень битимидан мамнун бўлиб, у “янги халқаро тартиб” ўрнатади, дедилар. Йирик монополист Пудсен Гитлерни табриклаб телеграмма юборди. Реакцион дипломат Буллит ўзининг бир мактубида Шарқда Германия билан Россия тезроқ ҳарбий тўқнашувини истаётганлигини билдирди. 1936 йил 26 июль куни АҚШ Япония билан савдо шартномасини бекор қилди. 1939 йил 4 ноябрда Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг бетарафлик ҳақидаги қонун қайта кўриб чиқилди ва бу Англия ҳамда Францияга АҚШдан қурол-яроғ сотиб олиш имконини берди. АҚШ демократик давлатлар томонидаги ўз ҳолатини қатъий белгилади.

1941 йил 11 мартда Конгресс президент Рузвельт қурол ва ҳарбий анжомлар қарзга (ленд), ёки ижарага (лиз) учун имкон яратган ленд-лиз ҳақидаги қонунни қабул қилди. АҚШ ленд-лиз бўйича амалда Англияга, Совет Иттифоқи ва Хитойга қурол билан катта ёрдам берди. Империалистик зиддиятларнинг кучайиб бориши шароитида АҚШ ҳукумати Яонияга дипломатик норозилик билдирди. Агрессор давлатларнинг, хусусан Германиянинг жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун зўр бериб курашаётганини ҳисобга Ф.Рузвельт 1939 йил мартида “бетарафлик” тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишни таклиф этди. Бу масала конгрессда қизғин равишда муҳокама қилинди. Вакиллар палатасида изоляционистлардан иборат кўпчилик (188 овозга қарши 200 овоз билан) “бетарафлик” тўғрисидаги қонунни ўз кучида қолдирди. Бу билан фашист агрессорлари учун қулай шароит сақланиб қолинди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. АҚШ 1-чи жаҳон урушини қандай кўрсатгичлар билан якунлади?
2. Вашингтон конференцияси орқали АҚШ нималарга эришди?

3. 1929-1933 йилларда АҚШда юз берган иқтисодий инқирознинг зарарини таърифланг?
4. Ф.Рузвельтнинг “Янги йўли”нинг моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги АҚШ ташқи сиёсатидан кўзланган мақсад нима эди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.Париж тинчлик конференциясида АҚШ нега яккалаб қўйилди?
2.АҚШнинг Дауэс ва Юнг режаларини Германияга қабул қилдиришдан кўзлаган мақсади нима эди?
3.1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодиёти инқирози АҚШга қандай таъсир кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
11. История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987.

6-мавзу. Италия 1918-1945 йилларда

1. Италия 1-жаҳон урушидан сўнг. Италияда фашизмнинг пайдо бўлиши ва ҳокимият тепасига келиши сабаблари.

2. Капитализимнинг стабиллашуви ва буюк депрессия йилларида Италия.

3. 2-жаҳон уруши арафасида Италия. Италия 2-жаҳон уруши йилларида.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг Италия учун оқибатлари. Италияда фашистик партиянинг вужудга келиши. Италиянинг Париж тинчлик конференциясидан норозилиги. Италия фашизмнинг ички ва ташқи сиёсати. Стабиллашув йилларида Италиянинг ички ва ташқи сиёсати. Жаҳон иқтисодий инқирози йилларида Италия. Хабашистонда олиб борилган қонли уруш. Италия фашизмининг Мюнхен тил бошқарувида иштироки. Албаниянинг босиб олиниши.

Дарснинг мақсади: Икки жаҳон уруши оралиғидаги даврда Италиянинг иқтисодий-сиёсий ривожланишни, ташқи сиёсатини, фашизмнинг хокимият тепасига келишини ва иккинчи жаҳон урушни тайёрлашдаги фаол иштирокини ёритиб беришдир.

1. Биринчи жаҳон уруши халқ хўжалигига катта зарар келтирди. Уруш ҳаракатлари натижасида Италиянинг шимолий-шарқий вилояти вайрон бўлди. Қишлоқ хўжалиги жуда катта зиён кўрди. Савдо флотининг 60% ишдан чиқди. 635 минг киши ҳалок бўлди, 2 млн киши ярадор бўлди ва асир тушди. Мамлакатнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб кетди. Италиянинг Англия ва АҚШга қарамлиги кучайди ва улардан қарздор бўлиб қолди. Уруш Италия империализмининг бутун ички заифлигини яққол кўрсатди. Милитаристик сиёсатнинг авж олдирилиши ва чет элдан олинган заёмлар натижасида машинасозлик металлургия, химия саноати каби айрим саноат тармоқлари ривожланиб, мамлакат аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айланди. Саноат бир ёқлама тараққий қилди, давлат буюртмалариига мувофиқ, уруш эхтиёжларига керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ташқи савдо ривожланди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси кучайди. “Осфальдо”, “Фиат”, “Бреда” концернлар ўсди. Айни пайтда умумий сони 120 мингга етган кичик корхоналар ҳам мамлакат иқтисодий ҳаётида катта ўрин эгалларди. Уларда 800 мингдан ортиқ ишчи ишларди.

Италия иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқ хўжалигининг ниҳоятда қолоқ эканлиги эди. 40 минг йирик заминдор 10 млн. гектар ерга эга бўлса, 2,5 млн. деҳқоннинг бор-йўғи 6 млн. гектар ери бор эди. Ижара учун деҳқон ҳосилнинг ярмини берарди. Урушдан кейин аҳоли

харид қувватининг пасайиб кетиши, хомашё ва ёқилғи етишмаслиги ҳарбий буюртмаларнинг камайиши натижасида саноат ишлаб чиқариш хажми қисқариши ишсизлар сони ошишига сабаб бўлди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси янада пасайди.

Италия иқтисодиёти катта ҳарбий харажатларни кўтара олмади. Ички давлат қарзлари тўрт йил ичида уч баробар кўпайди. Бундан ташқари, Италия ўз иттифоқчиларидан ҳам анчагина қарздор бўлиб қолди. Натижада солиқлар кескин ошиб кетди, пул қадрсизланди. Пулнинг қиймати 1920 йилнинг охирига келиб 1914 йилга нисбатан беш баробар пасайди. Италия буржуазиясининг Орландо бошчилигида, 1919 йил июнида Нитти бошчилигида тузилган сўл либерал ҳукумати зўрлик ва цензура йўли билан, шунингдек айрим ён бериш ва найранглар йўли билан инқилобий ҳаракатни бостиришга уринди. Нитти ҳукумати 8 соатлик иш куни тўғрисида қонун чиқарди. Бир қанча туманларда нарх-наво қисман пасайтирилди, сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилинди.

Италия 1919 йилги париж сулҳ конференциясидан норози бўлди, чунки ҳудудлар масаласида Антанта 1915 йилги Лондон шартномасида берган ваъдаларини бажармаган эди. 1919 йил майидаёқ Италия Туркиянинг жанубий-ғарбий қисмини ва биринчи галда Смирнани босиб олиш мақсадида Туркиянинг ғарбий қирғоқларига қўшин туширди ва муваффақиятсизликка учради. 1919 йил сентябрида Антанта билан Австрия ўртасида имзоланган Сен-Жермен шартномасига мувофиқ, Италия фақат Трентино ва Жанубий Тиролни олди, Албанияни бошқариш мандатига эга бўлди. Албаниянинг Влора портидан Сарантада портигача бўлган денгиз қирғоқ туманларини итальянлар оккупация қилиб турдилар. Лекин ваъда қилинган бир қанча жанубий славян ерлари, Дольмация, Туркия Смирнаси (Измир) Италияга берилмади. Италия давлати агрессив сиёсатни давом эттирди. Ўша йилларда ҳукмрон доиралар инқилобий ҳаракатларни бостириш ва агрессив сиёсатни кучайтириш мақсадида янги реакцион партия ва ташкилотлар (“Харакат лигаси”, “Антибольшевистик халқ союзи” ва бошқалар) туза бошлади ва Ватиканга тобора кўпроқ таяндилар. Ватикан ташаббуси билан 1919 йил январида католик “Халқ партияси” тузилди.

1919-1921 йиллардаги ички кураш буржуазияни мамлакатда “тартиб” ўрната оладиган кучли ҳокимият қидиришга мажбур қилди. Фашистлар бу мақсадга энг мос келадиган куч эдилар. 1920 йилнинг кузидан бошлаб фашист ташкилотлари тез кўпая борди. Фашистлар “Улуғ Италия” шиори остида кенг босқинчилик ғояларини ашаддий шовинизмни тарғиб қилдилар. 1920 йил августида Антанта билан Туркия ўртасида тузилган евр сулҳ шартномасига биноан, Италия Эгей денгизидаги Додеканес оролларига эга бўлди. Италияга Миллатлар Иттифоқи советидан доимий ўрин берилди. 1921-1922 йиллардаги Вашингтон конференциясида катта ҳарбий кемалар бўйича Италиянинг ҳарбий денгиз флоти Франция флоти билан тенглаштирилди. Италия кўп қийинчиликлар эвазига ўз ҳудудини анча кенгайтира олганлиги ва айрим имтиёзларга эга бўлиши натижасида унинг

улуғ давлат сифатидаги аҳамияти ошган бўлсада, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи беқарор бўлиб қолаверди.

Бундай шароитда Италияда фашистик ҳаракатлар авж ола бошлади. Бенито Муссолини бошчилигида 1919 йил бошида тузила бошлаган фашист союзлари таъсири ошиб борди. Террористик тоталитар тузум рамзига айланган "фашизм" атамаси Италияда туғилган ва у итальянчадан "боғлам, даста" деган маънони англатади. Бу атама 1919 йилда, фронтдан қайтган собиқ аскарлар ўз манфаатлари ҳимояси учун "Фаши ди комбаттименто" ("Қуролдошлар уюшмаси") деб номланган ташкилот тузган пайтда туғилган. Фашистик партия бўлиб уюшдилар. Улар монархия ва сенатни йўқотишни ҳамда Таъсис мажлисини чақиришни, йирик капиталга солиқ солишни, ҳарбий саноатни национализация қилишни, аграр ислоҳат ўтказишни, меҳнаткашларга яхши турмушни ваъда қилдилар.

Фашистлар шиддат билан ҳокимият сари интилдилар. 1921 йил май ойидаги сайловларда улар парламентда 35 ўринга эга бўлдилар. 1922 йил кузига келиб, кўпгина муниципалитетлар устидан назорат ўрнатдилар. Мамлакатнинг Эмилия, Тоскана, Ломбардия каби энг нуфузли вилоятлари ҳам фашистлар назорати остига ўтди. 1922 йил октябрида улар ўз вакилларига бир неча вазирлик лавозимини бериш талаби ҳукуматга мурожаат қилдилар. Римга юриш қилиш учун тайёрланиш мақсадида фашист гуруҳларининг ялпи сафарбарлиги эълон қилинди. Қирол фашист исёнига қарши армияни қўллаш ҳуқуқини берадиган фармонни имзолашдан бош тортди. Бунинг ўрнига 29 октябрь куни у Миланга телеграмма йўллаб Муссолинига бош вазир бўлишни таклиф қилди.

1922 йил 27-28 октябрда фашист отрядлари "Римга юриш" қилдилар. Ҳукумат қўшинлари ва полиция уларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Йирик саноат эгалари конфедерацияси король Виктор Эммануал III га мурожаат қилиб, Муссолини бошчилигида янги ҳукумат тузилишини талаб этди. Муссолини 30 октябрда фашистик партиянинг 4 та, либерал католик ва монархистларнинг 10 та вакилидан коалицион ҳукумат тузди. Фашистлар ҳукуматда асосий лавозимларни эгаллаб олдилар. Шундай қилиб, Италия Муссолини фашистик диктатураси ўрнатилди.

1922 йил 23 ноябрда қирол ва парламент Муссолинига чекланмаган ҳокимият берди. Энди у вазифаларга тайинлаш тартибини ҳам белгилар эди. Шундан кейин барча амалдорлар ва давлат хизматчилари фашист партияси аъзолари бўлиши ёки партия раҳбарлари розилиги билан тайинланиши зарурлиги белгилаб қўйилди. 1924 йил охирида Муссолининнинг тазйиқи остида парламент сайлов қонунини ўзгартирди. Янги қонунга кўра, сайловларда энг кўп овоз олган партия (камида 25 фози овоз) депутатлар палатасида ўринларнинг учдан икки қисмини олар эди. 1924 йилги сайловларда фашистлар катта ғалабага эришдилар ва депутатлар палатасини тўла ўз назоратлари остига олдилар.

2. 1923-1924 йилларда Италия саноат ишлаб чиқариши бир мунча жонланди. Банкир Морган хонадони 1924 йили Муссолини ҳукуматига 100 миллион доллар миқдорида заём берди. Америка империалистлари

Италия акцияли жамиятларига қарийиб 200 миллион доллар маблағ қўйди. Аммо, тезда мамлакатда норозилик кучайиб борди ва Муссолинига қарши суиқасдлар бўлди. Ана шу баҳона билан 1926 йил ноябрида бир қанча фавқулодда қонунлар қабул қилинди. Фашистик партиядан ташқари ҳамма сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. Муссолинига чекланмаган диктаторлик ҳуқуқлари берилди. “Давлатни қўриқлаш тўғрисида”ги қонун ўлим жазосини тиклади. “Махсус трибунал” тузилди. Сиёсий жиноятучун ўлим жазоси жорий қилинди. Фашист охранкаси (“Овра”) тузилди. Фашистлар тоталитар режимни ниқоблаш мақсадида синфларни “яраштириш” назариясини корпаратив, яъни гўё ғайри синфий давлат тузишни тарғиб қилдилар. 1927 йил апрелида “Меҳнат хартияси” чиқарилди. “Меҳнат хартияси”да капиталистик ишлаб чиқариш усули мақталди: ”корпаратив давлат” ва капиталистлар ҳамда фашистик партия ва синдикатлар вакилларидан иборат “корпарация” тузиш ҳақида гапирилди.

1928 йил февралида Муссолини Ватикан билан битим (Лютеран аҳдномасини) тузди. Ватикан билан кароллик ўртасидаги эски низолар бартараф қилинди. Ватикан тўла суверен давлат ҳуқуқига эга бўлди. Италияда ғарбдаги биринчи тоталитар тузум ташкил топди. Бу тузум мамлакатдаги бутун ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни қамраб оладиган “корпоратив тартиб” яратишни режалаштирган эди. Бу тартибнинг асосий тамойиллари Катта фашист кенгаши томонидан 1927 йилда қабул қилинган “Меҳнат харитаси”да баён этилган эди. У ишлаб чиқариш муаммоларини биргаликда ҳал этиш учун касаба уюшмаларини ва ишбилармонларни тенг асосда корпорацияларда бирлаштиришни назоратда тутарди. Ишбилармонлар ва ишчилар бир ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланардилар. Халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, банклар, транспорт каби соҳаларига мос келадиган 22 корпорация тузилди. Бу бесўнақай ташкилотнинг тепасида Корпорациялар миллий кенгаши турарди.

1925-1929 йиллар давомида Англия-Америка банкирлари Италияга 7 млрд. лира кредит бердилар. 1928 йил яна бир қанча қонунлар қабул қилиниб, амалда парламентчилик режими тугатилди: Парламент батамом ўз аҳамиятини йўқотди. Йирик буржуазия ва помешчиклар манфаатини кўзлаб “Улуғ Рим империяси” тузиш режаси ишлаб чиқилди. 1923 йилда Италия Болқонда устун бўлишга интилиб, Грецияга қарши агрессив ҳаракат бошлади ва Корфу оролини босиб олди. Бирок, Англия жиддий эътироз билдиргач, Италия ўз қўшинларини Корфудан олиб чиқиб кетди. 1923 йил сентябрда Италия 1920 йилга Раполло шартномасини бузиб, Фьюменни босиб олди. 1924 йил январида Италия билан Югославия ўртасида Римда имзоланган шартномага мувофиқ “Фьюмен шаҳри ва Фьюмен порти Италияники” деб танилди. Италия фашистлари 1920 йилда қўлга киритилган Эгей денгизидаги Додеканес ороллaрини бутунлай ўзлариники қилиб олдилар. Югославиянинг қаршилигига қарамай, Италия Албанияни ўзига тобе қилди. Италия 1926 йили Албания билан дўстлик тўғрисида, 1927 йили эса “иттифоқлик” тўғрисида шартнома тузди ва Албания устидан ўз протекторатини ўрнатди.

Италия 1926 йили Испания билан, 1927 йили руминия ва Венгрия билан, 1928 йили Греция ва Туркия билан “Дўстлик” тўғрисида шартномалар тузди. У Европа шарқий жанубида, ҳатто унинг марказий туманларида ҳукмрон бўлишга зўр бериб уринди. Бу масалаларда Италия билан Франция ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди .

3. 1929 йилда Италия иқтисодий инқирозга дучор бўлди. Инқироз йилларида саноат маҳсулоти 33%, ташқи савдо 3 марта қисқарди. меҳнаткашларнинг турмуш даражаси янада пасайиб кетди. Кўп минглаб майда ўрта корхона эгалари, ҳунармандлар хонавайрон бўлди. Йирик саноат компанияларининг таянчи ҳисобланган учта энг йирик банк касодга учради. 1933 йил бошида Италияда давлат молия идораси - Саноатни қайта қуриш институти тузилиб, у касодга учраган банкларнинг қимматбаҳо қоғозларини давлат ҳисобига сотиб олди. Бу ҳаракат натижасида Саноатни қайта қуриш институти банклар устидан, улар орқали эса металлургия ва машинасозлик корхоналарининг аксар қисми, кемасозлик ва деярли бутун ҳарбий саноат устидан назорат ўрнатди.

Буржуазия позициясини бутунлай молия капиталига бўйсундириш мақсадида 1933-1934 йилларда мамлакатда “Корпоратив система” тузилди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган 22 та корпорация тузулди. Корпорациялар таркибига фашистик касаба союзлари (синдикатлар)дан ҳам вакиллар киритилди. Корпарациялар Муссолини бошчилигидаги махсус корпарациялар министрлигига бўйсунтирилди. Корпарация системаси парламентчилик қолдиқларини раҳбарлик ролини уйнади.

Демократик кучларнинг вакиллари яширин шароитда фашистларга қарши курашни давом эттирдилар. Фашистларнинг ташкилотларига жойлашиб, уларга қарши фаол қўпорувчилик ишларини олиб бордилар, ёшлар орасида фашизмга қарши кайфиятларнинг уйғонишига сабаб бўлдилар. Фашизмга қарши курашда католик черковининг қатор вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Корпарация системаси парламентчилик қолдиқларини тугатиш ва милитаризмни кучайтиришга имкон берди. Турли фашистик ташкилотлар кўпайтирилди ва уларнинг аъзолари сони 12 млн. кишига етди.

4. Мамлакат иқтисодиёти империалистик агрессияга тайёрланди. Қуролли кучлар кўпайтирилди. Италия ва Франция ўртасида зиддият кучайди. Италия билан Германия ўртасида Австрия масаласида низо пайдо бўлди. Италия Австрияни ўз таъсирига олиш учун ҳаракат қилар эди. 1934 йил июлида Гитлер Австрияни босиб олишга урунган вақтда Муссолини бунга эътироз билдирди. Италия фашизми Япония ва Германия фашист агрессорлари томонидан Версаль-Вашингтон системаси (Италия бу системадан норози эди) поймол қилина бошлаган шароитда фойдаланиб, “улуғ Рим империяси” тузишга киришди. “Буюк Италия” давлати бутун Ўрта Ер денгизи бўйларида ўз ичига олиши ва у “Буюк Италия”нинг ички денгизига айланиши лозим эди. 1934 йилда жадал суръатларда ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий авиацияни қуришга киришилди.

1935 йил 3-октябрда Африкада янги мустамлакаларга эга бўлиш, шунингдек, Европадан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлларида Англияни заифлаштириш мақсадида Италия фашистлари уруш эълон қилмасдан, Хабашистонга қарши уруш бошладилар. Агрессорлар энг янги техника билан қуролланган 600 минг кишилик армияни Хабашистонга юбордилар ва вахшийларча қирғинчилик уруши олиб бордилар, ҳатто заҳарли газлардан фойдаландилар. 1936 йил майида Хабашистон Италия томонидан босиб олинди. Италия-Хабашистон уруши вақтида Италия Германия билан яқинлашди. 1936 йил июлида Италия ва германия фашистлари республикачилар Испаниясига қарши исён, кейинроқ интервенция уюштирдилар. 1936 йил октябрида Италия билан Германия ўртасида иттифоқлик шартномаси (Берлин-Рим ўқи) тузилди. 1937 йил 6-ноябрида Италия, германия билан Япония ўртасида тузилган "Антикомментерн аҳдномаси"га қўшилди ва "Берлин Рим Токио уч бурчаги" вужудга келди.

1937 йил 11-декабрда Италия миллатлар иттифоқидан чиқди. 1938 йил мартида Муссолини ҳукумати Австриянинг Герман фашистлари томонидан босиб олинишига розилик берди. 1938 йил сентябрида фашистик Италия шармандали Мюнхен битимини тайёрлашда иштирок этди. Бу битим эса Гитлер Германиясининг Европадаги Агрессиясига кенг йўл очиб берди. 1939 йил апрелида Италия Албанияни босиб олди. Ўша йили 22 май ойида Муссолини ҳукумати Германия билан ҳарбий сиёсий иттифоқ тўғрисидаги "Пўлат битим"ни имзолади.

Назорат топшириқлар:

1. Италия 1-чи жаҳон урушини қандай натижалар билан якунлади?
2. Италияда фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши қандай юз берди?
3. Корпоратив система нима?
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги фашистик Италиянинг тажовузкорлик ташқи сиёсатини нималарда кўрамиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1.Италия биринчи жаҳон уруши тугагандан кейин Антанта давлатларидан нега норози бўлди?

2.Италия фашизмининг Германиядаги фашизмдан фарқини тушунтиринг.

3.Муссолин қачон осиб ўлдирилди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.

4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
11.История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971.

7-мавзу. СССР 1918-1945 йилларда

1. Совет давлатининг ички сиёсати. Совет давлатига қарши халқаро интервенция ва унинг мағлубият сабаблари. Тоталитар тузумнинг вужудга келиши.

2. Саноатлаштириш ва колхозлаштириш иқтисодий ислохатлар. Қатағонлар.

3. Совет давлатининг иккинчи Жахон уруши арафасида ташқи сиёсати.

Таянч тушунча ва иборалар: Россияда 1917 йил февраль буржуа демократик инқилобининг амалга оширилиши ва 1917 йил октябрь тўнтариши. Брест тинчлик шартномаси Чет эл интервенцияси. Фуқаролар уруши. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш. Ижтимоий-иқтисодий тизим. Бошқаришнинг марказлаштирилиши. Мамлакатни саноатлаштириш. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш. Маданий инқилоб. Большевикларнинг террор ва қатағон сиёсати ССЖИнинг ташқи сиёсати.

Дарснинг мақсади:Россияда 1917 йил инқилоби ва унинг урушдан чиқишини, фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси сабабларини, мамлакатнинг иқтисодий сиёсий аҳволини, Гитлер Германияси билан яқинлашиши ва 1939 йил 23 август битимининг моҳиятини ёритиб беришдир.

1. 1917 йилнинг февраль ойи охирида Россияда рўй берган инқилоб натижасида мамлакатда амалда икки ҳокимиятчилик қарор топди. Ҳокимият буржуа партиялари вакилларидан иборат Муваққат ҳукумат билан ишчи ва аскар депутатлари органи бўлган Советлар ўртасида тақсимланган эди.

Муваққат ҳукумат асосан ўрта ва йирик буржуазия манфаатлари ифодачиси бўлган конституцияви демократлар (кадетлар) партияси аъзоларидан тузилган эди. Советлар социалист-инқилобчилар (эсерлар) ва

Россия социал-демократ ишчилар партияси (РСДРП) томонидан ташкил этилган бўлиб, ўша даврда раҳбарлик меньшевиклар қўлида эди.

Муваққат ҳукумат вазирлари урушни ғалабагача давом эттириш, иттифоқчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш ҳақида кўпроқ гапирар эдилар. Большевикларнинг асосий шиори - “Халқларга тинчлик!” - мамлакат аҳолисининг катта қисми томонидан қўллаб-қувватланди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашди. Корхоналар кетма-кет ёпила бошлади. Май-июль ойларида 439 завод ёпиб қўйилди. Очарчилик шафқатсизлик билан яқинлашиб келмоқда эди. ғалла, дон билан савдо қилувчилар нон танқислигини атайлаб кучайтирар эдилар. Бунинг устига ҳужум йирик ҳарбий мағлубият билан якунланди. Петроградннинг ғазабланган аҳолиси 1917 йил 4 июлда оммавий намойишга чиқди. Унда 500 мингдан ортиқ киши қатнашди. Намойиш ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилди. Икки ҳокимиятчилик тугатилди, ҳокимият тўлалигича Муваққат ҳукумат қўлига ўтди.

8 июлда эса А.Ф.Керенский Муваққат ҳукумат бошлиғи қилиб тайинланди. 24 июлда Керенский бошлиқ буржуа ва майда буржуа партиялари вакилларидан иборат иккинчи коалицион муваққат ҳукумат тузилди. Июль намойиши бостирилганидан сўнг большевиклар партиясининг эътибори ва таъсири анчагина ўсди. 1917 йил сентябрь ойида партиянинг аъзолари сони 300 мингдан ортиб кетди. Бу пайтда мамлакат сиёсий ҳаётининг икки асосий маркази - Петроград ва Москва Советлари большевиклар назорати остига ўтганди.

Олий бош қўмондон генерал Л.Г. Корнилов Ставкаси аксилинқилобий кучларини сафарбар этувчи асосий марказлардан бири бўлиб, буржуазия уни диктатор деб эълон қилишни мўлжаллаган эди. 12 августда Москвада Давлат кенгаши очилди, Муваққат ҳукумат бу кенгашни бутун аксилинқилобий кучларини жипслаштириш мақсадида чақирган эди. АҚШ президенти Вильсон кенгашга табрик телеграммаси юборди, унда “барча ички ва ташқи душманларга қарши” курашда Россия ҳукуматига ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатишни ваъда қилган эди. Шундан кейиноқ АҚШ Муваққат ҳукуматга 100 млн. доллар миқдорида янги заём берди. 25 августда Корниловнинг буйруғи билан махсус тузилган “Петроград армияси” А.И.Кримов кўмоқдонлигида юришни бошлади. Большевистик партия бир неча кун ичида пойтахтда уни ҳимоя қилиш учун Қизил гвардиячилар, (қарийб 60 минг кишидан) иборат йирик қуролли кучларни барпо қилишга муваффақ бўлди. Генерал Кримов ўз солдатларини ташлаб Петроградга қочиб кетишга мажбур бўлди, чунки солдатлар уни қамоққа олишни талаб қилган эдилар. Корнилов авантюраси барбод бўлганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин Кримов ўзини-ўзи отиб ўлдирди.

Мамлакат устига хўжалик ҳалокати ва очарчилик раҳмсизлик билан ёпирилиб келмоқда эди. 1917 йилда саноат ялпи маҳсулоти 1916 йилдагига нисбатан 36,5 фоиз қисқарди. Чайқовчилик мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Майдан то августгача кенг истеъмол моллари нархи қарийб икки марта ошиб кетди. 1917 йилда ишчиларнинг реал иш ҳақи 1913

йилдагига нисбатан икки баравар камайиб кетди. Мамалкат чуқур молия инқирозини бошидан кечираётган эди: 1917 йил бюджетининг танқислиги қарийб 82 фоизга етиб, буни қоплаш учун борган сари кўп миқдорда қоғоз пул - “керенка” (халқ бу пулни масхара қилиб шундай деб атар эди) чиқарилди. 1917 йил октябрида унинг реал қиммати урушдан олдингидан ўн баравар кам эди. давлатнинг чет давлатлардан қарзи икки ҳисса кўпайиб, жуда катта миқдорга - 16 млрд. сўмга етди.

1917 йил 25 октябрда большевиклар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. 25 октябрга ўтар кечаси большевикларнинг қуролли гуруҳлари Николай ва Болтиқ вокзалларини, марказий электр станциясини эгаллади. Соат 13 да Муваққат ҳукумат жойлашган Мариин саройи қўлга киритилди. Соат 18 да Қишки сарой ўраб олинди ва тез орада забт этилди. Муваққат ҳукумат тўла таркибда қамоққа олинди.

Буюк империя сўнгги Романовлар ҳукмронлиги даврида ярим мустамлака эди, дейиш мумкин. Россия кўмир конларининг 90 фоизи, кимё саноатининг 50 фоизи, машинасозлик корхоналарининг 40 фоизи, банк жамғармаларининг 42 фоизи ғарб давлатларига тегишли эди. Миллий сармоя жуда оз, иллий даромаднинг ярмидан кўпини аҳолининг энг фақир қисми бўлган деҳқонлардан олинадиган солиқлар ташкил этарди.

2 (15) декабрда Совет Россияси билан Германия блокидаги мамлакатлар (Германия, Австрия-Венгрия, Болгария ва Туркия) ўртасида яраш битими тузилди. Бир ҳафтадан кейин Брест-Литовскда сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида яна музокаралар бошланди. 1918 йил 9 январда ўн кунлик танаффусдан кейин сулҳ конференцияси ишини яна давом эттирди. 3 мартда Брест-Литовскда сулҳ шартномаси имзоланди. Унинг шартлари мамлакат учун жуда оғир ва мушкул эди. Латвия, Литва, Польша, Эстония, Украина, Белоруссиянинг бир қисми, Ардаган, Карс, Батум Совет Россиясидан ажратиб олинди. Совет ҳукумати Украинани немис империалистларига бериб қўйган Марказий Рада билан шартнома тузиши ҳамда армия ва флотни демобилизация қилиши керак эди. 1918 йил августида Германия Брест шартномасига қўшимча равишда РСФСРни иқтисодий масалалар юзасидан тузилган шартномани имзолашга мажбур этди, бу шартномага кўра Германияга 6 миллиард марка контрибуция тўланиши керак эди. Россия ўзининг 780 минг кв.км.ҳудудини йўқотди. Россия, шунингдек, бутун армиясини дарҳол тарқатиб юбориши, флотини портларга қайтариши ва қуролсизланиши зарур эди.

1916 йилда Россия билан иттифоқчи мамлакатларнинг сиёсий доираларида ғалати бир хужжат пайдо бўлди. Иттифоқчилар урушдан кейин Россияни бўлиб олиш ҳақида яширинча шартнома туздилар. Режа қуйидагича эди: Россия Германия билан урушда мағлуб бўлади, армия ва флотини йўқотади ва сиёсий жиҳатдан кучсизланади. Шундан кейин Германия билан ярашиш ва биргаликда Россияни бўлиб олиш мумкин.

Украина Франциянинг протекторатига айланиши, Кавказ ва Туркистон эса Англия протекторати бўлиши кўзда тутилганди. Узоқ шарққа японлар

даъвогарлик қилар, америкаликлар эса Россия темир йўлларини эгаллаб олиш иштиёқида эдилар.

1918 йилнинг баҳори ва ёзида Россиянинг шимоли (мурманск, Архангельск) инглиз, француз ва американ қўшинлари томонидан оккупация қилинди. Узоқ Шарққа япон, инглиз ва американ интервентлари, буларнинг кетидан эса Франция, Италия, Канада қўшинлари, Ўрта Осиё ва Бокуга инглиз қисмлари келиб тушдилар. Мурманьск ва Архангельскда интервентларнинг инглиз-француз-американ кучлари тўхтовсиз тўлдириб турилди, натижада уларнинг сони 1918 йил охирларида оқ гвардиячи қисмлар билан бирга 40 минг кишига етди. Улар Котласга ёриб кириш мақсадида жануби-шарққа қараб юрдилар, бундан мудда шарқ томондан Сибирдан ҳужум қилиб келаётган Колчак қўшинлари билан ўша Котласда бирлашиш эди.

1918 йил 18 ноябрга ўтар кечаси Омскда собиқ чор адмирали Колчак Антанта давлатларининг кўрсатмасига ва бевосита мададига таяниб тўнтариш қилди ва ҳокимиятни ўз қўлига олди. 18 ноябрда Колчак "Бутун Россия ҳукумати Министрлар Советининг қарори билан у олий ҳукмдор қилиб тайинланганлиги ва Россиянинг бутун пиёда ҳамда денгиз кучлари устидан олий қўмондонлик вазифасини ижро этишга киришганлиги" тўғрисида буйруқ чиқарди. 1919 йил январида Француз генерали Жаненни "Байкалдан ғарбгача бўлган Сибирь ва Шарқий Россиядаги рус ва иттифоқчи кучлар қўмондони" қилиб тайинлаш тўғрисида Колчак билан Антанта вакиллари ўртасида тузилган конвенцияга қўл қўйилди. Колчак оқ гвардиячи қўшинларни қайтадан тузиб ва тўлдириб, АҚШдан жуда кўп миқдорда қурол-аслаҳа олиб, 1918 йил ноябрининг охирларида Пермга ҳужум бошлади.

Совет ҳукумати зарур бўлган энг минимум миқдордаги ғаллани развёрстка йўли билан йиғиб олишга мажбур бўлди. Бу декрет 1919 йил 11 январда жорий қилинган эди. Озиқ-овқат развёрсткаси синфий белгига қараб олинар эди: камбағал деҳқонлардан ҳеч нарса олинмас эди, Ўрта деҳқондан - нормага биноан деҳқонларга истеъмол қилиш ва экин экиш учун зарур миқдорда дон-дун, шунингдек моллар учун зарур миқдорда ем-хашак қолдирилар эди. Қолган ҳамма ғалла қатъий баҳоларда тортиб олинар эди. Декретда ўжар ва ўз запасларини қасддан яширувчи деҳқонларга нисбатан мол-мулкини мусодара қилишга ва халқ суди ҳукми билан озодликдан маҳрум қилишгача чора кўриш кўзда тутилган эди.

Очарчиликни енгиш, ишчиларни тўйдириш, чайқовчиликни тугатиш, ишчилар синфини таназзул ва тушкунликдан қутқариш-инқилобий ҳукумат олдида турган асосий вазифалар мана шулар эди. 1918-1919 йилларда Ленин шу муносабат билан мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг янги концепциясини ишлаб чиқди. Бу коммунизмга тўғри олиб бориши керак бўлган "ҳарбий коммунизм" сиёсати эди. мазкур концепция асосида мамлакатда дон учун "ҳарбий юриш" эълон қилинди. 1918 йил май ойида дон топиш учун қуролли гуруҳлар ташкил этилди. Улар қишлоқлардаги

донни тамомила олар, ҳар қандай қаршиликни исён деб баҳолаб, аёвсиз шаклда бостирар эдилар.

Озиқ-овқат развёрсткаси деҳқонни ўз ишлаб чиқаришини кенгайтиришга моддий рағбатлантирмас эди бундай тадбирни кўришга уруш, муҳтожлик, очарчилик мажбур этган эди. “развёрстка “идеал” эмас, - деб таъкидлаган эди большевиклар доҳийси В.И.Ленин, - балки аччиқ ва ачинарли заруратдир”. 1918 йил баҳорида қишлоқдан донни мажбурий олиш фуқаролар урушига сабаб бўлди. У 1918 йилдан 1920 йилгача давом этди. Дон (Каледин, Краснов), Кубань (Деникин), Жанубий Урал (Дутов), Сибирь (Семёнов), Қрим (генерал Врангель), мамлакат шимоли-ғарби (генерал Юденич) ички аксилинқилобнинг асосий марказлари эди.

Фуқаролар уруши большевиклар ғалабаси билан якунланди. Ҳарбий коммунизм сиёсати иқтисодиётда ва давлат сиёсатида салбий оқибатларга олиб келди. Бунинг натижасида совет ҳукумати 1921 йил баҳорида чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозга дуч келди. Шу муносабат билан 1921 йил март ойида Ленин большевиклар тактикасида кескин бурилиш ясади. мамлакатда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилди. Натижада ишчи ва деҳқонлар турмуши яхшиланди, дастлабки жиддий ижтимоий тадбирлар ҳаётга жорий этилди.

1921 йили Волга бўйи, Украина, Қрим, Шимолий Кавказ ва бошқа жойларда бўлган жуда қаттиқ қурғоқчилик қишлоқ хўжалигига ғоят катта зарар етказди. Қурғоқчилик натижасида 22 миллион киши очликка учради. Очликдан бир миллионга яқин киши ўлди. Икки миллион бола етим қолди. Юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига ва тарқалишига йўл қўймаслик учун бу районларга кенг миқёсда тиббий ёрдами берилди. Давлат очарчиликка қарши курашга олтин ҳисобида 156 миллион сўм сарфлади. 1920 йил декабрда ГОЭЛРО режаси мамлакатни давлат миқёсида электрлаштириш режаси қабул қилинди.

Ғарб давлатларининг совет давлатига муносабати бу беқарорликни янада чуқурлаштирди. Англия ва Франция Россияни 1924 йилгача тан олдмади, Мамлакат иқтисодий қамал исканжасида эди. 1924 йилгача савдо-сотиқ фақат Германия ва қатор Скандинавия давлатлари билан олиб борилди. Ҳатто ўта фойдали шартлар асосига кўрилган таклифлар ҳам ғарбнинг муносабатини ўзгартирмади. Фақат 1927 йилга келибгина ишлаб чиқариш 1913 йил даражасига етди. Қишлоқ хўжалиги бу йили урушдан олдинги даражаги ҳам ета олмади. Ҳосилдорлик беқарор эди.

1925-1926 йилларда майда ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши жами ишлаб чиқаришнинг 23%ини, хусусий секторнинг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси эса атиги 15%ни ташкил қилди. 1922 йил декабрида тўртта мустақил Совет республикалари: Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР), Закавказье Совет Федератив Республикаси (ЗСФСР), Украина Совет Социалистик Республикаси ва Белоруссия Совет Республикаси билан иттифоқ давлати - Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) бўлиб бирлашдилар.

Республикалар Советларининг 1924 йил январь ойида бўлган съездлари СССР Конституциясини ратификация қилди. СССР Конституцияси 1924 йил 31 январда Советларнинг Бутуниттифоқ 11 съездида узил-кесил тасдиқланди.

1922 йилда Ленин оғир бетоблиги туфайли фаол сиёсий ҳаётдан деярли кетди. 1924 йилда Лениннинг ўлими ҳокимият учун курашнинг бошланишига туртки бўлди. Партия раҳбариятида икки бош гуруҳ юзага келди. Бирини Троцкий (Л.Бронштейн, 1879-1940), иккинчиси эса 1922 йилда партия Бош котиби қилиб тайинланиб, партияда ва мамлакатда улкан ҳокимиятни қўлга киритган Сталин (И.Жугашвили, 1879-1953) бошқарди.

Совет давлати раҳбарлари қолоқ Россияни саноатсиз қудратли замонавий давлатга айлантириб бўлмаслигини яхши тушунардилар. 1925 йил декабрда ялпи иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида саноатлаштиришга ўтиш тўғрисида эълон қилинди. 1926-1927 йилларда жами 582 та янги корхона барпо этилди. 1927-1930 йилларда Туркистон-Сибирь темир йўли (Турксиб) қурилди. Узунлиги 1500 км бўлган бу темир йўл ғалла, ўрмон ва кўмирга бой Сибирни Ўрта Осиёнинг пахтакор республикалари билан боғлади. Қурилишда 50 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилди.

1929-1932 йилларда, Европадаги барча мамлакатлар ва АҚШ жаҳон иқтисодий инқирозини бошдан кечираётган бир пайтда, СССР ташаббускорлик ва мажбурий меҳнатга асосланган улкан қурилиш майдонига айланди. 30-йилларда СССР саноатни жадал ривожлантириш даврига қадам қўйди. Умумий ишлаб чиқариш 1928 йилдан 1939 йилгача бўлган даврда 6 баравар, электр энергиясини ишлаб чиқариш 14, қора металлургия 6, кимё ва нефть-кимё саноати 15, машинасозлик 15 баравар ўсди.

Колхозлар даврининг биринчи йилиёқ Россия тарихида бўлмаган очарчиликни юзага келтирди. У 30 млн. аҳолини қамраб олди. Очарчилик Украина, Дон, Шимолий кавказ, Волгабўйи, Жанубий Урал, Қозоғистондаги ғалла етиштирувчи ҳудудларда рўй берди. Ғалла тайёрлаш кампаниялари 1932 йилдан бошлаб деҳқонларга қарши чинакам урушларга айланди. Жамоа хўжаликлари (колхозлар) СССР тоталитар тузумининг ажралмас бўғинига айланди.

1932-1933 йилларда Волгабўйи, Шимолий Кавказ, ғарбий Сибирь ҳудудларида рўй берган қурғоқчилик натижасида СССРда очарчилик бошланди. Бироқ, ғалла тайёрлаш режалари оширилди, бунга кўра ғаллани экспорт қилиш ҳам ошди. 1932 йил 7 августдаги қонунга мувофиқ “социалистик мулкни қўриқлаш” бўйича ўта кескин чоралар кўрила бошланди. Халқ орасида “бошоқлар тўғрисидаги қонун” номи билан машҳур бу қонунга мувофиқ колхоз мулкини ўғирлаганлик (далада бошоқ терганлик) учун бутун мулкини мусодара қилган ҳолда ўлим жазоси ёки 10 йил муддатга сургун кўзда тутилди.

СССР 20-30 йилларда маданият ва таълим соҳасида эришган натижалар маданий инқилоб деб номланди. 1939 йилга келиб СССР ёши катта аҳоли

ўртасида саводсизлик деярли тугатилди, 13 млн. дан ортиқ киши ўрта маълумотга эга бўлди. Бепул олий таълим тизимининг жорий қилиниши ишчи ва деҳқонларнинг фарзандларига техникум ва олий ўқув юртларида ўқиш имконини берди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида кўпгина атоқли арбоблар ҳеч қандай асоссиз репрессия қилинди. Қизил Армиянинг энг йирик командирлари, фуқаролар урушининг қаҳрамонлари, хўжалик ходимлари, маданият арбоблари ва шу сингариларга бўҳтон қилиниб, улар отиб ташланди.

1936 йилда давлат социализмининг тоталитар тизими мамлакатнинг янги конституцияси билан мустаҳкамланди.

Янги қурилишларнинг 15%идан ортиғи ОГПУга топширилиб, уларда ГУЛАГ маҳбусларининг меҳнатидан фойдаланилди. **ГУЛАГ Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари ва қамоқ жойлари Бош бошқармаси. 1934 йилда ташкил топди ва 1956 йилгача фаолият кўрсатди.**

3. 30-йилларда собиқ СССР ташқи дунё билан алоқаларда кўплаб қийинчиликларга дуч келди. Улар энг аввало подшо ҳукуматининг қарзларини тўлаш, хорижий мулкни уларнинг эски эгаларига қайтариш, халқаро алоқалардаги тенг ҳуқуқлилик, мустақиллик муаммолари билан боғлиқ бўлди. Аммо бу қийинчиликларга қарамай, совет дипломатияси ташқи муносабатларни секин-аста ўзгартиришга эришди.

1921 йил арафасидаёқ Совет мамлакати билан Эстония, Латвия, Литва, Финлядия, Польша ўртасида дипломатик муносабатлар мавжуд эди. Совет давлати 1921 йил март ойида Англия билан савдо битими тузди. Бу битим Англиянинг ҳақиқатда Совет ҳукуматини таниганлигини билдирарди. 1921-1922 йилларда Германия, Норвегия, Австрия, Швеция, Чехословакия, Италия билан ҳам савдо битимлари тузилди. Осиёда 1921 йилда Эрон, Афғонистон, Туркия ва Монголия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди. Аммо 1920-1921 йилларда олиб борилган Совет-Хитой музокаралари муаффақиятсиз тугади.

Ўзаро даъволарни муҳокама қилиш ва сулҳ шартномасини узил-кесил тузиб чиқиш учун конференция чақириш ҳақида Совет ҳукуматининг 1921 йил октябрида қилган таклифини Англия, Франция, Италия, Германия ҳукуматлари ва бошқалар қабул қилдилар. 1922 йилнинг апрель-май ойларида Италиянинг Генуя шаҳрида Европа давлатларининг молиявий-иқтисодий конференцияси бўлди. Генуя конференцияси вақтида курорт шаҳарчаси Рапаллода (Генуяга яқин жойда) 1922 йил 16 апрелда РСФСР билан Германия ўртасида дипломатик ва иқтисодий муносабатларни тиклаш, уруш харажатларини тўлатишдан иккала томоннинг ҳам воз кечиши ҳақида шартнома тузилди. Раппало битимидан сўнг бошқа давлатлар ҳам СССРни тан ола бошладилар. 1924 йилда Англия ва Франция билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Худди шу йили Европадаги кўплаб давлатлар совет давлатини дипломатик жиҳатдан тан олиши ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишини билдирди. 1925 йил январда совет-япон битими имзоланди. 1921-1925 йилларда СССР чет мамлакатлар билан жами 40 дан ортиқ турли битим ва шартномалар тузди. 1924-1925 йилларда Совет Иттифоқи Англия,

Италия, Австрия, Греция, Норвегия, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Франция ва Япония билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

1932 йилда СССР Польша, Латвия, Эстония ва Финлядия билан бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузди. Ўша йилиёқ Совет-Франция муносабатларида бурилиш ясалди. Натижада 1932 йил ноябрида СССР билан Франция ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилишига олиб келди. 1933 йилда СССР билан Италия ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилди.

1935 йилда Совет Иттифоқи Франция ва Чехословакия билан ўзаро ёрдам ҳақида пактлар тузди. 1936 йил мартида СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида тузилган ўзаро ёрдам ҳақидаги шартнома япон империалистлари учун жиддий огоҳлантириш бўлди.

1938 йил июлда япон қўшинлари Владивостокка яқин жойдаги Хасан кўли районидаги Совет территориясига бостириб кирди. 6-11 асгустда совет қўшинлари япон агрессорларга қарши зарба бердилар ва уни СССР территориясидан улоқтириб ташладилар. Лекин япон босқинчилар бу воқеалардан ўзларига тегишли сабоқ чиқармади. Монголияни босиб олиш, совет территориясига ёриб кириш, Сибирь темир йўл магистралини кесиб ўтиш ва Узоқ Шарқни қирқиб қўйиш мақсадида 1939 йил 13 майда улар Халхин-Гол дарёси районида Монголия Халқ Республикасига хужум қилди. Японияниинг пиёда аскарлар ва танклардан иборат катта кучлари кўплаб ҳаракат қилаётган авиация ёрдами билан уч ой давомида ҳужумга ўтишга уриниб кўрди. Аммо уларнинг барча атакаси қайтарилди, бунда улар жуда катта талофатлар кўрди. 20 августда совет ва монгол қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. Душман қўшинлари қуршаб олинди ва саккиз кунлик жангда деярли тамомила қириб ташланди. Англия ва Франция ҳукуматлари агрессияга қарши биргалашиб курашиш масаласи юзасидан 1939 йилнинг баҳорида СССР ҳукумати билан музокара олиб боришга киришди. Музокаралар 4 ой чамаси давом этди ва натижасиз тугади.

Рўй берган халқаро вазиятни эътиборга олиб, Германиянинг ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифини қабул этишга қарор қилди. Шартномага 1939 йил 23 августда имзо чекилди. Бу билан Совет Иттифоқи бир ярим йил тинч яшаш ва авж олиб бораётган иккинчи жаҳон уруши шароитида ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб олиш имконига эга бўлди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Мамлакатда тоталитар тузум ўрнатилишини тушунтириб беринг?
2. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб келди?
3. “Янги иқтисодий сиёсат”нинг “ҳарбий коммунизм” сиёсатидан фарқини айтинг?
4. Мамлакатни бошқаришда Сталин якка ҳукмронлиги деганда нимани тушунасиз?

5. Мамлакатда амалга оширилган жамоалаштиришнинг салбий оқибатларини изоҳланг?

6. 30-йилларда СССР ташқи сиёсатининг хусусиятларини тушунтириб беринг?

7. СССР урушга қай даражада тайёр эди?

8. СССР "ўз чегараларини мустаҳкамлаш" ниқоби остида қандай босқинчилик режаларини амалга оширди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.Россияда қўш хокимиятчилик қандай юзага келди?

2.Рапалло битимининг Россия учун аҳамиятини айтинг

3.Молотов-Риббентроп пактининг яширин протоколларида нималар, кўзда тутилган эди?

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.

3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.

4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.

5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европў и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.

6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.

7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.

8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.

9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.

10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

Шарқий Европа давлатлари 1918-1939 йилларда 4 соат

1. Венгрия 1918-1939 йилларда
2. Польша1918-1939 йилларда
3. Чехословакия1918-1939 йилларда
4. Руминия1918-1939 йилларда
5. Болгария1918-1939 йилларда
6. Югославия1918-1939 йилларда
7. Албания1918-1939 йилларда
8. Юнонистон 1918-1939 йилларда

1918 йилга қадар Венгрия Австро-Венгрия империяси таркибидаги аграр мамлакат эди. Мамлакатнинг катта қисм аҳоли фуқаролик ҳуқуқларидан фойдалана олмасди. Атиги 5% аҳоли сайлов ҳуқуқидан фойдаланарди. Мамлакатда биринчи жаҳон уруши даврида очлик, қашшоқлик аҳолини хонавайрон қилди. Урушга қарши норозилик кучайиб, 1917 йил охиридан кенг миқиёсдаги иш ташлашлар ва аҳолининг тинчликни талаб қилувчи намойишлари бошланди. охир-оқибат 1918 йил 29 октябрда Буддапештдаги иш ташлашлар горнизон солдатлари томонидан қуллаб-қувватланиши натижасида ҳокимия муваққат миллий кенгаш қўлига ўтади. Граф Карольи бошчилигида либерал буржуазия ва социла-демократлар ҳукуматни шакллантиради. 16 наябрда миллий кенгаш томонидан Венгрия мустақил Республика деб эълон қилинади. Мамлакатда умумий сайлов ҳуқуқи, 8 соатик иш куни, йиғилишлар ўтказиш, сўз эркинлиги эълон қилинади. Аммо, ҳукумат аграр масалада ерларни ерсиз ва кам ерли деҳқонларга беришда помешчикларга тўлов беришни шарт қилиб қўйди.

Венгрияда бу даврда коммунистик ҳаракат ўсиб бориб, 1918 йил мартидаёқ Россия ҳудудида венгр асирлари томонидан (Бела Кун) ВКП тузилганди. 24 ноябрда улар Буддапештда ҳам ВКП тузилганлигини эълон қилади. Мамлакатдаги чиқишлар ишлаб чиқаришни миллийлаштириш, аграр ислоҳот ўтказиш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳолатни яхшилаш талаблари билан чиқа бошлайдилар. Албатта бу талаблар ва ижтимоий демагогик ғояларда коммунистларнинг ҳам ўрни катта. Янги инқилобий чиқиш 20 март 1919 йил "Викс нотаси" (Венгрия ҳудудига Антанта қўшинларини жойлаштириш) эълон қилингандан сўнг авж олиб кетади. Ҳокимият 22 март куни коммунистлар қўлига ўтади. Венгрия совет республикаси 133 кун яшайди. Венгрия совет ҳукумати банкларни, шахталарни, йирик ишлаб чиқаришни, савдо транспортини миллийлаштирди. ташқи савдо устидан назорат ўрнатди. Йирик ре

эгалигини тугатиб, уни деҳқонларга бўлиб бермади аксинча йирик давлат кооперативларини ташкил этди.

1919 йил апрелида Француз, румин, чех армиялари Венгрияга ҳарбий юриш қилади. Венгрия армияси осқинчиларни мамлакатдан қувиб чиқариб, 16 апрель куни Словакиянинг катта ҳудудини ишғол қилади ва Словакия совет республикаси тузилади. Бу республика 5 июлгача яшайди. 8 июнь куни Ж.Клемансо Венгрия ҳукуматидан ҳужумни тўхтатишни талаб қилади. Социал-демократлар талаби билан 30 июндан Венгрия қўшинлариСловакиядан чиқиб кета бошлайди. Аммо, Антанта қўшинлари сафларини тўлдириб, янги ҳужум бошлайди. 1 август куни Венгрия совет республикаси тугатилади.

Янги ҳукуматни Дьюла Пейдл (ўнг социал-демократ) шакллантиради. Аммо, 6 август куни Румин қўшинлари Буддапештни эгаллаб, Эрцгерцог Габсбургскийни Венгрия ҳукумдори деб эълон қиладилар. Антанта давлатлари уни тан олмайди, улар асосан Югославия ҳудудида шаклланган адмирал Хортининг қўшинларига таянадилар. Хорти 16 ноябрь куни Буддапештга кириб, ўз диктатурасини ўрнатади. Мамлакатда террор режими ўрнатилади. 5 минг киши қатл қилиниб, 70 минг киши концентарцион лагерларга ташланади. 1920 йилда Венгрияда парламент сайловлари ўтказилади. Хорти Регент деб эълон қилинади. 4 июнда Венгрия Трианон сулҳини имзолайди. Унга кўра, ҳудуди 2 баробарга, аҳолиси 18 млндан 8 млнга камаяди.

Ҳукуматни шакллантирган граф И.Бетлен (1921-1931 йй) бир қатор ислоҳотлар ўтказди. Улар орасида энг таъсирлиси ер ислоҳоти бўлиб, лаинфундияларнинг 10% ерини олиб деҳқонларга тарқатиш бўлди. 4 йил ичида 230 минг деҳқон ер олишга мувоффақ бўлди. Ислоҳотларга қарамай йирик ер эгалари қўлида умумий экиладиган ерларнинг 47% қолганди. Бу қисман бўлсада ижтимоий норозиликларни камайишига сабаб бўлди. Аммо, иқтисодий аҳвол оғирлигича қолиб 1923 йилда Венгрия банкротлик ёқасига келиб қолади. Миллатлар лигаси томонидан 250 млн олтин крон ёрдам пули ажратилиб, иқтисодиёт банкротликдан сақлаб қолинади. 1925 йилдан бошлаб Венгрия иқтисодиёти стабиллашув даврига киради. Стабиллашув даврида Венгрияда 70 та металлургия, 55 та машинасозлик, 43 та цемент, шишасозлик ва чинни заводлари, 40 дан ортиқ тоғ-кон корхоналари ишга туширилди. Аммо, чет эл капиталига қарамлик ҳам ошиб борди. АҚШ, ЧЕХ, немис капитали текстил, Австрия темир йўл, металлургия соҳасида етакчи эди.

1929-32 йиллардаги буюк депрессия даврида саноат 3дан 1 қисмга камайиб кетди. 60% ишчилар ишсиз қолади. 1932 йилгача 18 минг деҳқон хўжалиги ким ошди савдосида сотилди. Бетлен ҳукумати инқироз авжга чиққан 1931 йилда истеъфога чиқади. Янги ҳукумат граф Карольи бошчилигида тузилиб, инқироздан ижтимоий (мактаблар, касалхоналар қурилиши тўхтатилади) соҳа йўналтирилган маблағларни тўхтатиш ва солиқларни ошишир оқлаи чиқиша уринади. натижада ҳокимият тепасига Д.Гёмбёш (1932-36 йй) келади. Венгрия иқтисодиёти фақатгина инқироздан

1936 йилда чиқиб, 1929 йилга ҳолатига етди. XX асрнинг 30 йилларида Венгрия ташқи сиёсатда Германия билан яқинлашиш йўлидан борди. 1936 йилда ҳокимият тепасига келган К. Дароньи ҳам германияга яқинлашиш йўлини давом эттирди. 1938-39 йилларда ҳокимиятни бошқарган Импре даврида сўнгги демократи эркинликлар бўғилди. 1938 йил Венгрия Чехословакияни бўлиб олишда, 1939 йилда Антикомминтерн пактига қўшилиб, амалда фашистик режим ўрнатилади ва янги жаҳон урушига тайёрланади.

Польша. Биринчи жаҳон урушига қадар Польша ҳудуди Россия, Германия, Австро-Венгрия томонидан бўлиб олинган эди. Германия томонидан туриб урушган Юзеф Пилсудский (1867-1935 йй)га келажакда мустақил Польша давлати ваъда қилинганди. Аммо, уруш охирида Германия енгилиши аниқ бўлгач, Пилсудский Антанта давлатлари билан музокара олиб боради ва бунинг учун турмага ташланади. 1918 йил ноябр инқилоби даврида у турмадан чиқарилади. 1918 йил 7 нябрда Польша мустақил деб эълон қилинади. Кейинроқ Ю.Пилсудский Польша президенти деб тан олинади. Польша социалистик партияси вакили Мрачевский бошчилигида ҳукумат тузилади. Мамлакат иқтисодиёти оғир аҳволда бўлиб, 1919 йилда ҳам 30% корхоналар кўмир йўқлиги сабабли ишламасди. 1919 йилда янги ҳукумат Подаревкий ҳукумати тузилиб, у ижтимоий чиқишларни ҳарбийлар ёрдамида бостириб турди. Бунинг устида Польша давлати фаол ташқи сиёсат олиб бора бошлади. Версал сулҳига кўра Польшанинг ғарбий чегараларига аниқлик киритилган ва Познань, Поморье, Данциг коридори, Силезиянинг Тешин вилоятининг бир қисми билан белгиланиб, унинг шарқий чегараларига аниқлик киритилмаганди. Бу эса, Польша ва СССРни уриштириб қўйиш учун эди. АҚШ польшага 20 минг пулемёт, 200 танк, 300 самолёт юборади. Қисқа вақт ичида 600 минг армия тўпланади. 1918 йил Охирида Львов босиб олинган бўлса, 1919 йил Вильно ишҳол қилинади. 1920 25 апрелдаги янги ҳужум мувоффақиятсиз тугайди ва Польша армияси улоқтириб ташланади. Шундан сўнг сулҳ музокаралари бошланиб, 1921 йил 18 март куни тузилган сулҳга кўра Украина, Белорусиянинг ғарбий қисмлари Польшага ўтибкетади.

Ички сиёсатда Польшанинг конституцияси 1921 йилда қабул қилинади. Қонун чиқариш сейм ва сенат ихтиёрида бўлиб, депутатлар 5 йил муддатга сайланган. Сайловлар яширин овоз бериш йўли билан 21 ёшга тўлган эркак ва аёллар иштирок эта олган. Сайланиш ёши 25 ёш қилиб белгиланган. Президент Сейм ва сенатнинг қўшма йиғилишида 7 йил муддатга сайланган. Конституция 8 соатлик иш куни, сўз, матбуот эркинлигии эълон қилади.

Мамлакат иқтисодиёти ҳали оғир аҳволда бўлиб, 1923 йил марка 62 баробар қадрсизланди. давлат қарзи 10 млн маркани ташкил этди. Иш ҳақи 50% пасаяди. Бу эса ижтимоий кескинликни кучайтирди. Иш ташлашлар Краковда 6-7 ноябрда қўзғолонга айланиб кетади. 1923 йил декабрида ҳокимият тепасига Владислав Грабский келади. 1924 йил Франциядан 35 млн олтин франк қарз олади. 1925 йилда Польша ва Германия ўртасида Польша кўмирини сотиб олмасликдан сўнг бож уруши бошланиди. 1926 йил майида

ҳокмият тепасига Витос бошчилигидаги нционал-социалистлар (фашистлар) келади.

Мамлакатда иш ташлашлар тўхтамаганлии сабабли Пилсудскийчилар 12 май 1926 йилда тўнтариш ўтказадилар. 100 минг кишилик қўшин Варшавага киради. Пилсудский қўмондонликни қўлга олиб, давлатдаги назоратни ҳам қўлига олади. Президент қилиб Мосицицкий, Бартель эса ҳукумат бошлиғи бўлади. Польша валютасини стабиллаштириш мақсадида 65 млн доллар қарз олади.

1929 йилда бошланган иқтисодий инқироз Польшага айниқса катта таъсир кўрсатади. Текстил саноати 40%, темир эритиш 13%, шакар 66% га қисқариб кетади. 1930-31 йилларда давлат бюджети 63 млн злотих, 1933/34 йилларда 337 млн злотих камомад билан чиқади. 1936 йилда ишсизлар сони миллион кишига етади. Қишлоқ хўжалиги 1928 йилдагига нисбатан 1934 йилда 4,7 млр. злотихдан 1,5 млр злотихга камайиб кетарди. 1932 йилда Польша қарзи давлат бюджетидан 5 баробар ортиқ эди. Польша иқтисодий инқироздан 30-йилларнинг охирида ҳам чиқиб кета олмади.

1935 йил Польша янги конституция қабул қилинади. Унга кўра сейм ва сенат Президентга бўйнсундирилади. 1935 йил 10 майда Пилсудский вафот этиб, мамлакатда Э.Ридз-Смигли Польша диктатори бўлади. Польша иқтисодиётида кризис ҳолати ддавом этаверди. 1937 йилда ишлаб чиқариш 1928 йилги натижалардан анча паст эди. Ишсизлар сони 2,5 млн киши эди.

30-йилларда Польша ташқи сиёсати ғарб билан яқинлашиш йўлидан борди. 1934 йилда Германия билан ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома имзоланади. 1938 йил 17 мартида Литва билан чегара низоси келиб чиқди. 1938 йил Польша Чехословакияни тақсимлаб олишда қатнашиб, Тешин вилоятини босиб олади. 1939 йилда Германия Польшадан Гданск шаҳри билан темир йўл ва автострада орқали боғланиш имконини беришни талаб қилади. Польша анъанавий тарзда Франция ва Англияга таянишни давом эттиради. 1939 йил апрелда Англия ва Франция билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзолайди. Аммо, 1939 йил 1 сентябрда Германия Польшага ҳужум қилади. 17 сентябрда Ридз-Смигли чет эга қочиб кетади. Шундан сўнг СССР Украина ва Белорусиянинг ғарбий қисмларини қўшиб олиш учун Польшага қўшин киритади.

Чехословакия. Австро-Венгрия таркибидаги энг тараққий этган Чехословакия биринчи жаҳон уруши охирида 1918 йил октябрда ўзини мустақил деб эълон қилади. Парижда бўлган Томаш Масарик давлат бошлиғи бўлади. 14 ноябрда миллий йиғилиш чақириб, у ўз зиммасига қонун чиқариш вакиолатини олади. Крамарж бошчилигида ҳукумат тузилиб,

Масарик Президент бўлади. Версал, трианон ва Сен-Жермен сулҳ шартномалари Чехословакия чегараларини белгилаб беради. Яъни Чехия,Словакия, Моравия, Силезиянинг Тешен вилоятини бир қисми, Закарпат Украинасининг бир қисмидан иборат ҳолда белгиланади. Ер майдони 104,4 мин км кв, аҳолиси 15 млн эди.

Чехословакия Австро-Венгриянинг энг тараққий этган қисми бўлиб, унга империянинг 52% химия, 75% текстил, 76% кўмир, 93% шишасозлик ва 100% чинни саноати тўғри келарди. Биринчи жаҳон урушидан кейин кучайиб кетган инқилобий ҳаракатларни кучсизлантириш учун ҳукумат айрим ижтимоий-иқтисодий енгилликлар беришга мажбур бўлади. 8 соатлик иш куни, сайлов ҳуқуқи, ишсизликдан ижтимоий суғурта, дворянларнинг сиёсий имтиёзлари бекор қилинади. Оч аҳолига ёрдам бериш учун АҚШдан озиқ-овқат сотиб олиниб, аҳолига арзон нархда сотилади. 1919 йилда аграр ислоҳот ўтказилиб, помешчиклардан 250 га дан ортиқ ерлар қисман сотиб олиниб, деҳқонларга берилади. Шундай бўлсада Кромарж ҳокимият тепасига 8 ой қола олади ва истеъфо беради. 1919 йил 15 июнда сайловларда ғалаба қозонган социал-демократ Тусар армия ва полицияни кучайтириш йўлидан борди. Чехословакия конституцияси 1920 йил мартида қабул қилиниб, 21 ёшга етганлар сайлов ҳуқуқига эга бўлди. Аммо, 26 ёшга етганлар сенат вакилларини сайлай оларди. Парламент депутати бўлиш учун 30 ёш, сенат аъзоси бўлиш учун камида 45 ёшга тўлиш лозим эди. Депутатлар палатаси 6 йилга, сенат 8 йилга сайланган. Республика президенти Миллий йиғилишда 7 йил муддатга сайланарди. Президент Миллий йиғилишни тарқатиш ҳуқуқига эга бўлиб, 1918-1935 йилларда Масарик мамлакат раҳбари бўлди.

Ташқи сиёсатда Франция билан яқинлашиш жараёнлари бўлиб, Чехословакия 1919 йил Словакия инқилобини, Венгрия инқилобини бостиришда фаол иштирок этади. 1920 йил Польшага СССР билан курашиш учун ёрдам эвазига Тешен вилоятини олади.

1921 йил охирида Чехословакияда урушдан сўнг биринчи иқтисодий инқироз содир бўлади. Ишлаб чиқариш 53% га қисқариб, ташқи савдо қисқаради. Ишсизлар сони 1923 йилда 440 минг кишига етиб, иш ҳақи пасаяди. Масалан 1920-25 йилларда тоғ-кон ишчилари маоши тенг ярмига қисқаради. 1924 йилдан бошлаб Чехословакия қисман стабиллашув босқичига киради. Шунга қарамай 20-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб Чехословаияда фашистик ҳаракатлар вужудга кела бошлади. 1926 йил “Чех фашистлари жамияти”, “Миллий лига” кабилар тузилади. Реакцион кайфият

ўсиб, Чехословакия Франция бошчилигида тузилган ва руминия, Югославияни қамраб олган “Кичик Антанта”га киради.

Жаҳон иқтисодий инқирози Чехословакияга 1930 йилдан бошланади. 1933 йилда иқтисодиёт 1929 йилга нисбатан 60% маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Чўян 73%, пўлат 68%, Кокс 59% қисқарди. Қишлоқ хўжалигида 30% хўжаликлар хонавайрон бўлди. Ташқи савдонинг 72%га қисқариши иқтисодий ҳаётга катта зарба бўлди. Инқироз даврида ишчиларнинг иш ҳақи 50-60% гача қисқартирилди. Инқироз йилларида ишчиларнинг чиқишлари билан бирга фашистик ҳаракатлар ҳам авж олди. Судет областида этник немисларнинг Германия билан қўшилиш талаблари ортиб борди. Г.Гейлен бошчилигидаги Судет фашистлари фаоллашди. Словакияда глинка бошчилигида фашистик (Людовици партияси) ҳаракат авж олди.

Ташқи савдони жонлантириш мақсадида 1934 йилда СССР билан муносабатлар ўрнатилади. 1935 йилда эса ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланади. Франция билан ҳам худди шундай шартнома имзоланган. 1935 йилги сайловлар фашистик партиялар учун анча мувофақиятли кечади. Шу йили Масарик ўрнига Эдуард Бенеш президент бўлади. Аграр партия раҳбари М.Гожа ҳукумат бошлиғи бўлади.

1938 йилда Германия Судет вилоятида немисларнинг камситилишини баҳона қилиб, чегарадаги қўшинларини ҳарбий ҳолатга келтиради. Аммо, Англия, Франция, СССР қарши чиқиши ҳужум қилишдан тийилишга сабаб бўлади. Англия ҳукумати Чехословакияга лорд Рансименни юборади. 1938 йил 13 августда Судет немислари генлейн кўрсатмасига асосан қўзғолон кўтаради ва тезда қўшинлар томонидан бостирилади. Бу эса, Германияда вазиятдан фойдаланиш имконини беради. Англия ва Франция Чехословакия ҳукуматини Германияга ён беришга кўндирадилар. 29-30 сентябрда Мюнхендаги келишув натижасида Судет вилояти Германияга, Тешен Польшага, Закарпатие Венгрияга берилади. 10 март 1939 йил Гитлер Чехословакияни оккупация қилиш тўғрисида буйруқ беради. 15 март Чехия ва Моравия оккупация қилинган бўлса, Словакия ва Моравия “Мустақил” давлатга айланади. Э.Бенеш чет элга кетади.

Руминия. биринчи жаҳон урушида антанта томонидан туриб урушди. Уруш иқтисодий-ижтимоий ҳаётга катта зарар келтирди. Мамлакатда очлик, ишсизлик авж олди. Россия урушдан чиққандан кейин Руминиянинг сиёсий-ҳарбий аҳволи янада ёмонлашди. 1918 йил бошларида қўшин ва флот ҳам қўзғолон кўтаргач, Руминия Германия ва Автро-Венгрия билан сепарат сулҳ тузади. Руминия Россияга қарши иттифоққа қўшилиб, Молдавиянинг

(Бессарабия) ўнг қирғоқ қисмларини босиб олади. Германиянинг мағлубиятга учраши аниқ бўлиб қолгач, Руминия Буковина ва Трансилванияда Германияга қарши ҳужум бошлайди. 1918 йил 1 декабрь Трансилвания Руминия билан қўшилади. Шунингдек, Румини қўшинлари Франциядан ҳарбий мадад олиб Венгрия инқилобини бостиришда фаол иштирок этади. Версал сулҳига кўра, Руминияга Буковина, Трансилвания, Шарқий Банат, Мармарош, Кришана, Жанубий Добружа ҳудудлари ўтганлиги тан олинади. Румния ҳудуди 2 баробардан кўпроқ, аҳолиси эса, 7,7 млн дан 17,5 млн кишига ўсади.

Руминия аҳолисининг 80% қишлоқларда истиқомат қилар ва мамлаатда асосий ишлаб чиқарувчилар деҳқонлар эди. 5200 помешчикларнинг қўлида экин майдонларининг 40% жамланганди. деҳқонларнинг 20% гина 05,-2 га ерлаг эга бўлиб, 1923 йилги маълумотларда 500 минг деҳқон ерсизлиги қайд этилган. 1919 йил Руминияда урушшдан кейинги биринчи сайловлар бўлиб ўтди ҳокимият тепасига келган каолицион блок 1920 йил 13 мартда ҳокимиятни генерал Аверескуга бўшатиб беради. Уруш тугаган бўлсада мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий муаммолар ва Россия инқилоби таъсирида мамлакатдаги иш ташлашлар ва сиёсий курашлар тўхтамади. Мамлакатда аграр ислоҳот ўтказиш зарур бўлиб, Руминияда 1918 й14 декабрь, Буковинада 1919 й, Трансилванияда 1920 йил ўтказилиш эълон қилинади. Аграр ислоҳотга кўра, деҳқонлар давлатга ва черковга қарашли, шунингдек, помешчикларга қарашли 2 млн га ерни кейинчалик тўлаб бериш шартлари асосида олишлари мумкин эди. Авареску 1921 йил охирида ҳокимиятни Таке-Ионескуга бўшатиб беради. Кейин Ион Братиану ҳокимият тепасига келади.

1923 йил Руминияда янги конституция қабул қилиниб, конституцион-монархияга айланади. умумий сайлов ҳуқуқи ўтроқлик цензи билан чекланади.(ишсизлар, ёлланма ишчилар, миллий озчилик аҳоли ва аёллар сайлов ҳуқуқи оломадилар). Руминия иқтисодиёти 1922 йил охирларидан бошлаб стабиллашув босқичига кира бошлайди. 1924 йилда Руминия ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражага етди. 1922-26 йилларда ҳокимият птепасида бўлган миллий-либерал партия йирик капиталистлар манфаатларига кўпроқ эътибор қаратади. Чет эл капитали 1924 йилги қонунга кўра биро бир ишлаб чиқариш соҳасида 50% дан ортиқ улушга эга бўлмаслиги керак эди. Аммо, иқтисодиётнинг стабиллашувига иш ҳақининг пасайиши (1916 йилга нисбатан 2 баробар паст), иш кунини 10-12 оатга узайтириш, тўғри ва эгри солиқларни ошириш эвазига эришилади. 1924 йилда солиқлар киши бошига 200 лей га етади, ваҳоланки 1921 йилда 40 лей

бўлган. Қишлоқ хўжалигида аҳвол айниқса оғир бўлиб, Бессарабия деҳқонлари қўлида 1924 йилга келганда урушгача бўлган ернинг 50% камайиб кетганди. 1923-24 йиллардаги қурғоқчилик ортидан очарчилик келиб чиқади. 1924 йил 11 сентябрда Николаевка қишлоғида бошланган қўзғолон Молдавия совет республикаси эълон қилади. Жазо отриядлари 3 минг деҳқонни ўлдириб, минглаб уйларни ёқиб юборади.

1925 йилда Руминияда "Қирол инқирози" бўлиб, Братиану армия аэродромлари учун сарфланадиган маблағ ўзлаштириб юборилганини маълум қилади. Қирол ҳокимиятдан четлатилиб, 4 ёшли ўғли Михай қирол деб эълон қилиниши илгари сурилади. 1926 йил 30 мартида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар натижасида 40% ва ундан ортиқ овоз тўплаган партия парламентда 75% ўринга эга бўлиши кўзда тутилар эди. Либераллар бу билан ўз мавқеларини кучайтирига урунганди. Аммо, май ойида бўлган сайловларда "Халқ" партияси ғалаба қозониб, Авареску ҳукумат бошлиғи бўлади. Аммо, 1927 йилда ҳокимият тепасига яна Братиану келади. 1927 йилда Қирол Фердинанд вафот этиб, 6 ёшли набираси Михай қирол бўлади. Мамлакатда норозилик ҳараатлари бошланиб, деҳқонларнинг Бухаретга юришлари содир бўлади. 1928 йилги сайловлар натижасида Ю.Маниу бош вазир бўлади.

Буюк депрессия Руминияга оғир оқибатар олиб келди. 1931 йилда саноат ишлаб чиқариши 1928 йилга нисбатан 60% камайди, нефть нархи 5 баробар арзонлашди, кўплаб банклар ва ҳатто Ғарбий Европа капитали билан ҳимояланган "Мармарош-Бланк ва К^{0}" банки ҳам синади. Иш ҳақи 36,9% камайиб, солиқлар 2 баробар оширилади. Чет эл капиталининг таъсири ўсиб, ишлаб чиқариш ва акционерлик жамиятларининг 75% капитали чет элликлар қўлига ўтиб кетади. 1925 йилда мамлакатдан ҳайдалган шаҳзода-қирол 1930 йилда Руминияга қайтиб, давлат тўнтариши ўтказади. 1931 йилда румин фашистларининг "Темир гвардия"си вужудга келади. Инқироздан чиқишнинг йўли сифатида иш ҳақларини камайтириш ва солиқларни ошириш кўрилади. Хизматчилар иш ҳақи 10-12%, ишчиларники 30% иш ҳақи камайтирилади. Бу эса иш ташлашларни келтириб чиқаради. Бухарестдаги чиқишларда 400 ишчи ўлдирилиб, 2 минги турмаларга ташланади. 1933 йилда Франция заёмларини олиши, Румнияни чет эл капиталига янада кўпроқ қарамлигини таъминлади. 1933-37 йилларда инқироздан сўнг иқтисодий сиш билан бирга мамлакатни бошқарган миллий-либерал партия вакиллари террор, фашистик кайфиятни шакллантириш йўлидан борди.

20-йилларда Руминия ташқи сиёсатда Франция билан яқинлашиш йўлидан борди. Кичик Антантага киради, Россия ва Венгрияга қарши интервенцияда иштирок этади. 1921 й 3 мартда Польша билан ҳарбий иттифоқ тузади. Руминия 1924 йил Венада СССР билан музокаралар олиб бориб, Бессарабиядан воз кечиш эвазига СССРни танишини маълум қилади. СССР томони Бессарабияда плебисцит ўтказишни таклиф этади ва икки ўртадаги музокаралар тўхтаб қолади. Польша билан 1926 йилда чегаралар гарантияси деб номланувчи ва СССРга қарши қаратилган шартнома имзолайди. Шу йили Франция билан ҳам шартнома тузилиб, СССР билан қуролли тўқнашув келиб чиққанда Франция томонининг ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатиши керак эди. 1926 йил сентябрда Италия билан "Дўстлик ва чин ҳамкорлик" тўғрисида шартнома имзолайди. Италия Руминияга 200 млр лира бериш эвазига нефть концессиясини қўлга киритиб, тозаланмаан нефтьни Италияга олиб кетиш ҳуқуқини қўлга киритади. 1932 йилда Руминия СССР билан ўзаро ҳужум қилмаслик шартномасини имзолайди. 1934 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилсада Бессарабия масаласи очиқ қолади. 30-йилларда Руминияда фашистларнинг роли ошиб борди. 1937 йилда фашистлар талаби билан свастика белгисини уларга осиб юришга қонуний рухсат берилади. 1938 йил 10 февралда фашистлар ёрдамида давлат тўнтариши ўтказилиб, Руминияда қиролнинг шахсий ҳокимияти ўрнатилади.

Янги конституция демократик эркинликларни бекор қилади ягона партия "Ягона миллий тикланиш фронти" ҳукумронлиги ўрнатилади. 1939 йил Руминия Германия билан "Иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш" тўғрисида шартнома имзолайди. Руминия тобора фашистик лагерга яқинлашиб борди.

Болгария. биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси бўлиш мамлакатни хонавайрон қилди. 1918 йил май ойида подшо Фердинанд англофил Малиновни ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлайди. Ҳаттоки армияда ҳам қўзғолон кўтарилиб, 29 сентябрда Валдай қишлоғида деҳқонлар иттифоқи раҳбари Стамболийский бошчилигида янги ҳукумат тузилгани эълон қилинади. Қўзғолон немис қўшинлари ва болгар юнкерлари томонидан бостирилсада, шу куни Антантага Болгария таслим бўлади. Мамалакатга Антанта қўшинлари кириб келади. Уруш даврида 150 минг киши вафот этиб, 200 минг киши яраланган, хўжалик ҳаёт издан чиққан эди. Ташқи савдо баланси 1919 йил 411 млн лев, 1920 йил 600 млн лев, 1921 йил 924 млн левни ташкил этди. Давлат дефицити 629 млн левни ташкил этди.

1919 йил 27 ноябрда имзоланган Ней шартномасига кўра, Болгария Жанубий Добружани, Македония, ғарбий Фракияни йўқотиб, Эгей денгизига чиқиш имконидан маҳрум бўлади. 20 минг қўшин сақлаш рухсат этилган бўлиб, 2,25 млр франк контрибунция тўлаши лозим эди. Шартнома тузилгач, уч йил ичида Болгария собиқ рақиблари Руминия, Югославия ва Грецияга 118 локомотив, 2049 вагон, 2300 тонна темир йўл анжомларини контрибунция эвазига юборади. Инқилобий ҳаракатлар натижасида 1918 йил 3 ноябрда Фердинанд ўғли Борис фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлганди. Ҳокимият тепасига Тодоровнинг каолицион ҳукумати келади. Сиёсий маҳбусларда амнистия эълон қилиниб, 8 соатлик иш куни жорий этилади. 1919 йил августда бўлиб ўтган сайловларга кўра ҳокимият Стамболийский қўлига ўтади. Аммо, иқтисодий-ижтимоий зиддиятлар натижасида 1920 йилда янги сайловлар ўтказилади. Бу сафар Стамболийский ягона партиядан иборат ҳукумат тузади. Бу сафар қатор ислоҳотлар ўтказилиб, помешчиклардан ортиқса ерлар сотиб олиниб, ерсиз, камерли деҳқонларга 20 йил эвазига тўлаш шарти билан сотилади. 717 йирик ер эгасидан 40650 га ер олиниб деҳқонларга тарқатилади.

Болгарияда фашистик ҳаракатлар эрта вужудга келиб, 1922 йилда “Халқ келишуви” (А.Цанковский) “Курбат”, “Ватан ҳимояси” каби фашистик тўдалар тузилди. 1923 йил 9 июнда фашистик тўнтариш содир бўлиб, стамболийский ўлдирилади ва А.Цинковский ҳукумат бошлиғи деб эълон қилинади. Ҳукуматга қарши кўтарилган қўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилади. Мамлакатнинг чет эл капиталига қарамлиги ошиб борди. Олинган ташқи қарзлар эвазига иқтисодий ҳаёт бирмунча яхшилана борди. 1926 йил подшо Борис А.Цинковскийни истеъфога чиқариб, янада реакцион бўлган А.Ляпчевни ҳукумат бошлиғи этиб тайинлади. 1928 йилда Болгария 3,5 млн ф.стерлинг мидорида АҚШ, Буюк Британия ва Франциядан қарз олади. Жаҳон иқтисодий инқирози даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи 55-60% тушиб кетади. Саноат маҳсулотлари нархи 25% га, импорт 73% га экспорт 55,5% га пасаяди. Фақатгина 1929-30 йилларда иш ҳақи 17% га камайди. Бу эса ижтимоий чиқишларнинг авж олишига сабаб бўлди. Бундай шароитда Кимон Георгиев бошчиигидаги “Звено” деб номланувчи фашистик тўдалар Англия ва Францияга таянган ҳолда тўнтариш қилишга уринадилар. 1934 йил 19 май кунитўнтариш содир бўлиб демократик эркинликлар чекланади. ташқи савдо устидан, спирт ишлаб чиқариш, тамаки, туз ва нефть ишлаб чиқариш устидан давлат монополияси ўрнатилади.

Ташқи сиёсатда Болгария Франция билан яқинлашиш йўлидан борди. Бунга Франция томонининг компенсация масаласида 550 млн олтин франк

миқдоридаги тўловларни 5% процет асосида 60 йил давомида тўлаши ва қолган 1750 млн франкни фоизларсиз тўлаши тўғрисидаги келишувга эришишга ёрдам бергани ҳм сабаб бўлади. 1922 йилдан бошлаб СССР билан муносабатлар йўлга қўйилади. 20-йилларда пайдо бўлган фашистик ҳаракатлар инқисодий инқироз йилларида авж олади. К.Георгиев томонидан 1934 йилда амалга оширилган тўнтариш, Болгарияни Франция ва Англия билан янада яқинлаштирди. Шунингдек, Югославия билан Ягона славянфедерациясига бирлашиш таклифи илгари сурилади. аммо, бу ғоя Италиянинг норозилигига сабаб бўлади. 1934 йил 23 июнда СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатилади. Антанта ва СССР билан яқинлашиш Германия билан яқинлашиш тарафдори бўлган фашистлар норозилигига сабаб бўлди. 1925 йил 24 январда генерал Златеев янги ҳукумт тузада уч ойдан сўнг Тошевга ҳукуматни топширади. Тошевни Цанковский гуруҳидагилар қўллаб-қувватлар эди. У эса ўз навбатида Германия ва Италия билан яқинлашиш йўлидан борди. 1935 йилда ҳокимият тепасига келган Киосейванов 1940 йилгача ҳукуматни бошқарди ва Германия билан яқинлашиш йўлидан борди.

Болгария 1937 йилда Югославия билан ҳужум қилмаслик тўғрисида, 1938 йилда Болқон Антантаси (Югославия, Греция, Албания) билан ҳужум қилмаслик шартномасини имзолайди. 30-йилларда Германия капиталининг кириб келиши кучаяди. 1939 йилга келиб Болгария импортининг 65,5%, экспортининг 67,7% Германия ҳисасига тўғри келарди. Бу вақтда Англия ҳисасига 1,25 га 0,9%, Францияга эса, 6,8% га 6,1% га тўғри келарди. 1938 йилдан бошлаб Германия Болгарияга ҳарбий қуроллар ҳам юбора бошлайди. Иккинчи жаҳон уруши бошланган вақтда Болгария ўз бетарафлигини эълон қилган бўлсада, 1941 йил бошида Болгарияга немис қўшинлари киритилади.

Югославия. Австро-Венгрия империяси парчаланиш жараёнида вужудга келади. Биринчи жаҳон уруши даврида жанубий славянларнинг консолидацияси кучайди. Лондонда хорват сиёсатчиси Анте Трумбич ларнинг кўзга кўринган вакили эди. 1917 йил Корфу оролида Трумбич ва серб бош вазири Никола Пашичлар (Корфу декларациси) келишув имзолаб, Хорватия ва Сербиянинг бирлашуви ва Сербларнинг Карагеогиевичлар сулоласи остида бирлашишни эълон қиладилар. 1918 йил 6 октябрда Загребда словен, харват, сербларнинг вечеси чақирилади ва 29 октябрда давлат тузилганлиги эълон қилинади. 1918 йил 1 декабрда Черногория ҳам иттифоққа қўшилади. Сен-Жерман (Австрия), Трианон (Венгрия), Ней (Болгария) билан сулҳ шартлари Югославияни чегараларини белгилаб берди.

давлат ҳудуди 248805 кв.км. аҳолиси эса 15 млн киши эди. Серблар аҳолининг 39% ни ташкил этди(1921 йи).

Давлат оғир шароитларда вужудга келди. Сербия аграр ўлка бўлиб, Хорватия, Воеводина, Словения бир қадар саноатлашганди. феодал сарқитлар Македония, Босния ва герцоговина, Черногрияда сақланиб қолинганди. 70% аҳоли қишлоқ хўжалигига банд эди. 1918 йил биринчи ҳукумат Стоян Протич бошчилигида тузилади. Ҳукумат 1919 йил 27 февралда аграр ислоҳотни эълон қилади. Харватия ва Словенияда 202122 га, Банат ва Бачкеда 360741 га, Македонияда 20 минг га, Боснияда 775233 га ер деҳқонларга 20 йиллик тўлов эвазига берилди. 1919 йил 2 августда Давидович бошчилигидаги янги ҳукумат ҳам бир қатор ижтимоий ислоҳотлар қилди8 соатлик ишкуни ва моашларни оширди. 1920 йилда тузилган Веснич ҳукумати миниципал ва конституцион сайловлар ўтказади. 1921 йил 28 июнда Югославия конституцияси қабул қилинади. Умумий сайлов ҳуқуқи 21 ёшдан, праламентга сайланиш 30 ёшдан деб белгилаб қўйилди.

Капитализмнг стабиллашуви даврида ҳам Югославияда дефицит ва сиёсий нестабиллик кузатилади. 1925 йилда Пашич ҳукумати италия билан темир йўллар ва сув транспорти бўйича Италияга иқтисодий жиҳатдан божларни камайтириб ён босадиган Неттун келишуви имзоланди. Мамлакатда норозилик чиқишлари авж олади. 1929 йил 6 январда Қирол Александр парламентни тарқатиб, сиёсий партиялар фаолиятини таъқиқлайди, конституцияни бекор қилади. Ҳукумат бошлиғи қилиб, реакционер, “Оқ қўл” ташкилоти етакчиси П.Живкович тайинланади. 8 соатлик иш куни бекор қилиниб 13-16 соатлик иш куни жорий этилади. Тўнтаришдан сўнг иқтисодий инқироз бошланиб, 1931 йил давлат даромадлари 1927 ийилга нисбатан икки баробар камайиб кетади. Ташқи савдо 60% камяди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи кескин тушиб кетади. 1930 йилда Сербия 270,6 млн динор, Хорватия 56,7 млн кредит олади. Инқироз даврида сепаратик ҳаракатлар ва ташкилотлар жонланади. Масалан Хорватия усташлари (А.Павелич), Ички македония инқилобий ташкилоти ва бошқ.

30-йилларда Германиянинг таъсири ошиб борди. 1934 йилги шартномага мувофиқ Югославия Германияга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қила бошлади. 1935 йилдан бошлаб Югославия иқтисодиётида айрим ижобий ўзгаришлар кузатилади.

ташқи сиёсатда Францияга таяниб иш олиб борилди. 1919 йил июнда Греция билан Болгарияга қарши ҳарбий иттифоқ тузилади.1920 йилда Чехословакия билан чегара гантияси бўйича келишув имзоланган. 1921 йилда Руминия билан мудофа характеридаги шартнома. имзолайди. СССР билан алоқаларни ўрнатишни рад қилган Югославия Италия билан ҳам муносабатлари анча кескин эди. Чуник, Италия Далацияга даъво қилар ва Бу Югославия учун хатарли эди. Рапалла шартномасига кўра Югославия ва Италия Фиум шаҳри мустақиллигини тан олади. Аммо, 1924 йилда Фиум шаҳрини Италия истило қилиши Югославиянинг халқаро мавқеига ва ҳукуматга бўлган ишончга путур етказди. Зўрлаб серблаштириш Хорватияда С.Радич бошчилигида Хорватия мустақиллигини талаб қилувчи сиёсий кучларни вужудга келтирди. Уни Франция ва Англия қўллаб-қувватлаб турди. 30-йилларда фашизм таъсирининг ўсиши билан Югославия Англия ва Франция таъсири оситида Руминия, Греция ва Туркия билан биргаликда Болқон пактини имзолайди. Югославия Франция билан иттифоқ тузишга уринади. 1934 йил 9 октябрда марселга қирол Александр келади. Аммо, фашист агентлари бу ерда унинг ва Франция ташқи ишлар вазири Бартунинг жонига қасд (Тевтон қиличи операцияси) қиладилар. 1935 йил 15 майда 11 ёшли шаҳзода Пётр II Югославия қироли бўлади.

Югославия 30-йилларнинг ўрталарида Германия билан яқинлашишни давом эттиради.1938 йилда югославия иқтисодиётида Германия биринчи ўринга чиқиб олади. Экспорт 58,8% , импорт 39,9% ҳисобида. Вена-белград-Стамбул шоссеси қурилиши жадаллашади. 1937 йилда Италия билан нейтралоитет ва яхши қўничилик шартномаси тузилади. Жаҳон уруши арафасида Югославия ҳудудида Италия ва германия томонидан қўллаб-қувватланган сепаратистлар ва фашистик ташкилотлар фаоллашади.

Албания. Болқон урушлари даврида 1912 йил 28 ноябрда мустақиллиги эълон қилинган бўлсада, мамлакат қолоқ, аграр ва феодал тартиблар кучли сақланиб қолган ўлкалардан бири эди. Мамлакат биринчи жаҳон урушида бетарафлигини эълон қилган бўлсада, унинг ҳудуди жанг майдонига айланди. 1918 йилнинг иккинчи ярмида ҳам Австро-Венгр қўшинлари мамлакат шимоли ва марказида қолган қисмларда Италия қщинлари мавжуд эди. Уруш сўнгида Дуррасда йиғилган Албан конгресси вақтли ҳукумат тузади. 1919 йилда ҳукумат расман Италия протекторатини тан олади. Париж конференциясида албанияни Италия, Югославия, Греция ўртасида тақсимлашга ҳаракат қилди. Аммо, мамлакатда партизан ҳаракатлари авж олиб, “Миллий партия”, “Адбанияни қутқариш миллий жамияти” каби ташкилотлар бу курашларга етакчилик қилди.

Албания ватанпарвар ташкилотлари 1920 йил январда Люшна шаҳрида йиғилиш ўтказиб, ҳукумат шакллантирдилар ва унинг қароргоҳи деб Тиранани танладилар. 1920 йил 3 июнда миллий мудофа коммитети Италиядан Влёре шаҳридан қўшинларини олиб кетишни талаб қилади. аммо, талаб бажарилмагач, 12 июнда ватанпарварлар Влёрени озод қиладилар. Шундан сўнг албан ватанпарварлари Байрам Цурри бошчилигида грек ва югославян қўшинларини ҳам мамлакатдан қувиб чиқарадилар. 1920 йил 9 ноябрда Лондон конференциясида Албаниянинг урушдан аввалги чегаралари тикланади, 17 декабрда миллатлар лигасига қабул қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Албанияда энг кўзга кўринган сиёсатчи Ахмад Зогу (1895-1961 йй) бўлиб, у 1920-21йилларда ташқи ишлар вазири, 1922-24 йилларда бош вазир лавозимларида ишлайди. Албаниядаги энг ўткир масала бу ер масаласи бўлиб, ҳукуматнинг ер ислоҳоти ўтказмаганлиги қўзғолонларга сабаб бўлади. Энг йириги уруш қаҳрамони Байрам Цурри бошчилигидаги 1922 йилда бўлиб, ҳукумат қўшинлари уни шафқатсизлик билан бостиради. Ишчилар синфи кам сонли бўлиб, уларнинг ҳам кўпчилиги саводсиз эди. Иш куни 12-16 соатни ташкил этарди. Шунга қарамай ишчилар иш ташлашлар, профсоюзлар ташкил этиш, петициялар орқали кураш олиб бордилар. Мамлакатдаги ижтимоий аҳволни яхшилаш мақсадида 1923 йилда таъсис мажлиси чақирилади. Декабрда бўлиб ўтган сайловларда эски тизимга асосан овоз берилди, яъни мулк ва ўтроқлик цензи асосида. 1924 йил мартда помешчик Шефкет Верляци бошчилигида ҳукумат тузилади.

Мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ўнгланмади. 1922, 1923, 1924 йилларда қурғоқчилик сабабли очарчилик юзага келди. А.Зогунинг буйруғи билан 1924 йил апрелда опозицияда бўлган “Башкими” партияси етакчиси А.Рустами ўлдирилади. Бу мамлакатда нотинчликлар ва қўзғолонга сабаб бўлади. 10 июнда қўзғолончилар Тирана шаҳрига кирадилар. Янги ҳукуматга қўзғолон бошида турган руҳоний Ф.Ноли бош бўлади. Янги ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиб, 1924 йил 28 июнда СССР билан алоқаларни ўрнатади. Ҳукуматга қарши А.Зогу бошчилигида Югославия ҳудудида контреволюцион қўшин тузилади ва декабрда инқилоб бостирилади. Барча ҳокимият А.Зогу қўлига ўтади.

20-йилларнинг иккинчи ярмида Албанияга италян капитали кириб кела бошлайди. 1925 йилда ташкил этилган миллий банкнинг ҳам катта қисм акциялари италян банкирлари қўлида эди. 1925 йилда тузилган “Албанияни иқтисодий ривожлантириш италия жамияти” тузилгач, италянларга битум,

нефть, кўмир, хром рудаси ва бошқ. ларни қидириш ва эксплутация қилишга кўплаб концессиялар берилади. Шу вақтдан бошлаб Албанияга 300 минг атрофида италияликлар кўчиб келади. Бундан ташқари Италия божсиз товар олиб кириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. 1930 йилга келиб Албаниянинг 70% экспорти, 50% импорти, 60% денгиз транспорт ташувлари Италия ҳиссасига тўғри келар эди. 1926 йил 27 ноябрда икки давлат ўртасида “Дўстлик ва хавфсизлик”, 1927 йил 22 ноябрда “Мудофа иттифоқи” тўғрисидаги шартномалар Албанияни Италига тамоман боғлаб қўяди.

Ички сиёсатда мамлакат 1925 йил 22 январда республика деб эълон қилинган бўлсада, амалда А.Зогунинг режими ўрнатилганди. А.Зогу президент ва кенг ваколатларга эга бўлсада, 1928 йил ўзини қирол деб эълон қилади. Иқтисодий инқироз йилларида ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар таъсири остида А.Зогу ҳукумати помешчикларнинг бир қисм ерларини тўлов эвазига деҳқонларга бериш мажбур бўлади. 30-йилларда 52% қишлоқ аҳолиси ерсиз деҳқонлардан иборат эди. мамлакат иқтисодиёти тобора Италия қўлига ўтиб борди.

Яқинлашиб келаётган жаҳон уруши арафасида Италия Албания мустақиллигини тугатишга қарор қилади. 1939 йил, 7 апрелда италян қўшинлари бостириб кириб тез орада мамлакатни оккупация қилиб оладилар.

Греция. Биринчи жаҳон уруши арафасида мамлакатнинг 70% аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, асоан инглиз капиталига қарам эди. 1913 йилда греция тахтига Вильгельм Кайзернинг қариндоши Константин ўтириб, ҳукуматни 1910-15 йилларда Венизелос либерал партия вакили идора қилди. Либерал партия капиталистлр манфаатини ҳимоя қилиб, Англия билан муносабатларни яхшилаш тарафдори бўлса, халқ партияси монархистлар ва Германия тарафдори эди. Жаҳон уруши бошлангач, Англия ва Германия томонидан урушга кириш масаласи мунозара бўлиб, Англия билан ҳамкорлик қилиш тарафдори Венизелос истафога чиқарилади. Аммо, узоқ вақт Греция нейтраллигини сақлаб туради. 1917 йил 29 июнда Германиянинг енгилиши маълум бўлгач, Антанта томонидан туриб урушга киришади. Қирол ўғли Александ (1917-20 йй) фойдасига тахтдан воз кечади. Венизелос яна бош вазир бўлади. Урушдан кейин Греция ҳукумати Буюк Эллада давлатини тузиш васвасасига бериб, Франция билан ҳамкорликда Қрим, Украинага қўшинларини жўнатади. 1919 йил майда измрни ишғол қилиш ва мусулмонларни қирғин қилиш билан Туркия билан уруш бошланиб кетади. Уруш Грециянинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оғир асоратларни келтириб чиқарди.

1920 йил 14 ноябрда навбатдаги парламент сайловлари монархистик партия вакили Д.Гунарис Туркияга қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттирди. 1922 йилда Греция қўшинлари Туркия ҳудудидан қувиб чиқарилади. 11 октябрда Муданьеда икки ўртада сулҳ тузилади. 1923 йил Лозана конференциясидаги келишувга кўра Греция Туркияга Шарқи Фракияни ҳам беришга мажбур бўлади. Ҳукуматдан нрози кучлар монархистларга қарши чиқа бошлайди. 1922 йил 11 сентябрда Туркияда уруш олиб бораётган ҳарбий қўшинларполковник Пластирас ва Гунарислар қўзғолон кўтаради. 15 сентябрда қирол тахтдан туширилиб, ўғли Георг II қирол деб эълон қилинади. Амалда ҳокимият 1923 йилгача Пластирас қўлида қолади. Янги ҳукумат чекланган аграр ислоҳот ўтказишга уринсада амалда вазиятни назорат қила олмайди. Кичик Осиё ҳудудидан ярим млн грек турклардан қочиб келади ва уларнинг 45% очликдан вафот этади.

Грецияда 1924-28 йиллар қисман стабиллашув даври бўлиб, бу даврда 500 атрофида корхоналар ташкил этилади. 1924 йил мартдаги сайловларда монархистик партия мағлубиятга учрайди ва қирол мамлакатни тарк этиши лозим эди. Умумий плебисцит ўтказиш йўли билан Греция республика деб эълон қилинади. Янги ҳукуматни республикачилар иттифоқидан А.папанастасниу бошқаради. 1925 йил 25 июнда генерал Пангалос тўнтариш ўтказиб ҳокимиятни ўз қўлига олади. У парламентни тарқатиб юборади, матбуотга цензура ўрнатади, демократик эркинликларни чеклайди. 1926 йил 22 августда генерал Кондилис тўнтариши бўлиб, 7 ноябрда парламент сайловлари ўтказилади ва либерал партия ғалаба қозонади. А.Займис ҳукумат тепасига келиб, янги конституция устида иш бошлайди ва 1927 йил июнда қабул қилинади.Унга кўра қонунчилик икки палатадан иборат миллий кенгаш ихтиёрига ўтади.

20-йиллар охирида Греция иқтисодиёти бир қадар ривожланади. Италия билан ва Албания билан шартномалар имзоланади. 1929 йилда СССР билан савдо шартномаси имзоланади. 1928 йилда Венизелос Грециягa қайтиб келиб сайловларда иштирок этади ва ағалаба қилади. Иқтисодий инқироз Греция қишлоқ хўжалигини вайрон қилади. Металлургияда қисқариш 305, тамаки ишлаб чиқариш68 минг тоннадан 24 минг тоннага камаяди. Иш куни 10-14 соатга чўзилган бўлиб, иш ҳақи 15-40% атрофида пасайиб кетади. 1929-31 йилларда ҳукумат 4 та заём (Англия ва АҚШ) имзолайди. Заёмларни тўлашга миллий бойликнинг 34% сарф бўларди. Мамлакатнинг оғир қарзлари сабабли 1932 йил апрелда Греция ўзининг банкротлигини эълон қилади. Мамлакатда бошаланиб кетган тартибсизликлар куч билан

бостирилади. 1933 йилги сайловларда монархистлар ғалаба қозониб, Цалдарис ҳукумат тепасига келади.

1934 йилдан бошлаб Греция инқироздан чиқа бошлайди. Қишлоқ хўжалигини экспорти 8-10% га, Ташқи савдо 14% га ошади. Аммо, 30-йилларда Грецияда ҳам фашистик ҳаракатлар авж олиб борди. Либерал партия раҳбарлари мамлакатда ҳокимиятни куч билан олишга ҳаракатқилиб, 1935 йил 1 мартида давлат тўнтаришини амалга оширадилар. Венизелос бошчилигидаги қўзғолончилар флотнинг бир қисмини, Крит, Хиос, Мителина ороллариниі босиб оладилар. Цалдарисга содиқ қолган қўшинлар 12 кунлик жангдан сўнг қўзғолонни бостиришга мувофақ бўладилар. Мамлакатдаги сиёсий нотинчликдан Англия ҳукумати фойдаланиб қолади. 1935 йил 10 октябрда Англиядан молиявий ёрдам олган генерал Г.Кондилис давлат тўнтариши ўтказади. У республика тартибларини бекор қилади ва монархия тикланганлигини эълон қилади. 25 ноябрда қирол Георг II Грецияга қайтиб келади. Монархия қайта тиклангач, мамлакатда қамал ҳолати эълон қилинади. ҳар қандай чиқишлар қурол ёрдамида бостирилади. Статистик маълумотларда 1936-1940 йилларда 97 минг диктатурага қарши бўлганлар жазоланган.

Ташқи сиёсатда Греция Франция таъсири остида 1934 йилда Болқон антантаси (Греция, Югославия, Туркия, Руминия)га қиради. 1936 йилда бош вазир бўлган Метаксас даврида Грецияда Германиянинг таъсири ўсади.

Европа ва Америка давлатлари иккинчи жаҳон уруши йилларида 6 соат

1. 2 – жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар.
2. Урушнинг бошланиши, дастлабки босқичи, “ғалати уруш”.
3. Франциянинг мағлабияти, аралашмаслик сиёсатининг барбод бўлиши
4. Иккинчи жаҳон урушининг энг муҳим жанглари. Урушда туб бурилиш
5. Теҳрон конференцияси. Германия иттифоқчиларининг мағлубияти
6. Германия ва Японияниг сўзсиз таслим бўлиши. Иккинчи жаҳон урушининг якунлари

Иккинчи жаҳон уруши капиталистик давлатлар ўртасидаги кескин иқтисодий ва сиёсий қарама-қаршилик натижасида келиб чиқди. Энг аввало Биринчи жаҳон уруши якунлангандан сўнг, адолатсиз сулҳ шартлари мағлуб мамлактларда реваншистик ҳаракатларни авж олишига сабаб бўлди. Айниқса жаҳон иқтисодий инқирози йилларида бу ҳол яққол кўзга ташланди. Версаль-Вшингтон сулҳ системаси 30-йилларда ривожланиб, ўзини тиклаб олган Германияни мутлақо қониқтирмасди. Немислар яшайдиган ҳудудларни бирлаштириш, немислар учун ҳаётий кенгликлар (лебенсраум) зарурлиги, Германия мустамлакаларининг 1918 йилда тортиб олиниши фшистларнинг асосий шиорлари бўлиб, оддий аҳоли орасида ўз ғояларини таъсирли чиқишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Япония ҳам сулҳ натижаларидан норози бўлиб, 1902 йилги инглиз-япон денгиз актининг Вашингтон конференциясиде бекор қилиниши АҚШ ва Англияга нисбатан душманона кайфиятни шакллантирган, Тинч океани ва Осиёда етакчилик қилишда АҚШ, Англия, Франция билан Япония манфаатлари тўқнаш кела бошлаганди. Италия “Ғолиблар ичидаги мағлуб давлат” сифатида уруш якунида камситилган давлат сифатида Германия билан яқинлашиш йўлидан борди. Африка, Болқонда ўз ҳукумронлигини ўрнатишга уринган Италия Франция ва Англия манфаатлари билан тўқнаш кела бошлаганди.

ХХ асрнинг 30-йиллари 2-ярмида халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у Версал-Вашингтон сулҳ системасининг барбод бўлиши билан боғлиқ жараёнлар эди. Шунингдек узоқ шарқда Япония, ғарбда Германия, италия каби давлатлар янги уруш ўчоқлари вазифасини бажарди. Жаҳон иқтисодий инқирози эса турли давлатларда айниқса 1 – жаҳон урушида мағлиб бўлган давлатларда кескин ижтимоий вазиятни вужудга келтириб, адолатсиз сулҳ шартларини бекор қилишни ва янги ҳаётий зарур ҳудудларни эгаллашга бўлган иштиёқни кучайишига хизмат қилди. Буюк давлатлар ўртасида қуролланиш пойгасида рақобат кучайди. АҚШнинг

қўллаб-қувватлаши билан Германия ҳарбий саноати кучайиб борди. 30 йиллардаёқ Франция германия қудратини ўсгани ва кучли рақибга айлангани боис 1932 йилда собиқ СССР билан ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолади.

Узоқ шарқда Буюк Британия, АҚШ ва Япония ўртасида Хитой учун зиддиятлар кескин тус олди. Япония "Буюк Осиё империясини" бунёд қилиш борасида ҳарактларни бошлаб 1931 йилда Манжурияни босиб олади. Ва қўғирчоқ "Манчжоу-го" давлатини тузади. Германия 1935 йилда умумий ҳарбий мажбуриятни жорий этди ва амалда Версал сулҳини бузди. Шунингдек Франция ихтиёрига берилган Саар вилоятини ҳам босиб олиниши Версал-Вашингтон ситемасини барбод бўлганлигини англатар эди. 1936 йилда немис қўшинлари демилитаризациялашган зоналарни эгаллаб қуролланиш пойгасини бошлаб юборди. 1936 йилда Ипанияда фашист генерали Франко исёни бошланди. Герман ва Италиян фашистлари унга ёрдам кўрсатдилар. Англия, Франция ва АҚШ ҳукуматлари "Аралашмаслик" деб номланга сиёсат юритиб, амалда испан фашизмини тан олдилар. 1936 йил ноябрда Германия ва Япония антикоминтерн пактини имзоладилар. 1937 йилда бу пактга италия ҳам қўшилди. Муссолини бу пактни бутун Европа унинг атрофида бирлашса арзийди деб атади.1937 йилда Берлин – Рим – Токио учбурчаги вужудга келди. Бу амлда дунёни тақсимлаб олиш тўғрисидаги ҳужжат эди.

Собиқ ғолиб давлатлар эса бу даврда Гитлерни тинчитиш ва уни тезда СССРга ҳужум қилишга йўналтириш бош мақсадлари эканлигини яшириб ўтирмадилар. 1934 йилда СССР ва Франция томонидан тузиб чиқилган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома лойиҳасини Буюк Британия тан олмади ва амалда бу шартнома ўз кучини йўқотди. 1935 йилда Франция, Чехословакия ва СССР ўртасида уч томонлама ўзаро ёрдам шартномаси имзоланди. Аммо 1938 йилда Чехословакиянинг Судет вилоятига Гитлер даъво қилган вақтда яна ғарб давлатлари шу йили 29-30 сентябрда Мюнхенда таслимчилик сиёсатини юритдилар. Гитлер, Муссолини Чемберлен, Даладелар ўзаро учрашиб амалда Чехословакияни Германияга таслим бўлишга мажбурладилар. 1939 йил 15 мартда Германия Чехословакияни тўлиқ босиб олди. 1939 йил 21 март куни Германия Польшадан Гданск портини, 22 мартда Литвадан Клайпеда портини талаб қилди. 1939 йил апрель ойида Италия Албанияга бостириб кирди. Шу тариқа фашист давлатлари ҳеч қандай жазоларсиз Европада ғолибона юришлар қилиб амалда Европани уруш ўчоғига айлантирдилар. 1939 йилда Москвада Инглиз – француз – совет музокаралари натижасиз тугайди. 23 августда эса Молотов – Риббентроп пакти имзоланади. Бу ҳужжатнинг махфий бандларида Польша, Болтиқ бўйи, Бессарабия, Карелия бўйни масалалари ҳам кўрилган эдики, 2 жаҳон урушининг бошланишига собиқ СССР ҳам бошқа давлатлар сингари бирдек айбдордир.

1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польшага ҳужуми билан 2 жаҳон уруши бошланди. 3 сентябрда Польша билан ўзаро ёрдам тўғрисидаги (1939й 25 авг.) шартномага риоя этаётгандек ўзларини кўрсатишга уринган Франция, Буюк Британия ва унинг доминионлари Австралия, Янги Зелландия Германияга уруш эълон қилдилар. Кейинроқ Канада ва Жанубий Африка иттифоқи ҳам Германияга уруш эълон қилди. Шу тариқа 2 жаҳон уруши бошланди. Англия ва Франция ҳукумрон доиралари Гитлер тезда СССРга ҳужум қилади деб умид қилган эдилар. Саккиз ой давомида ғарбда уруш ҳаракатларининг олиб борилмаганлиги кейинчалик “Ғалати уруш” Германияда “Зитзкриг” ўтириб урушиш номини олди. Французлар Польшага ёрдам тариқасида Германия ҳудудига кичик отриядлар киритадилар улар бор – йўғи 18 км ичкари кириб 12 сентябрда махфий буйруққа биноан ўз позициясига қайтади. 110 инглиз – француз дивизияси 23 дивизияга эга бўлган Германияга қарши ҳеч нарса қилмади. 17 сентябр куни Польша ҳукумати президент Ридз Смигли бошчилигида чет элга қочди. Шу куни Германия билан келишувга кўра СССРнинг 200 минг кишилик армияси Ғарбий Украина ва Белоруси ҳудудларига кирди. 28 сентябрь куни СССР ва Германия “Дўстлик ва чегаралар” тўғрисидаги шартномани Москвада имзоладилар. Бу ҳужжатдаги махфий келишувга асосан СССР қўшинлари Болтиқ бўйида эркин ҳаракат қилишлари лозим эди. 1939 йил СССр Латвия, Литва, Эстония билан нотенг шартномалар имзолади унга кўра СССР қўшинлари Бу давлатлар ҳудудига киритилди. Шартномаларни имзолашга мажбурликнинг яна бир сабаби уч ҳафта ичида Польшанинг тор-мор этилиши десак муболаға бўлмайди. 28 сентябь Эстония, 5 октябрь, Латвия, 10 октябрь Литва зўрлаб нотенг шартномага имзо чекдирилди. 1940 йил августида эса болтиқбўйи совет республикаларига айланди. 1939 йил 30 ноябрда Финландия билан Карелия масаласида уруш бошлади. Бунга баҳона қилиб Финландия президенти П.Э. Свинхвуднинг “Россиянинг исталган душмани Финландиянинг дўсти бўла олади” деган баёноти олинди. Ғарб давлатлари СССРни миллатлар лигасидан чиқаришлари урушни тўхтата олмади 1940 йил 12 мартда москвада тузилган сулҳ шартларига кўра Карелия бўйни, Ханко ороли (30 йилга ижара), Виборг шаҳри СССРга ўтди.

Ғалати урушдан фойдаланиб Гитлер Дания, Норвегия ҳудудларини эгаллашга қаратилган “Везерюбунг” операциясини ишлаб чиқди. 1940 йил 9 апрель куни Данияга соат 4 дан 20 дақиқа, Норвегияга 5 дан 20 дақиқа ўтганда ултиматум топширилди. Айни шу вақтда ҳужум ҳам бошланган эди. Унда Германияга қарши Скандинавия ҳудудларини уруш майдонига айланмаслиги учун ушбу ҳудудларни ҳимоя қилишни Вермахт қўмондонлиги ўз зиммасига олганлиги таъкидланган эди. Дания короли Кристина Х сўзсиз таслим бўлади копенгаген жангсиз ишғол этилади. Норвегия короли Хокон VIII Ослодан Хамар (Норвегиянинг архиви ва олтин заҳираси жойлашган шаҳар)га қочади. Инглиз-Француз флоти Норвегия сувларига келиб, дастлабки жангда немисларнинг 23 та эсминесидан 10 тасини, 8 крейсеридан 3 тасини чўктириб, Тронхейм ва Нарвикка десант туширган бўлсаларда

(апрель-июнь) 8 июнда корол ва иттифоқчилар Лондонга қочадилар. Инглизлар ҳали Гитлернинг СССРга ҳужумидан умидвор эдилар. Норвегияда маҳаллий фашист Квислинг бошчилигида қўғирчоқ ҳукумат тузилади.

Гитлер Польшани истило қилгач, зўр бериб ўзининг Англия ва Франция билан уруш қилмаслигини матбуот орқали тарғиб қилиб, яширин равишда урушга тайёрланди. 1939 йил 23 ноябрда ўзининг генераллари билан учрашувда “Гельб” (сариқ) режасини қабул қилар экан бенилюкс давлатларининг бетараф эканлигини бир пулга қиммат пир парча қоғоз деб атади. 10 май куни эрталаб бенилюкс мамлакатлари ҳукуматлари меморандум оладилар. Унда бу мамлакатларнинг бетаралигини кафолатлаш учун немис қўшинларига уларнинг ҳудудига киришга буйруқ берилгани таъкидланган эди. Бир неча кун ичида ушбу мамлакатлар истило қилиниб Француз-Герман чегарасидаги мустаҳкамланган Мажино линияси орқасидан чиқилди. Англия, Франция, Белгия армиялари сон жиҳатдан устун бўлишига қарамай улар Белгиянинг Дюнкерк портига (220 минг инглиз, 200минг француз) сиқиб қўйилди. Инглизлар ўз қўшинларини эвакувация қилишга имкон бериб 26 майда қолган француз (40 минг киши) армияси қириб ташланади. Айниқса Седан ёнидаги ёриб ўтиш Француз ҳукуматини ваҳимага солиб қўйди. Ҳукумат Париждан чекинишга тайёргарлик кўра бошлади. Мадридда элчи бўлган маршал Петен чақириб олинди. Петен ва Вейган ҳукумати таслимчилик сиёсатини олиб борди. 10 июнда италия Францияга уруш эълон қилади. Бу вақтда Париж немисларга жангсиз топширилаётган эди. 16 июнда рейно истефо бергач, президент Лебрен Петенни бош вазир қилиб тайинлайди. У бош вазир бўлгач 10 дақиқа ичида ҳукуматни қаршилик кўрсатмасликка кўндиради. Испаниянинг Франциядаги (Лекрек) элчиси орқали сулҳ сўралади. 17 июнь 9 дан 45 дақиқа ўтганда Петен ўзининг халққа қилган мурожатида курашни тўхтатишга чақиради. 22 июн куни 1918 йил 11 ноябрдаги Германия – Франция ўртасидаги тинчлик сулҳи имзоланган генерал Фошнинг вагонида Худди ўша ерда Компьен ўрмонида Германия томонидан Кейтел, Франция томонидан Хунцигерлар тинчлик шартномасини имзоладилар. Птен ҳукумати мудофа вазири Вейган 22 инюн куни саот 18 дан 36 дақиқа ўтганда тинчлик шартномасини имзолашга кўрсатма беради. Франциянинг катта қисми оккупация қилинди. Париж ҳам душман қўлида қолди. Вишида янги қўғирчоқ ҳукумат жойлашди. 25 майда Францияни таҳқирловчи шармандали сулҳ Италия билан Римда ҳам имзоланди. Франция фашистик лагер томонга ўтди. Аммо ватанпарвар кучлар курашни давом эттирдилар. Лондонда турган ҳали унчалик машҳур бўлмаган генерал Шарл де Голл халққа радио орқали мурожаат қидиб, курашни тўхтатмасликка ва албатта ғалаба қозонишга чақирди. У “Озод Франция” ташкилотини тузиб фашистларга бўйнсунмаган кучларни бирлаштиришни бошлаб юборди.

Уруш даврида 1,8 млн француз асир олинди ваҳоланки, уруш бошланиши арафасида Франция ҳудудида 2,5 млн аскарлар мажуд эди. Бу

ҳол колоборационизмнинг кенг авж олишига имкон берди. Фашистлар урушнинг бир кунлик харажатини 20 млн рейхмарка ёки 400 млн франк деб баҳолаб, Францияга улкан контрибунция тўлашни юкладилар. Франциянинг оғир аҳволидан Англия ва АҚШ фойдаланишга ҳаракат қилди. 1940 йил 3 июн куни инглизлар французларнинг Мерс-элб-Кебир кемасига ҳужум қилдилар, аммо мустамлакаларда уруш бошланиб кетиб ундан ажраб қолишни истамаган Петен ҳукумати Англияга қарши уруш эълон қилмади. Чунки Виши ҳукумати ихтиёрига 100 мингдан ортиқ қўшин сақлашни фашистлар таъқиқлаб қўйган эди. Бундан ташқари Англия ва АҚШ ҳукумрон доиралари Франция флотини эгаллаб олишга ҳам ҳаракат қилдилар. Инглизлар Горт ва Дафф Куперларнинг собиқ вазирлар Мандел, менделс Франс, Даладьелар билан музокара олиб боришлари, Ақш давлат котиби Хэллнинг ҳаракатлари зое кетади.

Европада бўлгани сингари АҚШ ва Англия ҳукуматлари Япония шимолий Хитойда эркин ҳаракат қилиши ва тезда СССРга ҳужум қилишига имконият яратдилар. Шарқ Мюнхени деб аталган ва 1939 йил июлда имзоланган Арита – Крейги келишуви ана шундай имконият яратди. Инглизлар октябрда Хитой сувларидан флотни Сингапурга олиб чиқиб кетадилар. Японияни бир қатор омиллар жанубга томон ҳужум қилишига сабаб бўлди. Энг аввало 1938 йилда Хасан кўли ва 1939 йилда Халхин – голдаги СССР қўшинларидан мағлубият бўлса, иккинчидан жанубий шарқий Осиёдаги Француз ва Голланд мустамлакаларини эгаллаш эди. Чунки бу даврда бу давлатлар Германия томонидан ишғол қилинган ва мустамлакаларда етарлича қаршилик кўрсата олмас эдилар. 1940 йил август ойида япония Ҳинди-Хитойда япон ҳарбий денгиз баъзаларини қуриш, темир кўмир, мис экспортини кучайтириш тўғрисида талабнома беради. 30 августда Виши ҳукумати Японияга шармандаларча таслим бўлганлиги ҳақидаги шартномани имзолайди. 22 сентябрда японлар 6 минг кишилик қўшинларни ҳиндихитойга киритиб амалда уни босиб оладилар. Бир вақтнинг ўзида индонезия ҳудудларига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринишлар бошланган эди. Ҳали 1940 йил Голландия таслим бўлиш арафасидаёқ Япония ташқи ишлар вазири Англия ва АҚШ ҳукуматларига Индонезияга Японияниинг манфаатлари деб қараш тўғрисида ултиматум юборган эди. Бу даврда Япония Индонезиядан йилига 1 млн 800 минг тонна нефт олиб кетар эди.

Японларни Хитойга агрессияси авж олиб 1939 йил японлар томонидан генерал Кагеса ва собиқ Чан кай Ши ҳукумати вакили Ван Цзин Вэй томонидан уч принцип асосида “Хитойнинг марказий ҳукумати” (1940 й март) деб ном олган қўғирчоқ ҳукумат тузилди. Хитойнинг ҳарбий ва сиёсий аҳволи оғирлашди. Бир томондан Бирма йўлининг япония нозоратига ўтиши, икикнчи томонда шимолий ва марказий районларда японларнинг тўлиқ назорат ўрнатиши Хитойга келадиган ўқ дори, ҳарбий техника ёрдамини тўхтатиб қўйди. Собиқ СССР Олма-ота, Ланжоу орқали ўз ёрдамларини юбориб турди холос.

Япония-АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги қарама-қаршилиги кескинлашиб боришда давом этди. АҚШ бу ҳудудлар билан савдо қилишда бутун Лотин америкаси кўра 2 баробар кўпроқ бу ҳудудлар билан савдо қилилар эди. 1940 йил 17 апрелда АҚШ давлат котиби Хэлл Японияниинг индонезияга таҳдиди олдидан баёнот бериб АҚШнинг бу ҳудудда алоҳида манфаатлари мавжудлигини таъкидлайди. Аммо Японияга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга тайёр эмаслиги сабабли фаол қаршилик кўрсата олмай фақатгина дипломатик йўл билан таъсир ўтказишга уринди.

Бу даврда Европада Германия СССРга ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўра бошлаган эди. 1940 йилнинг ўрталарида гитлерчилар Германияси 9 давлат Австрия, Чехословакия, Польша, Дания, Норвегия, голландия, Бельгия, люксенбург ва Францияни босиб олган эди. Босиб олинган ҳудудлар 850 минг км кв бўлиб аҳолиси 100 млндан ортиқ эди. Истило қилинган мамлакатларнинг иқтисодиёти тўлиқ германия армия манфаатлари учун хизмат қилар эди. 1940 йил 31 июлда Бергхофдаги қароргоҳида Гителер ССРга қарши уруш режасини тузиб чиқишга буйруқ беради. Ушбу планниишлаб чиқилиш давомида Гитлер Англия ва АҚШни тинчлантиришга ҳаракат қила бошлайди. Чунки “Денгиз шери” операциясини амалга ошириш учун Англиянинг денгиздаги ҳукумронлигини йўққа чиқариш керак эди. Шунинг учун 1940 йилда Бельгия, Франция ҳудудларидаги портларда тўпланган 25 дивизия 4 минг кемани Британ ороллари сари юришга буйруқ бермайди. Бунинг эвазига Англияни сулҳга кўндириш учун ҳаводан бомбардимон қила бошлайдилар. Инглиз ҳукумати АҚШдан ҳарбий – техник ёрдам сўрашга мажбур бўлади. 1940 йил АҚШ Англияга 0,5 млн милтиқ, 22 минг пулемёт, 195 тўп, 55 минг пистолетлар юборади. 1940 йил 19 июлда Гитлер Англияга сулҳ таклиф этиб, бунинг эвазига Германиянинг Европадаги истилоларини тан олишни таклиф этади. 22 июлда Англия ташқи ишлар вазири Галифакс бу таклифни рад этиб баёнот беради. Сентябрда “денгиз шери” операцияси бекор қилиниб, Англия ҳудудини бомбардимон қилиш бошланиб кетади. СССРга урушга айёргарлик кўрар экан гитлер ўз иттифоқчилари билан яна бир бор келишиб олди. Унинг фикрича Япония Тинч океани ҳавзасида АҚШни ушлаб туриши, унинг Европада урушга киришига йўл қўймаслиги, узоқ шарқда СССРнинг 10 лаб дивизиялари ва бир қисм авиациясини ўзига жалб қилиши лозим эди. Италия (1939 йил майида имзоланган “Пўлат пакт”га асосан) эса барча ҳаракатларни Англияни тор-мор келтиришга қаратиши лозим эди. Урушга киришдан олдин 1940 й 27 сентябрда томонлар дунёни тақсимлаб олиш тўғрисида Токиода ҳарбий пактни ҳам имолайдилар.

Учлар пакти имзолангач Гитлер асосий эътиборни Европага қаратди. 1940 йил сентябрда Румиянида “бешинчи колона” томонидан тўнтариш ўтказилиб генерал И.Антонескунинг фашист ҳукумати ўрнатилди. 1940 й 4 декабр, 1941 йил Январь, май ойлари ва айниқса 1941 йил 11 инюндаги Гитлер билан учрашувларда Руминиянинг СССРга қарши уруши ва унинг

иқтисодиёти айниқса нефт саноатининг Германия армияси учун ишлаши келишиб олинди. 1940 й 20 ноябрда Венгрия учлар иттифоқига қўшилади. 28 декабрда эса Болгарияни иқтисодий жиҳатдан германияга қарам қилувчи нотенг шарнома имзоланди. 1940 йилда Финландия ва СССР ўртасида тинчлик сулҳи тузилганига бир ҳафта бўлмай туриб, Финландия Норвегия ва Шведция билан "Мудофа иттифоқи" тузишга киришади. 22 сентябрда Германия билан яширин шартнома тузиб ўзининг ҳудудларида немис қўшинларини жойлаштиради. 1941 йилда уларнинг сони 40 минг кишига етади. 15 июнда Фин армияси қўмондони Маннергейм армиянинг бир қисмини немисларга бўйнсунишига буйруқ беради. 1940 йил 23 октябрда Франко билан учрашган Гитлер унга урушга қатнашишни таклиф этди. Аммо фуқаролар урушидан вайрон бўлган Испания уруш қилишга қодир эмасди. Гитлер эса Гибральтарга ҳужум қилишни талаб қилиб 6 февраль 1941 йилда мактуб юборади. Шу ойда Муссолини билан Франко ўртасида музокаралар бўлиб, Муссолини Испания ҳақиқатдан ҳам урушга тайёр эмас деб топади. Аммо Испания уруш давомида номигагина нейтралитет бўлиб, амалда фашистларга хом ашё етказиб бериш билан бирга, ўз портларидан уларнинг флотига фойдаланиш ҳуқуқини берди. СССРга қарши юришда 60 минг солдат ва офицер бериш билан кифояланди. 1941 йил майда Франциянинг Виши ҳукумати Англия билан ҳозирча уруш қилмаслик, бу Африкадаги мустамлакаларни йўқотишга олиб келиши мумкинлиги аммо СССРга қарши француз кўнгиллиларини юборишни ваъда қилади.

Руминияга гитлерчи қўшинлар киритилгандан сўнг Муссолини Гитлер Болқонни Италияга бермоқчи эмас деган фикрга келади. 28 октябрь 1940 йилда Албания ҳудудидан Юнонистонга ҳужум қилади. Аммо мағлубиятга учраб, ҳатто Албанияни бир қисмини йўқотади. Югославиянинг учлар пактига тортиш узоқ вақт муҳокама қилиниб, 25 март 1941 йилда шартнома имзоланади. Бунга қарши халқ ҳаракати бошланиб кетиши билан 27 мартда амалдаги Цветкович ҳукуматини ҳарбийлар ағдариб, генерал Д.Симович бошчилигида ҳарбий ҳукумат ўрнатдилар. Шу куни Гитлер Югославия воқеаларини муҳокама қилиб №25 дерективасини эълон қилди. Унга кўра Югославия бетараф бўлиши Германия учун душманона сиёсат деб қаралиши таъкидланган эди. Югославияга қарши уруш "Марита" режаси (Юнонистонни босиб олишга қаратилган уруш ҳаракатлари) билан бирга олиб борилиши керак эди. 1941 йил 6 апрелди ҳужум бошланиб, тез оради Югославия армияси тор-мор келтирилди. Хорватия, Босния ва Герцоговиния эвазига ҳудудини кенгайтириб "Мустаққил" деб эълон қилинди ва учлар пактига қўшилди. 1941 йил 18 июнда Туркия билан ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида имзоланган шартнома Германия учун Қора денгизда эркин сузиш ва Туркиядан озиқ овқат, марганец ва бошқа стратегиг маҳсулотлар олиш имконини берди.

1941 йил 5 май куни Гитлернинг яқин ёрдамчиси фашист партиясининг йўлбошчиси ҳисобланган Гесс "МЕ - 110" қирувчи самолётида Шотландияга учади. Бу ерда унинг яқин дўсти ва Англияда катта таъсир кучига эга бўлган лорд Гамильтон яшар эди. У Гитлернинг Англия билан вақтинча сулҳ тузиш

борасидаги музокараларини олиб бориш учун келган эди. Аммо бу келишув жамоачиликка ошкор бўлгач Англияда Гесс қўлга олиниб уруш тугагунча турмада сақланади. Берлинда эса уни жинни бўлиб қолган шу сабабли Англия сўроқсиз учиб кетганлиги ҳақидаги хабарлар тарқатилади.

СССРга ҳужум қилиш борасидаги фикрлар бир неча бор орқага сурилди. 1941 йил 6 декабрда Йодл генерал Варлимонтдан Паулис тузган ҳужум режасини олиб Гитлерга беради. 17 декабрда Гитлер № 21 деректива билан режани “Барбаросса” деб тасдиқлайди. Унга кўра СССРни 6-8 ҳафта ичида тор-мор қилиш кўзда тутилган эди. Уруш ҳаракатларини бошлаш 1941 йил 22 июнб деб белгиланади. Урушга 190 дивизия, шундан 135 таси Германияники, қолганлари сателитларники бўлиши кўзда тутилган эди.

1941 йил 5 мартда гитлер махсус №24 директивасини ҳам чиқарган эди. Унга кўра Япония ҳам иттифоқчиликка содиқ қолиб тезда узоқ шарқда уруш бошлаши ва инглиз қўшинларини Европада Шарққа тортиши бунинг учун эса Сингапур портини қўлга киритиш лозимлиги, тинч океанида АҚШни тутиб туриши лозим эди. Шу мақсадда Японлар 1941 йилнинг 30 январида хитойнинг жануби томон ҳужум бошладилар. Хитой оғир аҳволда қолади. Японияниинг бундан буён шарқдаги фаоллиги Англия ва АҚШ билан тўқнашувларни келтириб чиқариши мумкин эди. Шунинг учун ташқи ишлар вазири мацуока 1941 йил мартида Европага келади. 12 апрелда Англиянинг элчиси Мацуокага Черчилнинг мактубини топширади. Унда Японияниинг Англия уруш қилиши бефойда эканлиги АҚШ-Англия флоти устунлиги, АҚШ иқтисодиётининг устунлиги таъкидланган эди. 22 апрелда Токиога келгач Мацуока Черчилга телеграма ёзиб барча фактлар ўрганиб чиқилгани ва “Хакко итиу” (бутун дунё ягона том остида) шиорини амалга оширишда Япония имкониятлари етарлича эканлигини таъкидлайди.

Инглиз-Америка иттифоқининг юзага келишида Германиянинг Бенилюксга ҳужуми ва Чемберлен сиёсатининг барбод бўлиб 10 май куни истефо бериши билан бошланди десак муболаға бўлмайди. 1940 йил 15 майда ҳали Францияда жанглар кетаётган даврдаёқ Черчил Рузвельтга мактуб йўллаб эски АҚШ эсминесларини Англия савдо кемаларини қўриқлаш учун беришни илтимос қилади. Чунки немислар чекланмаган сув ости уруши билан ўрта ҳисобда Англия савдо кемаларини кунига 14 минг тонна сув сиғимига тенг келадиган ҳажмда чўктирмоқда эди. 11 июнда Италиянинг урушга кириши аҳволни янада оғирлаштиради. 4 июнь 1940 йилги шартномага кўра 50 АҚШ эсминеси ўрнига Англи ўзининг Вест Индиядаги Ньюфауленд, Бермуд, Багама, Ямайка, Антигуа, Санта-Лючия, Тринидад, Британия Гвианасини АҚшга 99 йилга ижарага беришга келишилади. АҚШ ҳукумати 1939 й 4 ноябрда нейтралитет ҳақидаги қонун ўрнига “кеш энд керри” (тўла ва олиб кет) қонунини жорий қилди ва урушадиган томонларга қурол яроғ сотишни бошлаб юборди. 1940 й 17 декабрда Рузвельт радио орқали чиқиш қилар экан Англия ҳарбий ёрдамни кучайтириш, нацистлар билан дунёда бирор бир давлат аҳил яшай олмаслиги ҳақида баёнот беради. 1941 й. 11 мартда конгрес Ленд-лиз ҳақидаги қонунни қабул қилади. Қонун муҳокамаси кетаётган вақтда Англия ва АҚШ ҳарбий

штаблари бошлиқлари АВС-1 деб номланган лойиҳани яширинча ишлаб чиқдилар. Унга кўра аввал Германия, кейин Япония мағлуб этилиши керак эди. АҚШ шимолий Атлантикага кўп миқдорда денгиз кучларини тўплай бошлади бу эса Англияга ўз флотини мустамлакалар ҳимоясига юбориш имконини берди. Дания ишғол қилингач унинг мустамлакаси бўлган Гренландия АҚШ билан яқинлашишга ҳаракат қилади. Губернатор Кауфман 1941 й. 9 апрелда АҚШнинг орода ҳарбий база қуришига рухсат беради. 1941 й ёзида Исландия ҳам АҚШга шундай рухсатнома беради. Атлантика океани шимолида АҚШ назорати ўрнатилган эди.

Бу даврда собиқ СССР ҳам яқин қўшниларни ўзига душман қилиб қўймоқда эди. Фин урушидан кейин 1940 йил Литвада Юстас палецкий (публицист ёзувчи), Латвияда 20 июнда Аугуст Кирхенштейн (профессор), 21 июнда Эстонияда шоир Иоханнес Вересларнинг қўғирчоқ ҳукуматларини ўрнатиб,14 – 15 июлда уларнинг “илтимосига кўра” СССР составига қабул қилинди. Руминия билан Бессарабия ва шимолий Буковина ҳудулари масаласида уруш таҳдиди билан қўрқитиб 28 июнда ўз қўшинларини бу ҳудудларга киритди. 2 августда молдавия республикаси “ўз ихтиёри билан” СССР таркибига қўшилди. Бу ҳол Руминиянинг Германия билан яқинлашишига олиб келди.

Бундай вазиятда икки фронтда қолмаслик учун Япония билан нейтралитет шартномаси тузиш муҳим вазифа деб қаралади. 1941 й 13 апрелда Мацуока билан Молотов бу шартномани тузадилар. Унга кўра шимолий Сахалиндаги япон нефт компаниялари чиқиб кетиши керак эди. Ҳар йили Сахалиндан Япония 100 минг тонна нефт олиб кетар эди. Аммо бу шартномага уруш тугагунча амал қилинмади. Шундай қилиб СССР душман давлатлар қуршовида қолиб, фашистларга қарши курашаётган Англия ва АҚШ билан муносабатлари ҳам яхши эмаслигини инобатга олган Гитлер тез орада урушни ғалаба билан тугаллашга қатъий ишонч билан СССРга ҳужум бошлайди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси хиёнаткорона СССРга ҳужум бошлайди. Руминия ва Финландия ҳам шу куни урушга қўшилди. Шунингдек Италия 22 июнда уруш эълон қилган бўлса, 26 июнда Словакия, 27 июнда Венгрия, Виши ҳукуматлари урушга қўшилди. Фашистлар 190 дивизия (153 та дивизиялар германияга тегишли бўлиб, 34 таси танк ва моторлашган дивизиялар эди. Қолган 29 дивизия ва 16 бригада унинг саттелитлариники эди). Қуруқликдаги қўшинлар 5 млн киши бўлиб, 50 минг тўп ва миномёт, 3,5 минг танк, 5 минг самолёт, шунингдек 40% ҳарбий денгиз кучлари ва 25% сув ости флоти СССРга қарши урушга таншланган эди. Уруш бошланиши билан немис фашистлари армиялари уч йўналишда ҳужумга ўтдилар. Шимол армиялар гуруҳи (федмаршал Р. Лееб бошчилигида) 29 дивизия, шундан 6 таси танк ва моторлашган дивизия, 1070 самолётдан иборат эди. Бу армиянинг асосий вазифаси Болтиқбўйини ишғол қилиш ва Ленинградни эгаллаш бўлиб, Финландия ҳудудида ташкил қилинган “Норвегия” армиялар гуруҳи (генерал – полковник Фалькенхорст қўмондонлигида) ва Фин армияси қўмондони К. Маннергейм (21 дивизия ва

3 та бригада, 900 самолётдан иборат эди) бошчилигидаги Финлар Мурманск ва Карелия атрофларига ҳужум қилиб Ладога кўли атрофларида Ленинград Шимолида “Шимол” армиялар гуруҳи билан бирлашиши лозим эди.

“Марказ” армиялар гуруҳи федмаршал Ф. Бок бошчилигида 51 дивизия 16 таси танк ва моторлашган, 1670 самолёт Сувалва ва Брест атрофларида ҳужум бошлаб, Минск, Смоленс ва Москва йўналишида ҳаракат қилиши лозим эди. “Жануб” армиялар гуруҳи федмаршал Г. Рудштедт бошчилигида 57 дивизия 13 бригада 9 таси танк ва моторлашган 1300 самолёт Киевни ишғол қилиб, Донбас кўмир конлари ва Боку нефт конларини қўлга киритиши керак эди. Бундан ташқари фашистларда 24 та резерв 3 таси танк ва моторлашган дивизиялар ҳам бор эди. Олий бош қўмондон А. Гитлер, ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Г. Геринг, ҳарбий денгиз госадмирал Э. Редер, штаб бошлиғи генерал полковник Ф. Галдерлар эди. Қўқисдан ҳужум қилиниши, танк ва самолётларга катта зарар келтирди. Аэродромлардаги 1200 та самолётдан 800 таси ишдан чиқди.

Урушнинг дастлабки даврида стратегик ҳимоя асосий мақсад бўлиб, 2 механизациялашган корпуснинг Лепель остонасида, 21 армиянинг Бобруйск атрофида, 11 армиянинг Сольца, 5 – армиянинг Коростен атрофидаги қарши ҳужуми, шунингдек, Эзель оролининг 100 кунлик, Ханко ярим оролининг 150 кунлик қаҳрамонона мудофаси фашистларнинг “Блицкриг” режасининг барбод бўлишига катта рол ўйнади. Аммо душманнинг катта устунликка эга бўлиши ва қўқисдан қилинган ҳужум, СССР армиясидаги маъмурий буйруқбозликнинг авж олганлиги қўплаб қурбонлар берилишининг асосий омили эди. 8 сетябрда 900 кунга чўзилган Ленинграднинг қаҳрамонона мудофаси бошланди. Фашистлар 8 июлда Двина ва Днепр оралиғидаги ерларни ишғол қилиш ва Орша, Смоленск, Витебск районларини ишғол этиб Москвага борадиган кенг йўл очиш вазифасини қўяди.

Германиянинг СССРга ҳужумидан кейин Япония ташқи ишлар вазири Мацуока СССРга ҳужум қилишни таклиф этса, бош вазир Коноэ аввал Япон – АҚШ муносабатларига аниқлик киритиш тарафдори эди. Император АҚШ билан уруш қилишни ёқлайди. 2 июлда Японияда СССР элчиси К.А. Сметанин билан учрашган Мацуока Япония нейтралитетга содиқ қолишини, агар ўртадаги муносабат учлар пактига қарши бўлиб қолганда Япония учлар иттифоқи манфаатларига риоя қилишни таъкидлайди

8 декабрда Гвая оролларидаги АҚШнинг Пёрел хорбор бъзасига ҳужум қилиниб Япония катта талофат етказади. 10 декбрда инглиз денгиз кучларига Японлар ҳужум қилиб “Уэел шаҳзодаси” “Рипалс” линкорлаи ва бошқа бир қатор кемаларини чўктириб юборади. Японияниинг Тинч океанида ҳужуми 1941 йил -1942 йил оралииғида Малая Сингапур, Индонезия, янги гивиния, Бирма, Филиппин, Гуам ороллари Уэйк, Янги британия Соломон оролларини умумий майдони 3800 минг км кв 150 минг аҳоли яшайдиган ҳудудларни истело қилади. Хитойда ҳам оғир жанглар олиб борилди. 1941

йил ёзида японлар кенг миқёсида ҳужумга ўтиб, марказий ҳудудларни истело қилади.

28 апрел 1942 йил АҚШ ва Австриалия ўртасидаги комунокация узиш тўғрисида қарор қабул қилиниб Янги Гивинеядаги Порт –Морсбий баъзасини эгаллашга ҳаракат қилади. Каралов денгизидаги АҚШ флоти билн тўқнашув ҳар икки томон учун ҳам натижасиз тугайди. 1942 йил июнда Адмирал Ямамото мидуэй ороли учун жанг бошлайди ва қопқонга тушиб маглубиятг учрайди. Инглиз АҚШ муносабатлари да якдиллик бўлмаганлиги сабаблари японлар 1942 йил март ойида Бирмани эгаллаб Ҳиндистон чегарасига етадилар. Шунингдек Хитой Бирма йўлагини кесиб турадилар.

Фашистларнинг СССРга ҳужуми АҚШ ва Англия ҳукумрон доираларини ҳам қўрқувга солди. АҚШ ички ишлар вазири Г. Икес 23 июнда Рузвельтга ёзган мактубида агар биз ҳозир урушга кирмасак, дунёда бирор бир иттифоқчимиз қолмайди, шунда германия билан урушишда бизнинг навбатимиз келади дейди. 8 июлда Сталин Англия элчиси Криппсни қабул қилади. Ўртада имзоланган келишувга кўра сепарат сулҳ тузмаслик, Англиянинг ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатиши кўзда тутилган эди. 12 июлда ўзаро ёрдам имзоланиш арафасида СССР ҳарбий миссияси Ф.И. Голиков бошчилигида келади. Уларни ташқи ишлар вазири А.Иден қабул қилиб 1941 йил охригача 200 та “Тамагавк” русумидаги қирувчи самолётлар беришга ваъда беради. 3 сентябрда СССР томони ғарбда 2 – фронтни очиш тўғрисида Англия ҳукуматга мурожаат қилиб, шарқий фронтдан ҳеч бўлмаганда 30-40 немис дивизияларини жалб қилишни сўрайди. Бу вақтда совет герман фронтида фашистларнинг 190 дан ортиқ дивизияси бўлиб, ғарбда бор – йўғи 23 та давизияга эга эди.

Москвага Ҳужум қилишга тайёргарлик кўриш ҳақида директива юборади. Бўлажак ҳарбий операстия шартли равишда “Тайфун” деб номланади. Қиш келаётганлиги муносабати билан гитлерчилар октябрнинг бошларига қолмасдан ҳужумга ўтишни режалаштирдилар. Қўшининг иссиқ кийимлар билан таьминланиши асосан 1941 йил 5 декабрда амалга оширилди. Гитлерчилар томонидан “ҳал қилувчи жанг” деб ҳисобланган “Тайфун” операстияси иккинчи танк гуруҳининг Брянск фронти чизиғида ҳужумга ўтиши билан 30-сентябрда бошланди. 1941 йил 8 декабрда Германия ўз қуролли кучларини бутун Шарқий фронт бўйича ҳимояга ўтказди. Қўшинларнинг ҳимояга ўтказиш зарурати Россия қаҳратон қиши билан ифодаланди. 1941 йил ноябрда Москва олди ҳудудларда ўртача ҳарорат -6 -4 градус совуқ бўлган. Фақатгина 5 – 7 декабрларда совуқ -28 градусга этган. Душманнинг аёвсиз қаршилигини энгиб Совет армияси қарши ҳужумни ривожлантириб борди. 1942 йил 8 январдан якуний курашлар бошланди. Январ – апрел бостириб кириш операцияси билан совет армияси шимоли-ғарбий, Калининский, Ғарбий ва Брянский фронтларида рақиб қўшинларини 100-150 кмгача ғарбга чекинишга мажбур қилдилар. Якунловчи босқичда Совет армияси душманни оғир маглубиятга учратди. Душманнинг 16 дивизияси ишдан чиқди. 1 январдан 30 мартгача ўлганлар,

ярадорлар, бедарак ёъқолганлар 333 минг кишини ташкил этган. 50 та дивизия вайрон қилинди, 1941-1942 йилларда ўлганлар, ярадорлар, бедарак ёъқолганлар 833 минг кишини ташкил қилган. Ҳаммаси бўлиб 1941 йил июн ва 1942 йил апрел айига Совет ва Немис фронтида ўлганлар, бедарак ёъқолганлар, ярадорлар сони 1,5 млн кишига этди. Бу вақтда немис-фашист қўшинлари 4 минг танкидан айрилди. Ҳимояланишга мажбур бўлган ва чекинган душман қўшинлари ғарбга қараб сиқилди. Москва жангидаги тарихий ғалаба урушда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Урушнинг ҳал қилувчи босқичи Сталинград ва Курск жанглари бўлиб, 1942 йил 17 июндан 1943 йил 2 февралгача Сталинград (Блау) операциясига қарши (Уран операцияси) курашган СССР кучлари Сталинград остоналарида Фашистларнинг 330 минг кишилик қўшинларини тор-мор келтирди. 90 минг аскар, 27 генерал Федмаршал Паулюс асир олинади. Шу муносабат билан Германияда уч кун мотам эълон қилинади.

Курс жангида реванш олишни мўлжаллаган фашистлар “Цитадель” операциясига алоҳида тайёргарлик кўрадилар, Тигр, Пантера каби янги танклар, Фердинанд ўзи юрар тўплар, янги ва модернизациялашган Мессершмит, фоке-вулф, юнкерс, хеншел самолётларини келтирадилар 5 июлдан 23 августгача давом этиб, урушда туб бурилишни якунига етказди.

1942 йилнинг баҳор ойларида Шимолий Африкада бир томондан Англия, иккинчи томондан Германия, Италия ўртасидаги уруш ҳаракатлари бошланди. Роммел Тобуркни босиб олгандан сўнг Мисрни босиб олиш ҳаракатига тушди. Аммо, эл-Аламайнда ма-луб бщлиб, чекинади. Роммел қўшини қолдиғи (15 минг немис, 2,5 минг италиан солдат офицер ва 20 та танк ва 70 тўп) февралнинг биринчи ярмида Тунис чегарасида жойлашиб олишади. Саккизинчи ноябрда Марокаш ва Алжир қирғоғида АҚШ ва Англия кучлари (Д.Эйзенхауэр) туширилади. Иттифоқчилар флоти фашистларнинг Тунис гуруҳини эгаллайди. “Африка” армияси қаршилик қилолмай 13 майда мағлуб бўлади. 1943 й 10 июлда АҚШ, Англия қўшинлари Сицилияга тушади. Бу ердаги Италия армиялари қаршиликсиз таслим бўлади. Немислар эса чекинадилар. 12 сентябр куни немислар Муссолинини ўғирлаб Сало деган ерга олиб келадилар ва мамлакатнинг шимолини Сало республикаси деб эълон қиладилар. Тинч Океанида 1942 йил баҳорида Янги Гвинея ҳудудидаги Мидуэё, Порт-Морсби учун жанглар авж олди. 1943 йил бошларида бу ерда ҳам иттифоқчилар ҳалаба қозонадилар.

Иттифоқчилар эса Африкадан сўнг Сицилияга қўшин тушуриш билан боғлиқ “Хаски” операцияси билан чекланиб қолишни маъқул кўрадилар. 1943 йил ёзги уруш кампанияси авжга чиққанда 14-24 августда АҚШ ва Англия ҳукуматлари яна квебекда учрашадилар. Унда Хитой томондан Сун цзи вен ҳам қатнашиб, конференция шартли “Квадрант” номини олади. Қабул қилинган “Оверлорд” режаси Европага қўшин тушириш билан боғлиқ дастур эди. Унга кўра 1944 й. 1 майдан олдинроқ уни амалга оширмаслик кўзда тутилган эди. Қўшимча равишда Ўрта ер денгизи (Трайдент) ва

Норвегия ҳудудлари (Юпитер)да уруш учун режалар тузилади. Конференцияда АҚШ ва Англия ҳукуматлари томонидан БМТ тузиш ва 4 иттифоқчиларни хавфсизлик кенгашида доимий қатнашишини кўзловчи баёнот тайёрлайдилар.

1943 йил 19 октябрда бошланиб 30 октябргача давом этган уч буюк давлатнинг ташқи ишлар вазирлари Москва конфенренцияси Теҳрон конференциясига иштирок этувчи давлатларнинг амалда тайёр режа ва дастурлар билан келишига имкон яратди. Теҳрон конференцияси 1943 йил 28 ноябрда бошланиб 1 декабргача давом этди.

СССР қўшинлари 1944 йилда Багратион, Ясси-Кишинёв, Корсун-Шевченков, Сандомир ва бошқа ҳарбий операцияларни мувоффақиятли ўтказиб, Германия чегарасида етди. Бу вақтда германиянинг сателитлари ҳам бирин-кетин мағлуб бўла бошлаганди. 1944 йил 1 август книда Рюти истефо бериб президент Маннергейм бўлади. 14-19 сентябрда Москвада СССР, томондан генер-полк. А.А. Жданов, Финландия томондан бош вазир К. Энкел имзолайди. 29-30 август кунлари 46-армия қисмлари Руминия пойтахтига киришди. 12 сентябрда Руминия ва СССР ўртасида тинчлик сулҳи имзоланди. Болгария 8 сентябрда, Венгрия 22 декабрда СССР билан тинчлик сулҳини имзолайди. 1944 й сентябрида СССР қўшинлари Югославия чегараларига чиқади. Югославия миллий озодлик армияси (ЮМОА) раҳбари Иосия Броз Тито 21 сентябрда Москвага келади. 20 октябрда Белград озод қилинади. 1944 й. Кузига келиб Югославиянинг барча ҳудуди душмандан тозаланди. Октябр ойида Белград учун жангалар кетаётган бир вақтда немислар Албаниядаги қисмлари қуршовга тушиб қолишидан чўчиб чекина бошлайдилар 29 ноябрда Албания миллий озодлик армияси тўлиқ фашистларни қувиб чиқаради. 1944 й. Октябрда СССР қўшинлари Норвегия чегарасига чиқади. Шимолий норвегия ҳудудидаги Шарқий Финмаркасини Ноябрь бошларида озод қилади. Аммо жанубий ҳудудлар томон силжиш учун ҳарбий – денгиз базанинг узоқлиги имкон бермайди.

1944 й. 6 июнда Шимолий Францияга иттифоқчиларнинг 2- фронтни (Оверлорд) очади. Германиянинг ғарбий чегараларида ташкил этилган “Зигфрид” ҳимоя линиясини иттифоқчилар ёриб ўта олмадилар. 1944 й уруш кампанияси шу билан якунланди. Аммо гитлерчилар ҳали сепарат сулҳ тузиш ва СССРга қарши биргаликда курашишга умид қилар эдилар. Гитлернинг фикрича иттифоқчиларни бунга мажбур қилиш лозим эди. Шу мақсадда 1944 й. Декабрда Бельгиянинг Арден ҳудудида итифоқчиларга қарши ҳужум қилиб, уларни оғир аҳволга солиб қўядилар. 6 январ куни Черчил Сталиндан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Чунки фашистлар уларни 90 км улоқтириб ташлаган ва денгизга сиқиб бормоқда эди. Иккинчи Дюнкерк бўлиш эҳтимолини олдини олишни сўрайди. 20 январга мўлжалланган ҳужум 12 январга кўчирилиб, 13 январ ва 25 апрель оралиғида Шарқий Прусия операцияси ўтказилади. Натижада фашистлар ғарбдан ўз қўшинларининг асосий қисмини олиб шарққа ташлашга мажбур бўладилар.

1944 й 11-16 сентябр кунлари АҚШ, Англия ҳукумат вакиллари Квебекда учрашдилар Бу 2-Квебек конференцияси номини олди. Асосий кўрилган ишлардан бири Болқонга СССРни кириб келишини тўхтатиш (1944й 4 октябрда инглиз десанти тушганда Гитлерчилар 3 октябрда Юнонистонни ташлаб чиққан эдилар), Узоқ шарқда уруш масаллари бўлиб, Тинч океанида АҚШ қўмондони Дуглас Макартур, Жан – Шарқ. Осиёда инглиз қўмндони Луис Маунтбэттен, денгиз операцияларига АҚШлик Честер Нимиц қўмондонлик қилишга келишиб оладилар.

Иккинчи жаҳон урушининг сўнгида “Берлин” операстияси муҳим ўрин эгаллайди. Мазмуни жиҳатдан бу операстия Висло-Одер, Шарқий-Пруссия ва Померан операстияларига аниқлик киритди. 1945 йил 8 майда Берлин ёнидаги Карл Ҳорцда собиқ СССР АҚШ, Англия, Франстия қўмондонликлари вакиллари ишгирокида Германия қўмондонлиги вакилларининг Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисида актга қўл қўйдилар. 1945 йилнинг 2 сентябрида Токио қўлтиғида АҚШ ҳарбий Линкори Миссурида Японияниинг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги актни имзолайди. Иккинчи жаҳон уруши 6 йил давомида 74 мамлакат ва ер юзи аҳолисининг 80 фоизини ўз домига тортди.

6 йил давом этган 2 жаҳон уруши фашист агрессорларининг узил-кесил энгилиши билан тамом бўлди. Уруши давомида собиқ СССР 506 немис, Германия шерикларининг 100 дивизиясини тор-мор келтирди. Иттифоқчилар душманнинг 176 та дивизиясига талофат этказдилар. 7 млнга яқин совет жангчилари, 11 та европа мамлакатларини озод қилишда 1,5 млндан ортиқроғи эса шимолий-шарқий Хитой ва шимолий Кореяни озод қилишда бевосита иштирок қилди. 2 жаҳон урушида СССРдан 35 млн, Полшадан 6 млн, Германиядан 13,5 млн, Хитойдан 5 млн киши, Индонезиядан 2 млн, Югославиядан 1,7 млн киши, Англиядан 375 минг киши, АҚШ дан 385 минг, Франциядан 600 минг, Филиппиндан 1 млн, Японидан 2,5 млн киши жангларида қурбон бўлдилар.

Англия II жаҳон урушидан кейинги йилларда

1. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Англия
2. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Англия ташқи сиёсати. Мустамлакачилик империясининг емирилиши
3. Англия 1960-80 йилларда
4. XX аср охири-XXI аср бошларида Англиянинг ички ва ташқи сиёсати

Иккинчи жахон уруши Буюк Британия иктисодиётига катта за- рар келтирди. Ишлаб чикариш хажми 10% га камайиб кетди. Уруш вактида инглиз корхоналаридаги асбоб-ускуналар батамом эскирди, техник тараккиёт секинлашди. Саноатнинг анъанавий сохаларида ишлаб

чикаришнинг ута пасайиши кузатилди (когоз саноатида 50% га, кумир казиб олиш 16% га, пойабзал ишлаб чикариш 13% га). Мамлакатнинг давлат карзлари 7,2 млрд фунт стерлингдан (1939 й) 23,7 млрд фунт стерлинггача (1946 йилда) ошиб, шундан 3 млрд фунт стерлинги ташки карзни ташкил этди. АКШ томонидан берилган харбий техника ашёларни тулаш учун Буюк Британия узининг хорижга куйган маблаглари хисобидан 1000 млн фунт стерлинг маблагини АКШга беришга мажбур булди.

Уруш йилларида Буюк Британиянинг савдо экспорти кескин камайди. 1938 йилда Буюк Британиянинг савдо экспорта хажми 417 млн фунт стерлинг микдорида бахоланган булса, 1944 йилга келиб бу курсаткич 266 млн фунт стерлингни ташкил этди. Британия доминионлари узларининг иктисодий ва сиёсий мустакилликларини талаб килиш борасида тобора фаоллашиб бормокда эдилар. Мустамлакаларда миллий озодлик харакатлари кенг ёйилиб бораётган эди. Араб Шарки ва Жануби-Шаркий Осиё бозорларидан фойдаланиш нихоятда кийинлашгани туфайли, унинг жахон экспортидаги улуши 1937 йилда 11,3% дан 1947 йилда 9,8% га тушиб колди. Мамлакат савдо балансидаги танкислик Буюк Британия иктисодиётининг сурункали муаммосига айланиб колди. Умуман, Иккинчи жахон уруши йилларида Буюк Британия миллий бойлигининг 25% ини йукотди. Аммо, Ғарбий Европа мамлакатлари ичида лакатлари ичида у энг ёмон холатда эмас эди.

Матбуот вакиллари томонидан “Британ инкилоби" деб аталган 1945 йилдаги сиёсий холат кутилмаган ходиса булди. Хали жахон уруши тугамасдан, хукуматнинг Парламент сайловларини утказишга уринишининг бир канча сабаблари бор эди. Хукумат хали хам 1935 йилдаёк сайланган Парламент кулида эди. Уруш шароити хисобга олиниб, унинг ваколати узайтирилган эди. аммо Европада уруш тугагандан кейин, сайловларни кечиктиришга хожат йук эди. Черчилл кулай психологик шароитдан усталик билан фойдаланиб, “галаба чуккисида’’ булган вактда сайлов утказишга харакат киларди. 5 июль 1945 йилдаги сайлов натижалари жуда кутилмаган ходиса эди: лейбористлар нафакат галаба козонишди, балки Жамоалар палатасида хам илк бор мутлак купчиликни ташкил этишди.

Клемент Эггли учинчи бор хокимият тепасига келган ва илк бор Парламентда купчиликни ташкил этган лейбористик хукуматни бошкарди. Давлат бошкарувининг асосий соҳалари транспорт, кумир, пулат куйиш саноати ва энергетика булди. Озик-овкат махсулотларини ишлаб чикаришни купайтириш максадида 1947 йилда хукумат турт йиллик кишлок хужалигини ривожлантириш дастурини кабул килди. Хукумат иктисодий сиёсатининг асосий кисми иктисодиётнинг энг мухим сохаларини миллийлаштиришдан иборат булди. Бу йуналишдаги биринчи жиддий кадам 1946 йил февралида куйилди. яъни Инглиз банки миллийлаштирилди. 1946 йилдан 1948 йилгача булган даврда темир йуллар фукаро авиацияси транспорт, кабель ва телеграф алокаси хамда кумир казиб олиш ва электротехника саноати давлат мулкига айлантирилди. 1948 йилда

хукумат газни, 1949 йилда темир ва пулат ишлаб чикаришни миллийлаштиришга розилик олди. Бу сиёсат натижасида давлат сектори уз кулида саноатнинг 20% ини бирлаштирди.

Лейбористлар хукумати ижтимоий сиёсат бобида катта фаолият курсатди. 1927 йилдаги “Касаба уюшмалари тугрисида”ги Конун бекор килинди ва уларнинг норозилик намойишлари утказишга булган хукуклари тикланди. 1946 йилда конунлар пакети кабул килинди ва унга Миллий сугурта Акти, Саноат ходимларини химоя килиш Акти ва Миллий согликни саклаш Акти кирарди. 1948 йилда пакет Миллий куллаб-кувватлаш вазирлигини яратиш тугрисидаги хужжат билан тулдирилди. Бу конунларга кура, барча ахолига карилик нафакасини (эркакларга 65, аёлларга 60 ёшдан кейин ва ишсизлик нафакасини тулаш), касаллик, хомиладорлик. улим холатларида моддий ёрдам бериш кафолатланган эди. Сугурта фондлари сугурталанганларнинг туловлари (35%) хамда тадбиркорлар туловлари ва давлат томонидан молиялаш хисобидан шаклланди. Ислохот натижасида жами давлатнинг ижтимоий сугурта харажатлари 2,5 баробар купайди. Миллий сихат-саломатлик Актига кура, ахолига бепул тиббий ёрдам курсатиш жорий килинди, дори-дармонлар, протез ва кузойнакларни бепул таркатиш кузда тутилди. Мамлакатда 2 миллиондан ортик муниципал (шахар) уйлар курилди. Давлат уй-жой нархларининг уруш давридаги кийматини ушлаб туриш йули билан ижара тулови хажмини катъий назорат остига олди.

Лейбористлар хукуматининг фаолияти 1948 йилдаёк урушдан олдинги иктисодий ривожланиш даражасига ва мамлакатдаги ижтимоий холатни анча баркарорлаштиришга эришишга имкон берди. Саноат махсулотининг йиллик усиши 6% ни ташкил этди. 50- йилларнинг бошига келиб ишлаб чикариш курсаткичлари 1947 йилга нисбатан 1/3 баробар усди. Лекин кенг давлат бошкарувига кескин утилиши хусусий тадбиркорлик фаолиятини кийинлаштирди ва бу сохага киритилаётган сармояларнинг кискаришига олиб келди. 1945 йилдаёк Буюк Британияда молиявий тизимнинг ишдан чикиш хавфи яккол булиб колганди Иктисодиёт вазири Стаффорд Криппс давлат томонидан ижтимоий харажатларни кескин камайтиришни кузда тутувчи каттик иктисодий дастурни такдим этди. Аммо Буюк Британиянинг "Маршалл режаси'та катнашишига катта умид богланган эди. Бу лойиха доирасида Буюк Британия 2,3 миллиард доллар оларди.

Черчиллнинг 1946 йил 5 мартда Фултонда сузлаган нутки жуда машхур булди. Унга Эрон инкирози бахона булган эди. 1942 йилдаги шартномага кура, совет кушинлари Эрон худудида уруш тугагандан сунг яна олти ой колиши мумкин эди. Бу муддат 1946 йил 2 мартда тугади. Бу кун арафасида СССР, кузголон кутарилган Эрон Озарбайжонидан ташкари бошка худудлардан ўз кушинларини чикаришини маълум килди. Fарб мамлакатлари сиёсий доиралари бунга салбий муносабатда булди. Шу кунларда дам олиш максадида Флоридада булган Черчилл бундан янги психологик хужум уюштириш учун фойдаланишга улгурди. У

Фултондаги Вестминстер коллежи талаоалари олдида нутк сузлади. 1946 йил 16 августда 'Темир парда ту ширила бошланди" деб ном- ланган Парламентдаги нуткида ишлатилган эди. Черчиллнинг Фултондаги нуткидан сунг бу тушунча “совукуруш" рамзига айланди. 1946 йилнинг узидаёк Британия атом бомбасини ишлаб чикариш тугрисида карор кабул килди. 50-йилларнинг бошига келиб харбий харажатлар миллий даромаднинг 10-11% ини ташкил этди (30-йиллар урталарида эса бу курсаткич бор-йуги2,5% ни ташкил этарди). 1949 йилда *АКШ* ва Буюк Британия НАТОни тузиш ташаббускорлари сифатида чикишди

1951йилги сайловларда яна консерваторлар партияси ғалаба қозониб, мамлакатни 1964 йилга қадар идора қилди. Ҳукумат тепасига келган Макмилан, Иден, Черчил, Дуглас-Хьюмилар Лейбористлар ҳукмати амалга оширган ишлаб чиқаришдаги давлат аралашувини бекор қиладилар. Миллийлаштирилган ёки давлат билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган корхоналар эгаларига қайтариб берилади. Ишлаб чиқаришга давлатнинг аралашуви камайтирилади.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Британия империяси парчалана бошлайди. Лейбористлар колонияларда Англи таъсири сақлаб қолиш учун янги методлардан неоколонализмдан фойдалана бошладилар. Янги мамлакатларни мустақиллигини тан олган ҳолда уларни иқтисодий қарам қилиш ва турли сиёсий-ҳарбий блокларга тортиш орқали Англия таъсирида тутиб туригга ҳаракат қиладилар.

1946 йил Британия Хукумати Хиндистондаги бошкарувини бутунлай бой берди. Миллатлараро тукнашувларда юзлаб одамлар халок булди. 1947 йил 15 августида Дехди ва Карачи шахарларида Британия Хамдустлигига уз ихтиёри билан кирган икки мустакил давлат барпо килинганлиги тугрисида расман эълон килинди. 1948 йилда Цейлон ва Бирма мустакилликка эришди. Иктисодий кийинчиликлар 1948 йилда Ганада (Олтин киргок) халк чикишлари тулкинини келтириб чикарди. Сиёсий фаоллик тулкини Марказий Африкада, жумладан, Шимолий Родезия (Замбия), Жанубий Родезия ва Ньясаленд (Малави)да кузатилди. Жанубий Африкада 1948 йил 26 май сайловлари натижасига кура, апортеид, яьни иркдарни бир-биридан ажратиш сиёсатини хаётга татбик килишни асосий максад килиб олган Миллатчилар партияси хукумат тепасига келди. Малайядаги миллатчилик чикишлари Британия Хукуматининг фаол аралашувини талаб этди. Урта ва Якин Шаркдаги вокеалар Буюк Британиянинг халкаро обрусига каттик зарбалар берди. 1951 йилда Эрон Хукуматининг нефть саноатини миллийлаштириш тугрисидаги кароридан кейин, Эрон ва Буюк Британия уртасида дипломатик алокалар бутунлай узилди.

Британия манфаатларининг мухим минтакаларидан бири Фаластин эди. Иккинчи жахон урушидан олдинги даврдаёк Буюк Британия яхудий эмигрант (мухожир) ларининг узларининг тарихий ватанига кучиб утишини бошкариш жавобгарлигини уз зиммасига олган эди. ‘"Моррисан плани” деб аталган бу режа 31 и юл 1946 йилда хукуматга такдим килинди бу ҳукуматда бўлинишга сабаб бўлди. 1948 йил 14 майда кутилмаган вокеа руй берди.

Фаластиндаги Британия мандата муддатининг тугашига бир неча соат колганда, яхудийлар рахбари Давид Бен-Гурион Исроил Республикаси ташкил килинганини эълон килди. Шу билан Исроил-Араб можароси бошланди.

50- йиллар бошида Британиянинг Корея иикирозига аралашуви омма норозилигини яна кузгатди. Корея урушида Британия кучлари иштирок этарди. Бу жангда улганлар - 686 нафар, ярадор булганлар 2498 кишини ташкил этди.

1950 йил 23 февралида булиб утган сайловлардан кейин жамоалар палатасида лейбористлар - 3 15, консерваторлар - 278, либераллар 9 урнига эга булди. Бошка партиялар бор-йуги 3 мандатга эга булди. Лейбористларнинг туртинчи хукумати бир ярим йил давомида хокимият тепасида булди. 1951 йил октябр ойида консерваторлар партияси ‘‘Британия - кудратли ва эркин” номли сайловолди манифестини эълон килди. 77 ёшли Черчил ҳукуматни бошқарди. Айнан Буюк Британиянинг аралашуви 1946-947 йилдаги Греция сиёсий инкирозининг чукурлашишига олиб келди. 1946 йил 2 декабрида Германия худудидаги АҚШ ва Британияга тегишли худудларнинг бирлашуви Германиянинг кейинчалик бўлиб юборилишига сабаб бўлди. Консерваторлар учун Миллатлар хамдустлиги ва империя такдири ташки сиёсат йуналишида ҳал килувчи масала эди. 1952 йилда чакирилган Ҳамдўстлик бош вазирларининг махсус анжумани 1949 йил карорлари ҳамда инглиз киролининг Хамдустликдаги раҳбарлик мавкеини тасдиклади. 1952 йил анжумани “Хамдустлик фукароси” (Британия фукароси'' урнига) тушунчасини бутунлай конунлаштирди. Буюк Британия Ҳиндихитой масаласида етарлича катъий фикрда туриб, Совет Иттифокининг Хиндихитой масаласи буйича давлат рахбарлари иштирокида халкаро йигилиш утказиш тугрисидаги таклифини куллаб-кувватлади. Бу йигилиш 1954 йилда Женевада утказилди ва харбий харакатларни тухтатиш хакида карор кабул килишга эришилди.

1951 йилнинг октябрида Миср Хукумати Судан ва Сувайш канали кон-доминиони (биргаликда бошкариш) тугрисидаги 1936 йилда тузилган Шартномани бекор килди. Ж.Носирнинг инкилобий хукумати Суданга гула эркинлик берди ва бу 1953 йилги Инглиз-Миср келишувида кайд этилди. 1954 йил 19 октябрда Сувайш капали такдирини хал килувчи шартнома хам имзоланди. Унга кура, инглиз кушинлари 20 ой давомида эвакуация килинадиган булди. Канал фукаролик бошкарув ихтиёрига топши рилди. 1954 йили Англиянинг Куролли Кучлари Мисрдан бутунлай олиб чикиб кегилди. 1952 йилда Европа кумир ва пулат бирлашмаси (ЕКПБ)нинг тузилиши (Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Голландия) Британия Хукумати режаларига мос келмас эди. 1955 йил йил 5 апрелда 80 ёшли Черчилл истеъфога чиқиб, А.Иден бошчилигида янги хукумат тузилади.

Лондонда 50-йиллар ўрталарида Якин Шаркда улкан харбий-сиёсий блок яратиш фикри пайдо булди. 1955 йилда, Британия, хукуматининг куллаб-кувватлаши билан, Туркия ва Ирок давлатлари мудофаа

мажбуриятлари хакида узаро келишиб олишди. Кейинрок бу Битимга Эрон ва Покистон кушилди. Шундай килиб, 1978 йилгача фаолият курсатган Марказий ташкилот Шартномаси (СЕНТО) ёки Богдод Пакти пайдо булди. Иорданияни бу битимга тортишга уриниш даврида халқнинг оммавий чиқишлари содир бўлиб, Бу ерда Урушдан сўнг улаб турилган инглиз қўшинлари тартибсизликларни қурол кучи билан бостииришга уринди. Иордания 1955 йил кузида Носир та- шаббуси билан тузилган Сурия-Миср бирлашган кумондонлигига кушилиш хакида карор кабул килди. 1956 йил 26 июлида Носир Сувайш каналининг миллийлашти- рилганлигини маълум килди. Бу канал Буюк Британия импорт ва экспортининг чорагини таъминлаб гурарди. Урта Шаркда казиб олинаётган Буюк Британия нефтининг деярли 40% и шу канал оркали утарди. 1956 йил 29 октябр кечкурун соат 17 да 400 нафар исроиллик па рашютчилар полковник А.Шарон рахрарлигида Синай ярим оролининг уртасига туширилди, танк кисмлари эса Синайнинг шимоли-шаркидан хужумга утди. СССРнинг фаол аралашуви ва Мисрга ҳарбий ёрдам кўрсатиши урушга нуқта қўйишга мажбур қилди. 1956 йил 7 ноябрда Англия Хукумати Мисрдаги уруш харакатларини тухтатиш тугрисида буйрук берди. А.Иден истъфога чиқиб, Гарольд Макмилан бош вазир бўлади.

Иқтисодиётда фоиз ставкалари пасайиши билан бирга, олиб борилган фаол ижтимоий сиёсат 1950-1960 йилларда ишбилармонлик фаолиятининг кескин фаоллашишига олиб келди. Бундай кулай вазиятда консер- ваторлар 1959 йил сайловларида ишончли галабани кулга киритди- лар. 49,4% сайловчилар консерваторларни, 43,8% и лейбористларни, 2,7% и эса либералларни куллаб-кувватлади. Жамоалар палатасида хам торилар ихтиёридаги мандатлар лейбористларникига Караганда 100 тага ортик эди. Хукумат тула ишончни кулга киритди, аммо 1960-1961 йиллардаёк: инфляциянинг кескин усиши даврида унинг ахволи яна ёмонлашди.

Ташқи сиёсатда Англия тобора АҚШга боғланиб бормоқда эди. 1957 йилда Бермуд ороллари да Макмилан ва Эйзенхауэр учрашуви Яқин Шарқдаги АҚШ манфаатларига тўла жавоб берарди. Англия 1957 йил 15 майда Тинч океанидаги Рождество ороли районида биринчи водород бомбани порглатди. 1958 йил февралида АК,Ш ва Англия уртасида “Англия худудида Америка ракета куроларини жойлаштириш тугрисида” Битим тузилди. 1960 йил ноябрида Холи-Лох курфази (Шотландия) “Полярис” ракетаси билан куролланган Америка атом сув ости кемаларига топширилди. Америка самолётлари водород куроллари билан Англия худуди устидан учиб ута бошлади. 1961 йил мартида ГФРнинг Англиядан куроллар сотиб олиши эвазига “ГФР Бундесверига Англия худудида “машк учун базалар” берили- ши тугрисида”ги Битим имзоланди. Айни вактда, Англия Хукумати Буюк Британиянинг шимолидаги “Скапа-Флоу” курфазини ГФР Хдрбий-денгиз кучларига топширишга карор килинди. 1957 йил мартида ГФР ва Франция бошчилигида тузилган “Европа иктисодий хамкорлиги” (“Умумий бозор”) Англиянинг жиддий ракобатчиси булиб чикди. Англия Хукумати 1958 йил кузида Сурияга карши агрессияни

тайёрлашда, халкаро муносабатларни янада кескинлаштиришда АКШ Хукумати га хамрох булди. Бирок Сурияга карши каратилган фитна барбод этилди. 1958 йил июлида Ирокда булган революция Англия ва, умуман, халкаро империализм позициясига берилган янги, жиддий зарба булди. Малайя Федерацияси 1957 йил августгида м устакилликка, Сингапур эса 1958 йил январда ички автономияга эришди. 1957 иил мартида 1948 йилги Англия-Иордания Тенгсизлик Шаргномаси бекор килинди. Африкада 195 7 йил мартида Олтин Киргок Гана номи остида мусгакил давлатга айланди. 1959 йилда Танганьикада баъзи конституцион ислохотлар утказди ва 1961 йил декабрида мустакилликка эришди. 1960 йил апрелида Сьерра-Леоне, 1960 йил сентябрида Кипр, 1960 йил ноябри- да Нигерия ва сунгги йилларда бир катор мустамлака мамлакатлари мустакилликка эришди. Масалан, Уганда 1962 йил октябрида эса мустакилликка эришди. Анлия итисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда қолди. 1963 йилда Макмилан истеъфо бериб, Алек Дуглос Хьюм янги Бош Вазир булди.

50-60- йилларда Британияда саноат ишлаб чикаришининг усиши йилига атиги 3% ни ташкил этган булса, бу курсаткич АК^Шда 4%. ГФР ва Италияда 7,4%, Португалияда 6,2%, Испания ва Грецияда 7,5%, Японияда 15,2% ни ташкил этди. 1964 йил 15 октябрдаги сайловда лейбористлар ғалаба қозониб, Гарольд Вильсон ҳукумати тузилади. Улар консерваторлар бошқарган йилларни “Бекор кетган 13 йил” деб нолмадилар ва ўзлари “Технократия эраси”га олиб чиқмоқчи эканликларини маълум қилдилар. Бир қатор ижтимоий енгиликлар берилганига қарамй, иқтисодиётдаги турғунлик давом этаверди. натижада, 1967 йилда Инглиз Банкининг хисоб куйилмаларини ошириш жорий килинди (“киммат кредит” сиёсати), ойлик маош ва нархларни оширишда янги чеклашлар жорий килинди (улар ихтиёрий булмай колди), кўпгина бюджет туловлари кискартирилди. 1967 йилнинг май ойида хукумат Дания ва Норвегия билан биргаликда Европа Иктисодий Хамжамиятига аъзо булиш хакидаги аризани беришди. Аммо Франция яна муросасиз позицияни эгаллади ва 1967 йил ноябрида Буюк Британияга бу ариза рад эгилгани хакида расман хабар берилди. шу йили 1967 йил июндаги Исроил ва Мисрнинг 4колти кунлик уруши” жахон бозорининг баркарорлигини бузди. Араб мамлакатлари томонидан бир неча ойга Буюк Британияга нефть экспорт килишга эмбарго жорий килинган эди. Сувайш каналининг ёпилиши, Лондон ва Ливерпуль шахарларидаги докерлар кузголони хам Британия ташки савдосига салбий таъсир курсатди. Бундай вазиятда Вильсон хукумати миллий валютани девальвация (муомаладаги пулнинг кийматини тушириш ёки бекор килиш) килишга мажбур булди. 1967 йил 18 ноябрда фунт стерлинг курси киймати 14,3% га ту- ширилгани хакида эълон килинди. Кейинги бир ярим йил давомида бу кадам "стерлинг минтакасидаги” 25 та мамлакатда амалга оширилди. 1970-1971 йилга келиб Британия бюджета куп йиллар давомида илк бор ижобий курсаткичга эга булди.

1967 йилда католик харакати фаоллари Шимолий Ирландия фукаролари хукуклари учун курашчи ассоциацияни туздилар. Бу ташкилот католикларнинг протестантлар билан тенг хукукли булишини талаб этарди. 1969 йилда тўқнашувлар, террористик ҳаракатлар содир бўлди.

1970 йил 18 июнда булиб сайловларда консерваторлардан Эдвард Хит бош вазир бўлди. Аммо, Шимолий Ирландия кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб қолаверди. 30 декабр 1972 йилда булиб утган "конли якшанба"да инглиз кушинлари католикларга карата ут очди ва 13 кишининг улимига сабаб булдилар. Бу террористик ҳаракатларнинг авж олиб кетишига сабаб бўлди. 1970 йилда ички инвестициялар олдинги йилги курсаткичдан 2,5% куп эди, аммо 1971 йилда бироз оркага чекиниш руй берди. 1972 йилда эса сармоя куйишлар 1% га ошди. Бун дай вазиятда хукумат йирик инвестицион дастурларни амалга ошириш- га мажбур булди, бу эса саноатга сармоя куйишда давлат хиссасини 50% (1964 йилда 45%)гача оширишни талаб киларди. Бу 1973 йилдаёк ишлаб чикариш 7% га усишини таъминлади. Аммо, шу билан бир вактда, давлат карзлари хам ошиб кетди. Хукумат 1974 йил 4 мартига белгиланган Парламент сайловларда лейбористлар ғалаба қозониб, Г.Вильсон бош вазир бўлди. Сайловолди ваъдаларига содик колган лейбористлар хукумати тредюнионлар норозилигига сабаб булган "Саноатдаги муносабатлар тугрисида"ги Конунни бекор килди, шахтёрларнинг ойлик маошини ошириш тугрисидаги талабларини кондирди. "Соликлар сиёсати" эркин характерга эга бўлди.

1974 йил охиридан бошлаб Вильсон хукумати иктисодий ахволнинг кескин ёмонлашувига дуч келди. Бир неча ой давомида Буюк Британияда саноат ишлаб чикариши 10% га камайди. 1976 йил 16 мартда вильсон бошқарувдан истъфо беради ва бош вазир бўлган Жеймс Коллагэн бюджетни тежаш сиёсатига бутунлай утиш, инфляцияга карши чораларнинг нуфузини ошириш, миллийлаштириш режаларидан бутунлай воз кечишни маълум килди

70 йиллар Англия ташқи сиёсатида Умумий бозога кириш асосий масала бўлиб қолди. 1972 йил 22 январда Брюсселда Буюк Британиянинг 1973 йил 1 январдан бошлаб Европа Хамжамияти таркибига кириши тугрисидаги Шартнома имзоланди. 1971 йилда булиб ўтган иккинчи Ҳиндистон-Покистон уруши даврида Буюк Британиянинг бетараф туришга ва керак булса, воситачи булишга уринишига карамасдан, АҚШ Покистонни куялаб-кувватлади. Уша вактда АҚШ Хитой билан узига хос сиёсий мулокот юргизиб, Буюк Британиянинг Жанубий Осиёдаги манфаатларини хисобга олмади. Уз навбатида, Буюк Британия хам 1965 ва 1973 йилларда Якин Шаркда юз берган халкаро инкирозлар вактида АҚШнинг арабларга карши тутган кескин позициясидан узини узокда тутди. 1962 йилда Шимолий Яманда инкилоб руй берди. Фукаролар урушига йирик араб давлатлари хам кушилди (Миср республикачиларни, Саудия Арабистони монархистларни куллаб-кувватлади). Буюк Британия бу вокеалардан амалда узоклашиб.

Жанубий Ямандаги бошкарувини (хукмронлигини) саклаб колишга харакат килди. Жанубий Яманда 1962 йили 17 та Британия протекторатлари уюшмаси асосида Жанубий Арабистон Федерацияси ташкил килинган эди. Аммо бир йил утмасдан бу ерда хам озодлик харакатлари бошланди. Миллий фронтнинг куролли отрядлари Британия харбий кисмларига карши харакатларии бошлади. 1964 йилда хокимият тепасига келган лейбористлар хукумати Яман муаммосини хукукий йул билан хал этишга уриниб курди. Жанубий Яманга суверенитет бериш жараёни 1968 йилга келиб якунланди. 1973 йилдаги Араб-Исроил уруши вактида Буюк Британия Евро- панинг бошка мамлакатлари катори урушни тухтатиш ва масалани музокаралар нули билан хал килиш тарафдори булди.

1979 йилги Парламент сайловларида консерваторлар ғалаба қозониб, ҳукумати тепасига биринчи бор аёл киши Маргарет Тэтчер келди. М. Тэтчер узини консерватив карашларининг содик тарафдори, катъий ва букилмас феълатворли киши сифатида курсатди, шунта кура, инглизлар уни “темирхоним” деб аташди. Чунки бу даврда аҳолининг иқтисодий аҳволи оғир бўлиб, ишсизлик авж олган, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлар қисқариб кетган, солиқлар ошиб, халқ норозилиги кучайган эди. Тэтчер “Европадаги бемор киши’' - Англия ахволини каттик иктисодий чоралар куриш билангина тузатиш мумкинлигини баён килди. “Тэтчеризмч,нинг бир неча йили ичида давлат секторидан корхоналарнинг 3/2 кисми хусусий мулк эгаларига ёки корхонани хусусийлаштирган жамоаларга утказилди. Айни пайтда, миллиондан ортик муниципал квартиралар сотилди. Мамлакат ахолисининг 60% дан ортиги шахсий уй-жойларга эга булди. Буларнинг барчаси хусусий мулк эгалари сонининг ошишига ва консерваторлар партияси ижтимоий базасининг мустахкамланишига олиб келди. 1982 йилдан 1987 йилгача Буюк Британия иктисодиётииинг усиши Ғарбий Европада энг юкори уринга чикди. Ишсизлар сони ва инфляция кулами кискарди.

Англия ва Аргентина ургасида Жанубий Америка киргокларидан унча узок булмаган Жанубий Атлантикадаги Форкленд (Мальвин) ороллариниинг кимга карашли эканлиги хусусида кулдан буён мунозара кетар эди. 1982 йилда урушда Темир хоним ғалаба қозонди ва унинг обрўси ошиб кетди. 1990 йил Ноябрида Темир хоним истъфо бериб, бош вазир Жорж Мейжор бўлди. 1992 йил 2 апрелдаги жамоалар палатасига булган сайловлар консерватив партияга янги галаба олиб келди. Консервативларга сайловчиларнинг 41,9% и, лейбористларга 34,4% и, либерал-демократларга 17,8% и овоз берди. Консерваторлар фракцияси 338 та мандат, лейбористлар 271, либерал-демократлар 20 мандатга эга булишди. Сайловларнинг муваффакиятли якунланганига карамасдан, Мейжорнинг партия ва Парламентда уз мавкеини мустахкамлаши учун уч йил давомида курашишига тугри келди. “Европа Иттифокини тузиш тугрисидаги Маастрихт Шартномасига имзо куйиш борасидаги музокаралар даврида консерватив партиядаги "евроскептиклар (скептизм-ишончсизлик) хукумат билларига карши овоз бериб, хдкикий кузголон кутаришди. 1993-1997

йилларда Буюк Британияда Ялпи ички махсулотнинг уртача йиллик усиши 2,8% ни ташкил этди. Ишсизлик даражаси 1995 йилда 8% гача ка- майди ва 1998 йилнинг бошида иктисодий фаол ахолининг 5% ини ташкил этди

Лондон АКД1нинг Эронга нисбатан душманлик сиёсатини, Афгонистондаги мужохидларни куллаб-кувватлашини ва уларни куллаб-кувватлаётган Покистонга ёрдам бераётганини, Никорагуа- даги миллий-озодлик харакатига карши курашаётганини тушунар- ди ва буларни юрак ютиб булса-да, индамай кабул киларди. Лондон АК,Шнинг 1986 йилдаги Ливияга карши харбий харакатини куллаб- кувватлади ва Америка Харбий хаво кучлари Триполига хаво зарба- ларини бериш учун Британия аэродромларидан фойдаланди. Тэтчернинг хокимият тепа- сига келиши бир-бирига карама-карши турган харбий блокларнинг Европа худудига энг замонавий ядро куролларини жойлаштирга- ни, совет армиясининг Афгонистонга бостириб кириши, Польшада харбий холатнинг жорий этилиши билан юзага келган янги халкаро конфронтация (карама-карши фронтларга ажралиш) даврига тугри келди. Шовкинли антисовет таргиботга Буюк Британия хам у3 хиссасини кушди: Москва олимпиадасининг бойкот килиниши куллаб-кувватланди ваСССР билан иктисодий ва маданий хамкорлик анча кискартирилди. Буюк Британия БМТнинг Форс култигидаги харбий харакатларида фаол катнашди. Аллакачон, 1990 йил кузидан бошлаб, Британия самолётлари Саудия Арабистони хаво худудларини назорат кила бошлашди. Ушандаёк халкаро коалиция таркибига кирувчи 45 минглик Британия харбий кисми култик минтакасига юборилди. Буюк Британия 1990 йил ноябрида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ирокка Кувайт худудидан кушинларини чикаришни талаб килувчи резол юциясини куллаб-кувватлади. Британия жамоатчилиги бошка Гарб мамлакатларига нисбатан хам Ирокдаги режимга нисбатан муросасиз позицияда турди. 80% дан ортик инглизлар Форс курфазидаги харбий харакатларда иштирок этишни куллаб-кувватлашди. Мейжор хам барча сиёсий партиялар томонидан куллаб-кувватланган холда Саддам Хусайн билан хар кандай музокараларга карши позицияда турди.Ирок масаласида 1991 йил февралдаги “Сахродаги бурон” опера- циясида Британия харбий кисмларининг катнашуви Буюк Британия ва АҚШнинг узаро якинлашишига янги туртки булди. 1995 йил апрелида Мейжор Вашингтонга расмий ташриф билан борди. Шундан кейингина Англия Босния масаласида АҚШга ён босди.

1996 йил апрелида руй берган сигир инкирози туфайли Буюк Британия ва ЕИдаги хамкорлар уртасидаги муносабатлар анча ёмон- лашди. Сигирларнинг ёппасига энцифалит (пуфакли кутуриш) ка- сали билан касалланганидан кейин ЕИ мамлакатларига Британияда ишлаб чикарилган мол гуштини импорт килиш таъкикланди. Бу эса 1,2 миллион бош корамолнинг кирилиб кетиши ва йирик молиявий талофатга (5 миллиард фунт стерлинг) олиб келди.

1997 йил май ойидаги сайловлар натижаларига кўра лейбористлардан Энтони Блер ғалаба қозонди. Давлат молия тизимининг баркарорлашуви кузатила бошланди. 1999 йилда инфляция даражаси атиги 3,4% ни ташкил

этди. 1998 йилда Буюк Британия товарлар экспорти буйича дунёда 5- уринга (дунё экспортининг 5,1% и (272.7 млрд доллар)), импорт буйича учинчи уринга (дунё импортининг 5,9% и (316,1 млрд доллар)) чиқиб олди. Ташки савдода салбий сальдо (колдик)нинг микдори атиги 20 млрд долларни ташкил этди. Блер ҳукумати Шотландия ва Уэлсда конституцион ҳукуматларни шакллантирди. 1998 йил апрель ойида Шимолий Ирландия буйича уч томонлама Тинчлик Шартномаси имзоланди. Бу Шартномада Шимолий Ирландиянинг сиёсий мустакиллиги тикланган эди. Британия Хукумати АКШнинг Судан ва Афгонистонни "антитеррористик" бомбардимон килишини куллаб-кувватлади. 1998 йилда "Сахродаги тулки" операцияси амалга оширилди. Турт кун давомида Инглиз-Америка харбий кисмлари Ирокнинг харбий ва иктисодий объектларига карата турт юзга якин канотли ракеталарни йуналтирди. 1999 йилда Буюк Британия АҚШ билан биргаликда Югославияга карши энг катъий чоралар куриш тарафдори булди. Британия Куролли Кучлари хам Сербия худудига объектларни бомбардимон килишда хамда Косовадаги харбий харакатларда катнашди. Афгонистонга бостириб киришда фаол катнашди. 2003 йили Ирокдаги Саддам Х,усайн режимини агдариб ташлаш учун бошланган урушда коалиция кучлари сафида туриб катнашди ва Ирок нефтига эгалик килишда, колаверса, Якин Шаркда уз мавкеини мустахкамлаб олишда АҚШнинг содик иттифокчи эканини намойиш килди.

Франция II жаҳон урушидан кейинги йилларда

1. Тўртинчи Республика даврида Франция
2. Урушдан кейинги даврдаги халкаро муносабатларда Франциянинг урни. Жазоир инкирози ва давлат тепасига Де Голлнинг келиши ва фаолияти.
3. Голлсиз голизм. Франция 70-80 йилларда
4. XX аср охири-XXI аср бошларида Франция

Париж озод этилгандан сунг Де Голл уз хокимиятини мустахкамлашга киришди. Муваккат хукуматнинг 1944 йил 21 ав- густда чикарган Ордонанс (Акти, Карори)ига биноан департамент префектлари муниципал (махаллий) бошкарув кенгашларини кайта тиклади. Франция озод этилгач, 190 мингдан ортик киши коллаборационизм (фашистлар ёки Фран- циядаги фашистик хукумат билан хамкорлик килиш)да айбланди. Шулардан 100 минг кишига якини озодликдан махрум килинди ёки айримларининг хукуклари чеклаб куйилди. Иккинчи жахон уруши, кайсидир маънода, Францияда коммунистик харакатнинг усишига туртки булди. 1945 йил октябрда, Де Голл икки масала юзасидан референдум ўтказди. Биринчи масала - сайлана- ётган вакиллик органига "Таъсис Мажлиси" статусини бериш, иккинчи масала эса унинг функцияларини, яъни ваколатларини факат конституцион тузилма доирасида чеклаш. 1945 йил декабридаёк хукумат ичидаги сиёсий вазият инкироз даража- сига келиб колди. Орадан бир ой утиб, Де Голл узининг истеъфога чикиш и ни

эълон килди. Муваккат хукумат бошлиги лавозимини социалист Ф. Гуэн эгаллади. 1946 йил апрелида умумхалқ муҳокамасига қўйилган конституцияга 51,6% аҳоли қарши овоз беради. Конституция тугрисидаги референдум 1946 йил 13 октябрида булиб утди ва 53,1% овоз олди. янги конституция 1946 йилнинг 24 декабридан Туртинчи республиканинг Конституцияси кучга кирди. Парламент, яъни Миллий Мажлис ва Республика Кенгаши булди. Миллий Мажлис конунларни чикариш, бюджетларни кабул килиш, хукуматга ишонч билдириш, сулх шартномасини тузиш, халкаро сиёсат хужжатларини тасдиклаш хукукига эга булди. У тугри сайлов асосида 5 йилга сайланади. Сайлов хукукидан 21 ёшга етганларгина фойдаланади. Республика Кенгаши икки табакали сайлов асосида 6 йилга сайланади. Кенгаш конун лойихаларининг кучга киришини кечиктириш хукукига эга булди. Республика бошлиги Президент Миллий Мажлис ва Республика Кенгашининг кушма мажлисида 7 йил муддатга сайланади. Президент иккинчи марта хам сайланиб, уз урнида колиши мумкин. Ижроия хокимияти Министрлар Советининг Раиси Президент томонидан тайинланади. 1946 йил Конституция капиталисток дунёда энг демократик конституциялардан бири булди. Унда хусусий мулкка булган хукук мукаддас хукук деб эътироф этилди. Туртинчи республиканинг биринчи Президенти этиб социалист Венсан Ориоль сайланди. ХРХ (халқ республикачилик ҳаракати) партияси ва кили Шампетье де Риб Республика Кенгашининг Раиси. радикал Эдуард Эррио эса Миллий Ассамблеяга бош бўлди.

Уруш давомида Франциянинг курган моддий зарари 1440 млрд франкни ташкил этди. Уруш вактида 1 100 минг кишисидан ажрал- ди. 700 минг кишидан ортик киши Германияга ишлаш учун олиб кетилди. Мамлакатнинг 30 та департаменти талофат курди. 50 мингга якин саноат корхоналари батамом ёки кисман ишдан чикарилди. Куплаб экстростанциялар, шахталар, верфлар (кемасозлик оъект- лари) яксон килиб ташланди. Транспорт тармоклари яроксиз холга келтирилди. Франция деярли харбий ва савдо флотидан махрум булди. Нефтни кайга ишлаш корхонапарининг 80% и уз фаолиятини тухтатган эди. Мамлакатдаги 101 та домна печидан 7 тасигина фой- даланишга ярокли холатда' эди. Кумир казиб чикариш 4 бараварга кискарди. Саноат махсулотларини умумий ишлаб чикариш хажми урушдан олдинги даврдагига нисбатан 38%, кишлок хужалиги махсулотларининг умумий хажми эса 60% ни ташкил этди. 1 400 минг гектар экин майдонлари ташландик холга келиб колди. Молия тизими батамом изидан чикди. Инфляция хаддан ташкари юкори даражага кутарилди, франкнинг кадр- киммати урушгача булган давр- дагидан 6 бараварга камайди. 1945 йилда мамлакат бюджетидаги танкислик деярли 200 млн франкни ташкил этди. Муваккат хукумат ичидаги сиёсий ихтилофларга карамай, 1947 йил бахоридаёк баркарорлик дастури кузга куринган натижаларни берди. Шу йили саноатдаги ишлаб чикариш курсаткичлари урушгача булган даврдаги даражага етди (кишлок хужалигида 1950 йилда), Молиявий

баркарорликнинг юзага келишида Франциянинг ‘"Маршалл режаси'та кушилиши мухим ахамият касб этди. 1948-1951 йиллар мобайнида АҚШ Францияни 2,5 млрд доллар хажмидаги кредитлар, озик-овкат махсулотлари ва асбоб-ускуналар билан таъ- минлади. 1958 йилга келганда америкаликлар берган ёрдамининг умумий хажми 12 млрд долларни ташкил этди. нафакасига чикиш вакти 65 ёш этиб белгиланди. Ижтимоий сугурта буйича хукуматнинг ягона тизими ташкил этилди. 50-йилларнинг урталарига келганда ишлао чикарилган саноат

махсулотларининг умумий хажми урушгача булган даврдаги дара жадан 60% га ошиб кетди. 1957 йилга келганда нархлар урушгача булган даврдагидан уртача 25 баравар, номинал иш хаки эса 21 бараварга ошди

Урушдан кейинги даврдаги халкаро муносабатларда Франциянинг урни. Жазоир инкирози ва давлат тепасига генерал Де Голлнинг келиши

Франция 1948 йил 17 мартда Брюсселда имзоланган Шартномага кура ташкил этилган Гарбий Иттифокнинг ташкилотчиларидан бири булди. Бир йил утиб Франция 1949 йил 4 апрелида тузилган Шимолий Атлантика Шартнома сига аъзо булди. 1949 йилда Франция Европа кенгашини тузиш таклифи билан чиқди. Бу таклиф асосида 1951 йилда “Шуман режасининг амалга ошиши Европа Иттифоки тизимидаги биринчи ташкилот - Европа кумир ва пулат бирлашмаси тузилди. Шунингдек, Европа миллий қуролли кучлари ғояси 1951-54 йилларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлсада амалга ошмади. 1957 йилда француз дипломатияси Европа Иктисодий Хамдустлиги ва Европанинг атом энергияси буйича хамкорлигини ташкил этиш лойихасини куллаб-кувватлади.

1945 йил майида мустамлака хукумати Жазоирдаги кузголонни дахшатли равишда бостирди. Бир ярим йил утиб худди шундай ходиса Мадагаскарда хам булиб утди. Махаллий ахоли ичидаги курбонлар сони 80 мингдан ортикни ташкил этди. Хиндихитойдаги харбий можаро хам Франциянинг сиёсий хаётига салбий таъсир курсатди. 1945 йилнинг 19 августида Вьетнамдаги кузголончилар кушинининг бошлиги Хо Ши Минь томонидан мустакил давлатнинг ташкил этилганлиги эълон килинди. 1946 йил ноябридан бошлаб Хиндихитой ярим ороли худудида харбий харакатлар бошланди. У етти йилга чузилди. 10 минг кишилик Вьетнам армияси партизан уруши усулларидан фойдаланиб, францияликларнинг 90 минг кишилик экспедицион кушинига карши курашди. АКШ томонидан куллаб-кувватланган Франция экспедицион кушинлари сонини 180 минггача етказди. Вьетнамнинг хам армияси таркибида 100 мингдан ортик жангчи бор эди. 1954 йил 21 июлда Женевада “Женева Шартномаси” имзоланди. Унга кура, 17- параллелдан чегара чизиги утказилиб, Шимолий ва Жанубий Вьетнамда мустакил суверен давлатлар ташкил этилди. Бу урушда Франция улганлар, асир тушганлар ва ярадор булганлар билан жами 140 минг кишисидан ажралди.

50- йиллар бошларида Франция Иттифокига кирувчи Тунис ва Марокаш билан Франция уртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетди. 1951 йилнинг октябр ойида Тунис хукумати тула мустакиллик бериш талаби билан чикди. Франция бунга катагонлар тулкини билан жавоб берди. 1955 йилда Франция Парламента Жазоирда фавкулодда холатни эълон килишга мажбур булди. 1956 йил мартида Марокаш ва Тунисининг мустакиллиги тан олинганлиги тугрисидаги Шартномалар тузилди. Жазоир муаммоси бундан хам мураккаб эди. Жазоирга кушимча равишда 100 мингдан ортик аскар жунатилди. Орадан уч ой утиб, 1956 йил июлида Франция Хукумати Сувайш каналини миллийлаштирган Миср Хукуматига карши интервенцияда фаол катнашди. Бу можарода француз дипломатияси нинг маглубиятга юз тутиши Жазоирдаги вазиятни янада кескинлаштирди.

1958 йил 13 майда Ж.Сустель ва генерал Массю бошчилигидаги “Миллий куткариш кумитаси” Жазоирдаги бошкарувнинг тулалигича улар кулига утганлигини эълон килди. Уша куни Францияда Т.Пфлимлен бошчилигида коалицион хукумат тузилди. Янги хукумат билан генерал Де Голл уртасида киска музокара булиб утди. Музокара Де Голл бошчилигида “Миллатни куткариш хукумати”ни тузиш ва масалани Миллий Ассамблея мухокамасига куйиш билан тугади. Нихоят, 1958 йилнинг 1 июнида овоз бериш булиб утди ва купчилик овоз билан миллат кахрамони генерал Де Голл бошчилигида “Миллатни куткариш хукумати'' тузилди. "Франциянинг буюклиги” тугрисидаги голлчилар гояси анъанавий миллатчилик ва миллий устунликни таргиб килувчи шовинистик карашлардан анча йирок эди. Де Голл: "Менинг фикримча, букжликдан махрум этилган Франция Франция булишдан тухтайди”, - деган эди.

Бешинчи Республика конституцияси 1958 йил 28 сентяорда референдумга куйилди ва у 79,2% овоз блан қабул ыилинди. 1961-1962 йилларда Жазоир муаммоси буйича утказштган референдумлар туфайли Жазоирга мустакиллик берилди. 1962 йил апрелида Жорж Помпиду Премьер-министрлик лавозимини эгаллади. 1965 йилнинг 5 ва 19 декабрларида икки турдан иборат булиб утган Президент сайловларида Де Голл 44,7% овоз олиб, 37,4% овоз олган Ф.Миттеранни ортда колдирди. 60- йилларда ташки савдонинг умумий хажми урушгача булган даврдагидан турт марта ошик булди. 60- йиллар охирида Франциянинг Умумий бозор доирасидаги ташки савдо айланмаси Франция ХамДУстлиги мамлакатлари билан олиб бораётган савдосидан 3 баравар ошиб кетди (1958 йилда бу ракамлар тахминан баробар эди). Айникса, саноатнинг авиасозлик, кимё ва автомобилсозлик сохалари тез тараккий этди. Пластмасс-хисоблаш курилмаларини ишлаб чикариш анча купайди. Х,арбий саноат копмлексида атом, ракета ва аэрокосмик каби янги сохалар юзага келди. Франция дунёнинг учинчи ядровий мамлакатига айланди.

Де Голл ташки сиёсатда “Атлантик бирдамлик” гоясига ва дунё- ни икки марказдан туриб бошкариш сиёсатига карши чикди. 1966 йил Де Голлнинг СССРга расмий ташрифи Франциянинг НАТО харбий

тузилмасидан чикиш вактига тугри келди ва катта сиёсий шов-шувларга сабаб булди. 1959 йилда Франция биринчилардан булиб ГДРни тан олди. Бу Эса, АҚШ ва ГФР билан муносабатларни ёмонлаштирди. 1965 йилда Франция СЕАТО Кенгаши йигилишларида катнашишни тухтатди. 1966 йил мартида француз Хукумати НАТОнинг харбий ташкилотидан чикиш тугрисида Баёнот берди. НАТО рахбариятига киска вакт ичида Франция худудларида жойлаштирилган 40 минглик АҚШ ва Канада харбийларини олиб чикиб кетиш талаби куйилди. 1963 йилда француз-олмонлар уртасида хамкорлик тугрисидаги Шартноманинг имзоланиши иккала давлатнинг якинлашиши натижаси булди. Аммо ГФРда канцлер лавозимига Л.Эрхарднинг келиши ва ташки сиёсатда атлантик йуналишнинг кучайиши окибатида хар иккала давлат уртасидаги алокалар заифлашиб кетди.

1960 йил январида Камерун, сал кейинрок Того, Франция Экватори ва Гарбий Африкаси таркибига кирувчи бошка давлатлар хам мустакилликка эришди. “Африка йили’' сифатида тарихга кирган 1960 йилда Франциянинг Африкадаги мустамлакаларидан 14 таси мустакил булди. Аммо голлчилар хукуматининг тадбиркор ва пухта сиёсати туфайли, Франция бу худудларда узининг иктисодий ва сиёсий нуфузини нафакат саклаб колди, балки янада мустахкамлашга эришди. Конституциядаги “Хамдустлик” тугрисида”ги Низом (конун) 1995 йилга келиб тамомила бекор килинди.

Голл етакчилигининг сўнгги йиллари ижтимоий инқирозлар содир бўлди. Жумладан, 1968 йил бахоридан талабалар харакати кутарилди. Улар давлат- монополистик капитализм хукмронлигига карши маориф, олий таъ-лим тизиминини реформа килиб, демократлаштиришни, жумладан, олий укув юртини бошкаришда талабаларнинг хам катнашишларини талаб килдилар. Бунинг ортидан ишчиларнинг ишташлашлари, оммавий норозиликлар кучайди. Голл хукумати 1968 йил 30 майда Франция фукаролар уруши ара- фасида турибди деб, вазиятни фавкулодда вазият деб атади ва Миллий Мажписни таркатиб, янги сайловлар утказадиган булди. Шу билан, барча ишчилар синфининг баъзи талабларини кондиришга мажбур булди. Иш хаки урта хисобда 14%, пенсия 15-20% га оширилди. Касаба уюшмалар хук>;кини кафолатлайдиган конун чикаришни ваъда килди. Талабаларнинг хам талаблари кисман кондирилди. Де Голл 1969 йил Хўжаликни корпоратив рухда қайта тузиш ва сенат ваколатларини қисқартириш режасини референдумга қўяди ва агар унинг қонун лойиҳалари тасдиқланмаси истеъфога кетиши айтади. Аммо, референдумда унга қарши 52% овоз берилгач, 1969 йил апрелда Голл Истеъфо беради. Бир ярим йилдан сўнг вафот этади.

1969 йил июн ойининг узида янги Президентсайловлари булиб утди. Собик Бош Вазир Ж. Помпидо Президент килиб сайланди. 1969 йил августида хукумат “Иктисодиётни согломлаштириш режаси”ни кабул килди. Бунда экспортни купайтириш, француз ускуналарини сотиб олувчи хорижий харидорларга кредит бериш кузда тутилди. Мамлакат иктисоди согломлашмади. Саноатнинг усиши секинлашди: 1970 йилда 7% га (1969 йилда 12%), 1971 йилда 6% га усди. Кишлок хужалиги махсулотларини

ишлаб чикариш 1970 йилда 2,7% га, 1971 йилда *2-2,5%* га усди. Ушбу секинлашишнинг сабаби истеъмол тушкунлиги хамда капиталистик дунёдаги валюта-молия инкирознинг кескинлашуви эди.

Франция Якин Шарк масаласини Хавфсизлик советининг 1967 йил 22 ноябр карори асосида тинч йул билан, Фаластин масаласини одил хал этиш тарафдори булди. Франция Исроилга курол чикармади. Исроил буюртма килган 50 та харбий самолётни юбормади. Якин Шарк масаласида АКШ нинг бир томонлама харакатига салбий каради. Араб мамлакатлари билан сиёсий алокалар, иктисодий ва илмий-техникавий хамкорлик ривожлан- ди. Жазоир Хукумати Сахрои Кабирдаги Франция нефть компани- ялари фойдасидан Жазоирга ажратиладиган улушни купайтириши, кейин бу компаниялар фаолияти устидан назорат урнатиши Франция ва Жазоир муносабатларини ёмонлаштирди. Франция Хиндихитой- да харбий интервенцияни тухгатишни, масалани музокаралар йули билан хал килишни, халкларга уз такдирларини узи хал килиш хукукини беришни талаб килди. АКШнинг Камбоджа ва Лаосга килган агрессиясига, ВДРнинг хаводан бомбардимон килинишига норозиликбилдирди. Покистон ва Хиндистон можаросида Покистон сиёсатини айблади, Покистонга курол юборишни тухтатди. Бангладеш халкининг адолатли талабларини куллаб-кувватлади. 1970 йил июлда хукумат делегацияси биринчи марта ХХРда булди. Узаро рас мий ташрифлар йулга куйилди. Араб давлатлари билан алоқалар яхшиланди. СССР билан 1970-71 йилларда ҳукумат раҳбарларининг ўзаро ССР ва Францияга сафарлари аҳамияти катта бўлди.

1974 йшшинг бахорида Ж. Помпцау вафат этди. Сайловларда Валери Жискар Д’Эстен Ф.Миттеран устидан ғалаба қозинди. Жак Ширак бош вазир бўлди. Аммо, сайловлар мураккаб даврда ўтган бўлиб, бу давр нефть инқирози сифатида тарихга кирганди. Нефть карахти”нинг таъсири, ишлаб чикариш унумдорлигининг пасайиши, нарх-навонинг йилига 10% дан ошиб бориши, 1974-76 йилларда ишсизлар сонининг 2,5 баравар ошиши ва франкнинг кадрсизланиши холатлари кузатилди. Кейинги 20 йил давомида ишлаб чикарилаётган махсулотларнинг нархи 5 баробар, инвестиция 12 баробар, компани- яларнинг кредит карздорлиги 15 баробар ва жисмоний шахсларнинг карздорлиги 55 баробарга ошди. 1976-1980 йилларга мулжалланган VII режага биноан, жахон бозорида ракобатбардош буладиган сохаларни, хусусан, йирик бизнес, автомобилсозлик, кимё, электротехника сохаларини ривожлантириш кузда тутилди. Асосий эътибор халкаро лойихаларга (авиасозликда “Аэробус’’ ва “Конкордга, космик тараккиётларда “Ариан”га) каратилди. Харбий саноат тармоги хам сезиларли даражада мустахкамланиб, махсулотнинг 40% экспортга чикарила бошланди. Жискар д’ Эстен Президентлиги даврида, иктисодий инкироз булишга карамай, Францияда юкори турмуш кечириш сакланиб, ривожланган мамлакатлар бешлигидан мустаҳкам жой олди.

Ташки сиёсатда Жискар д ’Эстен эътиборини “Ягона Европа”ни ривожлантириш масаласига каратди. НАТО билан якин хамкорликда ташки сиёсат олиб боришини маълум килди. Жискар д’Эстен ташаббуси билан

“кучли еттилик” давлатлари рахбарларининг йиллик учрашувлари йулга куйилди. Жискар д’Эстен СССРга бир неча бор расмий ташриф билан келди. Масан, 1975, 1979 йилларда у Москвада булди, 1977 йилда Л.И. Брежнев Парижда расмий ташриф билан булди.

Жискар д’Эстен Президентлиги даврида Франция учинчи дунё мамлакатлари билан фаол муносабатлар олиб борди. АКШ билан якинлашишига карамай, Париж Исроил-Миср уртасида имзоланган Кэмп-Дэвид Сулх Шартномасини коралади, араб давлатларининг антиисроил йулини куллаб-кувватлади. Париж Хитой ва Эрон билан муносабатларини яхшилади, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур давлатлари билан иктисодий битимлар тузди. XX асрнинг 70-йилларида Франция Африка давлатлари билан фаол муносабатда булди. Франция курол-ярог экспорти буйича дунёда иккинчи уринга кутарилди. Курол-ярогларнинг асосий кисми “кора континенг”га чикарилди.

1981 йил 27 апрел ва 10 май кунлари бўлиб ўтган президен сайловларида Ф.Миттеран ғалаба қозонди. 1982 йил Айрим ишлаб чиқариш соҳаларидаги корхоналар қисман миллийлаштирила бошланди. Давлат халк хужалигининг информатика, энергетика, биоиндустрия каби келажаги порлок сохаларида етакчилик килди. Молия-кредит соҳасида давлат улуши 95% га ўсди. 1981- 1982 йилларда Францияда ишлаб чикариш йиллик усиши 2% булган булса, 1983 йилга келиб бу курсаткич 0,7% га тушиб колди. Ишсизлар сони 2 млн кишидан ошди. Турмуш кечириш даражаси пасайди. 1982 йил ёзидан Ф. Миттеран “Сул тажриба"ни тухтатишга мажбур булди. 1983 йил апрелида “Ун моддалик дастур’’ (“Доллар дастури") номи билан иктисодиётни риволантиришнинг давлат дастури кабул килинди. Ишлаб чщарилаётган махсулотлар таннархини тушириш ва экспорт суръатини ошириш максадида 18 ой ичида учинчи марта франк девальвация (муомаладаги қоғоз пулнинг кийматини тушириш) килинди. Соликларни ошириш кузда тутилди, мажбурий заём- лар чикариш эълон килинди, ижтимоий сохаларга маблаг сарфлаш камайтирилди, касалхона жойларига туловлар оширилди, транспортга йул туловлари ва коммунал туловлар микдори оширилди. Бу тадбирлар охир-окибат уз самарасини курсатди. 1984 йилда ишлаб чикаришдаги усиш 1,75% ни, 1985 йилда эса 2% ни ташкил этди. 1986 йилги парламент сайловлари натижасига кўра, Ж.Ширак бош вазир бўлди. Унинг ислоҳотлари натижасида Бир ярим йил ичида давлат секторининг учдан бири хусусийлаштирилди. Хусусий даволаш муассасалари тикланди. Таълим олишнинг хусусий сектори кенгайтирилди.

1986 йил ноябридан 1988 йил январигача хусусийлаштириш оркали давлат бюджетига 84 млрд франк келиб тушди. Бу маблагнинг 72% и давлат карзларини тулашга сарфланди, 28% и давлат корхо- наларини замонавийлаштиришга сарфланди. Курилган чоралар 80-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб Ял пи ички махсулотнинг ва саноат ишлаб чикаришининг йилига 3-4% усишига олиб келди.

1988 йилги Президент сайловларида Ф.Миттеран ғалаба қозони, Мишел Рокар бош вазир бўлди.

1983 йилда Франциянинг ташаббуси билан Парижда НАТОнинг Кенгаши булиб утди ва Франция бир йилга унинг раиси булди. Франциянинг СССР билан муносабатларига совуклик тушди. У совет кушинларининг Афгонистондан олиб чикиб кетилишини, Польшада харбий режимни ва Шаркий Европага совет ракеталарининг жойлаштирилишини коралади. Франциянинг атлантик иттифок йулидан бориши ва Араб-Исроил можароларида Исроилни куллаб-кувватлаши, хусусан, Исроилнинг Жулон тепалигини аннекция килганлигининг Франция томонидан тан олиниши Сурия билан муносабатларининг ёмонлашувига олиб келди. 1983 йилда Франция АҚШнинг Ливанга тинчликпарвар кучларни киритиш тугрисидаги таклифига кушилди. 1984 йилдан Франция ташки сиёсатида жиддий узгаришлар булди. Миттеран 1984 йили Исроилни сиёсий жихатдан куллаб-кувватлашдан воз кечди. У Ливандан тинчликпарвар кучларини чикариб олди. 1984 йили Миттеран расмий ташриф билан Москвага М. Горбачев 1985 йилда Парижга борди.

М.Рокардан кейин Эдита Крессон хонимлар иқтисодий ўсишга ва ижтимоий муаммоларни бир қадар ҳал қилишга эриша олмадилар. Ва ниҳоят 1990 йилги сайловлар натижасида бош вазир бўлган Баладюр даврида қатор ўзгаришлар бўлди. 1993 йилдан давлат секторидаги анчагина корхоналар хусусийлаштирилди. Хукумат Европа Иттифокидан булган хорижий сармоячиларнинг акцияларни сотиб олишига йул очиб берди. Бу эса чет эл сармояларининг мамлакат ичкарисига кириб келишига имконият яратди. Курилган барча чо ра-тадбирлар туфайли давлат бюджетидаги танкисликнинг камайи шига ва янги иш уринларининг яратилишига олиб келди. 1994 йилда йилда инфляция йиллик даражаси 1,8% га пасайди, ишсиз- лик камайди, Ялпи ички махсулот 2,9% га усди, бюджет танкислиги пасайди. Валадюр Президентликка асосий даъвогарлардан бири булиб колди.

1995 йилги сайловлрда Ж.Ширак Президент бўлган бўлса, 1997 йилги парламент сайловларида Л.Жоспен бош вазирликни қўлга киритди. Жоспен йирик корхоналарнинг даромадига солинадиган соликлар микдорини 15% га оширди. 1997 йил натижаларига кура, саноат ишлаб чикариши 1996 йилги 1,7% курсаткичга карши уларок 6,7% усишга эришилди. 2000 йили 35 соатлик иш куни тугрисида конун кучга кирди. Бунинг натижасида 100 минг уринли иш жойлари яратилди. Ишсизлар сонини 10% га кискартиришга эришилди.

XX аср 90-йиллари охирида Франциянинг сиёсий хаётида бир канча шов-шувли жанжаллар булиб утди. Ф. Миттераннинг конунга хилоф равишда сиёсий ракибларнинг телефондаги гапларини ёзиб олиш тугрисида буйрук берганлиги маълум булди. Митгеранчи Мудофаа вазири Шарль Эрню Болгария, Руминия ва СССРга хизмат килаёпан жосус сифашда фош килинди. 2000 йил декабрида Мит- тераннинг угли Жан Кристоф халкаро савдодаги фирибгарлиги учун турмага ташланди. 2001 йил январида

Митгераннинг дусти - Ташки ишлар вазири Ролан Дюма порахурликда айбланиб, суд килинди.

2002 йилги Президент сайловларида Ж.Ширак ғалаба қозонди. 2007 йилги сайловларда Николя Саркози Мамлакат президенти бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, Жак Ширак, хакикатан хам, уз ворисига мураккаб вазиятдаги мамлакатни колдирди. Бунинг устига, 2008 йил ёзидан бошланган жахон молиявий-иктисодий инкирози мураккаб вазиятни янада огирлаштирди. Бир томондан, Франция ижтимоий тизими ута ривожланган иктисодий тараккиет буйича дунёда бешинчи уринда турсада, давлатчиликнинг ижтимоий сохага йуналтирилганлиги жамият зиммасига йил сайин огир юк булиб тушяпти. Франциядаги ишсизлик даражаси ривожланган мамлакатлар орасида энг юкори булиб, ишлаш кобилиятига эга ёшдагиларнинг атиги 68% и доимий иш билан таъминланган. Ишсизлик даражаси 2010 йилда 10% дан ошиб кетди. XXI асрнинг бошларида дунё микёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 5,1% и Франция хиссасига тугри келади.Франция ахолисининг 6% и кишлок хужалиги билан шугулланади. Ишлаб чикариш техникалари билан яхши куролланганлик ва агрокимё фани ютукларини жорий этиш туфайли мамлакат ахолиси кишлок хужалиги махсулотлари билан тула таъминланган, хатто чорвачилик махсулотлари экспортга жунатилади.

ГФР II жаҳон урушидан кейинги йилларда

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг бўлиб юборилиши
2. ГФР 50-70 йилларда
3. ГДР 50-70 йилларда
4. Германиянинг бирлашиши Г.Колл даври
5. XXI аср бошларида Германия

Германияни бўлиб юбориш режаси 1941 йида Москвада АҚШ, Англия СССР ўртасидаги музокараларда илк бора кўтарилган бўлиб, бу кейинчалик 1943 йилги Теҳрон конференциясида ҳам АҚШ ва Англия давлатлари томонидан илгари сурилди. Аммо, СССР бунга қарши чиқади. 1945 йил 4-12 февраль кунлари Ялтада бўлиб ўтган конференцияда ҳам АҚШ Германияни 5 га Англия 3 га бўлишни таклиф қилганди. Германия масаласи 1945 йил 17 июлдан 2 августгача Потсдамда булиб утган конференцияда узил-кесил хал этилди. Конференция Германия маглубияти тугрисидаги Декларациями ва Ялтада ишлаб чикилган Германияга нисбатан сиёсат тамойиллари курсатилган Коммюникени тасдиклади. Германия, шу жумладан, Берлин хам 4 та оккупация зоналарига ажратилди. Бунда совет оккупация зонаси Германия худудининг 40% ини, ахолисининг 30% ини, ишлаб чикариш салохиятининг 33% ини уз ичига оларди. Потсдам конференцияси Германиянинг янги чегараларини белгилади: Шаркий Пруссия СССРга

берилди, Одергача булган худуд ва Гарбий Нейсе Польшага, Судет вилояти Чехословакияга кайтарилди, Австрия мустакиллиги тикланди. Польша, Чехословакия ва Венгрияда яшовчи олмонлар мажбуран Германияга кучирилди. Иттифокчилар Назорат Кенгаши (СНС) 1945 йилнинг июн ойида ташкил килинди.

Урушда Гер маниясинг талофати 13,5 миллион кишини ташкил этди. Уруш Германияни ахолисининг ундан бир кисмидан махрум килди. 1946 йилда саноат ишлаб чикариши урушдан олдинги даврга нисбатан уч баравар кискарди, кишлок хужалиги уттиз йил оркага кетди. Иктисодиётга ишчи куч етишмас эди. Транспорт тузилмаси ва энергия тизими бутунлай ишдан чиккан эди, минтакаларарo савдо алокалар узилди. Шаркий Германия саноатининг 60% и давлат сектори ихтиёрига утди. 1945-1946 йилларда аграр ислохот хам утказилди. Юнкерлар ва черковдан мусодара килиб олинган 3,3 млн гектар ер, улардаги хужалик иншоотлари, чорва ва 6 мингта тракторлар билан биргаликда 560 минг нафар ерсиз ва кам ерли дехконларга булиб берилди. Бу шаркий зонадаги кишлок хужалиги ерларининг 33% ини ташкил этарди.

1946 йил охирида АҚШ ва Англия ўзларига тегишли зоналарни бирлаштириб бизона ташкил этдилар. 1945 йил ноябри-1946 йил октябрида Нюрнбергда Халкаро трибунал суди фа шият курсатди. Унинг давомида нацист ва харбий жиноятчилар жавобгарликка тортилди. Денацификация (фашизм ни йук килиш) буйича махаллий олмон комиссиялари (шпрухкеммер) ташкил килинди. Улар иттифокчиларнинг трибуналлари билан Хамкорликда айбланувчиларнинг айбдорлик даражасини аникларди. 1947 йилнинг бошидаёк Германиянинг тараккиёт йуллари маса- ласида иттифокчилар уртасидаги сиёсий музокара ооши берк кучага кириб колгани яккол куринди. 1948 йилдан бошлаб “Маршал режаси”нинг амалга оширила бошлаши АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Францияг 1957 йилгача Саар кўмир ҳавзасини ижарага бериш эвазига бизона тризонага айланди. 1948 йилнинг феврал-июн ойларида Германия масаласи буйича Лондон конференцияси булиб утди. Унда биринчи бор совет делегацияси иштирок этмади. Маршалл режаси” амалга оширила бошлаганининг биринчи йилидаёк Гарбий зоналар АКШдан 2 422 млрд доллар (бу курсаткич Франция ва Буюк Британия биргаликда олган маблағга тенг, ёки Италияникидан 3 баробар кўп эди. Гарбий зоналарда пул ислохоти 1948 йил 20 июнда бошланди. эски пулларнинг шарқий зонага оқиб келишини тўхтатишга уриниш ва Ғарбий Берлинни қамал қилиш СССР учун тескари таъсир берди. АҚШ самолётлари ҳар куни 13 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиб турди. Бу ҳол Ғарбий Берлинда Ғарбий зоналар пулини бекор қилингунига қадар давом этди.

1949 йил апрелида АҚШ, Англи, Франция зоналарида ГФР ташкил этилди. 1949 йил октябрда ГДР тузилиши билан Германиянинг бўлиб ташланиши якунига етди. ГФР дастлаб 9 та ўлка (1957 йилдан Саар қўшилгач 10 та)дан иборат эди. Марказий хокимият тузилмаси: Парламент, Президент ва Канцлер бошчилигидаги федерал хукуматдан

иборат булди. Парламент олий хокимият орган и булиб, иккита палатадан: фукаролар томонидан сайланувчи Бундестаг (Федерал Совет) ва земеллар хукуматлари томонидан тайинланувчи Бундесрат (Федерал Кенгаш)дан иборат булди. Конституциям кура, федерал Канцлер бутун ижро этувчи хокимиятга, жумладан, хукумат таркибини тайинлаш ва конун чикарувчилик ташаббуси билан чикиш хукукига эга. 1949 йилнинг 14 августида Бундестагда булиб утган биринчи сайловларда. Христиан демократик союз (ХДС) 25,2%, (115 мандатга), Христиан социал союз (ХСС) 5,8% (24 мандатга), Германия Социал-демократик партиясини 29,2% (131 мандат) куллаб-кувватлашди. Эркин демократик партия (ЭДП) 11,2% овоз билан 52 мандатга эга бўлди. 12 сентябрда мамлакат Президентлигига Озод демократик партия (ОДП) рахбари Т.Хейс сайланди, 15 сентябрда эса К. Аденаур федерал Канцлер лавозимини эгаллади.

50-70 йилларда ГФР

Аденауэр канцлерлиги даврида мамлакат иқтисодиёти тез ривожланиб борди. Иқтисодиётда 1951 йилдаёк яхши томонга узгариш сезила бошлади. 1952 йилда эса нархлар усиши тухтади, ишсизлик камая бошлади. Кейинги йилларда кескин иктисодий усиш руй берди. Йилига 9-10%, 1953-1956 йилларда эса йилига 10-15% гача усишга эришилди. ГФР Гарб мамлакатлари орасида саноат ишлаб чикариши буйича иккинчи уринга чикиб олди (1967 йилда Япония ГФРни учинчи уринга тушириб куйди). Катта экспорт туфайли Англия, Франция ва Швеция давлатларини кушиб хисоблаганда, уларнинг у мумий захирасига тенг олтин захира яратилди. Германия маркаси Европада энг кучли пулга айланди. 50-йилларнинг охирида ишсизлик амалда йуколди, ахолининг реал даромадлари 3 баробар ошди. 1952 йилдаги “Корхоналарда ишчилар ахволи тугрисида”ги қонунга кўра иш хафтаси 52 дан 46 соатга туширилди, ойлик маош эса урушдан ол дингига нисбатан ошди. 1960 йилда “Ишлаётган ёшлар хукукларини химоя килиш тугрисида'' қонун кабул килинди, 1963 йилда барча мехнаткашлар учун мехнат таътили белгиланди.

Иктисодий сиёсат ташаббусини вазир людвиг Эрхард кулига берган Аденауэр ГФРнинг халкаро мавкеини мустахкамлаш учун харакат килди. Ташки сиёсатдаги ил к кадам ГФРнинг Шимолий Атлантика блоки НАТО (1955 й)га кушилиши булди. Германия суверенитетининг тикланиши борасида Аденауэр “Плевен режаси”га алоҳида урғу берди. Унда “Европа мудофаа жамияти”ни тузиш хакидаги музокаралар булди. Бу ГФРнинг 1952 йилда бўлиб, унда оккупацион режимнинг бекор килиниши, ГФРга ички ва ташки ишларда мустакиллик бериш эътироф килинганди. 1955 йилда ГФР ҳукумати СССР билан муносабатларни нормал лаштиришга харакат килиб, Аденауэр сентябрда Москвада бўлди. Аммо, Германиянинг бирлашиш масаласи барбод бўлгач, декабр ойида ГФРнинг ГДРни тан олган ҳар қандай давлат билан алоқасини узиш тўғрисидаги баёноти эълон қилинди. 1955-1957 йилларда Саар муаммосининг макбул ечими, яъни унинг ГФРга кайтарилиши Франция билан якинлашишга замин тайёрлади. Бу

мамлакатлар 1957 йилдаги Европа Хамжамиятиии яратиш тугрисидаги Рим Шартномаларининг тайёрланиши ва имзоланишида катта роль уйнади. Аденауэр Франция Президенти Шарль де Голл билан якин шахсий муносабатлар урнатишга муваффак булди. Иккала рахбарнинг 1960 йилда Рамбуйе, 1962 йил июлида Парижда учрашувлари хамда 1962 йил сентябридаги Ш. де Голлнинг ГФРга тантанали ташрифи иккала мамлакатнинг стратегик иттифокини расмийлапггириш имконини берди. 1963 йил январь ойида Франция ва ГФРнинг турли сохаларда хамкорлик килиши, ташки сиёсатни тартибга солиш, мамлакат рахбарлари (камида бир йилда 2 марта) ва ташки ишлар хамда Мудофаа вазирлари (уч ойда бир марта) иштирокида мунтазам маслахатлар олиб бориш тугрисида Шартнома имзоланди.

1963 йил 15 октябрда Аденауэр 14 йиллик канцлерликдан кейин истеъфога чикди ва Бундестаг Мажлисида Людвиг Эрхард федерал Канцлер этиб сайланди. “Иктисодий усишининг давом этиши нихоятда юкори турмуш даражасини саклаб колишга имкон берди. 1966 йилда утказилган суровларга кура, олмонларнинг 89% и уз даромадларидан коникишларини, 45% и эса “керагидан хам ортикрок” даромад килаётганликларини атиги 10% и даромадлардан норози эканлигини кўсатди. Ташки сиёсатга оид масалаларда Эрхард “центристик” позицияни саклаб колишга харакат килди. У 1963 йилда АҚШ таклиф килинган НАТОнинг куп миллатли ядро кучлари гоясини куллаб-кувватлади ва ГФР худудида НАТО мамлакатларининг харбий иштирокини саклаб Колишга харакат киларди. Аммо, шу билан бир вактда, Эрхард 1963 йил августида СССР, Буюк Британия ва АҚШнинг атмосфера, космик кенглик ва сув остида ядро синовларини тухтатиш тугрисидаги Москва Шартномасига хам ижобий бахо берди. Эрхард партияиси ичидаги норозилик, унга қарши коррупция иши, солиқларни ошириш таклифининг парламентда қўллаб-қувватланмаганлиги сабабларидан 1966 йил 1 декабрда Эрхард истеъфога чикди. Унинг урнини христиан демократларнинг янги рахбари Курт Кизингер эгаллади. У Иктисодиёт вазири Шиллер ва Молия вазири Штраусларнинг самарали хамкорлик килишига эришди. Микроиктисодиётни тартибга солиш сохасида “Шиллер-Штраус дастури” Эрхарднинг ижтимоий бозор хужалиги гоясига мос ту шар эди. Хукумат фаол- лиги иктисодий ривожланиш курсаткичларининг яхшиланишига сабаб булди. 1968 ва 1969 йилларга келиб, саноат усишининг илга- риги суръатлари тикланган эди (11,8% ва 12,9%). Молиявий бозор мустахкамлиги хамда хукуматнинг энг куп зарар курган сохаларга (курилиш. металлургия, машинасозлик) каратилган кредит сиёсати бунга ижобий таъсир курсатди. Охирги ун йиллик давомида ишлаб чикаришда фан ва техника ютукларининг кенг жорий этилиши саноатда кайта куришнингтугаланиши ва экспортнинг тез усишида катта ахамиятга эга булди. Энг янги сохалар, айникса, электроника, кимё ва атом энергетикаси сохалари жадал ривожланди. 60-йилларнинг охирига келио ЕИХ мамлакатларига Гарбий Германия экспортининг 47% и ва импортининг 53% и тугри келди.

Ташқи сиёсатда ГДР Хукумати билан дастлабки алокалар урнатилди, Югославия билан дипломагик муносабатлар тикланди, Руминия билан иктисодий алокалар кучайтирилди. ГФР бу йиллар давомида ғарб мамлакатлари ичида СССРнинг асосий экспортчисига айланди. Аммо, бу норозиликларни ҳам келтириб чиқарди. Кизингер “нацист режими” даврида Ташки ишлар вазирлигининг сиёсий ташвикот булимида ишлаган эди. ХДС рахбари таржимаи холидаги бу сахифалар кенг оммага маълум килинди. Кизингер атрофидаги шов-шувлар “айсберг чуккиси” эди, холос. 60- йиллар охирида ГФРни ижтимоий норозилик камраб олди. 1967-1968 йилларда ГФР университетларида талабаларнинг норозилик харакатлари бошланди. Гез орада талабалар харакати сиёсий тус олиб, АҚШнинг Вьетнамдаги уруши, хукуматининг Африка ва Якин Шаркдаги диктатура режимлари билан хамкорлигига карши намойишлар булиб ўтади. Талабалар ичида атроф-мухит химоячилари -яшиллар харакати шакллана бошлади. “Янги сул” гоялари билан бирга, маоизм, троцкизм, анархизм каби назариялар хам кучайиб борди. 60-йиллар охирида ёшларнинг илк террорчилик гурухлари шакллана бошлади. Улар ичида энг машхури “Кизил армия фракцияси" (КАФ) эди. У 1968 йилда ташкил топган. ГФРда миллатчилик, неонацистик характерга эга булган унг радикал харакатлар хам пайдо булди. 1969 йил 29 сентябрда Бундестагга булган сайловлар социал-демократларга муваффакият келтирди. В.Бранд бошчилигидаги канцлер бўлди. Брандт маъмурияти илстимоий химоя дастурларини анча кенгайтирди. 1970 йилда болаларга ижтимоий туловлар, кам таъминланган оилаларга уй-жойлар учун дотациялар хажмини ошириш тугрисидаги конунлар, 1971 йилда талабалар ва укитувчиларни мажбурий сугурта килиш амалиётини кенгайтирувчи “Ижтимоий сугурта тизими тугрисида”ги Конуни, 1972 йилда “Нафакани ислох килиш тугрисида’ти Крнунлар кабул килиндики, булар мамлакатда хаётида ижобий роль уйнади. Ташқт сиёсатда Брандт хукумати СССР, Польша ва Чехословакия билан музокаралар олиб борди. Бу музокаралар “Шаркий Шаршомалар (1970 йил 12 августдаги Москва, 1970 й Варшава, 1973 йил декабрда Прага) имзоланди. Бу Шартномалар иштирокчи- лари урушдан кейинги чегараларнинг бузилмаслигини (жумладан, Одер-Нейсе дарёлари буйлаб чегараларнинг хам) эътироф этар, худудий даъволардан ва халкаро муносабатларда куч ишлатишдан воз кечишни кузда тутар эди. 1971 йил ноябрда Гарбий Берлин макоми буйича, АКШ, Франция, Буюк Британия ва СССР уртасида турт томонлама Битим имзоланди. 1972 йилда кучга кирган ва Гарбий Берлин масаласида куч ишлатишдан воз кечишни, урушдан кейин гузилган Шартномалар асосида Гарбий Берлин макомини белгилашда катта ахамиятга эга булди. 1973 йилда ГДР ва ГФР БМТга аъзоликка кабул килинди. Брандтнинг ташки сиёсати мухолифат кучларнинг газабини кузгатди. Бранд ҳаётига оид турли жараёнлар қизғин баҳсларга сабаб бўлди. 1974 йил 5 майда Брандт истеъфо берди. Канлер лавозимини Гельмут Шмидт эгаллади.

Жаҳон молиявий инқирози ҳолатида 1974 йилда ГФРда ЯИМ 4% га, саноат ишлаб чикариш даражаси 7,5% га пасайди. Ишсизлар 1,2 миллион

кишидан ошди. Аммо 1975 йилдан вазият баркарорлашди, 1977 йилга келиб инқироздан олдинги ҳолатдан ўтиб кетди. 1972-1979 йилларда немис маркаси долларга нисбатан 85% га, француз франкига нисбатан 48% га, фунт стерлингга нисбатан 98% га ошди. Марка халкаро хисоб-китобларнинг кенг таркалган воситасига айланди ва турли мамлакатларнинг валюта за-хираларидан жой олди.

Шаркий Европа мамлакатлари худудида “СС-20” типидаги совет ракеталарининг жойлаштирилишидан сунг, ГФР НАТОнинг ядро куролларини янгилашни куллаб-кувватлашда фаол иштирок этди. ГФР НАТОдаги шериклари билан биргаликда СССРнинг Афгонистонга интервенциясини кескин каролади. Олмон спортчиларига Москвада булиб утадиган 1980 йилги олимпиадада катнашмаслкка курсатма берилди. Аммо, арбий Германия дипломатияси 1981 йил Женевада бошланган Совет-Америка музокараларини куллаб-кувватлади.

1978-1979 йилларда “яшиллар партиялари Бавария, Бремен. Гамбург, Баден-Вюртемберг ва Гессенда пайдо оулди.

1980-1982 йилларга келиб хукумат ахвол ёмонлаша бошлади. Гарбнинг барча ривожланган мамлакатларида бошланган инкироз ГФРга жиддий таъсир курсатди. Ишсизлик 9% (2,5 млн киши)ни ташкил этди. Бюджет танцислиги икки баравар ошди. Урушдан кейинги даврда биринчи марта Гарбий Германияда саноат ва молия корхоналарининг касодга учраши (банкрот) руй берди. Либерал коалицияда парчаланиш юз берди.

ГДР 50-70 йилларда

ГДР 1949 йил 7 октябрда ташкил топди. Унинг 1-Президенти В.Пик бщлди. О.Гротевалъ ҳукуматни шакллантирди. Тугридан-тугри умумий сайловлар асосида сайланадиган Халк Палатаси, 1949 йилги Конституцияга кура, ГДРнинг олий органи эди. 1960 йилда Президентлик лавозими хам бекор килинди. 1949 йилдан 1960 йилгача (вафотига кадар) бу лавозимни В. Пик эгаллаган эди. Президентлик лавозими урнига давлат рахбари вазифасини бажарувчи орган - Давлат Кенгаши ту- зилди. Ижро этувчи хокимият Министрлар Совети булиб, у хам Давлат Кенгаши каби Халк Мажлиси томонидан сайланар эди. 1950 йил октябрида Прагада булиб утган 8 та Шаркий Европа мамлакатлари конференциясида илк бор “Германиянинг Бирлашган Куролли Кучларда иштироки” тугрисида суз борди. 1950 йили ГДР узаро Иктисодий Ёрдам Кенгашига кабул килинди. 1952 йилда ГДРда социалистик тузум асосларини яратишнинг бошлангани расман эълон килинди. Давлат бошкарувини марказлаштириш даражаси нихоятда кучайди. ГДР рахбарияти Умумгермания муаммосини хал килиш масала-сига нисбатан ута муросасиз мавкени эгаллади (Гарбда бу сиёсат “Ульбрихт доктринаси” деб номланди). Умумий Битим (1954 йил 26 майда) имзоланиши пайтида ГДР Хукумати ГФР билан чегара буйлаб "таъкикланган зона” яратишини эълон килди. У тикаили сим, чегара пости, патруль ва хоказолар билан таъминланган мустахкам минтака куринишига эга булди. Германия муаммосида СССР ва Гарб мамлакатлари уртасидаги 1953-1955 йиллардаги музокаралар- нинг муваффакиятсизликка учраши

ГДРнинг социализм системаси лагерига утиб кетишини таъминлади. 1954 йилда СССР репараци- янинг колган кисмини олишдан воз кечди ва ГДРга узига карашли Шаркий Германия худудидаги саноат корхоналарини топширди.

1955 йилда ГДР Варшава Шартномаси Ташкилоти (ВШТ)га аъзо булиб кирди. 1961 йил ёзидан бошлаб аздлининг ГДРдан Берлиндаги очик чегара оркали Гарбга кучиши бошланди. Агар 1959 йилда ГДРии 144 минг киши. 1960 йилда 203 минг киши тарк этган булса. 1961 йил нинг факат июл ойида ГФРга 30 минг, август ойининг биринчи ун кунлигида 48 минг киши кочиб утди. 1961 йилнинг 13 дан 14 августига угар кечаси СССРнинг ташаббуси билан Берлиннинг гарбий ва шаркий секторларини ажратиб турувчи темир бетон девор кад ростлади.

1963 йилдан "социалистик бозор" моделини яратишга каратилган иктисодий ислохотни амалга ошириш бошланди. 1968 иил Конституцияси ГБСП ролини янада аникрок белгилаб куйди. Ульбрихт ва унинг тарафдорлари мамлакатда партия етакчи мафкуравий-сиёсий куч булиши керак. аммо маъмурий бошкарув Давлат Кенгаши кулида булиши керак, деб хисоблашарди. ГДР рахбариятининг 1968 йилдаги Прага бахори" вокеаларига муносабати намойишкорона рухда булиб, ГДРнинг харбий кучлари "Прага бахори катнашчиларини конга ботиришда иштирок этди. 1971 й Ульбрихт илтимосига кўра раҳбарликдан кетиб, фахрий раҳбарга айланди. Э.Хонеккер турмуш даражасини кутариш оркали жамиятда ижтимоий тинчликка эришишга харакат киларди. 70-йилларда ГДРда нархлар баркарор сакланган холда, ойлик маош ва нафака туловлар ошириб борилди. Дунёдаги нокулай иктисодий вазиятга карамасдан 70-йилларнинг биринчи ярмида мамлакат миллий даромади 33% га ошди. "Хонеккер режими" Умумгермания масаласига муносабатни тубдан узгартирди. 1971-1972 йилларда Гарбий Берлин масаласида иккита Германия давлатлари уртасидаги муносабатларда олдинга силжиш руй берди. Аммо бу янгиликларни куллаб-кувватлаган Хонеккер (ажралиш, айрилиш, узоклашиш, тусик яратиш) "алохидалик" сиёсатини куллаб, бирлашиш масаласига карши эди. ГДР Конституциясининг янги тахриридан (1974 й.) "Германиянинг бирлашишга эришиши давлат сиёсатининг асосий максади" деган банд олиб ташланди. Ушбу банднинг урнига "ГДР-социалистик хамдустликнинг ажралмас кисмидир'' ва СССР билан иттифокчилик муносабатлари абадий ва дахлсиздир", деган банд киритилди. Икки олмон давлати фукаролари уртасидаги алокалар чеклаб куйилди. ГФР билан чегаралар буйлаб кесиб утувчиларни отиб ташлаш холлари тез-тез руй бериб турди. "Узоклашиш" сиёсати Шаркий Германия рахбариятига "махбуслар билан савдо-сотик килиш"га халакит бермади: маълум тулов эвазига ГДРда "давлатга карши жиноятда айбланган шахслар озод килиниб, ГФРга сотилар эди. Бу амалиёт 60- йиллардаёк ГФР ташаббуси билан бошланган эди, аммо бу савдо айнан Хонеккер хукмронлиги даврида нихоятда кенгайди. 1964-1989 йилларда жами 33 минг кишининг хар бири урта хисобда 95847 дойч маркадан сотилди.

Германиянинг бирлашиши Г.Колл даври

ГФРда Г.Колл даврида Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини янада камайтириш йўлидан борди. Хусусийлаштиришнинг биринчи ун йиллиги давомида Г. Коль хукумати (1982-1992) бюджетдан атиги 10 миллиард марка олди, холос. Ишлаб чикаришнинг инкироздан чикиши 1983 йилдан бошланди ва кейинги 8 йил давомида ишлаб чикариш хажми баркарор усиб борди. Усиш чуккиси 1990 йилга тугри келди, *ЯИМ* усиши уша йили 4.5% ни ташкил этди. Айникса, машинасозлик. автомобиль, кимё, электротехника сохалари юкори суръатлар билан ривожланди. Экспорт хажми буйича ГФР АҚШдан кейин иккинчи уринни эгаллади. Саноат ишлаб чикаришнинг усиши натижасида экспортнинг тез усиб бориши ташки савдонинг баркарор ошириб боришга имкон берди. 1990 йилда ташки савдо микдори 148,5 миллиард маркани ташкил этди (икки йил олдин 128 млрд марка эди).

Гарбий Германия дипломатияси Буюк Британиянинг Фолкленд (Мальвин) ороллари учун курашини ва АКШнинг Гренадага бостириб киришини маъкуллади. Коль хукумати Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ) дастурига кушилди. 1986 йил Рейкявикда булган АҚШ-СССР олий даражадаги музокараларида Рейганнинг позициясини куллаб-кувватлади. 1988 йил октябрида Г.Кол нинг Москвага сафари ва 1989 йил июнидаги М.Горбачевнинг жавоб ташрифи иккала мамлакат рахбарияти уртасидаги самарали мулокотга замин яратди.

80-йилларда ГФР ва ГДР ўртасида муносабатлар илиқлашди. Г.Коль хукумати ГДРни иктисодий жихатдан куллаб-кувватлаш буйича чоралар курди. 1983-1984 йилларда умумий киймати 1,9 миллиард маркадан иборат кредит бериш тугрисида Шартнома тузилди. Иккала мамлакат университетлари, шахар жамоалари. ижодкор зиёлилар гурухдари уртасида тугридан-тугри алокалар урнатилди. 1987 йилда тарихда илк бор ГДР рахбари Боннга ташриф буюрди. Агар 1971 йил ГДРнинг Гарб давлатларидан карзи 3,5 млрд маркдан иборат булган булса, 1989 йилга келиб у 10 баровар ошди. Молиявий инкироз хавфи аник булиб колди. ГДР ахолиси орасида барча муаммоларни Германиянинг кушилиши оркали хал килиш гояси тобора кучайиб борди. 1989 йил 18 октябрда ГБСПнинг IX пленумида Хонеккер эгаллаган лавозимларидан четлаштирилди. Унинг урнини Эгон Кренц эгаллади. 1989 йил декабр бошида юз берган “Шаркий Германияда кайта куриш’’ вокеаси ГБСП сиёсий монополиясининг бархам топиши га олиб келди. 1990 йил 12 сентябрда “2 + 4” (ГФР, ГДР ва АҚШ, СССР, Франция, Англия) иштирокчилари томонидан "‘Германия масаласини узил-кесил хал этиш тугрисида’ги Шартнома имзоланди. 3 октябрдан бошлаб ГДР дунё харитасидан учирилди. Бундестагнинг 1990 йил 20 декабрдаги Таъсис мажлисида Канцлер Г.Коль бошчилигидаги биринчи Умумгермания хукумати тузилди. Мамлакат бирлашуви келтириб чикарган улкан иктисодий кийинчиликларга карамасдан, ГФР Маастрихт (1991 й) келишувлари асосида интеграцияни чукурлаштиришнинг фаол тарафдорларидан булди. Германия Шаркий Европада хам фаоллашиб, Венгрия, Чехия, Польша, Болтик денгизи мамлакатларини жалб этувчи стра-

тегик иттифокчига айланди. 1991 йилда ГФР Хукумати Югослави- ядан биринчи булиб ажралиб чиккан иккита: Словения ва Хорватия республикалари суверенитетини тан олди. Г. Кольнинг бу кадами федерацияга каттик зарба булса-да, бирок Германиянинг Словения ва Хорватиядаги халкаро мавкени мустахкамлади.

Земелларга молиявий маблаглар куйиш 1991 йилда 140 млрд, 1992 йилда 152 млрд ва 1993 йилда эса 182 млрд маркани ташкил этди. ГФР эса бу даврда янги иктисодий инкирозни бошдан кечираётган эди. Инкирознинг энг юкори нуктаси 1993 йилга гугри келди, унда ЯИМ усиши 1,1% ни ташкил этди. Машинасозликнинг егакчи тармокларида ишлаб чикаришнинг пасайиши 20-25% ни ташкил этди. Ишсизлик кучайди. 1994 йилда иктисодий ахволнинг жонланиши кузга ташланди. ЯИМнинг усиши 2,8% ни ташкил этди. 1997 йилга келиб, ишсизлар иктисодиётдаги фаол ахолининг 11,3% ини ташкил этди. Ун йиллик бошида ЯИМ 40% ини ташкил этган, давлат карзлари хам мунтазам усиб борди ва 1996 йилга келиб ЯИМнинг 60% идан ошиб кетди.1998 йилги сайловларда канцлерлик лавозимини Герхард Шредер эгаллади.

XXI аср бошларида Германия

Ташки сиёсатга хам Шредер катта тузатишлар киритди. 1999 йилда Германия ЕИнинг раиси бўлишига карамасдан, валюта иттифокини шакллантиришга каратилган Умумевропа дастурлари лойихаларини маъкуллашга шошилмади. Босния воқеаларига муросасиз ёндашди ва НАТО билан алоқаларни мустаҳкамлади. 2000 йилда Германия дипломатияси Россиянинг ташки карзлари масаласида етарлича муросасиз йул тутди. ГФР Ялпи миллий махсулоти микдори буйича Евро- пада биринчи, жахонда учинчи уринда туради. ЯММ микдори - 1 трлн 950 млрд доллар; жон бошига - 30150 доллар (2005 й.); йиллик усиш — 2,8 фоиз (2008 й.). ГФРга жахон ЯММнинг 7,8 фоизи, ЕИ ЯИМнинг 28 фоизи тутри келади. ГФР жахон саноат махсулотининг 6,8 фоизини бермовда. Мамлакат саноатида металлургия, кимё, электро техника, машинасозлик сохалари, курил иш саноати юкори даражада ривожланган. Йилига 43 млн тонна пулат, 6 млн дона автомобиль (“Опель”, “Мерседес-Бенц'' машиналари хаммага яхши маълум) ишлаб чикаради. 780 млрд кВт соат электро энергия ишлаб чикаради. Атом энергияси 20 фоизни ташкил этади. Энергия манбаи - тошкумир (35 фоиз). Унинг захиралари 20 млрд тоннага тенг.

Мамлакат нихоятда унумли кишлок хужалигига эга булиб, унинг бу сохадаги улуши ЯММнинг 15 фоизига тугри келади. Бу сохада ахолининг 5 фоизи банд. Ички истеъмолнинг 90 фоизи шу хисобдандир. Аграр сохада чорвачилик етакчи хисобланади. Махсулотнинг 67 фоизи шу тармокка тугри келади. Йил давомида жон бошига уртача 97 кг гушт махсулотлари истеъмол килинади. Мамлакатнинг гарбий улкаларида гектаридан 65-67 центнер, шаркий улкаларда эса 52-54 центнердан хосил олинади.

2002 йилги Парламент сайловларида хам Социал-демократик партия куп овоз олиб, Шредер иккинчи марта Канцлерлик лавозимини эгаллади. Бирок Шредер хукумати мамла- катдаги мавжуд муаммоларни тулик

бартараф килолмади. 2006 йилги Бундестагга булган сайловларда ХДС ва унга иттифокчи булган партиялар галаба козонди. А.Меркел ГФР Канцлерлиги лавозимини эгаллади. У 2010 йилги Парламент сайловларида хам галаба килиб, навбатдаги муддатга кайта сайланди. 2008 йилда АКШда дастлаб молиявий инкироз сифатида бошланган, сунгра иктисодий с-охани хам камраб олган инкироз дунёнинг ривожланган мамлакатларини, шу жумладан, ГФРни хам камраб олди: саноат махсулотларини ишлаб чикариш кискарди, ишсизлар сони 8 млн кишидан ошди, ташки савдо кискарди; кишлок хужалиги издан чикди, унлаб банклар син- ди; ахолининг даромад куввати камайди. Шунга карамай, ГФР Европа Иттифокида етакчи давлатлигича колмокда. Узбекистон билан ГФР уртасида 1992 йил 6 мартда дипломатик муносабатлар уриатилди.

АКШ Иккинчи жахон урушидан кейинги йилларда

1. Урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШ
2. Урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШ ташқи сиёсати

АҚШ, бошка мамлакатларга Караганда Иккинчи жахон урушида энг кам зарар курди. Бор-йути 300 минг одам халок булди ва бедарак йуколди. Бундан ташкари, уруш Америка иктисодиётининг жадал усиши омилига айланди. Масалан уруш йилларида АҚШда ишлаб чикариш куввати икки баравар, экспорт хажми эса беш бараварга ошди. АКШ урушдан хам иктисодий, хам харбий-сиёсий жихатдан кудратли булиб чикди. 1948 йилда капиталистик дунё ишлаб чикаришида АКШнинг хиссаси 54,6% ни, олтин захираси эса дунё олтин захирасининг 53,3%) ини ташкил этди. АҚШ капиталистик дунё саноат ва харбий стратегик ашёлар захирасининг 50%) ин, жахон капиталистик саноат ишлаб чикаришининг *62%* ини, кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикаришнинг *32%* ини бера бошлади. Дунё капиталистик экспортидаги хиссаси *40%* ни ташкил этди. 1945 йилда АКШнинг савдо флоти 1941 йилдагига нисбатан 2,3 баравар ошди. Уруш охирида АҚШ капиталистик дунёда энг куп сонли ва кудратли армияга эга булган давлатга айланди. 1949 йилгача у атом куроли монополиясига танхо эгалик килди ва ундан 1945 йилда фойдаланди.

1944-1946 йилларда харбий харакатлар тугагандан сунг, армиядан бушаган харбийлар ва ахолининг кашшок катламй ахволини яхшилашга йуналтирилган бир катор конунлар кабул килинди. Булар жумласига, уруш катнашчилари учун катта имтиёзлар беришни кузда тутган “Аскар билли” (билл-мухрланган хужжат) муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1945 йил апрелида Ф. Д.Рузвельт вафотидан сунг АҚШ Президенти оулган Г. Трумэн уз сиёсатини

“Адолатли йул” деб атади. Ўз мохиягига кура ишчиларга карши булган “Тафт-Хартли” Конуни 1947 йил 23 июнда кабул килинди. Бу конун, жумладан, давлат хизматчилари уюштирган ва барча сиёсий йуналишдаги норозиликларни, бойкот ва пикетларни таъкиклаб куярди. Хукумат норозилик намойишлари ва иш ташлашларни 80 кун муддатга тухтатиб куйиш хукукига эга булди. Касаба уюшмаларига иш ташлаш хакида 60 кун олдин корхона эгаларини хабардор килиш вазифаси юклатилди. Корхона эгаларининг илтимоси билан касаба уюшмалари судга тортиладиган булди. 1959 йилда “Лэндрем Гриффин” конунини кабул килиш антисовет, антикомунизм кайфиятида бўлди. шафкатсизлик билан антикоммунистик ва антисовет сиёсат олиб борилиши 1950-1953 йиллардаги “Маккартизм”да намоён булди. Сенатор Ж. Маккарти рахбарлигида унг доиралар томонидан кенг микёсдаги антикоммунистик ва антисовет компания шундай номланди. Хакли равишда “Алвастилар ови” деб аталган бу компания гуёки СССР бошчилигида жахондаги коммунистлар томонидан АҚШга карши тил бириктириш олиб борилаётир, деган бахона билан уларни жазолашга каратилган эди.

Э. Гувер бошчилигидаги федерал Тергов Бюроси тинтув ва жосусликни авж олдириб юборди. Миллионларча кишилар устидан шахсий папкалар очилди. 152 млн кишининг бармок излари олинди. Агентлар сони 13000 кишига етди. 1959 йилда Кореяда уруш бошлаб юборилгандан кейин харбий холат хам жорий килинди. Маккартизм ички реакцион оким булиб, 1950-1954 йилларда авжига чикди ва ташки сиёсатда СССРга, социалистик мамлакатларга карши уруш килишни таргиб килди. 1951 йилда “Умумий харбий мажбурият тугрисида Конун кабул килинди. Қуролланиш пойгаси авж олди.

Иқтисодий ҳаётда иамлакатдаги хукмронлик 8 та молия гурухи (Морган, Рокфеллер, Кун Лебе, Дюпон, Меллон группалари хамда Чикаго, Кливленд ва Бостон банкла- ри группалари) кулида булди. генерал Эйзенхауэр Президент булганда, хукумат кабинета энг йирик саноат ва молия магнатларидан иборат булди: “Салливэн энд Кромвелл” деган йирик юридик фирманинг эгаларидан бири Жон Фостер Даллес давлат котиби лавозимини, пулат ва кумир буйича энг йирик магнат Жорж Хемфри Молия вазири, “Женерал Моторе’ концернининг президента Чарльз Вильсон Мудофаа вазири лавозимларини эгалладилар, Эйзенхауэр хукуматининг аъзолари 86 та йирик корпорацияда директорлик килди. Энг йирик харбий саноат ва автомобиль концерни “Женерал Моторе” 50-йилларда мудофаа, почта ва телеграф, ички ишлар ва кишлок хужалиги вазирликларида катта лавозимларни эгаллади. Бу концерн мамлакатнинг иктисодий ва сиёсий хаёгига кучли таъсир курсатди. Энг йирик 12 та монополия вакилларидан иборат “Махсус маслахат Комитета” Америка капитализминиш бош штаби

ролини бажарди. Трумэн Прзидентлик даврининг (1945-1952 йиллар) 7 йили ичида олинган соликдар илгариги 32 Президент даврида олинган соликдардан хам ошиб кетди. Монополиялар томонидан ерларнинг тортиб олина бошлаши натижасида фермерлар хароб булди, уларнинг сони кискариб кетди. 1940 йилда майда фермерларнинг сони 6 млн булса, 1951 йилда 3.8 млн булиб колди. Уларнинг карзи купайиб, 1952 йилда 14 млрд, 1954 йилда 171 млрд долларга етди. 1950-1954 йилларда 600 минг фермер хужалиги синди. Мамлакатда негрларнинг ахволи жуда огир эди. Уларнинг сони 17 млн (мамлакат ахолисининг 10% и) булиб, 90% и октанли плантатор- лардан ерни ижарага олиб тирикчилик киларди. Факат 10% негрлар кам микдордаги ерларга эга эдилар. 1954 йилда АҚШ Сенати Маккартини “коммунизмга карши кураш”га ажратилган давлат маблагларини ноконуний узлаштиришда айблаб, жавобгарликка тортишга мажбур булди. Макартизм мағлубиятга учради.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШ ташқи сиёсати

Иккинчи жаҳон уруши якунланиш арафасида иттифоқчилар ўртасида турли масалаларда келишмовчиликлар юзага келди. Тез орада жаҳон сиёсатида совуқ уруш даври бошланди. Бу масалада ташаббус АҚШ томонида булди. “Совук уруш” ва унинг натижасида юзага келган “куч ишлатиш нуктаи назаридан”, “кучлар мувозанатини саклаб турииш, “ялпи уруш олиб бориш” ва бошка шу каби ташки сиёсий доктриналар халкаро кескинликнинг кучайишига ва янги жахон уруши хавфининг пайдо булишига олиб келди. “Совук уруш” сиёсати доирасида Трумэн ташки сиёсатда хавфли кадамлар ташлади ва бир катор ташабоус ларни кабул килди. Улар таркибида "Трумэн докгринаси ва Маршалл режаси” ҳам бор эди. “Маршалл режаси” амал килган (1948-1952) даврдл АҚШ ката микдордаги маблаг - 12,5 млрд доллар ни Европа иқтисодиётини тиклаш ва бу ерда ўз позициясини мустаҳкамлаш учун сарфлади.

Трумэн Германия масаласидаги 1945 йилги *Крим* ва Потсдам Конференцияси карорларини купол равишда бузиб, Германиянинг иктисодий. сунг сиёсий жихатдан булиниб кетишига уз хиссасини кушди. АКШнинг Узок Шаркдаги сиёсати ошкора реакцион ва та- жовузкорлик сиёсати эди. АКШ Хитой халкининг миллий-озод- лик курашини бугиб, чан кай шичиларни хар томонлама куллаб- кувватлади. 1946 йил 4 ноябрда Трумэн маъмурияти Чан Кай Ши хукумати билан “Дустлик савдо алокалари ва денгизда кемалар катнови тугрисида” тенгсиз Шартнома тузди. Чан Кай Шига 6 млрд доллардан ортик хажмда харбий материаллар юборди, 166 та гоминдан дивизияси куроллантирилди. 757 та харбий ва ёрдамчи кемалар, 1720 та харбий самолёт; мингдан ортик маслахатчилар юбо- рилди. Бирок АКШ 1947 йил апрелда уз кушинларини Хитойдан олиб чикиб кетишга

мажбур булди. 1945 йил сентябрида АКШ япон кушинларини куролсизлантириш бахонасида уз кушинларини Жанубий Кореяга киритди. 1945 йил декабрда Москвада булган Буюк давлатлар Ташки ишлар министрлари Кенгашининг Кореяни бирлашган мустакил давлатга айлантириш тугрисидаги карорини бузиб, уз кушинини олиб чикиб кетмади ва Жанубий Кореяни уз плац- дармига айлантирди. Жанубий Кореяда америкапараст кугирчок Ли Син Ман хукумати тузилгандан кейин, АКШ уз кушинини Японияга олиб чикиб кетди.

АҚШ Якин ва Урта Шаркда уз мавкеини яхшилаб олиш хамда бу худуднинг бойликларига эга булиш учун зур бериб харакат килди. Бу борада АҚШ-Англия ракобати кескин тус олди. АҚШ Бахрайн ороллaридаги (Жанубий Эрон) нефть корхонасини ва собик Англия-Эрон нефть компаниясини амалда узига каратиб олди. Саудия Арабистонида АКШнинг ‘"Арамко” нефть концерни тузилади. Бу концерн факат 1951 йилнинг узида 300 млн доллар фойда олди. Якин ва Урта Шарк нефть бойлигининг деярли 50% и АКШники булиб колди. Янги ташкил топган Исроил давлати Якин ва Урта Шаркдаги (вотчина) мулкига айланди. АҚШ мазкур мулки оркали Якин ва Урга Шарада уз сиёсатини амалга ошира бошлади (хозирги вактда хам шу сиёсат давом этиб келмокда). АҚШ бошчилигида 1947-1948 йилларда булган панамерика конференциялари панамерика харбий-сиёсий блокини расмийлаштирди.

АКШ 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда янги йирик харбий блокни - 12 давлатдан (АКШ, Англия, Франция, Канада, Бельгия ва бошкалардан) иборат агрессий Шимолий Атлантик блок (НАТО)ни тузди. Дастлаб, НАТО блоки 12 мамлакатни уз ичига олган булса, кейинчалик яна учта мамлакат унинг аъзоларига айланди. 1982 йилда эса Испаниянинг аъзо булиши билан унинг аъзоларининг сони 16 тага етди. Социализм системаси емирилгандан кейин, бу блокнинг сафи кенгайиб, аъзолари сони 28 тага етди. 1951 йил сентябрида Трумэн маъмурняти Сан-Франциско конференциясида “Тинч океан хавфсизлигн никоби остида АКШ Австралия ва Янги Зелландиядаи иборат янги харбий иттифок (АНЗЮС) тузилди.

Негрлар энг оғир ишларни бажарсаларда, ок танли ишчилардан 2 хисса кам иш хаки олардилар. Негрларга нисбатан иркчилик сиёсати: хурлаш, тахкирлаш, негрларнинг хак-ҳукукларини чеклаб куйиш, негрларни ок танлилардан ажратиб куйиш (сегрегация) авж олиб кетди. Негрларга, барча прогрессив кучларга нисбатан гангстеризм, таъкиб-жазо чоралари кучайтирилди. Реакцион фашистик ташкилотлар: “Ку-Клукс Клан”, “Америка легиони”, “Ок танли фукаролар Кеигаши” ва бошкалар авж олди. Негрларга карши иркчилик давом этди. 1947 йилда Президент хузурида олий

маслахат органи - Миллий Хавфсизлик Кенгаши тузилди. Уша йили Марказий разветка бошкармаси барпо этилди.

1952 йилги Президент сайловларида 1932 йилдан бери оппозицияда булган Республикачилар партияси галаба козонди. Машхур генерал Д. Эйзенхауэр Президент булди. Эйзенхауэр галабасига, аввало, шу нарса сабаб булдики, у кенг жамоагчилик орасида Корея урушини тугатишга ваъда берганди. Эйзенхауэр Президентликка иккинчи марта 1956 йилда сайланди. СССР билан совук муносабатлар сакланиб колаверди. 1953 йилда АҚШ Ахборот агентлиги тузилди, унинг чет эллардаги агентларининг сони 8 минг кишидан ошди. Мамлакатда миллитаризм, иркчилик ва фашизмга тарафдор булган ташкилотлар фаоллашди. “Жон Бёрч жамияти” Америка нацистлар партияси ва бошкалар усди. АҚШ 1960 йил 1 майда СССР худудига узининг жосуслик самолётини юборди. 22 км баландликда учиб утаётган самолёт Екатеринбург (Свердловск) осмонида уриб туширилди. 1954 йил сентябр-октябр ойларида АҚШ бошчилигида утган Лондон ва Париж Кенгашларида кабул килинган битимлар Гарбий Германияда 500 минг кишилик мунтазам армияни яратиш. Ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз флотини тиклаш, Гарбий Германияни узил-кесил Гарбий блокка ва Шимолий Атлантика Пактига кушиш масласини хал килди. 1956 йил ёзида Миср томонидан миллийлаштирилган Сувайш каналини "интернационаллашти- риш (“Даллас”) режаси” билан чикиб, канални Миср ихтиёридан олишга уринди. 1956 йил кузида Англия, Франция ва Исроилиинг Мисрга карши Сувайш авантюраси барбод булгандан кейин, *Я* кин Шаркни уз и эгаллашга уринди. 1957 йил январида Эйзенхауэр доктринаси” эълон килинди. 1958 йил июнида уз кушинларини Ливанга киритди. Ирокка карши Англия билан бирга интервенция уюштириш режасини ишлаб чикди. Ок уйга келгандан кейин, Эйзенхауэр сайловолди ваъдаларини, айникса, ички сиёсат масалаларига тааллукли ваъдаларини бажа- ришга шошилмади. Маълумки. республикачиларнинг сайловолди дастурида давлатнинг бошкарувчилик ролини кискартириш, эркин ракобат ва эркин бозор тамойилларини тиклаш асосий урин тутар- ди. Аммо сиёсат бобида реалист булган Эйзенхауэр Америка капитализмининг аллакачон корпоратив шаклга эга булганини ва давлатнинг иктисодиёт ва ижтимоий сохалардаги ролини кискарт!фиш эмас. балки ошириш керак деб тушунарди. Шунинг учун ички сиёсатда, айникса, ижтимоий сохада унинг маъмурияти узидан олдин хукмронлик килган демократлар сиёсатини кичик тузатишлар билан давом эттираётган эди.

60-80 йилларда АҚШ ички ва ташқи сиёсат

АКШнинг урушдан кейинги тарихида, хусусан, 1960 йилги Президент сайловларида Демократлар партияси номзоди Массачусетслик 48 ёшли сенатор Ж. Кеннединиг галабаси мухим боскични ташкил этди. Кеннеди маъмуриятининг энг мухим ютуги шундан иборат эдики, республикачилар хукмронлиги давридаёк (1957 ва 1960 йиллар) кабул килинган, яъни мактабларда ва мансабдор шахсларни сайлашда иркий камситишга йул куймаслик тугрисида карор ва конунларни ривожлантирган холда, жамоат жойларида ва ишга кабул килиш пайтида хам иркий камситишни бартараф килишни кузда тутган янги конун лойихасини Конгрессга такдим этди. Хусусий капиталга кенг йул очиб берди. Илмий-техника ривожланди. 1962 йил бахоридан ишлаб чикариш кўтарила бошлади. Саноат 14% га усди. Ишсизлик камайди. Кеннединиг ташки сиёсат масалаларига ёндашуви хам узгача эди. Унинг даврида “Тинчлик корпуси” ташкил килинди. Бу ташкилот колок мамлакатларда иктисодиёт, таълим, согликни саклаш ва бошка сохаларда ишлашга и ста к билдирган кунгиллилардан ташкил топди.

Айни пайтда, Кеннединиг хукмронлик даврида 1959 йилдаги инкилобдан сунг АКШнинг таъсир доирасидан чиккан Куба Худудида совет ракеталарининг жойлаштирилиши 1962 иилги Куба ракета инкирозини келтириб чикарди. 1963 йилда Кеннеди маъмурияти атмосфера, сув ости ва космосда ядро синовларини таъкикдаш тугрисидаги Москва Шартномасини имзолади. Даллас шахрида 1963 йил 22 ноябрда ёлланган котил (ёки котиллар) томонидан улдирилди. Кеннеди урнини Вице-Президент Л. Жонсон эгаллади. 1964 йилги Президентлик сайловларида Л. Жонсон галаба килди. Кеннеди йулини давом эттириб, Жонсон ‘'Буюк жамият" дастурини эълон килди, унинг доирасида бир катор ислохотлар мажмуи ишлаб чикилди ва амалга оширилди. Масалан, 1963, 1965 ва 1968 йилларда таълим сохасида ва ишга кабул килишда негрларнинг иркий камситилишини тугатишга каратилган фукаролик хукуклари тугрисидаги янги конунлар кабул килинди. 1965 йил августида “Негрларнинг сайлов хукуки тугрисида”ги Конун кучга кирди. Буюк мамлакатда Куклукскланчилар ташкилоти “Жоп Бёрч жамияти” ва шу каби фашистик ташкилотлар фаоллашди. Иркчилик авжига чикиб, уларни монополистлар куллаб-кувватлаб турди. 1968 йил апрелда негрлар харакатининг атокли арбоби, “Нобел” мукофоти лауреата, рухоний Мартин Лютер Кинг, 1968 йил июнда демократ сенатор, Президентликка уз номзодини куймокчи булган Роберт Кеннеди (Ж. Кеннединиг укаси) ута унг доиралар томонидан улдирилди. Вьетнамдаги уруш ва социал зиддиятларнинг кескинлашуви ижтимоий-сиёсий ахволни ёмонлаштирди. Шундай вазиятда утган 1968 йилги Президент сайловлари Демократлар

партиясини маглубиятга олиб келди. Аммо Вьетнамдаги урушнинг тобора кенгайиб бориши Жонсон маъмуриятини бир катор куп харажатли ижтимоий дастурларни кискартиришга ёки бутунлай тухтатишга мажбур килди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Европа ва Америка мамлакатлари

АҚШ II жаҳон урушидан кейинги йилларда
СССР II жаҳон урушидан кейинги йилларда
Шарқий Европа мамлакатлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг 4 соат

6. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Халқаро муносабатларнинг Версаль-Вашингтон тизими. Доминион ва мандат системалари.
2. Невилл Чемберлен ва унинг ички ва ташқи сиёсати.
3. 1919-1923 йилларда Германияда ўтказилган ислоҳотлар.
4. 1933 йилларда А.Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши ва Веймар республикасининг қулаши.
5. Гитлер бошчилигидаги национал-социалистларнинг ички ва ташқи сиёсати.
6. Ф.Д.Рузвельтнинг сиёсати ва унинг АҚШ тарихида тутган ўрни.
7. Сталин диктатураси.
8. ССЖИ ва Европа мамлакатлари.
9. Франциянинг 1918-1939 йиллардаги ташқи сиёсати.
10. 2-жаҳон урушидан кейин бўлган босқичини даврлаштириш муаммолари.

6. ГЛОССАРИЙ

Абсалют – лотинча сўз бўлиб, ҳар қандай муносабатлар, шартлардан озод, мутлоқ, муцақил мукаммал маъноларини беради. Давлат бошқарув шаклларидан бири.

Автократия – юнонча сўз бўлиб, аутос – ўзим, кратос – ҳокимият. Якка шахснинг ҳеч қандай қонун, ҳуқуқий меъёрларни тан олмаган, чекланмаган муцабид ҳукумронлигига айтилади**.**

Агрессия – лотинча сўз бўлиб, бир давлат томонидан ўзга давлатга муцақиллигидан маҳрум этиш мақсадида биринчи бўлиб ҳужум қилишга айтилади.

Анархия – юнонча сўз бўлиб, бошбошдоқлик маъносини беради. Давлатда ягона раҳбарликнинг йўқлиги, сиёсий кучларнинг ўзаро курашига нисбатан ишлатилади.

Аннексия – лотинча сўз бўлиб, қўшиб олмоқ маъносини билдиради. Бир давлат томонидан иккинчи давлат ҳудудини зўрлик билан қўшиб олиш. Бирор миллат ва элат вакилларини ўз ҳудудида мажбуран ушлаб туришга айтилади.

Антисемитизм – XX асрнинг 30 – 40 йилларида Германияда яҳудийларга нисбатан ирқий, миллий камситиш ва уларни геноцид қилишга қаратилган сиёсат.

Гегемонизм – бирор бир давлат ёки сиёсий ташкилот, якка шахснинг ҳамма соҳада уцунлик ва ўз ҳукмига бўйнсундиришни англатувчи атама.

Геноцид – юнонча гтнос – насл, насаб ва лотинча саедере – ўлдиряпман, йўқ қиляпман маъносини билдиради. Бу сиёсатни Гитлер, Цалин, Саддам Ҳусайн ва бошқа бир қатор автократ ҳукумдорлар майда миллатларни йўқ қилиш учун амалга оширган эдилар.

Девалъвация – инглизча сўз бўлиб, миллий ёки халқаро бул бирлиги курсининг бошқа мамлакатлар ёки халқаро валъюта бирлигига нисбатан қадрсизланганлигини билдирувчи атама

Де – Факто – лотинча сўз бўлиб, халқаро ҳуқуқ ва муносабатларда расман тан олмай, юридик муносабатлар ўрнатмай, эътироф этишга нисбатан ишлатилган атама.

Де – Юре - лотинча сўз бўлиб, халқаро ҳуқуқ ва муносабатларда расман тан оллиб, юридик муносабатлар ўрнатгандан сўнг, эътироф этишга нисбатан ишлатилган атама

Диверсия – лотинча диққатни бошқа ерга қаратиш маъносини беради. Бирор мамлакат ёки омманинг эътиборини бир томонга жалб қилиб, амалда кўзланган режани бехавотир амалга оширишга нисбатан ишлатиладиган атама.

Ирқ – арабча сўз бўлиб, илдиз маъносини билдиради. Ирқчилик ҳозирда жаҳон жамоачилиги томонидан кэнг қоралансада, у ёки бу мамлакатларда ирқчилик ташкилотлари яширин равишда фаолият олиб борилаётганини кўриш мумкин.

Консерватизм – лотинча сақлаб қолмоқ маъносини билдиради. Мавжуд тартибларни сақлаб қолиш ва ўзгаришларга қаршилик қилувчи ғоявий йўналиш.

Конфедерация – лотинча сўз бўлиб, уюшма**,** иттифоқ, бирлашма маъноларини англатади. Давлат шаклларидан бири. Ушбу давлат бир неча мустақил давлатларда ташкил топади. Масалан Буюк Британия.

Либерализм – лотинча сўз бўлиб, эркинлик маъносини билдиради. Ижтимоий соҳадаги ўзгаришларни эркинлаштиришни ва қўллаб – қувватловчи ғоявий йўналиш.

Маргиналлик – лотинча сўз бўлиб, чекада, чегарада туриш маъноларини беради. Бирор табақа ёки қатламга мансуб бўлмасдан уларнинг оралиғида ўрин эгаллаб туришга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолат жамиятда сиёсий беқарорлик келтириб чиқаради.

Неофашизм – фашизмнинг янги замонавий кўринишларидан бири. Ашаддий жаҳолатпарац, бузғунчи, вайронкор сиёсий оқим.

Нигилизм – лотинча сўз бўлиб, ҳеч қандай, ҳеч нима маъноларини беради. Ижтимоий ҳаётда шаклланган одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил, қонунларни, ўтмишни рад этувчи оммавий маданиятнинг кўринишларидан бири.

Окупация – лотинча ишғол қилиш маъносини беради. Бирор бир давлат иккинчи бир давлатнинг ҳудудини қурол ва зўрлик билан босиб олинишига нисбатан ишлатиладиган атама.

Пацифизм – лотинча сўз бўлиб, яраштирмоқ, бирлаштирмоқ маъносини билдиради. Ҳар қандай урушга, унинг характеридан қатъий назарунга қарши курашишни тарғиб қилувчи ғоя, тушунча.

Радикализм – лотинча илдиз маъносини англатади. Сиёсий тузум ва ижтимоий инцитутларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатлар.

Референдум – лотинча сўз бўлиб, эълон қилиниши лозим бўлган хабар маъносини билдиради. Давлат ва жамият ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан умумхалқ фикрини сўраш.

Суверенитет – французча сўз бўлиб, олий ҳокимият маъносини англатади. Давлат муцақиллигининг умумий ва ажралмас мақоми бўлиб, ички ва ташқи сиёсатда бошқа давлатлар билан тэнг эканлигини ифодалайдиган сиёсий – ҳуқуқий тушунча.

Федерация – лотинча сўз бўлиб, иттифоқ, бирлашма маъноларни билдиради. Цруктурасига кўра учга бўлинади. 1) ҳудудий (АҚШ, Авцрия, Германия, Бразилия, Мексика). 2) миллий (Белъгия, покицон). 3) аралаш (Канада, россия)

Фракция – лотинча сўз бўлиб, емирмоқ, бузиб ташламоқ маъноларини беради. Сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмаси.

Харизма – бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада уцун хусусиятларга эгалиги ва халқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодалайдиган тушунча.

Экспансия – лотинча сўз бўлиб, кэнгайтириш, ёйиш, тарқатиш маъноларини англатади. Кучли давлатларнинг дипломатик, иқтисодий ва ҳарбий усуллар билан ўз таъсир доирасини бошқа мамлакатларга ёйиш сиёсати.

Буржуазия - (фр) мулкдор, савдогарлар

Эксплуататсия - (инг) юқори синф вакилларининг қуйи синф устидан ҳукмронлиги

Оккупатсия - (лот) босиб олиш, ишғол қилиш

Капитал - (лот) сармоя, қўшимча қиймат йиғиндиси

Агрессия - (лот) тожовуз, уриш очиш

Буржуа- (фр) феодализм даврида ўрта табақа вакили

Аннексия - (лот) бир давлатнинг зўрлик билан бошқа давлатларнинг ерини қўшиб олиши

Инқилоб - (фр) инқилоб, синфий курашнинг юқори чўққиси

Гомрулъ - ўз ўзини бошқариш ҳуқуқи

Оппортунистик - (фр) қарама қарши фикрлар мажмуи

Протекторат — (лот) мустамлака қилишининг бир усули

Капитализм- (Фр) ёллаш, ишчиларни эксплутатсия қилишга асосланган буржуа ижтимоий тузум.

Аболитсионерлар – (инг) қулликни бекор қилувчилар.

8. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., “Ўзбекистон”, 1997

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Ўзбекистон”. 2008.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., “Ўзбекистон”, 2009.
3. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939). Т., 1963.
4. Языков Е.Ф. История стран Европқ и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. М., 2000.
5. История новейшего времени стран Европқ и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, М., 1969.
6. Энг янги тарих фанидан ўқув услубий мажмуа.Т.2011

Қўшимча адабиётлар:

7. Мальков В.Л. Рузвельт Ф. Проблемы внутренней политики и дипломатии. М., 1988.
8. Мухин А.И. Австрия. М., 1979.
9. Сиёсий партиялар. Справочник. Тошкент, 1968.
10. Смирнов В.П. Новейшая история Франции. М., 1979.
11. Трухановский В.Г. Антони Иден. М., 1976.
12. Трухановский В.Г. Уистон Черчилль. М., 1977.
13. Уткин А.И. Дипломатия Вудро Вильсона. М., 1989.
14. Всемирная история в 12-ти томах. М.. Политиздат. 1960.
15. История Ирландии. Отв. Ред. Л.И.Гольман. М., Наука, 1980..
16. История Франции. Под рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973.
17. История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987.
18. История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971.
19. История дипломатии в 5-ти томах. М., Наука, 1959-1060.
20. Мухин А.И. Австрия. М., 1979.
21. Молчанов А.И. Генерал де Голль. М., 1988.
22. Мочанов Н.Н. Четвертая республика. М., 1968.
23. Новиков Г.Н. Голлизм после де Голля. М., 1984.
24. Кирей Н.И. Алжир и Франция 1962-1971. М., 1973.
25. Холохов К.А. Внешняя политика пятой республики. М., 1976.
26. Ивониян Э.А. От Джорджа Вашингтона Джорджа Буша. Белый дом и пресса. М., 1991.
27. Сиёсий партиялар. Справочник. Тошкент, 1968.

28. Смирнов В.П. Движение сопротивления во Франции. М., 1979.
29. Смирнов В.П. Новейшая история Франции. М., 1979.
30. Политические сдвиги в странах Запада. М., 1989.
31. Трухановский В.Г. Антони Иден. М., 1976.
32. Трухановский В.Г. Уистон Черчилль. М., 1977.
33. Уткин А.И. Дипломатия Вудро Вильсона. М., 1989.
34. Ундаоннов И.Н. Рузвельт. Черчилль и второй фронт. М., Наука, 1965.
35. Всемирная история в 12-ти томах. М., Политиздат. 1960.
36. История Ирландии. Отв. Ред. Л.И.Гольман. М., Наука, 1980.
37. История Франция. Под рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973.
38. История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987.
39. История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971.
40. История дипломат2 в 5-ти томах. М., Наука, 1959-1960.
41. Саттаров Т.С. Нефть и антиимпериалистическая борьба. Т., Фан, 1974.
42. Экономика КНР в 80-году. М., Наука, 1991.